

Лев Белов

ИИХ ФОРНИ
ТАРК ЭТАДИ .

ҚИССА

ТОШКЕНТ
ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
1984

Русчадан
ЭРКИН БОЙСИНОВ
таржимаси

Белов, Лев.

Иых горни тарк этади: [Кисса]. [Э. Бойсинов тарж.]— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.—192 б.

Хурматли болалар, киши баъзан ўзи истамаган ҳолда гаройиб, ҳатто машаққатли саргузаштии бошидан кечиришига тўгри келиб қолади. Ана шундай, яъни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тасодифлардан бирй ёзги каникулларини пионер лагерида ўтказаётган Вова Тутарев билан Галия Сверчковалар ҳаётида рўй беради.

Маёнкур қисса муаллифи икки жасур пионернинг шундай пайларда ҳам ўзини йўқотмай тўгри йўл тута олганликларини жонли, ёрқин бўёқларда тасвирлаб берган.

Белов, Лев. Ыых покидает пещеру: Повесть.

P2

у 4803010102—179
м 352 [04]—84 119—84

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 й.
(Тарж.)

БИРИНЧИ БОВ

**КИТОБХОНЛАР УЧУН ҚИЗИҚАРЛИ, БАЪЗИ МУҲИМ
МАЪЛУМОТЛАР КЕЛТИРИЛАДИГАН УШБУ БОБ
БҮЛҒУВСИ АСОСИЙ ВОҶЕАЛАРНИНГ ФАҚДАТ
ДЕБОЧАСИ ЭКАНЛИГИ ХУСУСИДА**

Қочиш, нима бўлганда ҳам бу ердан қочиш керак! Шу қарорга келиш учун Вова Тутарев нақ икки ҳафта бошини қотирди.

Бундай олиб қараганда Вова мазкур қарорга келишига, яъни энди ўз тақдирини ўзи ҳал қилишиб аллақачон қодир бўлиб қолган, қолаверса, иккинчидаям эмас, учинчидаям эмас, нақ бешинчи синфда ўқиётган бўлса, нега энди ўша вожатийнинг олдида бўйинни қисиб, дамини ичига ютиб юриши, унинг ҳамма бўйруқ ва кўрсатмаларини лом-мим демай бажо келтириши шарт экан? Нега энди мактабда ҳатто у билан гаплашишни ҳам ўзига эп кўрмай келган ўша қандайдир Галя Сверчкова унга танбеҳ беришга ҳақли бўлар экан? Яна у киши, мен кимнидир оталиққа олишим албатта зарур, деган хаёлни калласига келтиарканлару, бунинг биринчи қурбони мен, яъни Тутарев бўларканман?!

Аслида оталиққа олган киши, яъни шеф дегани ким ўзи? У қилғиликлари туфайли оталиғидагиларнинг барчасига калака бўлиб юрадиган бир одам. У ҳамма нарса билан қизиқади: Вова қачон уйқудан турди, линейкада ўзини қандай тутди, тушлик пайтида унга компот етдими, кечки овқатдан сўнг тишини тозаладими, йўқми. Умуман, шеф ўз оталиғидаги одамнинг ҳар бир қадамини кузатиб юради. Вовага у гўё кечасию кундузи назорат қилиб тургандай туюлаверади. О, унинг ҳамма нарсани кўриб турадиган кўзлари-чи! Улардан ҳеч нарса қочиб қутулолмайди. Унинг нигоҳи девор ортида, палаткалар ичиди, дарахтларнинг орасида, пионерлар сафида овқат ейиладиган столлар, пахталик кўрпалар тагида, уйларнинг чордоғида ва ҳатто ҳовузнинг тубида нималар борлигини ва нималар бўлаётганини шундоққина кўриб турди — тўсиқ билмайдиган бир сирли нигоҳ деб ўйлаш мумкин.

Бир куни Вова сой бўйидаги жийданинг шохига

чиқиб сувга калла ташлаган әди. У ҳали Оқсувнинг нариги қирғоғига шүнғиб ўтишга улгурмасданоқ, қулоқларига таниш овоз кела бошлади:

— Тутарев, бу ерда чўмилишга сенга ким рухсат берди? Биласанку, фақат бассейндагина чўмилиш мумкин!

— Яна жосуслигингни қиляпсанми?— деди жаҳли чиқиб Вова Сверчкованинг қўққисдан бу ерда пайдо бўлиб қолганига ҳайрон бўлиб.— Агар жонимга шунаقا тегаверадиган бўлсанг, бир кунмас бир кун абжағингни чиқариб ташлайман, билдингми!

Аммо, қиз қўққисдан қандай пайдо бўлган бўлса, яна шундай ғойиб бўлиб қолди.

Кечқурун, линейка пайтида эса, Вовага ҳайфсан ёълон қилишди. Нима учун дейсизми? Тартибни бузгани учун.

Агар бу ҳайфсан биринчиси бўлганда-ку майли әди-я! Аммо бунаقا жазолар сони ҳозир нақ ўнтадан ҳам ошиб қолганди. Энди гап уни лагердан уйига қайтариб жўнатиб юбориш ҳақида бораётган әди. У нима иш қилиб қўйибдики, шунчалик ваҳима қилишса?!

У битта ҳайфсанни кечикиб қолгани учун олган, ўшанда доривор ўсимликлар йиғиб келиш учун походга жўнаётган иккинчи отряд Вовани деб қирқ беш минут кутиб қолган әди.

Бошқа бир ҳайфсан, ошхона бўйича навбатчилик қилишдан бош тортгани учун берилган әди.

Ўчинчисига эса, шунчаки арзимаган иш учун — яъни ёнидан чопиб ўтиб кетаётган қизни чалиб юборгани учун сазовор бўлган әди.

Тўртингчи ҳайфсан...

Санашнинг нима кераги бор? Ахир, муаллиф Вова Тутаревнинг олган жазоларини эмас, балки унинг ғаройиб саргузаштларини тасвирламоқчи-ку! Агар унинг ҳамма ножўя қилғиликларини санаб ўтадиган бўлсак, унда вақтимиз беҳуда кетиши турган гап.

Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, у оддий ҳайфсанлардан ташқари, икки марта огоҳлантириш билан, уч марта охирги огоҳлантириш билан ва бир марта энг охирги огоҳлантириш билан ҳайфсан олган әди.

Энди огоҳлантиришларнинг энг охиргисининг охиргисини ҳам кутиб ўтиришга ҳеч бир ҳожати қолмаган әди. Ўшанда Вова, энди лагерь билан ҳайфла-

шиш керак, деган қатъий ва сұнгги қарорга келган әди. Бас әнди, әрталабки ва кечқурунги линейкалар-сиз ҳам яшаб күриш учун бу ердан қочиб қолиши керак. Эрталабки бадантарбиясиз, ионуштага, тушлик ва кечки овқатга чорловчи горн овозисиз, күнгил айнитувчи панду насиҳатларсиз, ўлгудай зерикарли ўйинларсиз, тирноқларни парвариш қилиш түғрисида бўладиган ақлга сифмайдиган гапларсиз, умуман, Вованинг эркинликларини чеклайдиган барча машмашаларсиз бир яшаб күриш учун ҳам шундай қилиши керак әди.

У ўзиша яшашни, күнглига нима келса, шу ишни қилишни, уйқудан қачон хоҳласа шунда туришни, қаерда хоҳласа ўша ерда чўмилишни истар әди. Муҳими — жонига тегиб кетган Галия Сверчкованинг оталифида эканлигини ҳис қилмай юрса бўлгани.

У, Галия менинг ҳар бир қадамимни кузатаётгани йўқ, ҳар бир масалага ўз нуқтаи назаридан ёндашишга мени мажбур этишга ҳаракат қилаётгани йўқ, қисқаси, менинг ҳаётимни заҳарлаётгани йўқ, деган бир ишонч билан яшашни истарди.

Бир сафар, шаҳар газетасининг ҳодисалар, можаролар ҳамда суд мажлислари түғрисида ҳисоботлар ёзиш бўйича мутахассислашган ходими, яъни Вованинг отаси Леонид Васильевич Тутарев, ҳар бир одамга ўз нуқтаи назаридан қараш билан ўғлини ҳайратга солиб қўйган әди.

Ҳар бир одамни газета шрифтига қиёс қилиб кўрса бўларкан.

Масалан, «майда» одамларни Леонид Васильевич нонпарель билан қиёсларкан, «У ҳам одам эканми? Нонпарель!»— дер әди у. Вованинг отасидан билиб олишича, нонпарель деб, майда, олти пунктга тенг бўлган босмахона шрифтини айтиларкан.

Леонид Васильевичнинг фикрича, жамиятга озгина бўлса ҳам қандайдир фойда келтира оладиган одамини саккиз пунктга тенг келадиган петитга қиёслаш мумкин экан. Ундан кейин эса ~~фор~~прус (ўн пунктли) ва цицеро — ўн икки пунктли шрифт келади. Бу шрифт қадимги Рим нотиги Цицерон номига қўйилган әди. Чунки улуғ нотиг ғундан беш юз йил олдин ўз нутқларини илк бор мана шу шрифтда эълон қилганди.

Шундай қилиб, Вова Галия Сверчковага қараб, уни ҳатто нонпарелга ҳам тенг кўрмади. У Галияни босмахона системасида қўлланиладиган 0,376 миллиметрга

тенг келадиган жуда ҳам арзимас бир митти пункт деса бўлади, деб ҳисобларди. Кўнглида эса, бу системада Сверчковани қиёсласа бўладиган яна бундан ҳам майдароқ бирон нарсанинг йўқлигидан ачи-нарди.

Вова Галя тўғрисидаги бу фикрларини ўртоқларига айтган эди, улар унинг баҳоларини умуман маъқуллашди. Ўртоқлари эса — у билан бир палаткада ётадиган — Гоша Чистюлькин, Эргаш Жамолов ва Сурен Капаретов эдилар. Ҳа, айтгандай, Суреннинг ҳақиқий фамилияси асли Карапетов эди, аммо паспорт ёзиб берадиган аёл отасига ҳужжат тўлғазаётган пайтда унинг муштумдай келадиган бурнига маҳлиё бўлиб қолиб, ҳарфларни тамоман адаштириб ёзиб юборган экан.

Бир куни Галя Сверчковага мактаб формасини кийиб юриш ҳақидаги қандайдир бир қарорни ўқувчиларга овоз чиқариб ўқиб беришни топширишган эди. У эндигина «Пункт бир» деган сўзни ўқиган эдиямки, бирдан ўринсиз кулги кўтарилди ва бунинг учун тўрттала ўртоқ катта вожатидан қаттиқ танбеҳ еди. Албатта, Маргарита Петровна шу пайтда бу болалар ўзаро Сверчковага Пункт Бир деб ном қўйиб олишди, дея шубҳа ҳам қилгани йўқ эди. Шу воқеадан кейин Сверчкованинг лақабига янада аниқлик киритилди — уни энди Пункт Бир деб атайдиган бўлишди.

«Кўктош»дан қочиш учун у энг зарур эҳтиёт чораларини олдиндан кўриб қўймаган деб, Вова Тутаревнинг ким эканлигини мутлақо билмаган одам ўйлаши мумкин эди. Биринчидан, у ҳаммадан яширии ҳолда ўзига ажойиб рогатка ясад олган эди. Бу — озиқ-овқатлар тугаб қолгудек бўлса, қуш ва у-буларни ов қилишда асқатиб қолиши мумкин.

Иккинчидан, у қояга тирмашиб чиқишни роса машқ қилди, чунки бу санъатни билмаган одамнинг тоғда юришига ҳеч қандай ҳожат йўқ — Вова эса айни тоққа қочмоқчи!

Учинчидан, у бир неча кун давомида ошхонадан нон бурдаларини олиб келиб уни пастқам жойларда — офтобдан қизиган тошлар устига ёйиб қўйиб қуритиб олар ва йигиб қўярди.

Тўртинчидан, Тутарев ўзининг қочиш режасини ҳеч кимга айтмаганди. Бу унинг шахсий сири эди. Шу сабабли ҳатто, энг яқин дўстлари ҳам ҳеч нарсадан

гумонсирамаётган әдилар. Кечаси, у олдиндан тайёр қилиб қўйилган юк халтаси билан қўрқа-писа палат-кадан чиққанида, улар қаттиқ уйқуда әдилар. Агар Вова Юрий Власовдай ёки Леонид Жаботинскийдай паҳлавон бўлганида борми, бу ухлаб ётган болаларни раскладушка-паскладушкаси билан қўшиб кўтариб кетганида ҳам, улар буни сезмаган бўлишарди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, Вова қочиш олдиндан яна битта ишни қойил қилиб бажариб қўйганди,— у ота-онаси ва бувисига хат ёзиб, конвертга солиб, лагернинг тёмир дарвозаси олдига осиб қўйилган почта кутисидан жўнатиб юборворганди.

Биз бу ерда Вова Тутаревнинг хати текстини тўла-сича келтирас эканмиз, унинг хат ёзиш услугбини, орфография ва тиниш белгиларини атайлаб қандай бўлса шундайлигича сақлаб қолдик. Буни биз, Вовани қоралаб кўрсатиш учун эмас, балки воқеани ҳақиқий ва қўшимчасиз баён қилиб бериш учун шундай қилдик.

«Ўртоқ ота-оналар!— деб ёзган эди Вова.— Ўртоқ Буви! Кимдир бирор сизга мени йўқолиб қолди деса асло ишонманг. Бу ёлғон, нега деганда мен йўқолманман, балки «Кўктош» билан хайрлашишни олдиндан жуда яхши ўйлаб кўрганман ва шунга қарор қилганиман. Биласизми нега? Сабаби ҳар куни ҳайфсан беришавериб мени бу ерда кўзимни очиришмади. Мен нима ёмон иш қилган эканманки шундай қилишса. Галя Сверчкова, яъни Пункт Бирнинг (лақаби шундай) гўё мен чет эл жосусидай ҳар куни менга оталиқ қилиши жонимга тегиб кетди ва эркин яшашни истаб тоққа кетишга қарор қилдим. Тоғ бу ердан унча узоқ эмас ва ҳавоси ҳам ёқимли, у ерда кўрпанинг ичидагиз мазза қилиб ухлайман, сўнгра эса уни завхозга қайта топшириб кетаман. Озиқ-овқатим ҳам бор. Ҳавотир олманглар менга ҳеч нарса қилмайди ва мен ҳеч қачон қўрқоқ бўлган эмасман. Бир ҳафта-дан кейин қайтаман.

Менинг қизғин ўпич ва энг яхши тилакларимни қабул қилгайсизлар.

Ўғлини, набиранги ва бешинчи синф ўқувчиси Вова Тутарев».

Балки, кимдир шунча нарсага ақли етадиган ва ҳатто нонпарель, петит, боргес, корпус, цицеро ва пунктларнинг ҳам нималигини биладиган бу хат автори нима учун грамматикага келганда бунчалик

нүүр бүлиб қолганига роса ажабланса ҳам керак. Аммо, түүрсисини айтганда, бунинг ажабланадиган жойи йүүк. Чунки ҳатто, баъзи терминларга бир суттакада уч мартадан: овқатдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам дуч келиб турадиган инженер ва врачлар (ҳаммаси эмас, албатта) ҳам баъзан проект эмас, «проект», дизентерия ва дезинфекция эмас, «дезентерия» ва «дизенфекция» деб ёзиб туришганидан кейин, зўрға бешинчи синфга ўтиб олган бу болакайдан нимани ҳам талаб қилиш мумкин? Унинг нима учун ҳам «Үртоқ ота-оналар!» ва «Үртоқ Бувил!» деб ёзганини олиб кўрадиган бўлсак, бу биз учун чинакам психологик жумбоқ бўлиб, бу саволнинг ечимига ким қизиқса, марҳамат, Вованинг кайфияти жуда яхши пайтда унга дуч келиш бахтига мусассар бўлса, унинг ўзидан сўраб билиб олиши мумкин.

Бироқ, биз анча четга чиқиб кетдик, бу вақт ичидага қаҳрамонимиз балки аллақачон йўлга чиққандир. Шу билан бирга ёш саёҳатчимизнинг табиатида, хатти-ҳаракатларида гарчанд келишиб бўлмайдиган баъзи бир жиҳатлар бўлса-да, ҳозирча уни кўздан қочирмаган маъқул.

ИККИНЧИ БОБ

**ТОҒ СҮҚМОГИДА КУТИЛМАГАН УЧРАШУВНИНГ
СОДИР БЎЛИШИ-Ю, ШУНДАН СҮНГ
ВОҚЕАЛАРНИНГ БИР-БИРИГА УЗВИЙ
БОҒЛАНИБ КЕТИШИ ХУСУСИДА**

Энди очиқасига гаплашайлик: Вова Тутарев тонг саҳарда палаткадан чиқиб, ариқ устидаги кичкинагина кўприкчага олиб бориладиган таниш сўқмоқقا тушганида, эти жунжикиб кетди ва бу албатта, эрталабки совуқдан эмасди.

Аслида, совуқ баданидан ўтиб, тишлари такиллаб кетаётган эди. Лекин у бу сафар кўпроқ қўрқувдан титраётган эди. Шуни ҳам айтиш керакки, эндигина бешинчи синфга ўтган ҳар қандай пионер ҳам дўстларини иссиққина палаткада қолдириб, кутилмаганда бирор қўрқинчли нарсага дуч келиб қолишдан қўрқмай зимзиё қоронфиликда йўлга отланавермайди.

Тўғриси, унча қоронги ҳам эмасди. Осмонда ҳали юлдузлар совуқ милтирас, ҳар замонда эринчоқ булутлар орасидан уйқусизликдан сарғайнб кетган, со-

буқ ой мўралаб-мўралаб қўярди. Аммо Вовага бутун атроф зулматга ботгандай бўлиб туюларди.

Вова кўпприк устида бир оз тўхтади. Унинг кўзига узоқдаги ғалати қоялар, тош ва буталарнинг айқаш-уйқаш бўлиб ётган манзараси элас-элас кўринарди. Кўзга кўринмайдиган бирор, гўё театр декорациясини алмаштирадиган улкан ричагни бураб юборгану, кундузги ёрқин тасвирлар ҳандайдир бир қўрқинчли тунги манзаралар билан алмасиб қолганга ўхшарди. Вовага ер тагидан бир номаълум нарса чиқиб келаётгандай туюлиб кетди.

Вовани қўрқув босди. Унга бундай ваҳимали қоронфиликда олдинга юришнинг гўё ҳеч бир ҳожати йўқдек эди. У ҳозир ўз расқладушкаларида тинчгина ухлаб ётган дўстларини эслаб ўз-ўзига раҳми келиб кетди.

Нима қилиш керак?

Вова кўпприк ёнидаги тошга ўтирас экан, чарчаганини ҳис этди ва елкаларини юқ халта тасмасидан бўшатиб қўйиб анча енгил торти. У хаёлан ўзи билан бирга олган буюмларини бирма-бир санай кетди. Барча буюмлари орасида энг муҳимлари, албатта рогатка, қаламтарош ҳамда агар олдидан айиқ чиқиб қолгудек бўлса керак бўлиб қолади, деб ўйлаб олган ўйинчоқ пистолет бор эди. Пистолетнинг чақмоқ ўти билан йиртқичнинг кўзини қамаштиrsa бўлди, у шу заҳотиёқ қочиб кетади.

У тонг отишни шу ерда кутиб туришга қарор қилди. Ахир, лагердан ҳеч кимга сездирмай чиқиб кетган эди-да. Тоққа қачон жўнайди — энди бу унинг шахсий иши.

«Ухлаб қолмасам бўлди!»— деган фикр ўтди унинг кўнглидан. Вова ўрнидан турди-да, ямшикларга ўхшатиб қўлларини дам кериб, дам йиғиб ҳаракат қила бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг анча исиб қолди.

Хуллас, осмон ёришиб, юлдузлар сўна бошлади. Вова юқ халтасини елкасига илиб йўлга тушди. Йўл унга таниш эди. Яна сал қадамини тезлатиб бирор соатлар юрса, ҳов бир маҳал соясида ётиб ухлаб қолиб сборга кечикиб қолган ўша тиканакли бута кўриниб турган жойгача етиб олиши мумкин. Бола дўлана олдига етиб борганида, қуёш Кўктошнинг қорли чўққилари оша мўралаб, ҳали уйқуда ётган водийга эндинигина заррин нурларини соча бошлаган эди.

Вова юқ халтасини очиб, рогаткасини олди. Уни

енгилгина силкиб чармига тош солиб, дўлана танасини мўлжалга олди. Урал Нақ кўзлаган жойга тегди. Севиниб кетганидан ўзи ҳақида ўйлаб кетди: «Ҳазиллаша кўрманг биз билан. Учидек кетаётган қушни ҳам уриб оламиз. Қани энди бир ёввойи одам чиқиб қолса! Бешинчи синф ўқувчиси В. Тутарев шунда нима қиласди? Шундай мўлжалга оларди-да, пақ этиб отарди-ю, нақ пешонасига соларди. Қўлингни кўттар!» У ёввойи одамнинг бешинчи синф ўқувчиси В. Тутарев томонидан қўлга туширилганлиги ҳақидаги хабар бутун ер шаридаги қандай шов-шувларга сабаб бўлишигини кўз олдига келтирас экан, кўнгли яйраб кетди.

Мана ўшанда, ўзидан катта болаларга кулги бўлиб, оддийгина... ўйинчоқлар ясаш билан шуғулланадиган ўша мишиқи нонпарель Чистюлькининг устидан роса мазза қилиб кулиши мумкин.

«Хўш, ҳурматли Гошажон,— дейди ўшанда Вова,— сизнинг ўша қаҳрамонона ишларингиз қалай кетяпти? Ўзингизнинг машҳур устахонангизда нечта қўғирчоқ ясаб олдингиз? Сизни мабодо бир юз ўттиз бешинчи мактабнинг фахрий қизи қилиб сайлашгани йўқми ҳали? Эҳ-а, сайлашмадими? Эсизгина-я! Ҳа, айтгандай, жуда кўпдан бери сиз билан танишишини орзу қилиб юрган ёш, чиройли, жун босган бир одамни кўришини истамайсизми? Фақат, марҳамат қилиб, унинг қўлларини қаттироқ сиқиб юборманг тағин, чунки у кишини тоғдан арқонда бойлаб олиб келгунимча бир оз ҳолдан тойиб қолган».

Ҳа, Вованинг бу ёрқин нутқини эшишиб ўтириш Гошага унча кўнгилли бўлмайди, албатта. Нима ҳам қила оларди? У билан олишиб ўтирмайди-ку. Яна ким билан денг? Нақ Тутарев билан-а! Номи бутун ер шарининг ҳамма бурчакларида янграб турган, портретлари эса ҳатто эскимослар, ҳаҳ, нимайди?. Осилиб турган... ҳаҳ, нима деб аташарди уни...

Ярамас бу жумбоқнинг пайдо бўлиб қолганини қаранг-а, шу топда! Ҳаҳ, шайтон урсин-а; нима ҳам деб аташарди эскимослар ўз уйини?» У, ертўла, ўтов, капа, чайла, сакля, чодир деб санайвериб заифлашиб қолгани хотирасидан аччиғи чиқиб турганида, бирдан чеҳраси ёришиб кетди.

— Чум!— қичқириб юборди суюниб.— Чум, Чум, Чум!!

Худди шу маҳалда — ёки унга шундай туюлди-

ми?— шундоқына яқингинасида бир нарса шитирлади, томоқ қирди, ҳаттоки эснагандай ҳам бўлди.. Ҳар қандай қизил сўзларни чеккага суриб қўйиб тўғриси ни айтсан: Вова қаттиқ қўрқиб кетганди. Йўқ, у кўрқоқ эмасди. Буни айни шу пайтда, тонг саҳарлабоқ бу ерларда юрганининг ўзиёқ исботлаб турарди. Аммо, шуниси ҳам борки, паспорт олишига ҳали роса беш йил қолган ва тоғдаги сўқмоқ йўлда ўзи билан рогаткадан бошқа ҳеч қандай қурол олмаган ҳар қандай одам ҳам ёнида хавфли бир овоз эшитиб қолгудек бўлса, бир чўчиб тушади да.

Вова дўёлана олдидаги майса устига ўзини ташлади-ю, қимир этмай жим бўлиб қотиб қолди. Қаёқдан-дир тепа томондан жарангдор, лекин жонига тегиб кетган бир овозни аниқ эшитиб қолганида унинг юраги сал бўлмаса қинидан чиқиб кетаёзди:

— Тутаревмисан? Ҳа-а, сен буёққа ғойиб бўлган экансан-да.

УЧИНЧИ БОБ

ОЧИҚЧАСИГА БЎЛИВ ЎТГАН БИР СУҲБАТ ВА ВОВАНИНГ ҮПИЧГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТ ХУСУСИДА

Вова бошини кўтариб ҳайратдан жойида қотиб қолди: қархисида Галия Сверчкова — Пункт Бир турарди!

У майсага ўтириб қолди ва оғзини катта очиб узоқ эснади. Одати шунаقا, бирон кўнгилсиз иш юз бериб қолса негадир уни эсноқ босади. Галия бу ерга қидириув группасида келиб қолганига ҳеч қандай шубҳа қолмаган эди. Ҳозир у бу заرارли команданинг зараркунанда аъзоларини бу ерга чақириб йиға бошлиди.

— Хўш!— деди Вова унинг ҳаворанг шимига ғижиниб қарапкан.— Мени биринчи бўлиб топганингдан суюнаётгандирсан? Энди асирни лагерга олиб кетсаларинг қерак?

— Қанақа асирни?— деди тилга кириб Сверчкова.— Нима, жинни-пинни бўлиб қолдингми ўзи? Тагин жинни бўлиб қолганинг рост бўлмасин. Ҳе, йўқ, бе йўқ бирданига: «Чум, чум, чум!» деб қичқириб қолганинг нимаси! Даволаниш керак.

— Шошма, шошма! — ўрнидан турди Вова. Мен ҳеч нарсаны тушуна олмаяпман...

— Одатдагидай-а! — деди Галя кўзларини қисиб.

— Отряд билан эмасмисан?

— Мендан қочмоқчи бўлдингми? Қўлингдан келмайди! Қаёқча жўновдинг?

— Олдин менинг саволимга жавоб бер! — деди Вова аччиғи чиқиб. — Ўйловдимки...

— Курка ҳам ўйлади... Хўш, йўл бўлсин энди, Владимир Тутарев? Наҳотки, сени оталиқча олсаму, яна шундай ташлаб қўйсам, қандай қилиб ишондинг бунга?

Вованинг бадани жимирилашиб кетди: бу Сверчкова дегани, ҳатто кечаси ҳам уни назорат қилиб юрганга ўхшайди!

— Умуман, нима керак ўзи, сенга? — энди таҳдид оҳангиди сўради Вова.

— Сенга-чи?

Улар бир неча дақиқа бир-бирларига тикилишиб туришди. Агар Вова оёғининг учидаги сал кўтарилиб, бутанинг нариги томонига қарамаганида, балки бу танг ҳолат яна ҳам узоқ чўзилиб турармиди. Бутанинг нариги томонида, Галянинг оёқлари остида... юк халта юмалаб ётарди!

Унга юк халтанинг нима кераги бор?

Буни дарҳол аниқлаш керак! Агар Вовани қидириб топинглар, деб маҳсус қидирув отряди тузишиб, бу томонларга юборилган бўлса, у ҳолда бир амаллаб бўлса ҳам, Сверчковани алдаб-сулдаб, ундан қочиб қолиши керак.

— Қимлар билан келдинг? Анавилар биланми? — дея сўради Вова ҳамон оёғининг учидаги турганича, Галянинг юк халтасига қўрқув аралаш қараб қўяр экан.

— Анавилар деганинг — қимлар?

— Э-ээ, сенга қимлар билан бирга келдинг деяпман?

— Сен билан!

Бу энди Вованинг ғашига тегди. Кўриниб турибдики, Галя ростдан ҳам ўзини жинниликка солаётиди, афтидан группанинг бошқа аъзолари ҳам бу ерга этиб келиши учун у атайлаб вақтни чўзаётган бўлса керак.

— Мен билан бу ерда фақат биттагина одам

бор,— деди Вова қовоғини уйиб ва ичида бу шилқим қизнинг бошини қандай қилиб қотирсан экан деб.

— Ким у?— сўради Сверчкова ҳайрон бўлиб атрофга алланглар экан, Вовага ҳатто унинг кўзларида қўрқув акс этиб кетгандай ҳам бўлиб кетди.

— Сен!

Галя бир зум кўзларини катта очиб Вовага қараб қолди, кейин бирдан ўзидан-ўзи кулиб юборди-ю яна жиддий тусга кириб сўради:

— Гапинг тўғрими, Тутарев? Мени алдамаяпсанми?

— Сени алдаш кимгаям, нимагаям керак экан,— қўлини силтади Вова ва дарҳол ўзини енгил ҳис қилиб бир оз чеккага юрди.

— Йўқ, сен тўғрисини айт, Тутарев,— ҳамон ўзини босолмаётган эди Сверчкова,— мен сенинг жонингга тегиб кетган эдим шекилли, шунинг учун қочиб кетаётган эдинг-а?

— Топдинг!— курсанд бўлди Вова.— Аммо, булардан ташқари менинг бир хайрли илмий мақсадим ҳам бор эди.

— Хайрли бир илмий мақсадим ҳам бор эди?— овозини кўтариб сўради Сверчкова.

— Майнавозчилик қилма!

— Бўлди, Вова, гапни айлантирма,— ярашув оҳангига деди Сверчкова. У бутанинг нарёғидан ўтиб келиб қўлини Тутаревнинг елкасига қўйди.— Айт, қаёққа кетмоқчи эдинг?

Вова қизнинг қўлини елкасидан олиб ташлади-да, унга хавотирланиб қаради. Чунки қизнинг охирги саволи бир оз уни шубҳага солди. Галя унинг режаларини билиб олиб, кейин эса булар ҳақида лагерь бошлиғи Алексей Ипполитовичга айтиб беришни мўлжалламаяпти микин? Ҳар ҳолда у дружина советининг аъзоси, шунинг учун ҳам унга Вова Тутаревнинг қаёққа қараб йўл олганини аниқ билиб келиш ҳақида топшириқ беришган бўлишлари ҳам мумкин-да ахир...

— Демак, сен орқадан айғоқчилик қилиб юрибсан, шундайми?— деди Тутарев Галя томонга бурилиб.— Фақат ростини айт!

— Йўқ, ундей эмас, бошини мағурур кўтарди Сверчкова.— Мен айғоқчи эмасман. Аммо, сенинг бундай бедарак йўқолиб кетишингга ҳам йўл қўймайман!

— Сенсиз йўқолиб кетмасман-а, аммо сен билан эса...

— Биласанми, Вова, кел тўғриликча гаплашайлик,— таклиф қилди Сверчкова ва майса устига ўтирида, боши билан имлаб деди:— Қани ўтири-чи.

Вова Галянинг ёнига ўтириди. Болакайнинг юзида иккалови биргаликда ҳозир қандайдир оламшумул бир масалани ҳал қилишлари зарур бўлиб тургандай ташвиш аломати пайдо бўлди.

— Хўш?— деди Вова тин олиб.

— Ҳадеб, ҳайфсан олавериш ҳам жонингга тегиб кетгандир-а?

— Нимасини айтасан,— деди хўрсиниб Тутарев, бу қиз менга ҳамдардлик кўрсатаётитпи шекилли деган ўйданми, ё бўлмаса ҳали ҳеч нарсанинг маълум эмаслиги ва барча нарсаларнинг қандайдир сирли бўлиб туюлаётганиданми, ишқилиб қалбидағи мутлақо тушуниб бўлмайдиган бир ҳаяжонни босиб.

— Менинг ҳам жонимга тегди.

— Сенинг жонингга нима ҳам тегарди? Пионер Тутаревнинг устидан оталиқ қилишми?

— Буни осон деб ўйлайсанми?

— Осон бўлмаса, нега ўзингни ҳам, мени ҳам қийнайверасан?

— Топшириқни бажараман-да.

— Кимнинг топшириғини?

— Дружина советининг.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир ўзим. Сенинг қандай қилиб нон қоқи қилганингни ва рогатка ясад олганингни кўриб қолувдим. Нега қилувдинг уларни?

— Ҳар эҳтимолга қарши. Қўйқисдан қандайдир бир Қор одам йўлиқиб қолса, ўшанда мен уни «тарақ» этиб бир соламану, тамом!

— Ақлингни еб қўйибсан? Ҳеч қанақа Қор одам йўқ-ку, бўлмаган ҳам. Бунинг ҳаммаси бир чўпчак, холос. Шунақа нарсаларга ишониб ўтирибсан-а...

— Чўпчакмиш...— деди Вова мазах қилиб.— Бу ҳали исбот қилинган эмас! Менимча, у қаерлардадир, балки тоғларда bemalol яшаб юрган бўлиши мумкин.

— Хўш, бу билан нима қилмоқчисан энди? Қор одамни қидирмоқчимисан?

— Нега қидирар эканман? Шундоқ, тоғда кутиб турман, агар дуч келиб қолгудек бўлса, ёқасидан

ғиппа бўғаман-у, лагерга олиб келаман. Мана шуна-қа, билдингми?

— Қандай қилиб уни бўғиб оларкансан? Буни осон деб ўйлайсанми?

— Амаллайман!

— Эҳ, сени қара-ю,— деди у кулиб.— Сенинг ро-гатканг билан фақат чивинни қўрқитса бўлади.

— Қўрамиз!

— Майли, кўрсак кўрармиз. Вова нега сен ўшандада «Чум, чум!» деб қичқирган эдинг?

— Эскимосларнинг уйи нима деб аталиши эсимга тушиб қолувди. Биласанми, унинг номи ҳеч ҳам калламга келмай турувди. Бирдан эсимга тушиб қолди.

— Эскимосларники дейсанми?— қайта сўради Сверчкова.— Сенга ким айтди эскимослар чумда яшашади деб?

— Бўлмаса қаерда? Утовда яшашадими?

— Утовда ҳам эмас, иглада. Тушундингми? И-гла-да, бу ерда ургу И ҳарфига тушади. Қордан ясаб олишадиган шунаقا бир кулбача, тепасида тутун чи-қиб турадиган тешикчаси ҳам бўлади.

— Иглада бўлса иглада-да,— истамайроқ маъқуллари Вова.— Менга ҳозир «иглами-пиглами» барис-бир.

Вова рогаткасини беркитди-да, юк халтасини ел-касига илганча яқиндагина ўзи юриб ўтган ўша таниш йўлдан юқорига қараб ўрлаб кетди. Орқасидан эса Сверчкова ҳам изма-из келаверди.

Гаях ҳам сафарга унга ўхшаб тайёргарлик кўрган эди. Иўлда Вова унинг чап ёнида... нима осилиб турганини кўриб қолди денг?— дурбин! Иўқ, бу ўша — Вова кимдир унинг туғилган кунига атаб совфа қилишини кутиб юрган дала дурбинига ўхшамасди албатта. Бу оддий театр дурбини эди. Аммо, нима бўлсаям ҳар ҳолда дурбин эди-да!

Сверчкова Вованинг бунга қизиқсиниб қолганини сезиб, дурбинни олиб унга узатди.

Вова дурбинни кўзига яқин олиб келиб пастга, қоялар орасидан илонизи бўлиб тушиб кетган сўқмоқ йўлга қаради-ю шу заҳоти чўчиб тушди, ке-йин дурбинни Галяга узатиб боши билан ишора қилди.

— Бу ўшалар!— қичқириб юборди Сверчкова.— Бизни кўришибди! Улар томон юрамизми?

— Йўқ, керакмас! Бўлди. Барибир мени энди ла-
гердан ҳайдашади. Сен истасанг, боравер. Омон бўл!
Хайр!

— Шошма!— Сверчкова унинг қўлидан ушлаб
қолди.— Мен сени ташлаб кетолмайман, мен сенга
жавобгарман-ку, ахир... Менга қара... Қел энди...—
Вованинг кўзларига синовчан назар билан боқди
қиз.— Қел, бир-биримизни ҳеч ҳам ташлаб кетмай-
миз, доимо бирга бўламиз, деб қасам ичамиз!

Вова қаддини ростлади. Сўнг:

— Қасамёд қиласман! Фақат бир кунгагина рози-
ман,— деб қўшиб қўйди.

— Қе, ўпишамиз!— кутилмаганда таклиф қилиб
қолди Сверчкова. Вова унинг овози титраб кетаётга-
нини сезиб қолди.

— Нимага?— ҳайрон бўлди бола.— Қейин мен
ўпишишини ёмон кўраман...

— Шундай бўлса ҳам келақол, бир-биримизга со-
диқ бўлишимиз учун,— деди Галя ҳали ҳам ўшандай
титроқ овоз билан.— Қўлимизни мана шундай салют
қиласатуриб. Шунда яхши бўлади.

— Бўпти,— деб Вова қўлини силтади, бу атроф-
да бирор кузатиб ўтирган бўлмасин тағин дегандай
атрофга аланглаб.— Сен агар шуни хоҳлаётган бўл-
санг... Фақат эртагаёқ сен мени бу ерда қолдириб,
ўзинг «Қўктошга» қайтасан.

— Яхши.

Улар ўнг қўлларини бош узра кўтаришиб, бар-
моқларининг учини пешоналарига теккизишиб аста-
секин бир-бирларига яқинлашдилар, бурунлари бир-
бирига тегиши билан тез ўпишиб олишди.

Галя ҳайрат ичидаги лабларига қўлларини теккизи-
ва қандайдир бир дақиқа ичидаги четга бурилди-да,
лабларини ялаб қўйди.

Вовага келсак, тан олишимиз керакки, у бу дақи-
қалар ичидаги четга қараб секингина тупуриб олишга
улгурди, холос. Шуниси яхши бўлдики, буни Сверчко-
ва пайқамай қолди! Сезганида борми, бундан кейинги
воқеалар бутуплай бошқача изга тушиб кетган бўлар-
ди.

11 март
Севастополь

3.



ҚАҲРАМОНЛАРИМIZНИ ВАҲИМА БОСГАНИ
ЕКИ НОМАЛУМ ЕРГА ҚУЛАБ ТУШГАНЛИКЛАРИ
ХУСУСИДА

Болаларнинг тикка тоғ сўқмоғи бўйлаб қанчалик шошилиб кетаётганликларини гапирмаса ҳам бўлади. Аммо, шундай бўлса-да барибир буни таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Чунки худди ана шу тезкорлик уларнинг атрофни диққат билан кузатиб боришига ва баъзи бир овозларни илғаб олишига халақит беради.

Киз ҳамроҳини илтимосларига кўндириш учун салкам бир соат вақт кетди ва ниҳоят Галя сўқмоқ четидаги майсага ўтириб олиб юк халтасидаги энг оғир буюмларини чиқара бошлади.

Вова Сверчкованинг ўзидан ҳам анча эҳтиёткор эканлигини кўриб қойил қолди. Этикеткасига балиқ расми солинган уч банка консерва, бир килограммча қуритилган оқ нон, пўлатдан ясалган бир ошпичоқ, иkkита санчқи, иkkита алюмин қошиқ, бир килограмм пачкали қанд, иkkита отвертка, учта запас батареяси бўлган чўнтак фонари ва битта пўлат болғача Тутаревнинг юк халтасига жойланди.

Галянинг юк халтасида энг енгил буюмлар — сочиқ, совун қутичаси билан «Хлорадонт» сиқма тиш пастаси, тиш чўткаси, туз солинган кичкина халтача, ҳар хил рангдаги олти ғалтак ип, иkkита нина, беш қути гугурт, иkkита чит блузка, трусиклар, консерва очқиҷ, қўл рўмомласига ўроғлиқ қандайдир бир кичкина қутича ва гулчилик тўғрисидаги рисолалар қолди, холос.

— Сенга оғирлик қилмайдими? — сўради Сверчкова Вова анчагина дўппайиб қолган юк халтасини елкасига осаётганида.

Вова унга маъюс бир боқди-ю, аммо ўша заҳоти җилмайиб қўйди.

— Агаф яна битта шунақаси бўлсаям кўтараверман, бемалол! — деди гандираклаб.

— Менга қара, Вова, — бирдан суҳбат мавзуини бошқа томонга бурди Сверчкова, — нега кўзларинг икки хил рангда?

Афтидан, бу савол Сверчковани анчадан бери

қизиқтириб келган-у, аммо ҳозир мавриди келиб қолиб сүраётганди.

— Үзим ҳам тушунмайман,— хўрсинди Вова.— Ойимдан сўраган эдим, билмади, бувим эса, у бўлса...— Вова лабларини чапиллатиб яна хўрсиниб қўйди.

— Хўш, бувинг-чи?

— Бувимми?— қовоқларини уйди Вова.— Бувим айтдики... «бу худонинг кароматимиш». Бувим умуман бироз диндор одам. Үзинг тушунасан, у илгари замонда — ҳамма ибодатхонага қатнаб юрган ўн тўқизинчи асрда туғилган.

Анча йўл босиб чарчашдими энди улар секинроқ юришарди. Шу ерга келгандა қаҳрамонларимизнинг гўё олдиндан келишиб қўйишгандек, тамадди қилиб олиш ҳақида бараварига истак билдирганликлари ва шу заҳотиёқ яна аввалдан келишиб олишганидек, майса устига ўзларини таппа-таппа ташлаб юк халтаридан хўракларини бирма-бир чиқара бошлаганларини батафсил тасвирлаб, китобхонларнинг қимматли вақтларини олсак, инсофдан бўлмаса керак.

Бу ҳолатни тасвирлаш учун улар овқат еган вақтдан ҳам кўп муддат керак бўлади, нега деганда очиқиб қолган қаҳрамонлар овқатни одатда ионушта қилиб олган муаллифнинг ёзишидан кўра тезроқ ейишади.

Шунинг учун ҳам Г. Сверчкова ва В. Тутарев томонидан озиқ-овқатларнинг айрим қисмларини барта-раф этиш саҳнасини бу сафар ташлаб ўтамиш ва яна шуни ҳам огоҳлантириб қўянимизки, борди-ю қиссамиз қаҳрамонларидан биронтаси ўз иштаҳасини қондирив олишини истаб қолгудек бўлса, ҳар доим ҳам унчалик ёқимли бўлмаган ушбу саҳнани яна қайта тасвирлаб ўтирамаймиз. Вова овқат еяётгандা, ҳар қандай дипломатик зиёфатларда қатъий қораланадиган қандайдир чапиллатиб овоз чиқаришини, Галянинг эса, аксинча, овқатланаётганида овқатни шундоқ оғизига яқинлаштирганида қошиқдаги таом гўё кўз бойлогичлар томошасидагидек бир зумда ғойиб бўлишини — буни ҳатто ёнида ўтирган одамнинг ҳам кўзи илғамай қолишини эслатиб ўтишнинг унчалик ҳожати йўқ деб ўйлаймиз.

— Менга қара, Тутарев,— деди Галя овқатланиб бўлишгач, юк халталарини елкаларига осиб олишган-

ларида,— нега сен овқатни гүё ёввойи одамлардек ейсан?

— Сен, ёввойи одамлар овқатни қандай ейишини күрганмисан?

— Тахминан биламан. Агар қор одамга дуч келиб қолгудек бұлсак бир қараб құйғин, у қандай овқатла-нар әкан. Қейин ўзингни ҳам унга солишириб күр.

Вова ғапни бошқа томонга бургиси келди.

— Сен радиони тузата оласанми?— деб сүради у.

— Йүқ. Сен-чи?

— Учинчи синфдан буён ҳар қанақа приёмникни бузиб, қайта созлай оламан. Ҳатто, телевизорни ҳам тузата оламан!

— Сиз, ўғил болалар бизлардан күра уқувлисиз-лар-да,— деди Сверчкова хүрсиниб.

— Бұлmasам-чи,— деди Вова ғағрур, йўлдоши-нинг бундай очиқ тан олганлигидан хурсанд бўлиб.— Биз ахир, эркаклармиз!

— Фақат ёмон ўқийсизлар,— мийиғида кулиб қўй-ди Гала.

Улар шу тарзда ғап билан овуниб майдада шағалли сўқмоқдан юқорига тирмашиб чиқа бошлишди. Баъ-ван учраган сирғанчиқ жойлардан эҳтиёткорлик билан ўтишар, ииқилиб ётган йўғон дараҳт шоҳларидан ва ҳар ер, ҳар ерда учраб қолган кўлмаклардан сак-раб-сакраб ўтиб борардилар. Улар суҳбат давомида тирноқларни қандай парвариш қилиш лозим деган те-мага бағишланиб ўтган пионерлар сборининг қандай зерикарли бўлганлигини, болаларнинг илтимосларига кўра лагерга меҳмон бўлиб келган балеринанинг «Ку-балик партизан қиз» рақсини уч марта қайта ижро этганлигини, бир сафар паловнинг ичидан кичкинаги-на чўртон балиқча чиқиб қолганлигини мириқиб эс-лашди. Шу билан бирга машҳур альпинист Владимир Исидорович Карцевнинг уларга ҳикоя қилиб берган «Золим гул» ҳақидаги афсонасини ҳам әслашни уну-тишмади. Бу афсонанинг қисқача мазмуни шундай әди: тоғ чўққисида бир гул ўсармиш, агар қандайдир баҳодир ўз ҳаётидан кечиб бўлса ҳам уни тоғ чўққи-сидан пастга олиб тушгудек бўлса, бу гул ҳалққа фа-ровонлик баҳш этармиш.

Вова юзасини кўкиш-қизғиши моҳ қоплаган катта-гина бир чақир тош олди-да тўхтаб Галяга қаради.

— Сен нима дейсан, яна юқорига кўтарилавера-мизми?

— Билмасам. Аммо, менга қолса ҳув анати арча ёнига чиқардим.

Вова Сверчкова қўлини чўзган томонга қаради ва унинг нигоҳи бундан эллик қадамлар чамаси нарида кўриниб турган улкан бир дараҳтга тушди.

— Нега энди айнан ўша арча ёнига.

— Ўзим ҳам билмайман. Менимча ўша ёққа бориш керак. Биласанми, негадир оёғим ўша ёққа тортятли. Сенда ҳам шундай ҳодилар бўлиб турадими?

— Ҳа-да! Менга ҳам доим кимдир, бир нималар деяётгандай бўлаверади, биласанми, гўё шивирлаётгандай. Эшитиб тураман. Бу жуда қизиқ ўзи!

Улар қўл ушлашиб курсандчилик билан бир-биралига қарашиб, ўша баланд арча томон кетишиди. Дараҳтга ўн қадамча масофа қолганда, улар бир қулоқ қуриган шоҳ ва барглар уюмига оёқ қўйишилари биланоқ, қандайдир тубсиз бир жарликка қулаб тушиб кетаётгандарини пайқаб қолишиди. Бу шундай кутилмаганда юз бердики, ҳатто қўрқишга улгурмай ҳам қолдилар.

Уларнинг пастга қулаб тушиши жараёни бир неча секундда содир бўлди. Балки бир минутча давом этганнидир. Балки кўпроқ — бир соатларча давом этган бўлса ҳам ажабмас.

Агар уларнинг бу муаллақ бўшлиққа шиддатли қулаш жараёнини йиллар билан ўлчаш лозим бўлганда ҳам бунга эътиroz билдиришга ҳеч қандай асос бўлмаган бўларди.

Аммо, шундайми, шундай эмасми, ишқилиб ҳамма ёқлари тирналиб, шилиниб кетган Вова ва Галия энди юқорига чиқиб олишининг иложи бўлмаслигини ҳис қилганларида, иккаласининг ҳам кўзларига ёш қуилиб келди. Худди шу он қаерлардадир дўстлари, отоналари кўзлари тўрт бўлиб кутиб туришганлари эсларига тушди. Бундай фалокатдан қандай қилиб тирик қолганликларини, ҳалигача ҳеч ким — бу масалага қизиқсиниб қолган врачлар тугул, ҳатто ўз ҳаётларини механика қонунларини ўрганишга бағишилаган кўп олимлар ҳам тушунтириб бера олмаган бўларди.

Ҳар нима бўлганда ҳам бу ҳол орқали ақл бовар қилмайдиган ва афсонадай бўлиб туюлаётган ушбу ажойиб воқеалар тўғрисида энди энг ишончли далилларга эга бўлиб олдик.

БЕШИНЧИ БОБ

БОЛАЛАРНИНГ ЕР ОСТИ ЙЎЛИГА ТУШИБ ҚОЛИШГАНИ ВА БУ ЙУЛДА ДАВОМ ЭТГАНЛИКЛАРИ ХУСУСИДА

- Бирон нимани кўряпсанми?
- Йўқ, Галочка.
- Нима дединг?

Сверчкованинг сўзларидан ажабланиш оҳангини сезган Вова индамади. Қандай қилиб уни Галка эмас, Галина ёки Галя ҳам эмас, бошقا вақтларда бирорларнинг оғзидан эшиганида ҳам энсаси қотадиган эркалаш қўшимчасини қўшиб, Галочка деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

У, мана шу зим-зиё қоронфилик ва мутлақо номаълум бир ерга тушиб қолганликлари, уларнинг ҳоли бундан сўнг нима кечиши мумкинлиги ҳақида эмас, балки бор-йўғи қандайдир нонпарелгина бўлган бу Сверчковани қандай қилиб Галочка дейишга тили боргани ҳақида ўйларди.

Қўқисдан оғзидан чиқиб кетган бу эркалашнинг сабабчиси уларнинг ташқи дунёдан мутлақо ажralиб қолганликлари ва келгувси қўрқувларни ҳис қилаётганигидан эди. Энди у ёнида на онаси, на отаси ва на бувиси йўқлигини ҳис қилгач, уларга бўлган меҳру муҳаббатини беихтиёр ўзининг мана шу ёлғизгина йўлдошига ишлатиб юборишига тўғри келиб қолган эди.

- Ҳеч еринг оғримаяптими?
- Билмайман.
- «Билмайман» деганинг нимаси? Нима, ҳеч нарса сезмаяпсанми?
- Йўқ.
- Э, қойил-е! Мени эса... Вой! Елкамдан теримни шилиб олишгандай, юз-бетимдан эса иссиқ дазмол юргизишгандай бўляпти.
- Менинг ҳам. Вой!
- Сенда ҳамми? Бўлмаса, нега ҳеч нарсани сезмаяпман дединг?
- Шундай туюловуди. Вой! Вовка, юк халтамни елкамдан олишиб юбор. Елкам ачишиб кетяпти. Бунинг устига чанқаяпман.
- Бунақа меҳрибончилигингни йиғишитир,— деди

қатыяят билан бола.—Мени шұндаій, Вова деб атайдер. Мен ҳам chanqab кетяпман.

Қиз ҳар сафар оғриқданвой-войлаб юборганида Вова ҳам бир хүрсинаң күяр ва үзини иҳраб юборишдан тийиб, қизнинг елкасидан юк халтасини туширишига ёрдамлашарди.

Кейин елкаларидан юк халтасининг қайишларини куч билан тортиб бүшатди-да, уни мөхми, ўтми нималигини билиб бүлмайдиган бир юмшоқ нарсанинг устига күйди.

— Қизиқ, қаерга тушиб қолибмиз, Вова?

— Қаёқдан билай?

Пиқ-пиқ йиғи товуши әшиналди. Лекин бу унчалик узоқ давом этмади, сабаби шу пайт Гаянинг эсига «ғамни күз ёши қувмас», деганга ўкшаган аллақандай бир мақол тушиб кетган бўлса керак, у жим бўлиб қолганди.

— Нимага ўтириб қолдик?— деди қиз безовталашиб.— Нима бўлса ҳам ҳаракат қилишимиз керак.— Қани, орқамдан юр!

— Нега энди менинг орқамдан сен эмас, мен юрарканман?

— Тентак, ахир сен эмас мен-ку шеф.

— Э, шефлигингдан ўргилдим, үзинг боравер!

Сўнг икковлари ҳам юқорига тармашиб чиқишига ҳаракат қилишди. Лекин бундан бир иш чиқмаслигини тезда англаб қолишиди ва юк халталарини елкаларига ўнгариб, дуч келган томонга яна тармаша бошлишди. Вақти-вақти билан бироз нафасларини ростлаб олиш учун ўтириб дам ҳам олишар, баъзан эсавой-войлаб ҳам қўйишарди... Энди бундан уялмай ҳам қўйишган эди.

Бунинг устига сувсизлик қийнар, chanqovlariini босишга эса ҳеч қандай умид йўқ эди. Шундай бўлса ҳам зўр-базўр олдинга интилишарди

Аксига олгандек, уларнинг қайси томонга қараб кетишаётганини, олдинга силжишяптими ёки орқагами, билиб бўлмасди: қоронгилик уларни чағитаётган эди. Аҳвол чорасиздек туюларди. Улар гангигиб қолганларидан ҳатто юк халталаридан фонаръ, гугурт борлигини ҳам унугиб қўйишган эди. Бутунлай ҳолсизланниб қолган болалар бир-бирларининг қўлларидан ушлаб олишган эди. Шу пайт қиздан сал олдинроқда бораётган Вова бирданига қандайдир бир тор форга кириб боришаётганини пайқаб қолди. Бу

ернинг ҳавоси шунақаям қўланса ва оғир эдики, улар беихтиёр жойида туриб қолиши да ва нафаслари тиқилиб бошларини орқага буришиди.

— Галая,— деди Вова қўрқув билан,— бу ер қандайдир қувургга ўхшаган тор жойга ўхшайди.

— Қанақа қувур?— тушунмади Сверчкова.

— Шунақа-да, тош қувурми, ер қувурми, ишқилиб қувур-да... Нафас олиш ҳам қийин бўляпти? Нима қилсак экан? Ишимиз чатоқми дейман?

— Юр, орқага қайтамиз.

— Қайси томонга?

Орага кишини ээзб юборувчи жимлик чўкди.

— Балки бу қувур бизни қаёққадир олиб чиқар?— деди Вова гўё ўзича мулоҳаза қилаётгандай.

— Балки... Энди... кетдик!

Вова энди олдинга аввалгидан кўра секинроқ ўрмалади, унинг кетидан Галая ҳам лат еган тирсак ва тиззаларини силай-силай эмаклай бошлади. Юк халталар гоҳ-гоҳ тиқилиб қоларди. Болалар уларни олдиларига ўнгариб олишганидан кейин эса тор йўлакда ҳаракат қилишлари яна ҳам қийинлашди. Бирпастдан сўнг Вова ҳолсизланиб, қимирлашга ҳам мажолим келмаяпти, деб шивирлади. Галлянинг аҳволи эса уникidan ҳам баттарроқ эди, лекин шундай бўлса ҳам мана шу оғир дақиқаларда оталиfiga олган болакайдан орқада қолиб кетмаслик учун ўзини бардам тутишга ҳаракат қиласади. Вованинг шивирлаганини эшишиб, Галая ҳам тўхтаб анча вақтгача жим турди. Афтидан, у ўйланиб қолган бўлса керак. Сўнг бирдан куйлаб юборди:

Пионер доим ҳушчақчақ, шодон,
Пионер таслим бўлмас ҳеч қачон
Уни енголмас ҳеч қачон, ҳеч ким,
Уни Совет Россияси қўллайди доим,
Она Ватан даттавти-ла чиқади йўлга,
Доимо олға!
Доимо олға!

Вованинг кайфияти кўтарилди. Гўё шу пайтда кимдир кўзга кўринмас тоза булоқ суви билан чанқовини қондирган, чарчогини ёзган ва янги куч бағишлагандай бўлганди. Сверчкова ҳам вужудига қандайдир бир янги куч қуйилганини ҳис қилди ва Вованинг орқасидан олға қараб силжиди.

Шу тарзда, бир соатлар чамаси ўрмалаб боришгач, Вова бирдан қичқириб юборди:

— Еруғлик!

— Қани?

— Ҳув, ана, олдинда!

Улар яна ҳам тезроқ әмаклаша бошлади. Ниҳоят тор йўлакча тугади.

Бу ер ости йўлаги қаерданdir тушаётган нур билан ожизгина ёритилиб турган улкан бир ғорга олиб чиқди.

Йўлакдан бироз олдинга юришгач, юк халталарини ерга қўйишиб, қаддиларини ростлаб олишди. Бироқ шу заҳотиёқ, гўё команда бўлганидек яна ўзларини беҳол юк халталарининг устига ташлашди. Улар ниҳоятда ҳориб-чарчашган эди.

Болаларнинг ҳали йўлакда кўзига тушган ёруғлик энди бу улкан ғорда анча хира тортиб турарди. Болалар атрофга бир-бир разм солиб чиқишиди, аммо кўзларига қалашиб ётган уюм-уюм мармар тошлардан бўлак ҳеч нарса илинмагач, оғир хўрсинишида, бир-бирларининг қўлларидан ушлаб олишди.

Ким билади дейсиз, уларни энди нималар кутаётган экан?

ОЛТИНЧИ БОБ

ВОВАГА ҲАМ, ГАЛЯГА ҲАМ ГҮЁ АҚЛДАН ОЗИШАЁТГАНДЕК БЎЛИБ ТУЮЛАЁТГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Афсуски, Вова билан Гаянинг бу тош ғорда қанча муддат ухлаб қолганлигини аниқлаб беришининг иложи йўқ.

Қаҳрамонларимизнинг қанча вақт ухлаганликларининг нима фарқи бор, деган кишини овутувчи далда бўлмаганида, бу ҳақда ўйлаб ҳозир қанчадан-қанча одамларнинг боши қотган бўлар эди.

Хайриятки, улар уйғонишиди ва бизнинг бундан кейинги бўлиб ўтадиган барча воқеаларни кузатиб боришимизга имконият яратишди.

— Женя, қаёққа қочиб кетдинг? — деди хафа бўлган Сверчкова кўзларини уқалаб.

— Қанақа, Женя? — деди унинг овозидан уйғониб кетган Вова.

— Ковальченко! Бир минут олдин у шу ерда эдик, сочини тортқиласгани учун Гоша Чистюлькиннинг

устидан шикоят қылаётган эди, сүнг қаёққадир ғойиб бўлиб қолди.

Вова ёстиқ ўрнига қўйиб ётган юк халтадан бошини кўтариб ўйчан деди:

— Менинг ҳам тушимга лагерь кирибди. Биласанми, гўё Сурия Қурбоновна чечакка қарши бизларни эмлаётган эмиш. Владимир Исидорович бўлса: «Э бу бўлмагур ишларни қўйинглар, агар Қор одамнинг оёқ-қўйини боғлаб, уни золим гул билан бирга гриппга қарши таблетка ютишга мажбур қила олганларингда бошқа гап эди!» деб кулармиш. Шу пайт ғирашира гор ичида бирдан бироннинг эзилиб йиглаётган овози эшитилиб қолди. Вова ўзининг қисқа, аммо ўта таъсирли ҳикоясини шу ерда тугатишга мажбур бўлди. Галия қаерга келиб қолганларини эндигина англаб ётган ва бундан ўзини тута олмай, юрагини тўлдираётган ҳисларига эрк бериб юборган эди.

Вова уни овутишга уринмади. У ғордан чиқиб кетиш учун қандай бўлса ҳам йўл топиш ва агар бунинг чорасини тополмаса, унда бу ер ўзининг ва Гаялининг ҳаётидаги энг охирги манзил бўлиб қолиши мумкинлиги устида бош қотираётган эди.

Очлик қаҳрамонларимизнинг ғам-гусса чекишига барҳам берди ва уларни баб-бараварига юк халталарига ёпишишга ҳамда шоша-пиша нонушта қилиб олишларига мажбур этди.

— Бир қултум сув бўлганидами ҳозир!— тишини чапиллатди Сверчкова.

— Ҳозир агар кўлмак бўлса ҳам ичар эдим,— дея тўнфиллади Вова қовоини очмай.

— Балки, бирон ерда булоқ бордир?

— Хаёлпарастлик қилма! Кел, бундан кўра бу гор исканжасидан қандай қилиб қутулиш чораларини қидирайлик. Бу ерда одам сувсиз узоқ яшай олмайди.

Улар ўринларидан туришди, юк халталарини ел-каларига осиб олиш учун бир-бирларига ёрдамлашиб, сўнг кўр одамлардек қўлларини олдинга чўзишганча тошлиқ гор девори таги бўйлаб эҳтиёткорлик билан юра бошладилар.

Ярим соатлар ичида улар ғорнинг ҳамма жойини айланниб, пайпаслаб кўриб чиқишини ва ҳақиқий тош қопқонга тушиб қолиштанига иқор бўлишгандан кейин роса хафа бўлишди. Чунки улар қанча уринсалар-да, бу ердан энди эсон-омон чиқиб кетишдан да-

рак берувчи бирон бир белги топиша олмаган эдилар.

Галянинг шу қадар рухи тушиб кетган эдики, ундан ҳозир бирон сўз ҳам сўраб бўлмас эди. Вова ҳам тундлашиб қолган ва нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Ҳар хил хаёллар миясини чулғар, ваҳимадан юраги сиқиларди. О, қани энди шундай бир илохий куч пайдо бўлса-ю, уни бу аламли ҳолатдан қутқариб, шундайгина отаси-онаси ва бувисининг бағрига элтиб қўйса! Шунда Вова уйидагиларнинг ҳамма гапларини сўёсиз бажарибинга қолмай, балки йил бўйи ўз хонасидан ташқарига чиқмасликка ҳам тайёр эди. Хуллас, шундай оғир хаёллар билан озгина ўзини чалғитди-ю, Галянинг елкасига қўлларини ташлаб секин:

— Сен шу ерда ўтира тур, мен ғорни яна бир бор айланиб чиқай-чи,— деди.

Галя сўёсиз унинг бу таклифига кўнди ва шу заҳоти ўша ердаги тошнинг устига ўтира қолди. Вова юқ халтасини ҳам унинг олдида қолдириб, мармар тошлар қиррасидан ушлаб аста-секин ғор ичидаги юра бошлади. У ўқтин-ўқтин бирор бўшлиқ бормикин деб қўлидаги тош билан мармарларни уриб тинглаб кўрарди. Ҳеч қанақа бўшлиқ йўқ эди. Вованинг баттар рухи тушиб орқага қайтди.

Жойида жим ўтирган қизнинг ёнига келиб тўхтаб, атрофга қулоқ тутди. Унга Галя яна йиғлаётгандай бўлиб туюлди.

— Бўлди, йиғлама энди,— деди мулойим, унинг қўлларига қўлини қўйиб Вова.— Бардам бўл.

— Мен ҳеч ҳам йиғлаётганим йўқ,— деди ҳайратомуз қўлларини ёзиб Сверчкова.

— Ҳозиргина йиғлаётганингни ўзим эшигдим-ку!

— Мен-а! Сенга шундай туюлгандир.

— Нима бўлди сенга? Қандай ҳиқиллаётганингни мана шу қулоқларим билан эшигдим-ку. Нимадан уяласан. Яхвиси, ҳа, йиғладим деб қўя қолмайсанми, сенга бирор нима дермиди.

— Ахир, мен, йиғламаган бўлсанм, қандай қилиб йиғладим дейман.

— Бўлмаса, ким у йиғлаган?— ҳайрон бўлди бола.

Шу гандан кейин ғор ичи гўё ёришиб кетгандай бўлди, болалар энди бемалол бир-бирларини кўра оладиган бўлиб қолган эдилар.

— Балки бу ерга бирор мушук боласи кириб яши-
риниб олгандир?— күнглига келган тахминини айтди
Сверчкова.

— Мушук боласи қаёқдан келиб қоларди бу ерга?
Кейин, мушук боласи менимча йиғламайды, балки
миёвлайды.

— Баъзан фарқ қилиб ҳам бўлмайди!

— Буни сен ажрата олмайсан, мен эса...— Вова
гапини ҳам тугатмай, қўли билан «жим» дегандай
ишора қилиб қулоқ солди, яқин жойдан яна йифи то-
вушки келди. Бу сафар буни Галия ҳам эшилди. Эшил-
ди-ю юзларида қандайдир гуноҳкорлик ифодаси пай-
до бўлди, чунки, гўё бўлиб ўтаётган бу машмашалар-
нинг ҳаммасини ўзи томонидан олдиндан режалаши-
рилиб қўйгандай туюлди.

— Кимдир йиғлаяпти,— деди қиз.

— Айтдим-ку, ахир!— норози бўлиб елка қисди
Вова.

У энганиб, қулоғини ерга босганча тинглади. Йўқ,
овоз ер остидан келмасди. Вова ўрнидан турди-да,
гўё бутун вужудини қулоққа айлантириб, овоз кела-
ётган томонга қараб юришга ҳаракат қилди. Галия
ҳам унинг орқасидан эргашмоқчи бўлган эди, сен шу
ерда туратур, деб товуши қилди. Қиз бўйсунди.

У горнинг ҳамма томонини яна бир бор аввалги-
дан кўра синчиклаб айланиб чиқди. Бироқ шуниси
қизиқ эдик, Вова горнинг қайси томонини текшириб,
бошқа томонга ўтса йифи товуши ўша текшириб кел-
ган томонидан келаётгандай бўлаверарди. У иккала
қўлини оғзига карнай қилиб бор овози билан ба-
қирди.

— Ким у йиғлаётган? Э-е-й-й?!

— Э-й-й-и!— акс садо келди. Фор ичи бир силки-
ниб кетгандай бўлди.

Галия миқ этмай қотиб тураг эди. Қаердандир яна
йифи товуши келди. Бу аввалгисидан кўра кучлироқ
эди.

— Одамлар шу тарзда ақлдан озишар экан-
да-а?— деди Вова кир бармоқларини пешонасига
тираб.

— Ҳа, бу ерда ақлдан озиш ҳеч гап эмас экан,—
деди Галия ҳам таъкид оҳангига.

— Аммо нимадир қилиш керак,— деди Вова да-
дилланиб.

— Албатта, бир нима қилиш керак!

— Түйнук очиш керак.

— Қаердан? Нима билан?

— Билмайман-да, агар билсам-ку!..

Шу пайт шундоқ ёнгиналаридан юракни ээзб юборадиган қандайдир дод-вой овози эшитилди-ю, иккови ҳам бунга раҳми келиб гапдан тўхтаб қолишиди.

— Оббо бақироқ-эй,— хўрсинди Галя.

— Кўзга кўринмас бақироқ,— аниқлик киритди Вова.— Худди Герберт Уэллснинг китобидагидай! Үқиганмисан уни?

— Үқиганман. Лекин у бақироқлар тўғрисида ҳеч нарса ёзмаган эди шекилли.

— Гап бу ерда кўзга кўринмас одамлар ҳақида кетяпти. Аммо қаерда у?— Вова яна кафтини карнай қилиб қичқирди:— Эй, қ-и-з-ал-оқ!

— Нега у қизалоқ бўлсин?— эътиroz билдири Галя унинг овозидан чиққан акс садога қулоқ солар экан.

— Қиз боладан бошқа ким шунаقا қилиб йиглаши мумкин? Үғил болага ўхшамайди, ҳар ҳолда.

— Бу ҳали номаълум.

— Баҳслашма! Аввал бу ердан чиқиб олайлик-чи, ўзинг кўрасан унинг ким...

Вова қоронғи форда, ночор аҳволда туришганлиги-га қарамай, ўзининг ҳозирча мақтанчоқлик қилиб юбораётганлигини пайқаб қолди-да, гапини охиригача етказмасдан, жим бўлди. Бояги йиги дам пасаяр, дам кучаяр, баъзан мутлақо жимиб ҳам қолар ва яна янгидан куч олиб авжга чиқарди. Агар буни баъзи одамлар эшитса, бирор атайлаб ўзининг йиглаб кўриш қобилиятини синаб кўраётган бўлса керак, деб ўйлаши мумкин эди.

Шу пайт шундоқ ёнларида тақур-туқур овозлар эшитилиб қолди.

Тош парчаларининг визиллаб учишидан чиқаётган шовқинга қўшилиб, қандайдир бир бўғиқ овоз ҳам келарди. Галя Вова билан хурсанд кўз уриштириб олгач:

— Бизни қутқазишга ҳаракат қилишяпти чоғи!— деди.

— Бу Владимир Исадоровичнинг отряди бўлса керак,— тахмий қилди Вова ҳам ҳаяжонланиб.

ЖАНЖАЛКАШ БОЛАКАЙ ВА ЯНА АЛЛАНИМАЛАР ПАЙДО БҮЛГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Бу ҳол тахминан ярим соатча давом этиб турди. Баъзан шовқин тиниб қолган пайтларда ҳам йиги товуши эшитилиб қолар, Галя билан Вованинг эса бу кўзга кўринмай йиглаётган одамнинг қайси томонда әканлигини аниқлашга уринишлари беҳуда кетарди. Уларга овоз гоҳ ўнг томондан, гоҳ чап томондан, гоҳ олдиндан, гоҳ орқа томондан, келаётгандек туюлар, йиги овози билан унинг акс садоси гўё бир-бирлари билан ким ўзарга мусобақа ўйнаётгандай тобора ку-чаяр, бу овозлар ғорни тутиб кетганди.

Бирдан ғор ичига тепадан кучли нур ёғилди. Шу қисқа вақт ичида болалар шифтдан (агар ғор тепаси-ни шифт деб аташ мумкин бўлса) уларнинг шундоқ-қина ёнгинасига катта бир гранит тош бўллаги қулаб тушганини, унинг кетидан эса қанақадир жунли бир маҳлуқ ҳам бирга йиқилганини сезиб қолишиди.

Ғор ичи энди қандайдир акс садолар билан эмас, балки иккала жонзотнинг ўта қўрқувдан бирданига чинқириб юборган овози билан тўлиб кетди.

Галя билан Вова бир-бирларининг пинжиларига киришиб, тепадан йиқилиб тушган маҳлуққа тикилишиб жим қолишганди, чунки уларнинг бир-бирларига нисбатан пайдо бўлган қизиқувчанликлари қўрқувдан устун келиб қолаётган эди. Аммо, бу номаълум маҳлуқ, кўп ўтмай ўзига бир нималар дегандай бўлиб, ғор ичкарисига кириб кетди.

— Бирор жойи лат еган бўлса керак! — деди Галя Вованинг қўлларини ушлаб, лабларини унинг қулоғига теккундай яқин олиб бориб шивирларкан.

— Ба-л-ки-м, — деди чўзиб Вова.

Қулаб тушган тош ўрнидаги тешикдан қуёш нури тушиб тургани учун энди ғорда у ёқ-бу ёқни бемалол кўриш мумкин бўлиб қолган эди.

Вова уларнинг қаторига келиб қўшилган бу маҳлуқнинг нима әканлигини билолмай боши қотди. Унга ҳатто бу маҳлуқ айиқ билан маймун ўртасидаги бир нарсага ўхшаб ҳам туюлди. Лекин, унга яхшилаб разм солиб қарагач, уларнинг рўпарасида одам зотининг ибтидоий вакилларидан бири — яъни узун, қопঁора қалин соchlари елкаларидан ҳам пастга осилиб

тушиб турган етти ё саккىз ёшлардаги бир ўғил бола турганини англади. Кийимларининг ўрнига — белидан паства қандайдир бир жониворнинг ола-була юнгли териси тутиб қўйилган эди.

Галя ҳам бу антиқа зотга узоқ тикилиб қолгач, сўнг қўллари билан бошини ушлаб:

— Мана буни стиляга деса бўлади! Пешонасининг яссилигини-чи!— дея беихтиёр қизиқсиниб қолди.

— Жиннини қара-ю,— деди Вова.— Менимча, бу ҳеч қандай стиляга эмас, балки ҳақиқий...— У сўзини тамом қилмасдан энди ғалати жонзотга мурожаат қила бошлади:— Э, болакай, кимсан ўзи? Қаёқдан келиб қолдинг бу ерга?

Вованинг сўроғига жавоб ўрнида қандайдир хирқироқ эшилди, кейин у ғалати жонзот ирғиб ўрнидан турди-да, хатарли қиёфага кириб, тушуниб бўлмайдиган бир овозда:

— Джжий!— деди.

Унинг «Джжий!» деб айтгани аниқ эди, аммо буни нима деб тушунса бўлади?

Вова талвасаланиб юқ халтасини ечди-да, ўйин-коқ тўппончасини қидирди. Унинг хаёлига бу ғаройиб жанжалкашни ўзига бироз бўлса ҳам ўргатмоқ учун унга бирор нарса совра қилиш керак деган ажойиб бир фикр келган эди.

— Ма, ол, ўйнайсан,— деди Тутарев илиқ табассум билан бу ғалати болакайга тўппончасини узатаркан. У ёввойи одамнинг ҳақиқий ўзи эди.

Лекин шу заҳоти бу жонзот ҳирқираганча Вовага ташланиб уни ерга қулатди. Вова эса ҳатто унга қаршилик кўрсатишга ҳам улгурмай қолди. Бирорздан сўнг у ўнг тиззасининг пастроғида оғриқ сезиб ўзига келди ва:

— У тишлаб оляпти!— деб қичқирди гўё Сверчковани гувоҳликка ундаётгандай.

Сўнг Вова бу дилозорнинг дағал соchlаридан ушлаб олди-да, чаққон бир ҳаракат билан уни тагига босди ва бошқа қўли билан иягининг тагига боплаб мушт туширди. Шу пайт Вованинг тўппончаси четга учиб кетди, ғалати жонзот эса оғриқдан ғингший-ғингший ғор четига ирғишилаганча қочиб кетди. Аммо шу заҳоти қайта куч йиғиб оёқقا турди-да яна Вовага ташланди. Тутарев чалқанчасига йиқилиб тушди ва ёввойининг қўпол бармоқлари ҳадеб унинг ҳалқумига томон интилаётганини сезиб қўрқиб кетди.

Галя бу ғалати олишувдан күзини узмай қараб турарди. Вованинг түппончасини тушириб юборганини күрди-ю, уни дарҳол ердан қўлига олди. Баҳодир Тутарев ўзининг ҳолдан кетаётганини сезиб турарди. У ўзига келиб ёввойи махлуқнинг шундоққина юзи-юзи-га теккудай яқин жойда ҳансира бишшада қўлини ҳис қилди-ю, қаттиқ қичқириб юборди. Қиз бу орада унинг қулоғидан бор кучи билан тортиб юборган эди, у яна хириллаганча Вовани қўйворди.

Ёввойи одам энди қаршисида иккита душмани турганини англаб, ердан бир тош бўллагини қўлига олди. Шунда Галя буни кўриб, икки қадам олдинга чиқди-да, Вованинг түппончасидан унга қараб ўқ узди. Фор ичи дод-фарёдга, даҳшатли қичқириқларга тўлиб кетди. Ёввойи одам қўлидаги тошни ташлаб, таппа тиз чўқди, кейин Галянинг олдига эмаклаб келди. Қалтираган қўллари билан бошини бекитиб, ерга юз тубан қалишиб ётганча қотиб қолди.

Галя бу ажабланарли ҳолга ҳайрат ва қўрқув аралаш қараб турди. Ҳаяжондан эндигина ўзига келиб қолган Вова ҳам аста-секин ўрнидан турди, ёввойи одам тишлаб олган оёғини силаб оқсоқлаганча Сверчкованинг олдига келди. Ёввойи одам ҳали ҳам ётган жойида ҳаракатсиз қотиб турарди. Уни кўрган одам, у тош бўлиб қолган бўлса керак, деб ўйлаши ҳам мумкин эди.

Болалар ювошланиб қолган ёввойи болани нима қилишларини билмай бир дақиқа қараб қолишиди. Вова бир хўрсиниб, Галя билан кўз уриштириб олгач, унга томон эгилди.

— Менга қара, болакай,— муросасозлик билан деди у,— ке, энди, бўлди! Ярашамиз!— Вова жавоб кутиб ўтирасданоқ қўлини ёввойи одамнинг елкасига қўйди. Унинг гавдаси титраб кетди ва шу заҳоти бирдан нола тортиб увиллаб юборди. Чўчиб кетган Вова дарров ундан қўлини тортиб олди.

— Болакай,— иложи борича эркалаб мурожаат қилди Сверчкова.— Тур ўрнингдан. Сени хафа қилмаймиз!

— Э, бўлди энди,— деди Вова.— Тур ўрнингдан. Сени биз еб қўймаймиз, биз ахир одамхўрлар эмасмиз-ку!— Тутаревнинг бу фикри ўзига ҳам жуда ёқиб кетганидан жилмайиб қўйди. Аммо ёввойи одам қимир этмас, гўё шол бўлиб қолгандай ерда ётар эди.

— Юраги йўқ экан-ку бунинг...— елкаларини қисди Галя.— Ҳозирча ўз ҳолига қўйяйлик-да, юк халтадаримиз олдига борайлик. Эҳ, роса чанқадим...

— Сен ботир экансан, Галя,— деди Вова беихтиёр қуришиб кетган лабларини ялаб, улар юк халталарининг олдига ўтирганларида.— Сен бўлмаганингда, у менинг бўғзимни ғажиб ташлаган бўларди.

— Ҳа-а, ғажиб бўпти!

— Сенинг шундай қилишингни сезиб турувдим.

— Уни қара, Вова, у ҳали ҳам ётиби. Вой, қўрқоқ-еий!

— Ўқ отилишидан шунча қўрқиб кетди. Бориб турган лақма экан-а, бу ўйинчоқ тўппонча-ку, ахир. Ростакам тўппонча бўлганида борми, билмадим унда нима бўларди? Дам тишлайди, дам томоқقا ёпишади, ўзи бўлса энди ана — гўё мишиқи нонпарелдек ялпайиб ётиби...

— Қандай дединг?

— Нонпарелдай-да... Сенга қандай тушунтирасам экан? Үмуман бунинг тарихи узоқ, кейинроқ гапириб берарман бу ҳақда.

— Биласанми, Вова, менимча у...

— Айиқлар орасида яшаган демоқчисан-да, тўғрими?— гапини бўлди Тутарев.

— Менинг нима дейишимни қаёқдан билдинг?

— Менинг ўзим ҳам шу ҳақда ўйлаб турувдим.

Балки, у ҳали чақалоқ чоғидаёт, она айиқ уни инига олиб кетиб қолгандир. Бунақа ҳодисалар тўғрисида китобларда ўқиганман.

Орага жимлик тушки. Болалар ҳаракатсиз ётган ёввойи болакайга қизиқсиниб қарашди ва ўзларининг ҳам ҳозир қандай ҳолга тушиб турганларини бир зум унугиб юборишиди. Шу пайт қаердандир кучли бир қичқириқ овози эшитилди ва болаларнинг бутун аъзойи бадани жимирлашиб кетди. Улар қўрқув билан бир-бирига қарашди.

Вова қўлинини Сверчкованинг елкасига қўйиб, боши билан ёввойи бола томонга имлади. У эса кутилмаганди сакраб ўрнидан турди-да, хириллаганча бир нималар деб ўз-ўзидан ўйинга туша бошлиди. У онда-сонда увиллаб қўяр, қўллари билан тепага осиб қўйилган қандайдир ўйинчоқни узиб олишга ҳаракат қилаётганга ўхшаш ҳаракатлар қиласар, қўлларини силкитиб сапчир эди. У хурсанд эди.

— Нима, у ақлдан озиб қолдими?— шивирлади

Галя, ёввойи одамнинг ҳаракатларини ҳайратланиб кузатаркан.

— Менимча нимадандир кайфи чоғ бўляпти,— таҳмин қилди Вова.

— Эҳтимол бирон нимани сезаётгандир.

— Мен ҳам.

— Нима?

— Мен ҳам ниманидир сезяпман. Бир нарса юз берадигандек юрагим ҳаприқиб кетяпти.

— Балки Сверчкова хонимга валерианка бериш керакдир?

Галя унинг бу гапидан хафа бўлиб тескари бурилди ва уни гап билан узиб олмоқчи бўлиб турган эди, шу пайт унинг кўзига тепадаги ёввойи болакай ғор ичига қулаб тушган тешикдан, ниманингдир улкан пахмоқ боши кўриниб кетди. Галя қичқирганича Вованинг пинжига тиқилди.

Ёввойи бола фурсатдан фойдаланиб, олдинга ташланди. Тепадаги тешикка яқинлашиб қолгаč, қандайдир узуқ-юлуқ овозлар чиқариб юқорига қараб жойида сакрай бошлади.

Тепадан кўриниб турган пахмоқ бош бир дақиқа кўздан ғойиб бўлган эди, ғор ичи яна бироз ёриши. Кейин ўша жойда яна ўшанақа бошдан иккитаси пайдо бўлди.

Қолган воқеалар бир неча дақиқа ичидан бўлиб ўтди, яъни ғор ичига иккита сержун ёввойи сўлақмон сакраб тушишди. Сўнг ёввойи боланинг юракларни зирқиришиб юборувчи қичқириғи эшитилди. Қутилмаганда сержун ёввойи махлуқлардан бири Вованинг қўлидан ушлаб бехосдан шундай тортган эди, қўли узилиб тушгандай бўлди. Бошқа биттаси эса Галянинг қўлидан маҳкам ушлаб олганди. У чинқириб юборди ва қўрққанидан Вованинг тўппончасини қўлидан тушириб юборганича ҳушидан кетди.

Вова эса бор овози билан қичқиради.

— Унга тегманглар, фашистлар!

Бироқ Тутарев томонидан қилинган ишорага бу сержун сўлақмонларнинг фаҳми етмади шекилли, улар болаларни қўлларидан ушлаб ўзлари билан судраб кетишди. Вова эпчиллик билан ёввойилардан бирининг сержун бармоғини тишлаб олган эди, у Вованинг бошига шундай қаттиқ мушт туширдики, бола ҳам шу заҳоти ҳушидан кетди.

САККИЗИНЧИ БОБ

ЯССИ ПЕШОНАЛИЛАР МАНЗИЛГОҲИ ВА УЛАРНИНГ ЁВВОЙИ ҲЎЖАЙИНЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ ХУСУСИДА

Улар деярли бир вақтнинг ўзида ҳушига келишиб, қўзларини очишиди. Вова Галянинг ёнида ётганлигини кўриб жилмайди, сўнг у томонга эгилиб, деди:

— Мен сени олиб кетиб қолишган бўлса керак деб ўйлабман. Тушимга шу кирибди, гўё бизга ёввойи одамлар ҳужум қилишганимиш ва...

— Тушингда эмиш,— алам билан жилмайди Галия.— Кошки бу тушинг бўлса...

— Туш эмасми?— овози ўзгариб сўради бола.— Бунинг ҳаммаси ўнгимизда бўлиб ўтдими? Фор, ёввойи одамлар, бошимга тушган муштлар — булар туш эмасми?

— Ҳа, бошинг оғримаяптими?

— Оғрияпти. Биз қаердамиз ўзи?

— Уларницида!

Галия бу сўзни шундай дард билан айтдики, Тутарев бундан беихтиёр сесканиб кетди ва унга яқинроқ силжиди.

Аҳволнинг мураккаблигини бола эндигина ҳис қилди ва атрофига аланглаб қараб чиқди-да, қаерга келиб қолганликларини аниқлашга уриниб кўрди.

Улар айрим белгиларга қараб афтидан минг йиллар давомида табнат яратган қандайдир ковакка ўхшаб қолган бир ерга келиб қолишганини пайқашди. Бу ердаги ҳавонинг ҳарорати одатдаги уй ичи ҳароратидан ортиқ бўлса ҳам, аммо зах эди. Вованинг чап томонидаги ингичкагина бир ёриқдан хирагина нур тушиб турарди.

Вова бу нур тасмаси ёнига эмаклаб борди-да, унга қўйини чўзган эди, бармоқлари шу заҳоти бир нарсага тегди.

Вова бу мўйна чодирнинг четини аста қайирди-ю, шу заҳоти қўзларини қисиб олди: Галия билан у кўпдан қоронфиликда юргани учун ёруғ нур уларнинг қўзларини қамаштирган эди. Қаҳрамонларимизнинг ёноқларидан оқиб тушаётган тер томчилари, юзларини ачиштириб азоб берарди. Вова мўйна чодирнинг четини қўйиб юбориб, оғриқни босиш учун юз-кўзларини арта бошлади, лекин бунинг фойдаси йўқ эди.

Бир эум күзларини қаттиқ юмиб тургач, оғриқ сал тұхтагандай бўлди. Бола яна чодирни очиб кўра бошлади.

Бу сафар у чодирни анча эҳтиёткорлик билан очи ва унинг олдida, кейинчалик бир умр хотирасида сақланиб қолган бир ажойиб манзара намоён бўлди.

Ковакдан ўн метрлар чамаси нарида, гуллар билан қопланган майсазорда унча ўсиқ бўлмаган оч жигарранг тук билан қопланган ясси пешонали ёввойи кишиларнинг бир гурухи ярим айлана ҳолда ўтиришган эди. Уларнинг қўлларида йўғон-йўғон сўйиллари бор эди. Эгниларидаги кийимлари эса қандайдир ҳайвон терисидан иборат бўлиб, бел томонидан осилиб турарди.

Улар ўн бир киши эдилар. Уртада ўтиргани афтидан бошлиқлари бўлса керак, калта, йўғон бўйнига ғалати мунчоқ тизими осиб олганди. Унинг ёнида, ўнг томонида ориқина биттаси ўтиришган эди. У ўзининг мартабасини кўз-кўз қилаётгандек, бошқаларга тез-тез кўз қирини ташлаб қўяр, бошлиғидан кўз узмай боқиб турарди.

«Бу ерда ҳам лаганбардорлик!»— деган фикр ўти шу эум Вованинг кўнглидан. Сўнг унинг кўзи таниш нарсага тушди. Бу юк халтаси эди. У давранинг нақ ўртасида, аниқроғи бошлиқнинг олдida ётар ва барчанинг диққатини ўзига тортган эди.

Бошлиқ бояги ориқ ёввойига бурилиб, қўл силтади. У шу заҳоти сапчиб турди-да, юк халтасининг атрофида иргишлаб айлана бошлади.

Галия аста Вова томон эмаклаб келган эди, чодир чайқалиб кетди. Буни сезди шекилли, ёввойи одамнинг қаттиқ ириллаши эшитилди.

— Бизни энди йўқ қилишади,— шивирлади Вова Сверчкованинг қўлларини пайпаслаб топишга ҳаракат қиларкан.— Биласанми, биз қаерга келиб қолганимиз?

— Мен олдин ўз кўзларимга ҳам ишонмаган өдим!— дея шивирлади қиз.— Булар ҳақиқатан ҳам ёввойи одамларга ўхшайди! Аммо, улар қандай қилиб бу ерга келиб қолишишган экан?

— Буни қаёқдан билай. Қандайдир бошқачароқми-еи...

— Ростданам. Гўё биз тош асрига тушиб қолгандекмиз.

— Нега «гүё» экан? Биз ҳақиқатан ҳам ўша — тош асрига тушиб қолғанмиз. Териларини күрдингми?

— Сүйилларини-чи? Ҳой, Вова, улар бизни тагин...

— Уларни одамхўр деб ўйлайпсанми? Ўқиганман, улар семизларни ёқтиришаркан, биз эса жуда ҳам ориқмиз. Жудаям чанқаб кетяпманки...

— Сув сўраш керак.

— Тушунишмайди, аммо имо-ишора билан тушунтирса бўлади. Ҳар нима бўлганда ҳам, улар одамларку, ахир.

— Биламиз бунақа одамларни! Яхшиямки, биз сен билан семизроқ эмасмиз.

— Милиция ҳам чақириб бўлмайди. Бу ерда самбочилардан бештаси бўлганида борми...

— Милиция дейсанми? Менинча, уларнинг яқинига боришига милиционер ҳам қўрқса керак.

— Нима қилдик энди Галя? Биз ахир болалармиз, болаларга эса ҳатто ҳайвонлар ҳам тегишмайди. Албатта, улар жуда оч бўлишмаса агар.

— Эҳ, мен ҳам очиқиб кетяпман. Юк халталаримизни бергандаям майли эди. Тишимизни тозалашга ҳам ҳеч нарса йўқ-а...

— Ишқилиб юк халтамизни илма-тешик қилишвормаса бўлгани!

— Нима, мени қўрқитяпсанми? Олдин овутган эдинг, энди эса...

— Пионер ҳақиқатдан қўрқмаслиги керак. Биз, Галя, барча нарсага тайёр бўлиб турмоғимиз керак. Биласанми, менинча булар ҳар ҳолда оддий ёввойи одамлар эмас, улар неандерталлар.

— Хўш, нима бўпти? Улар ҳам бизнинг оддий болалар эмас, балки пионер эканликларимизни ҳисобга олишади деб ўйлайсанми?

— Умуман энди гап шундай, Галя, шуни билки, мен сени хафа қилдириб қўймайман! Ҳозирча тирик эканман, ҳеч ким сенга тегмайди. Энди бундан бўён сенинг шефинг бўлганим бўлсин!

— Иўқ, Сен эмас, мен сенга шефлик қиласман. Буни менга топширишган...

— Мабодо, неандерталлар билан ишлашни ҳам сенга топширишмаганми?

— Борди-ю, бу неандерталлар бўлиб чиқмаса-чи?

— Сен айтгандай, неандерталлар эмас балки, троглодитлар бўлиб чиқса, кўнглинг ўрнига тушади-

ми? Агар биз қўрқоқлик қиласдиган бўлсак, улар биласанми, бизларни нима қилишади...

— Биламан.

— Кел, қўрқоқлик қилмаймиз! Бизни энди фақат шу нарса асрайди.

— Бўпти,— деди тишлари такиллаб қиз,— фақат сен гапимга киргин, хўпми?

Шу пайт мўйна чодир кимнингдир кучли қўли билан улоқтириб ташланди. Қовак ичи ёриши. Аммо, шу заҳоти болаларни қўриқлаб турган ёввойининг йўғон гавдаси ёруғликни яна тўсиб қўйди. У ковакка қараб ириллаганча аниқ қилиб деди:

— Джжий!

Бу ўша — форга қулаб тушган жингала жунли ёввойи боланинг олишишга тайёр бўлиб турганда айтган сўзнинг ўзгинаси эди!

Демак, «Джжий» «Чиқ бу ёққа!» дегани бўлса керак деб ўлади Вова ва Галянинг қўлидан ушланча ковакдан аста эмаклаб чиқди.

— Нима бўлса бўлар,— шивирлади қизга у,— аммо, биз қўрқмаймиз!

— Ҳа, ха-ха-а-ав! — дея жавоб берди Сверчкова, қалтираётганини босишга уриниб, сўнг қўшиб қўйди: — Ф-фа-қат мм-мен-сиз ҳеч қ-қ-аёқ-қа кетма!

Болалар ковакдан чиқишишгач тўхташди ва хавфистаганча атрофга назар ташлашди. Энди ёввойи одамлар кўпайишиб, ўн саккиз-йигирматача бўлиб қолишиган эди. Улар икки қатор бўлишиб, ярим айлана ҳосил қилиб тик туришарди. Оёқларининг тагидаги сарғайиб кетган майсалар устида эса юк халталаридан чиқариб олинган барча буюмлар уюлиб ётарди. Буюмларнинг ёнида эса фор ичидан болалар билан олишиган ўша ёввойи бола ёнбошлаб ётиб олган эди. Ёввойилар бошлиғи қўлларини қовуштириб олганча тик турар, афтидан, у ниманидир ўйлар эди. Унинг ёнида эса Вова лаганбардор деб ном қўйган ўша қотма ёввойи бошлиқдан қўзини узмай унинг ҳар қандай буйругини шу заҳотиёқ бажо келтиришга тайёрдай сергак турарди.

Ёввойи одамлар гуруҳидан сал нарироқда катта гулхан тайёрланаётганига Вованинг кўзи тушиб қолди.

«Бу биз учун бўлса керак!» — деб ўлади у қўрқув билан ва Галяга қаради. У гулханнинг қандай ёнаёт•

ганини күз узмай күзатиб турар ва афтидан, у ҳам шу ҳақда ўйлаётган эди.

Бошлиқ қўлини кўтарди. Болаларга соқчилик қилиб турган ёввойи қутқу солиб ириллади-да, уларни бошлиқ турган томонга судраб кетди.

ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ

СОВУНГА, КОНСЕРВАЛАРГА ВА АЛБАТТА АСАБГА ҲАМ БАЪЗАН ЭЪТИБОР БЕРИШГА ТЎФРИ КЕЛГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Болаларни давранинг ўртасига судраб келишгач, улар ясси пешоналиларнинг ўзларига сергаклик билан кўз тикиб турганликларини кўришди.

Жимлик узоққа чўзилмади, аммо Вова ана шу дакиқа ичидаги тунд башараларни кўздан кечириб чиқишига охири яхшилик билан тугашига ақли етмаётган бу воқеаларни чамалаб кўришга ҳам улгурди.

Агар Тутарев паҳлавон бўлганида ҳам, улкан сўйиллар билан қуролланган ва бошлиқларининг битта ишораси билан чақирилмаган келгинидиларнинг миясини пачақлаб ташлашга тайёр турган бу ёввойи одамлар тўдасини ҳеч нима қила олмаган бўларди.

Вова бир ҳолатда турганига қарамай бу ёввойилар тош-қоялар билан ўралиб ётган кимсасиз бу жойда қандай кун кечиришар экан деган ўй билан банд бўлганига ўзи ҳам ажабланди.

«Қизиқ,— деб ўйларди ў,— буларнинг орасида биронта ҳам хотин-халаж кўринмайди, ўша биттасидан ташқари бошқа болалари ҳам йўқ. Демак, қолганлари қаердадир яшириниб туришган бўлса керак. Улар мана шу қоялар ортидамасмикан?»

У гулханинг ўнг томонидан уч юз-тўрт юз метрлар чамаси нарида кўриниб турган тепаликлар томон қаради ва Галяга нимадир демоқчи бўлган эди, шу маҳал қаттиқ бир туртки зарбидан бошлиқнинг нақ оёғи тагига учиб бориб тушай деди. Ўзини ўнглаб олгач, қайрилиб қараган эди, унинг кўзи лаганбардорнинг нафрат билан ёниб турган кўзларига тушди. Тутарев ўзини йўқотиб Галяга назар ташлади ва унинг кутилмагандаги бунчалик хотиржамлигини кўриб ҳайрон бўлди. Шундан сўнг бироз ўзини ўнглаб олди-да бошлиққа мурожаат қилди:

— Биз қаердамиз? Ва Сиз біздан нима истайсиз?

Бошлиқ бир неча бор бүғиқ товуш чиқарып сүйилини ўнг құлидан чап құлғига олди. Бу ҳамманинг шундай қилиши лозимлиги түғрисида берилған ишора әди. Шундан сүңг бошлиқ майса устига ўтири да сүйилини боши узра бир күттарди-да, ерга қўйди. Бошқалари ҳам шундай қилишди, ёввойи болакай эса юк халтанинг устидан турди-да, қабила бошлиғи томон эмаклаб келди ва унинг ерда ётган сүйилига пешонасини тегизди. Шундан сүңг у ўрнидан туриб ириллаб бир нимадан ҳадиксираётгандай у ёқ-бу ёққа қараб олгач, консерва банкасини олиб унга узатди. Бошлиқ унинг құлидан консерва банкасини олди-да, диққат билан кузатғач қаноатланмай унинг тагини ҳидлаб кўрди. Ҳатто тунукасини ялаб ҳам кўрди, аммо, афтидан бундан ҳеч қандай ҳузур сезмади шекилли шарт ўрнидан туриб ҳайрат аломати билан банкани. Вовага узатди.

Вова ёввойилар учун жуда сирли бўлиб кўринаётган бу банкани бошлиқнинг құлидан олди-да, Галя билан кўз уриштириб олгач чўнтағини кавлашга тушди. Аммо, у чўнтағидан ҳеч нарса топа олмагач, Галяга илтижо билан боқди. Галя уни сўзсиз тушунди ва кўзи билан ҳали ечилмаган юк халтасига ишора қиласди. Вова тезгина юк халтасини ечди, ундаги буюмлар орасини пайпаслаб консерва очқични топди. Сўнг чўққайиб ўтириб консерва банкасини очишга тутинди. Бир зумда банкани очди-да, қопқоғини олиб нарига улоқтириб юборди, ўша атрофда турган ёввойилардан иккитаси бир-бирини итаришиб майсадаги тунукага ташланишиди.

Вова очилган консервани бошлиққа узатар экан:

— Энди буни еса бўлади,—дэя майсада ётган санчқини қўлига олди-да, у билан консерва банкасими тақиллатди.—Мана бу билан,—деб қўшиб қўйди. Бошлиқ очилган консерва банкасига тикилиб турди. У банкани қўлига олишга унча шошилмаётган әди. Шунда Вова беихтиёр жилмаяётган Галяга қараб, бир бўлак балиқни санчқи билан олиб оғзига солди. Ҳали луқмани чайнаб улгурмасданоқ, у Галяни ҳам консерва билан сийлади. Консерва тамом бўлгач, Вова консерва банкасини ерга ташлаб, оёғи билан тепиб юборди. Банка ҳавода бўғиқ жаранглади-да, гулхан ёқиш билан овора бўлаётган неандерталининг нақ борига бориб тушди. У бўлса қўрқанидан қичқириб

юборди ва гулхандан бир неча метр нарига сакраб тушди.

Бўлайтган воқеаларни диққат билан кузатиб туришган ёввойилар, бенхитиёр сўйилларига ёпишишиди. Аммо бошлиқ қовоғини солиб лаганбардорнинг гарданига қаттиқ мушт туширди. Бу ҳолни кўрган барча жим бўлиб қолди.

Бошлиқ консервалардан яна бошқа бирини қўли билан кўрсатиб, Вовага унинг қандай очилишини яна бир бор кўрмоқчилигини тушунтириди. Вова кўп ўйлаб ўтирасдан бу банкани аввалгидан ҳам тез очди-да, уни ёввойиларнинг сардорига узатди. Бошлиқ бу сафар консервани қўлига олди. У ҳадиксираганча ҳар тарафга аланглаб, сўнг бир бўлак балиқни оғзига солди.

Унинг жирканаетганлиги билиниб турарди. Сўнг оғзидаги балиқни майса устига тупуриб ташлади-да, ҳайратланганича Вовага банкани узатди.

Бу орада лаганбардор бошлиқ тупуриб юборган балиқ думини ердан олди-да, ўйлаб ўтирасдан гўё умрида ҳеч бунақа лаззатли овқат еб кўрмагандай уни ғажишига тушиб кетди. Ёввойилар унга ҳайрон бўлиб боқишиб турар, ҳатто биттасининг лабларидан сўлаги оқиб кетаётганлиги ҳам шундоқ кўриниб турарди.

— Амакижон! Еб кўринг-а,— мурожаат қилди Вова бошлиққа банкани узатар экан.— Бунинг ҳаммаси стерилизация қилинган!

— Гапларингни тушунишса кошкийди,— ғудирлади Сверчкова.

Бошлиқ яна банкани ундан олди-да, шеригига узатди. У банка тунукасини ҳидлаб кўрди, болага ҳадиксирагансимон қараб қўйди, сўнг консервани ёнида ўтирганга узатиб, ўзи бир яланиб қўйди. Бир неча минут ичида консерва банкаси даврадаги барча ёввойилар орасида қўлдан-қўлга ўтди, аммо, улардан биронтаси бу аллақандай сирли таомни татиб кўришига ботина олмади. Қотма лаганбардор қабиладошларидан бирининг консерва банкасини отиб юбормоқчи бўлаётганини сезиб қолди-ю, банкани қўлидан юлқиб олди. Сўнг бошлиқ томон бир қараб унинг ичидаги овқатни бирпасда гумдон қилди-қўйди. Бу ҳол ўша ерда ўтирган қабиладошлар орасида ола-ғовурга сабаб бўлди, аммо бошлиқ қўлини ҳавога бир кўтариб тушириши билан ҳамма яна тинчланиб қолди.

Вова барча ёввойиларнинг диққати бошлиққа жалб бўлиб турганидан фойдаланиб, тезда ердан яна битта консервани олди, уни чаққонлик билан очди ва Галияга узатди.

— Ма, еб ол! — деди секин.— Балки, бошқа сенга қолмас.

Гала ҳам узоқ ўйлаб ўтиради. У боладан санчқини олиб, бирпасда консервани яримлатди. Қолганини эса, Вова тамомлади. Кейин у бўшаб қолган консерва банкасини яна туфлиснинг учи билан ҳавога қараб телиб юборган эди, лаганбардор бир сапчиб, ҳавода учиб бораётган банкани ушлаб олди. Кейин у бўш банкани виқор билан бошига кийиб, қолган ёввойиларга ғолибона қараш қилди. Бошлиқ лаганбардорнинг бошида жозибали ялтираб турган нарсани кўриб, унинг ёнига келди ва қўполлик билан унинг сочидан банкани юлқиб олиб ўз бошига қўйди. Кейин у лаганбардорга шунақангি бир мушт туширдики, у бундан қалқиб кетиб, ийқилишига сал қолди. Гулхан ёқаётган ёввойилардан бири ҳам бўш консерва банкасидан биттасини ердан топиб бошига кийиб олди.

Бошлиқ Вованинг елкасига қўлини қўйди-да, майсалар устида уйилиб ётган буюмларни қўли билан кўрсатиб:

— Ук,— деди.

Буни Вова, бошлиқ бу ётган нарсалар нима эканлигини тушунтириб бер, деялти, деб тушуниб, хўп, деди. Ва битта, оқ қандни олди-ю, қофозини йиртиб ундан бир чақмоғини оғзига солди, кейин гўё намойиш қилаётгандек атайлаб тишлари билан уни қисирлатиб ҳазди. Иккинчи бўлак қандни бошлиққа узатди. У бу оқ нарсани ҳадиксираброқ тишлади ва афтини бужмайтириди. Лекин таъминни сезиб қолганидан сўнг, луқиллатиб ютиб юборди. Ҳамма, бу нима билан тугар экан, дегандай унинг оғзига қараб қолишди. Бошлиқ йўталди, жилмайганга ўхшатиб, афтини буриштириди.

«Ёқиб қолди шекилли, — ўйлади Вова, — энди ёввойилар бизларга тегмас», — деган фикр хаёлидан ўтиб.

Бошлиқ лаганбардорни чақириб унга алланималар деди. У юк халтага яшиндай ташланиб, ундан бир пачка сухарини тўкиб-сочиб қўлига олди-да, Вованинг елкасига туртди. Бола ундан сухарини олиб жўрттага оғзига солган бўлиб чапиллатди. Буни кўрган лаганбардор ўзини сухарига урди ва ундан икки

бўлагини олиб бошлиқقا узатди. Бошлиқ сухаридан бирини лаганбардорга қайтариб бериб, иёкинчисини ўзи кемира бошлади. Лаганбардор бошлиғига мичнатдорчилик билдиргандай бир қараб сухарини тушира кетди. Лекин кўл ўтмай афтини буриштираётган эди, бошлиқ унга бир ўқрайиб қараб қўйди. Бошлиқнинг авзойидан қўрқкан лаганбардор шу заҳотиёқ оғзидағини ютиб юборди. Қолганини эса ҳеч кимга билдирамай аста ерга ташлади. Вова билан Гая ерга ташлаб юборилган сухари бўлагига баб-баравар ялт этиб қарашибди. Афсуски, улар ерга ташлаб юборган нарса сухари бўлаги эмас, балки, «Туалетное гвоздика» деб ёзилган чиройли этикеткали ироқи совун эди.

— У совунни уриб қўйибди-ку! — фулдиради Вова, Гаянинг қўлларидан ушлаб. — Энди нима бўлади?

Гая бир неча дақиқа Вовага тикилиб турди-да, сўнгра кўзлари бесаранжом ўйнаб турган лаганбардорга қўл силтаб:

— Ҳеч нарса қилмайди! Кўряпсанми, у қандай ифлос бўлиб кетибди. Ҳеч бўлмаса ичи тозаланади-ку, — деди.

УНИНЧИ БОБ

ЁВВОЙИЛПАРНИНГ ОРҚА-ОЛДИГА ҶАРАМАЙ ЖУФТАКНИ РОСТЛАБ ҚОЧИБ ҚОЛГАНЛИКЛАРИ, ВОВА БИЛАН ГАЯНИНГ ЭСА УЯЛМАСДАН ИИГЛАГАНЛИКЛАРИ ХУСУСИДА

Вова билан Гаянинг қаёқдан бу ерда пайдо бўлиб қолганлигига ақли етмай ўтирган ёввойи болакай нима бўлди-ю, кутилмаганда юк халталаридан бирининг олдида ётган нарсага диққат билан тикилиб қолди. Унинг ҳаракатларини кузатиб турган Гая бирдан пионер лагеридалигида қўлидан қўймай юрадиган китобчасига кўзи тушди. Бу — чиройли муқовали гулчилик ҳақидаги рисола эди.

Қиз юк халтачасига яқинлашди, китобчани ердан олиб, ёввойи болакайга узатди. У Гаядан ҳадиксирганча, гулларнинг расмига боқди ва панжаларини китобча муқовасигача олиб бориб тегизди. Ва, шу заҳоти қичқирганча қўлинни китобчадан тортиб олди.

Бошлиқ унинг бу қилигини хуш кўрмагандек ириллаб унга томон бир қадам қўйди-да, юзига бир ша-



пати урди. Бола ғингшиди, сүңг нималардир деб Галияни күрсатди. Орага тушган сукунатдан сүңг бошлиқнинг ўзи рисолага қўлини чўзди. Аммо, у ҳам бармоқларини китобча муқовасига теккизар-теккизмас қичқириб юборди-да, қўлларини орқасига яширди.

Галя Вова билан кўз уриштириб олгач, ҳайрон бўлиб елкаларини қисиши.

— Буларни ҳақиқий гуллар деб ўйлашяпти,— фараз қилди Тутарев.— Нима ҳам қилардинг. Булар ахир неандерталлар-ку!

Бошлиқдан сўнг китобчага бошқа ёввойилар ҳам қўл чўзиб кўришиди. Лекин, уларнинг ҳар қайсиси ҳам қўлларини китобчанинг рангли расмига теккизар-теккизмас қичқириб юборишар ва дарров орқага тортиб олишар эди. Афтидан, уларга бу гуллар кўз билан кўрса бўладигану, аммо қўлга олиб бўлмайдиган қандайдир сеҳрли гуллар бўлиб туюлаётган бўлса керак.

Бошлиқ сўйилини Галияning оёқлари остига ташлади-да, қўлларини унинг елкаларига қўйиб, ғамгин бир чўзиқ овоз чиқарди. Шу заҳотиёқ, бошқа барча ёввойилар ҳам қўлларидаги сўйилларини Сверчкованинг оёқлари остига олиб келиб ташлашди, ўзлари эса бу ердан бир неча қадам нарига бориб туришди. Фақат қўлида сўйили бўлмаган болакайгина саросимада қолиб, турган жойида ер тепинарди.

Бошлиқнинг бир ҳайқириши билан у ҳам каттларнинг пинжига кириб кетди.

Қаердадир гулхан ортидан даҳшатли увиљаш эшитилди, Галя билан Вова бундан бир сесканиб кетиши. Тутарев лаганбардор деб атаган ўша қотма ёввойи қўлида сўйилни ўйнатиб, букчайганча тўғри уларга қараб чопиб келарди. Унинг оғзидан қизғиш кўпик оқиб турарди.

Ким билади дейсиз, агар шу маҳал бошлиқ икки қўлини ҳавога кўтарганча, даҳшатли овоз билан: «Джжу!»— деб қичқириб, лаганбардорнинг йўлини тўсиб қолмаганида қаҳрамонларимиз ҳаёт билан ви-долашармиди.

Бошлиқнинг бу ҳайқириги лаганбардорга сеҳрли таъсир кўрсатди. У титраб-қақшаб сўйилини ташлаб шу заҳотиёқ ерга чалқанча ётиб олди.

— Мана буни мўъжиза деса бўлади,— деди ҳайратланниб Галя.

— Улар биздан қўрқишаётганга ўхшайди.

— Шуун-д-а-ай, ҳа-а-а,— чўзиб тасдиқлади Во-

ва.— Бу қайтанга яхши ҳам! Энди улардан қутулиш учун асос бор десак ҳам бўлади. Энди фақат ўзимизни бир хилда тутиб турсак бўлгани.

— Тўғри,— деди Сверчкова хурсанд бўлиб ва юк халтасининг олдига келиб, ундан бир нимани қидира бошлади.

Ёввойилар унинг бу ҳаракатларини рўйирост қўрқув остида кузатиб турдилар. Ҳатто улар орасида афтидан энг тажрибали ва ботир овчи ҳисобланган бошлиқнинг ўзи ҳам, гўё доскага чиқиши лозим бўлиб қолган, аммо унда ёзилган масаланинг қандай ечилишини билмайдиган ўқувчикдек кўзларини пирпиратиб турарди.

Галия юк халтасини титкилай-титкилай ахийри дастрўмолчага ўрголи бир нарсани чиқариб олди-да, Вованинг олдига келди.

— Кўряпсанми, мен нима олиб келувдим?— деди у тугунчани очаркан. Бу ярим ўтказгичларда ишлайдиган митти радиоприёмникча эди.

— Энди уларга кўрсатиб қўямиз!— севинч биланми, ё таҳдид биланми хитоб қилди Вова. У приёмникнинг қулоғини бўради. Кичкинагина қутичадан ажойиб рус қўшиғи янгради. Пятницкий номидаги хоркуйламоқда эди:

Гўзаллигинг ақлимни оздирди-ё-ё,
Ёш қалбимдан ишқ ўтиң тўздириди-ё-ё...

Бошлиқ даҳшатдан қотиб қолган ҳамқабилаларига қарата ғалати увиллаганича қояли тепаликлар томон ура қочди: шу заҳоти қотма лаганбардор ҳам иргиб ўрнидан турди-да, унинг изидан, энг олдинда қочиб кетаётгандардан ҳам ўзиб кетгудай бир ҳаракат билан шаталоқ отиб қолди.

Приёмникда эса эркак кишининг чўзиқ овози эшитиларди:

Тўхта бир бор, тўхтагил, моҳтобоним,
Шодлигимсан, сен менинг ҳам тану жоним!!

Бир оздан сўнг Вова ва Галянинг олдида ҳеч ким қолмади.

— Техника — ажойиб куч!— деди Вова приёмникини Галяга узатар экан.

— Ана энди улар бизга ортиқ тегиша олмайди,— деди Сверчкова.

— Бидъатчилар,— хўрсинди Вова.

У яна приёмникнинг қулоғини буради. Хор тинди, барабан зарблари эшитилди, сўнг аёл кишининг овзи аниқ эшитила бошлади:

«Қидириув ҳозирча ѡч қандай натижা бермади. Аммо, шунга умид борки, пионер лагеридан гойиб бўлган болалар, агар бирор тубсиз жарга йиқилиб тушиб кетмаган, сув, озиқ-овқат йўқлигидан ҳалоқ бўлмаган бўлсалар, улар албатта, лагерга қайтиб келадилар. Аммо, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ке йинги айтган вариантими эса ҳақиқатга унчалик яқин эмас, кўрган-билганинг берган гувоҳликларига қараганда улар озиқ-овқат масаласида қийналмасликлари мумкин экан. Чунки, ўзлари билан бирга олган бор овқат маҳсулотларини тежаб-тергаб ишлатишиша, уларни бемалол бир ҳафтагача етказиш мумкин экан.

Қидириувчилар партиясига альпинист, хизмат кўрсатган спорт мастери Владимир Исидорович Карцев бошчилик қилмоқда.

...Эртага спорт мастери Алексей Целовкин раҳбарлигидаги яна битта қутқарув экспедицияси йўлга чиқади. Отряд составида республиканинг энг яхши спортчиларидан саккиз киши бор. Сизларга омад тилаймиз, дўстлар».

ЎН БИРИНЧИ БОБ

ИИХ КИМ-У, УАУ КИМ ЭКАНЛИГИ АЕН БУЛИШИ ХУСУСИДА

Галия билан Вова исиниб ўтиришган гулхан аста сўна бошлади.

Қуёш қоялар ортига ботди. Сарин шабада гўё коронгу тушишини кутиб тургандай, гулхан ёлқинига ўзини урди, унинг олов тиллари-ла ўйнаша бошлади.

Қиз қаттиқ эснаб, ҳурпайиб кетган соchlарини тузатди. Вова охирги тўнкани ҳам гулхангга ташладида, ночор атрофга назар ташлади.

— Ҳозир ўчиб қолади,— деди у шивирлаб,— ёқишига эса ѡч вақо йўқ. Кечаси совқотамиз.

— Сўйиллар-чи?— ўйлаб топди Галия.— У сўйиллардан бунаقا гулхандан юзтасини ёқса бўлади.

Бир неча минутдан сўнг, ёвойиларнинг бу даҳшатли қуроллари гулханда чарсиллаб ёна бошлади,

— Бизларни қидиришяпти, биз эса...— хўрсиниб қўйди Галя ва бир нуқтага тикилиб қолди...

— Бизда агар приёмник эмас, бунинг ўрнига пе-редатчик бўлганида борми,— хаёлчан жилмайди Вова,— ана шунда.

— Ана шунда эмиш... Ҳаммаёғи қоялар билан ўралган бу ердан қандай қилиб чиқиб кетардик? Бу ер, бир жар — ўпқоннинг таги бўлса керак-а? Сен ни-ма дейсан?

— Ҳа-я. Қаёққа қарама, ҳаммаёқ тик чўққи, мана бу ўрталик эса гўё майдончага ўхшайди.

— Стаканга ўхшайди, фарқи шуки бу жуда улкан ва тошдан ясалган.

— Балки ўзимизнинг ғоримиизга қайтиб кетармиз-а; Галя?

— Гулхан сўняпти. Қоронғи ҳам тушиб қолди. Қўряпсанми, осмонда юлдузлар милтиллай бошлади. Бу ерда бўрилар ҳам бўлса керак.

— Бўрилар нима бўпти! Бўрилар-ку қўрқинчли эмас-а, агар...

— Бўрилар қўрқинчли эмас, дедингми?— ҳайрат билан деди Галя.

— Нима, сен барон Мюнхаузенга ўхшаб улар би-лан олишганда бўғзидан ёриб юбора олармидинг?

— Ахир, улар оловдан қўрқишиди, шунинг учун ҳам қўрқинчли эмас. Агар, бехосдан ғор айифи келиб қолгудек бўлса, унда...

— Ҳўш, айиқ оловдан қўрқмайдими?

— Ҳозирча у қўрқади, агар биз гулхандан нарига кетсан қўрқмайди.

— Қўрқяпсанми?

— Йўқ. Мен шунчаки ўзим. Қўрқма, амаллаймиз. Тасаввур қилаласанми? Олдимизга каттакон ғор маҳлуқи яқин келди дейлик, биз эса уни пойлаб тура-миз-да, нақ пешонасини кўзлаб сўйил билан мана шундай қилиб, боплаб урамиз! Гўшт ҳам бўлади, териси ҳам юмшоққина, иссиққина.

— Бунаقا воқеа тўғрисида бир вақтлар эшитган-дим. Еки ўқиган эдимми-е!

— Қаерда? Нима ҳақда?

— Уша ўлмаган айиқ териси тўғрисида-да. Бу ерда ҳозирча бизнинг теримизни шилишмаса майлийди.

— Бўпти, кўп вахима қиласкерма!— қичқириб юборди Вова, бу ёқимсиз фикрлар хаёлига келиб қол-ганидан беихтиёр титраб.

Улар қаёққа кетиб қолишийкан-а,— ўзинча деди Галя.

— Ҳа, зерикіб қоляпсанми?

— Сен-чи, хурсандмисан?

— Унчалик әмас.

Галя эснади. Гулханни чүп билан титкилар экап, охиста күйлай бошлади.

Гулханләрдай ёриинг мөвий оқшомлар...

Вова унга маъюс боқди-да, юк халтачага күз ташлади.

— Приёмникни қўяйим?

— Батареясини тежаш керак,— деди қатъий қишиб Сверчкова.

— Менга қара, Галя, балки неандерталларнинг ўргатилган айғи бўлиб бизга олқишилаш учун ўшани олиб келишга кетишган бўлса-чи? Балки қасос оломоқчи бўлишаётгандир.

— Вой, қўрқитавермасанг-чи! Уларда ўргатилган айқ қаёқдан бўлсин? Уларнинг ўзларини...

— Ўргатиш керак демоқчимисан?

— Хўш, одамлар ўргатилмайди. Уларга... нима дейиларди, ҳаҳ ёдимдан кўтарилибди. Ҳадам буни гапиришни шундай яхши кўрардиларки... Қиз бир дақиқа ўйчан бўлиб қолди-да, бирдан жонланиб кетди.

— Ҳа, эсладим: ўз устида ишлашлари керак!

— Ҳа-да, бу демак — лекция эшлитиши, газета ўқиши, театрга бориши, ўқиган китобларидан зўр фикрларни ёзиб олиши керак деганида-а,— заҳарханда қилди Вова.— Бу неандерталлар учун айни маъқул бўладиган машгулот.

— Гапларинг бунча кинояли? Кимга ўхшайсан ўзинг-а?

— Мен туғмаман.

— Менга қара, эй туғма, биласаіми...

Галя гапини тугатишга ултурмади. Уларнинг яқингинасида шунақаям даҳшатли бир ўкириш эшилтилдики, бундан унинг тили калимага келмай қолди. Гулхан ёруғида улар томон икки орқа оёғида тикка туриб юриб келаётган қандайдир бир улкан махлуқни кўрганида Вова ўзини жуда яхши ҳис қилди деб эслатиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. У бир қарашдаёқ, унинг улкан айиқникидек бошини ва қанақадир одамникига ўхшаб кетадиган аммо, айрим ерлари қалин жун билан қопланган ғалати оёқларини кўриб қолишига улгурганди, холос,

Вова қулоқларни кар қиласидиган даражада чинқириб (албатта даҳшатга тушганидан эмас, балки довюраклигидан деб билмоқ керак буни, ҳар ҳолда бизга маълум бўлишича, у ўзинни довюрак одамлардан деб ҳисоблади), ёниб турган тўнкани кўтариб ҳайвоннинг башарасига қараб отди, сўнгра чақонлик билан ердан сўйилни олди-да, унинг ҳужумини қайтириш учун тайёрланиб орқага тисланди. Галя ҳам гулхандаги ёниб турган таёқчани олиб, кутилмаганда, бу махлуқнинг нақ бўрни тагида силкита бошлади.

Ҳайвон, афтидан, шошиб қолган эди. Аламидан вангиллаб юборди-да, тўрут оёғида туриб қолди. Шу маҳал шундай бир мўъжиза рўй бердики, Галя билан Вова бундан жойларида қотиб қолишиди. Айиқнинг боши, гўё бирор қилич билан узгандай гулханга юмалаб тушди ва болалар, шу зум ясси пешоналилар қабиласи бошлигининг ўлгудай қўрқиб кетган башарасини кўриб қолдилар.

Улар шундан сўнг бу ерда бир кишининг — қотма ёввойининг ҳам шу ерда эканлигини пайқадилар. У орқада турар, қалтираётган қўлларида чала ғажилган шундай бир катта сукни ушлаб олган эдики, агар у билан урадиган бўлса, ҳатто ҳўқиз ҳам тил тортмай ўларди.

Лаганбардор деярли бошлиқ билан бир вақтда ўзини ерга ташлаб тўрут оёқлаб туриб олди ва ер юзидағи барча махлуқлардан кўра қудратли кўрининган, бу сирли одамлардан жазо кутаётгандай жим бўлиб қолди. Аммо, ғажилган сукни қўлларидан қўйиб юбормасди.

Биринчи бўлиб Галя ўзига келди. Қўлидаги тутаб турган таёқчани гулханга отиб юборди-да, қўлларини қоқди. Ёввойилар унинг бу ҳаракатларини таҳдид аломати деб билганларидан турган жойларида титраб қақшашарди. Вова ҳам энди ўзига келди. У сўйилни ерга ташлаб, ҳайрон бўлиб Галяга қаради.

— Менимча, улар бу ерга музокара қилишга келишганга ўхшайди,— деди Тутарев.

— Шунчаки эмас, тағин пора билан,— аниқлик киритди Сверчкова.

— Жиннимисан, неандерталларда қанақасига пора бўлар экан? Бу шунчаки, совға.

— Порахўрлар доим шунақа дейишади. Хўш, нима қиламиз энди?

— Эй, сизлар!— дея гап бошлади Вова айнқ бо-

шини гулхандан астагина нарига суреб қўяркан, бошлиқнинг елкасига қоқиб.—Туриңглар ўринларингдан, бизлар қулдор эмасмиз-ку, ахир.

Ёввойилар қимир этишмасди.

— Тураверинглар энди, амакижонлар?—деди Галя.

Ёввойилар ётган жойларида шундай титраб-қақшаб кетишаётган эдики, уларнинг титроғи гўё ҳозир ер қимирлашни қайд қиласидиган аппаратнинг титроғига ўхшаб кетарди.

— Нима у, қўлингиздаги?— бидирлаб сўради Вова ва лаганбардор томон бир қадам юрди-да, унинг қўлидан тиш излари тушиб қолган гўшти оғир суюкни олди.— й-хў, Галя, бу бир пуддан ҳам кўпроқ чиқса керак-al—дэя суюкни гулханнинг ялтираб турган чўги устига қўйди. Ундан чиқсан ҳид Вованинг димогини қитиқлаб юборди.

Вова ҳали қўлларини ҳам қоқиб улгурмаган эдики, бошлиқ билан лаганбардор гўё буйруққа амал қиласётгандек ўрниларидан иргиб туришди ва қўлларини кўкка кўтаришди. Улар шу кўйи овоз чиқармасдан ва қимир этмасдан бир минутларча туриб қолишиди. Қейин бошлиқ гулхан ёнидаги майса устига ўтириди. Лаганбардор ҳам унинг юзига бир қараб олди-да, ёнига чўқди.

— Ўтири Вова, биз билан гаплашмоқчи,— деди Галя дадил тортиб.

— Қизиқ, қайси тилда гаплашар экан?— деди Вова ҳайрон бўлиб.

— Имо-ишора билан,— жавоб берди Галя гўё дарс темасини эълон қиласётган ўқитувчидай.— Уларни қара, батамом қўлга ўргатилгандай!

— Биласанми,— деди секин Вова,— агар улар биздан қўрқишмаганида борми, қўрққанимдан нақ ўлиб қолган бўлардим.

— Дадил бўл, Тутарев!— деди қатъий Сверчкова.— Муҳим гаплар бошланай деб турибди. Бармоқлар билан.

— Уларнинг тилида гаплашишни ўрганиб олсак, яхши бўларди,— хўрсинди Вова.

— Ҳали улгурамиз. Хўш,— жиддий туриб мурожаат қиласиди Галя бошлиққа,— нима демоқчисиз?

— Фақат қисқа бўлсин,— қўшимча қиласиди Вова.

Бошлиқ билан лаганбардор кўз уриштириб олгач, майса устига чалқанча ётиб олишди.

Галя қўли билан биттасини туртиб турғизмагунча улар шу алфозда ётаверишиди.

— Туринглар, туринглар,— деди у, бу кап-катта одамларнинг ўзларини бу қадар камситаётганликларидан хижолат бўлиб.

Ёввойи одамлар қизнинг гапини тушунишгандай ўринларидан туриб ўтиришиди, бошлиқ эса гўё бундан сўнг ўзимни қандай тутсам экан деб ўйлаётгандай пешонасини алам билан тириштирди. Ниҳоят, у ўрнидан туриб, қўлларини кўтарди:

— Зуу, хриа!

— Зуу, хриа!— қайтарди лаганбардор ғалати чақонлик билан сакраб ўрнидан тураркан.

— Зуу хриа?— беихтиёр қайтарди Вова.— Бу нима дегани?

Вованинг саволини эшитиб бошлиқ билан лаганбардор бир-бирига ҳайратомуз қарашди. Боланинг шу заҳотиёқ бу сўзларни гўё ўзларидек қилиб талаф-фуз этаётгани уларни чиндан ҳам ҳайратга солаётган эди.

— Менимча, булар неандерталларга ўхшамайди,— ўйчан деди Галя.— Эшитдингми, улар қанақа гапиришаётиди? Қизиқ, нима экан у «зу...» дегани.

— Зуу, хриа!— деб юборди бехосдан Вова.

Ёввойилар гўё команда берилганидек, яна ерга ётиб олишди ва улар Галя аввалгидаи туринглар, деб ишора қилмагунича шундай ётаверишиди.

— Балки уларнинг қабиласи шундай деб аталаар?— тахмин қилди Галя.

— Ким билади дейсан? Қе, исмимизни айтиб тушунирамиз!

— Эй,— деди Галя жилмайиб қўлини бошлиқнинг қўлига чўзар экан.— Қелинглар танишайлик. Унинг исми Вова,— у Тутаревнинг кўкрагига қўлини ниқтади,— Вова.

— Офх?— қайта сўради бошлиқ.

— Ҳа, ҳа, менинг исмим Вова!— суюниб тасдиқлади бола.— Тўғри: Во-ва! Унинг исми эса — Галя. Гал-я!

— Аль?

— Э, булар, бутунлай бир бош оғриғи-ку,— хўрсинди Вова.— Ҳаммасини ўзларича бузиб айтишади. А, уларнинг ҳам исмларини билиб олиш керакку!— Шу сўзларни айтиб Вова ҳам бармоғини бошлиқнинг кўкрагига ниқтади.

Шундан кейинги бўлиб ўтган воқеалар болаларни ҳаддан ташқари ҳайратга солиб юборди. Галяга гўё Вова бундай улкян ёввойига бармоғини теккизиши билан йиқитиб юборгандай бўлиб туюлди. Вова эса, бармоғи билан гўё латифалардагидек енгилгина бир туртиб қўйган бўлса ҳам бошлиқнинг пима учун чалқанчасига йиқилиб тушганига ҳеч ҳам ақли етмаётган ёди.

Бунинг устига чалқанчасига йиқилиб тушган бошлиқ билан лаганбардор ҳамон ўринларидан турмасдан ерда ётишарди.

— Туринглар ўринларингдан, граждан неандерталлар,— деди Галя бошлиқнинг қўлидан тортиб.— Биз ҳали танишиб улгурганимизча ҳам йўқ-ку!

Бошлиқ, унинг кетидан лаганбардор ўринларидан туришди ва қўрқа-писа Вовага қаравади.

— Хўп, майли,— жилмайди Галя,— менинг исмим Галя, уники эса — Вова, сизларники-чи?

Ёввойилар гўё улардан ҳеч ким ҳеч нарса сўрамаётгандай жимгина Вовага қараб туришаверди.

— Хўп, энди бас қилайлик,— ўзини тута олмади бола.— Биз совқотялмиз, уйқумиз келяпти. Исламингиз нима? Масалан, мана сизники?

— Шундай деб бола қўлини лаганбардорнинг қўлига теккизди.

— Бунақада жинни қилишворади, одамни,— деди ёввойиларнинг аввалгида жим бўлиб турганини кўрган Галя ҳам ўзини тутолмай.

— Хўш, менинг исмим Галя, тушуняпсизми? Галя!— Сверчкова бу сафар кўкрагига шаппатилаб уриб кўрсата бошлади.— Уники эса Вова. Во-ва! Сизларники-чи?— шундай деб қиз яна лаганбардорни туртди:

— Уау!

— Уау?— қайта сўради Галя бармоғи билан яна лаганбардорни туртиб.

— Уау!— тасдиқлади лаганбардор ва бу билан Вова унга лаганбардор деб тамга уриб қўйган исмдан қутулди.

— Жуда соз,— майин жилмайди Сверчкова.

Уау бошлиқнинг қўксига бармоғини қадаб, баланд овоз билан деди:

— Иих!

— Иих! — тақрорлади унинг кетидан бошлиқ ва яна ўзи ҳам бармоғини кўксига қадаб: — Иих! — деб қўйди нимагадир Вовага ҳайрон бўлиб қааркан.

— Ҳурматли Иих! — деди Вова. — Бизнинг ухлагимиз келялти, — Тутарев қўлларини қовуштириб бошига қўйиб кўрсатаркан.

Иих Уауга бир нималар деди. У эса кўзларини ўйнатиб, гулханда куя бошлаган сүякка қаради.

— Узларингиз еяверинглар, — деди эътироҳ билдириди Галия унинг кўзларидан нима демоқчи бўлаётганини англаб. — Биз тўқмиз.

— Ҳе-ҳе, улар буни тушунишармиди! — деди хафа бўяди қўйл силтаб Вова.

— Офх, — деб юборди кутилмагандада Иих, — Каа муу!

— Каа муу, — қайтарди Уау, қўллари билан энди кўринмай қолган қоялар тарафини кўрсатиб. — Яудж!

— Э, ўргилдим, — қўйл силтади Вова. — Ҳеч нимани тушунмаялман. Сен-чи, Галия?

— Мен ҳам, — деди қиз, сўнг ўйланиб қолиб сўради: — Вова биласанми, нима учун Иих бармоғинг тегар-тегмас ерга йиқилиб тушган эди?

— Билмайман.

— Мен эса биламан.

— Айт-чи, нима учун?

— У ўзини ерга ташламасдан олдин сен нима деганингни бир эслаб кўр.

— Шошма, шошма, — пешонасини тириштириди Тутарев, ўйлаб кўрай-чи. Э, ҳа, эсладим! Мен уларнинг исмини ҳам билиб олишимиз керак деган эдим!

— Йўқ, сен: «А, уларнинг исмини ҳам билиб олишимиз керак» деган эдинг.

— Хўш, нима бўлти, шунга.

— Сен «А, уларнинг исмини» деганингда ёввойилар: булар бизнинг исмимизни ҳам билишар экан-ку, дейишиб ҳайратга тушишган, айниқса Уау ўшанда қўрқиб кетиб ўзини ерга ташлаб юборган эди.

— Бу тўғри, Галия, — жилмайди Тутарев. — Демак сенинг ҳам баъзан калланг ишлаб қоларкан!

— Баъзан эмас, доимо! Умуман, шефингнинг сўвига қулоқ солсанг ёмон бўлмайсан!

Иих ва Уау болаларга ҳамон қўрқув ва ҳурмат билан боқиб туришарди. Уларнинг бундай жим бўлиб қолганликларини кўрган Иих Вованинг қўлидан ушлаб деди;

- Офх, Каа мую! Яудж!
— Бизларни меҳмондорчиликка таклиф қилишяпти! — тахмин қилди Сверчкова.— Тайёрланавер!
— Нима бўпти, борсак, бораверамиз-да,— дея Тутарев юк халтасини қўлига олди.

УН ИККИНЧИ БОБ

ВОВА БИЛАН ГАЛЯНИ КАА МУУ ҚАБИЛАСИ АЪЗОЛАРИГА РАСМИЙ РАВИШДА ТАНИШТИРИШ ХУСУСИДА

Форга кираверишдаги жойда ёввойиларнинг катта бир гуруҳи тўпланишиб туришарди. Бу ерга қабила-нинг барча аъзолари — эркаклар, хотинлар, болалар, чол ва кампирлар йигилишганди. Уларнинг бу қадар ҳаяжонланишларига қараганда ёш келгиндиларнинг бу ерларда пайдо бўлишини анчадан буён бесабрлик билан кутишаётган эди. Қизиқиш дақиқалари эса тобора ортиб бораради. Чунки тоғдан чинакам қор одамдай — неандерталнинг келишини кутиб олишга бизнинг одамларимиз қандай тайёргарлик кўришадиган бўлишса, улар бундан ҳам ортиқроқ тайёргарлик кўришаётган эдилар.

Афтидан, уларни қандайдир қўрқув аралаш бир қизиқувчанлик батамом қамраб олганди. Бу қизиқиш ҳозирги замон одамлари неандерталнинг келишини кутганда бўладиган қизиқищдан анча ортиқроқ, албатта, чунки бизнинг одамлар ҳар ҳолда ёввойи одамнинг кўриниши ва у нималарга қодирлиги ҳақида тасаввурга эга бўлади. Шуниси аниқ эдики, бу ёввойилар бизнинг одамларимиз тўғрисида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасди ва шунинг учун ҳам булардан ҳар нарсани кутса бўларди. Агар фор оғзида тўпланишиб турганлар орасида бизнинг қаҳрамонларимизни бундан олдин кўришга мусассар бўлган баъзи ёввойиларнинг ҳам борлигини ҳисобга олсак, ўтган куни ана шуларнинг шоҳидлигига бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги ҳикоялари ўз қабиладошларида қандай туйфулар уйғотганлигини ғапирмаса ҳам бўлади.

Олдинда қўлларини чўзганча айик калласини кўтариб олган Иих келарди. Унинг кетидан Галя ва Вова бораради. Қаторнинг охирида қотма Уау келаётган эди. У ўша катта суюкни ҳалиям ташлаб юборгиси келмай кўтариб келарди.

Гулхан олдида түпланишиб турган ёввойилар ўзларини таппа-таппа ерга ташлашди-да, чалқанчасига ётиб олишди. Их гор оғзига яқинлашга күтариб келаётган айиқ калласини қўлидан қўймай қаттиқ қичқирди:

— Каа муу, джуу!

Ҳамма ўринларидан дик этиб туришди-да, овоз чиқармай Вова билан Галяга тикилиб қолишиди. Тутарев бу маҳал уларни санаб чиқишга улгурди — агар иккичи-уч ёшлар чамасидаги учта болани ҳам қўшиб ҳисоблагандা ҳаммаси йигирма тўққиз киши экан.

Их айиқ калласини каттакон гранит тошлардан бирининг устига оҳиста қўйди. Уау ҳам қўлидаги сувкни ёнидаги тош устига қўйди. Бу вақт ичиде Вова ҳам ҳисоб-китобини тугатди. Ёввойилар, афтидан, бошлиқнинг бу хатти-ҳаракатларидан ҳайратга тушишди шекилли, ноаниқ товушлар чиқаришиди. Сўнг шу заҳотиёқ бир-бирлари билан қандайдир имо-ишоралар қилишиб, бир нимадан жирканишаётгандай афтларини буриширишиди ва ўзаро нималардир ҳақида гаплашиб кетишиди. Аммо, Их қўлларини ҳавога баланд кўтариб, қаҳрамонларимизга таниш бўлиб колган ўша изборани айтган эди, шов-шув тинди:

— Каа муу, джуу!

Орага жимлик чўқди ва Их қўлларини кўтариб турганича қисқача нутқ сўзлади. Болалар, албатта, унинг бу нутқидан ҳеч нарсани тушунмадилар, аммо унинг қилаётган маъноли ҳаракатларига қараб шуни англағандай бўлдиларки, Их барчани бу келгиндиларга нисбатан яхши муносабатда бўлишга чақирмоқда эди.

Их гапини тугатиб қўлини пастга туширганидан сўнг, ёввойилар эгри-буғри ҳолда бир саф бўлиб турдилар ва бирин-кетин қаҳрамонларимиз олдига яқинлаша бошладилар. Ҳаммаси келиб қўл бериб кўришишса керак, деб кутаётган Вовани ҳайратга солиб, ёввойилар унинг ва Галянинг яқинига келганида беҳурматлик билан уларга орқасини ўғирди-да, бошларини қўйи солишиб ўтиб кетишаверишиди.

Вова Галя билан кўз уриштириб олгач, ҳеч нарсани тушунмаяпман дегандай елкасини қисиб шивирлади:

— Вой, афандилар-ей!

— Балки, уларнинг расм-русумлари шунақадир,— деди секингина Сверчкова ҳолсизланиб.— Бу расм-

русумлари билан бизни яна қачонгача қийнаб ўтиришаркин?

— Энди чидаймиз,— дея хўрсинди Вова ва унга ҳали яқин келиб орқасини ўғиришга улгурмаган ёввойининг елкасига қўлини қўйиб сўрашди.— Э, ошна, бормисан!— Бу ўша ғорда учрашиб қолишган болакай эди. У бу ерда нима қилишини билмай атрофга ҳадиксираганча қараб турарди. Шу дам бу ерда бўлиб ўтётган салом-аликларни диққат билан кузатиб турган Иххнинг овози жаранглади:

— Гиу, аиф!

Боягина Вованинг ашаддий душмани бўлган бу болакай бир сесканиб тушди-да, тезда унга орқасини ўгириб бошини эгди. У бир неча минут шу алфозда тургач, Галияning олдига ўтиб ҳам шундай қилиб турди, сўнг ҳатто орқасига ҳам қарамай нарига ўтиб кетди.

Ҳамма бу расм-русумни бажариб бўлгач, Их боси билан Уау томон имлади. У ҳам, энди батамом чарчаб ҳолдан толаёзган болалар ҳузурида одатдаги машқни бажо келтириб нарига кетди. Энди навбат Ихга келган эди. У қабиладошларининг жим бўлиншини кутиб турди, тантанали равишда қўллари билан кўзларини беркитиб, бир дақиқа шу тарзда турди, сўнг чалиша-чалиша Вованинг олдига яқин келди ва бошини қуи энг жим қотди. Шундан сўнг яна чалиша-чалиша Галияning олдига ўтди, унинг ҳам хурматини жойига келтирди.

Фақат шундан кейингина Их қўлларини кўзларидан олиб юлдуз тўла осмонга узатди-да:

— Зуу хриа!— деди баланд овозда.— Каа муу зуу хриа!

— Зуу хриа!— қайтарди унинг кетидан қабила дошлари бирин-кетин жўр бўлишиб.

— Бирор нарсани тушуняпсанми?— сўради Сверчкова Вованинг елкасидан туртиб.

— Бунинг нимасини ҳам тушуниш керак,— хотиржам жавоб қилди Тутарев.— Қабиланинг номи «Каа муу» экан, бизларни ёввойилар бугун қовуриб ейишмас экан, қолганлари эса арзимас гаплар. Ке, илтимос қилайликчи, бизни энди тинч қўйишин, бўлмаса турган жойимизда ухлаб қоламиз.

Их гўё Вованинг бу истагини тушуниб етгандай қўли билан ғор томонни кўрсатди ва қисқа қилиб деди:

— Яудж!

Бир неча минутдан сүнг Вова билан Галя оёқ киимларини ҳам ечар-ечмас, гүё уларни бирор чалиб йиқитгандек ғорда ётган бир мўйна устига ўзларини ташлашди-ю, шу заҳотиёқ қаттиқ уйқуга кетишиди. Агар шу топда ўн баллик ер қимирлаш бўлганида ҳам улар буни сезмасдилар.

Каа муу қабиласи ҳаётида ҳали ҳеч ким: эркаклар ҳам, хотинлар ҳам, чоллар ҳам ҳеч қачон бу кечагидек бедор бўлишмаганди. Улар тун бўйи қўрқув ҳамда ҳурмат аралаш ухлаб ётган келгиндиларнинг юзларига тикилишиб ўтиришди.

УН УЧИНЧИ БОБ

БАЪЗАН НЕАНДЕРТАЛЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИБ ТУРИШ ЛОЗИМЛИГИ ХУСУСИДА

Вова билан Галя Каа муу қабиласидаги ёввойи одамлар орасида ўтказган ҳаётининг биринчи кунларида ўзларини қандай ҳис қилдилар?

Бу саволга оддий сўзлар билан жавоб беришнинг деярли иложи йўқ, сабаби, баъзи авторлар каби қаҳрамоннинг бир лаҳзалик хаёлга толишини бир ярим соат тасвирлаб китобхонларнинг қимматли вақтини олиб ўтирумай, бўлиб ўтган воқеаларни юксак дидли китобхоннинг ўзи тушуниб олади деган умиддамиз.

Фақат бир нарсани айтиб қўйишга тўғри келади: уларнинг кайфияти унчалик яхши эмасди.

Кайфиятлари бизга аён бўлди, демак, энди уларнинг неандерталлар билан учрашганидан кейинги бир ҳафтада бўлиб ўтган воқеаларни баён қилишга ўтишимиз тамоман ўринлидир.

Очигини айтганда, пионерлар дуч келиб қолган ва уларга дастлаб неандерталлар бўлиб туюлган бу ёввойиларнинг ҳақиқатан ҳам неандертал эканлигига кафиллик бериб бўлмасди.

Гарчи бунга илмий нуқтаи назардан баҳо бериб, бу қабилани зарурий равишда неандерталлар деб аташ лозим бўлганида ҳам ундан деб аташ мумкин эмасди. Ёки ғорда бу тахминни тасдиқлайдиган бирорта белги бормиди? Наҳотки, китобхонлар ғорга кираверишдаги қояга: «Неандерталлар қабиласи № 9—ғор. Таёқ билан тақиллатилсин», деб ёзилган

мармар тахтача ўрнатиб қўйилган деган гапга ишонишса?

Нима ҳам дейниш мумкин, ёввойилар билан учрашилган биринчи ҳафтада Вова билан Галяга ондасонда бўлса ҳам жиндай қувончли, шу билан бирга дилсиёхликлар ҳам бўлиб турди. Болалар бир нарса-га ҳайрон қолишарди: катталарнинг тақиқлашларига қарамай учта ёш неандертал янги танишларининг олдидан деярли нари кетишмасди. Галя улардан бирини қўлига кўтариб эркалатганида неандертал аёлларининг юзларida даҳшат ифодалари пайдо бўлди.

Шу ҳафта ичida Галя билан Вова, агар уларнинг икки-уч марта атрофни ўрганиш учун қилган уринишларини ҳисобга олмагандা, ҳеч нарса билан шуғулланишмади. Аммо, уларнинг бу уринишлари беҳуда эди, сабаби, жазира маисиқда улар ҳеч қаёққа боришомасди, қуёш нақ куйдирай дерди. Яна энг даҳшатлиси шу эдикки, улар қаерга боришса ёввойилар тўдаси уларнинг кетидан изма-из ўша томонга боришаради. Овқатнинг ҳам мазаси йўқ эди. Вова билан Галя лагерда лаззатли карам шўрва, котлет пишириб берадиган Даشا холани бир неча бор эслашди. Бу лагерь ошпазининг бошқа пазандаларнинг ҳам ҳасадини қўзғовчи донғи-ю, у пиширган қовурдоқ ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Қаҳрамонларимизнинг ясси пешоналилар қабиласи орасида ўтказган биринчи ҳафта давомида уларнинг қисматига тушган кўнгилсизликларни эслатиб ўтар эканмиз, Вова билан Галянинг хотирасида чуқур из қолдирган ва ҳаётларига хавф солган бир воқеа тўғрисида айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ.

Иккинчи кун Вова эрталаб уйғониб қараса, юк халтаси бўшаб қолгандай кўринди. У аста ўрнидан туриб тўшак ўрнида фойдаланишаётган тери устига юк халтасидаги буюмларининг ҳаммасини тўқди ва шунда айрим предметларнинг гумдон бўлганини пайқаб қолди. Яъни иккала пўлат санчқиси, иккала алюмин қошиби, иккита отверткиси, кичкина пўлат болғачси ва ош личноғи ғойиб бўлипти. Вова ўғридан омон қолган буюмларини йиғишитириб турганини жимгина кузатиб ўтирган Галя кимдир афтидан юк халтани кремний парчаси билан ишқалаб йиртиб очганини пайқади, сабаби юк халта тешилиб қолганди. Бир неча дақиқадан сўнг ўзининг юк халтасида ҳам шундай тешик пайдо бўлганига кўзи тушди. Қиз буюмла-

рини титкилаб «Хлорадонт» тюбиги, олти хил ранги
галтак ип, консерва очқич, тиш чүткаси, туз солинган
халтача, совун қутича ва икки қути гугуртнинг ғойиб
бўлганлигини аниқлади.

— Номардлар,—фудранди Вова ҳаяжондан ўзига
келиб,— ухлаб ётганларнинг буюмларини ўғирлаш-а!

— Майли, шуларсиз ҳам бир иложини қиласмиз,—
деди Галя ва приёмник, дурбин, иккита сочиқ, уч қути
гугурт, чит кўйлак, трусиклар ва гулчилик ҳақида-
ги рисола, хуллас, тунги қароқчилардан омон қолган
барча нарсаларини юк халтасига жойлай бошлади.
Вованинг ҳам қандайдир тасодиф туфайли омон қол-
ган қаламтарош ва рогаткани чўнтағига солиб оли-
шидан ҳамда қуритилган ноидан қолганларини, чўн-
так фонари ва батареясини эса Галияning юк халтаси-
га жойлашидан бўлак иложи қолмаган эди.

Бўлиб ўтган бу воқеалар, гарчи неандерталлар
қаҳрамонларимизни ҳурмат қилиб эҳтиром ва тобе-
лик белгиси сифатида уларнинг олдида баъзан ўзла-
рини ерга таппа-тацпа ташлаб ётиб олаётган бўлса-
лар ҳам, барibir улардан доимо эҳтиёт бўлиб юриш
керак экан, деган фикрни туғдирган эди.

Шундан сўнг анчагача болалар, ўша йўқолган бу-
юмларининг биронтасини уларнинг қўлида кўриб қо-
лармиканмиз деб, диққат билан кузатиб юришди.
Аммо, иккита ёввойи белига шақур-шуқур қилиб осиб
юрган бўш консерва банкаларидан бошқа ҳеч нарса
кўзларига чалинмади. Консерва банкасини тақиб ол-
ганлар ўзларини шундай тутишардик, гўё беллари-
даги оддий тунука эмас, балки олтин шамширдай
юзлари ифтиҳорли, юришлари вазминроқ бўлиб қол-
ган эди. Галя билан Вова барча кўнгилсизликларга
қарамасдан, уларнинг бу ғалати қилиқларини кўрган-
да ўзларини кулгидан тўхтатишолмасди.

— Шуниси ажабланарлики,— дея шивирлади бир
сафар Вова қовурилган гўшти суякни шимаётуб.—
Улар бизга гўё виждонлари покдек ва гўё бизнинг
ҳеч нарсамизни ўғирламагандек қарашяпти!

— Нимага ҳадеб нолийверасан-а?— норози бўлди
Галя.

— Шунақаларни кўрсам разабим қайнаф кетади.
Сенинг бунчалик қизғанчиқ ва бачканалигинги бил-
мас эканман. Худди, неандерталларга ўхшайсан-а,
яхши эмас.

— Ўғрилик қилиш — яхшими?

— Йўқ. Аммо, шунинг учун ҳам улар троглодит— ёввойи одамлар-да. Сен эса, маданиятли одамсан.

Вова қизариб кетди.

— Мен қизғанчиқ эмасман,— деди чайналиб у қор одамни овлашга чиққандек.— Фақат бу буюмлар ўзимизга ҳам асқотиб қолар дегандим-да.

— Нимага ҳам керак бўларди?

— Бу ердан чиқиб олишимиз учун.

— Бу бошқа гап,— бошини иргади Галия.

Шундай кунларнинг биррида эрталаб болалар уй-қудан уйғонишиб фордагиларнинг нимадандир фавқулодда ҳаяжонга тушиб қолишганини кўришди. Эркак неандерталлар форга тинмай кириб-чиқишилар. Хотинлари эса қандайдир бир ғалати иш билан банд эдилар: улар катта бир терининг устига ётиб олишганча бошқа бир терини ялашарди. Ёш болалари уларнинг орасида ўралишиб юришар, уриб ҳайдаб юборишса ҳам барибир кўнгилларига олмай атрофларида гимирлашарди.

Ниҳоят, форда Их пайдо бўлди. Вова дарҳол, унинг янги тери ёпиниб олганлигини пайқади, Галия эса унинг офтобдан қорайган бақувват бўйини бе-заб турган янги тақинчоқлар шодасига эътибор қилди. Қиз диққат билан қараб чиққач, уларнинг орасида йўғон ипга тизилган оқ чиғаноқлар, олти хил галтаги ва консерва очғичи ҳам борлигига кўзи тушди.

Қиз тирсаги билан Вовани туртди-да, Ихнинг тақинчоқларига имо қилди ва маъноли хўрсиниб қўйди.

— Ҳаммаси тушунарли,— шивирлади Вова.— Бугун унинг туғилган кунига ўхшайди: кўряпсанми қандай ясаниб олибди. Ҳеч бўлмаса виждони олдида қийналса ҳам майли эди!

— У виждон азобини ҳали билмайди, чунки виждон унда ибтидоий даражада.

Қиз яна алланималар демоқчи эди, лекин шу пайт Их келиб ерга тўшалган терига узала тушиб ётиб олди-ю, жим бўлиб қолди. Фордаги бошқалар ҳам унга қўшилишиб шундай қилишди.

Бир зумдан сўнг Их ўрнидан туриб, қўли билан фордан чиқиши томонни кўрсатди ва тантанавор равишда:

— Офф! Зуу хриа Каа муу! Джжий мии кии!— деди.

Ўринларидан туриб олишган болалар ҳеч нарсани тушуна олмай бир-бирига қарашди. Вова бошлиқнинг

бу ҳаракату сўзлари нималарни англатишини эслашга зўр бериб ҳаракат қилди, аммо хотирига ҳеч нарса келмади.

— У сени қаёққадир чорлаяпти,— деди Галя секингина.

— Бирга борамиз!— деди Тутарев кўзи билан Сверчковага имлаб.

Их, афтидан, Вова айтган сўзларнинг маъносини фаҳмлаб қолди шекилли, хўмрайди. Кейин у сержун чайир қўлинни Вованинг елкасига қўйиб:

— Офх мии кии! Оф джжий!— деди.

У Вовага йўл бериб унинг юришини кутиб турди, шу пайт Галя ҳам унинг кетидан эргашган эди, у огоҳлантириш маъносида қўлларини кўтарди.

— Мен ҳам бораман!— деди Сверчкова.— Ахир, мен шефман-ку.

— Джуу, Аль, джуу,— деди Их дағаллик билан ва қизга тери устидан жой кўрсатди.— Аиф! Офх джжий мии кии!

— Майли, ҳозирча ғорда тура тургин-чи,— тушунтириди Вова.

— Агар, улар сени еб қўйишса-чи?— деди Сверчкова қўрқиб.

— Тентаквой-ей! Агар улар бизни емоқчи бўлганларида, аллақачон уларнинг ошқозонларида ҳазм бўлиб кетган бўлардик! Ҳавотир олма, мен тезда қайтаман. Сен шу ерда хаёлан менга ўзингни раҳнамо деб билиб туравер.

Шу сўзларни айтиб Вова чиқиб кетди. Унинг кетидан Их ҳам жўнади. Лекин, Вова шу заҳоти ғорга қайтиб кирди-да, Галянинг юк халтасини титкилаб, ундан дурбин ва чўнтақ фонарини чиқариб олди.

— Ҳар эҳтимолга қарши,— деди-да, ғор оғзида кутиб турган Ихнинг олдига чопиб кетди. Вова чопиб кетаётib яна бир бор чўнтақларини пайпаслаб кўрди. Рогатка билан қаламтароши жойида эди.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

ШОҲДОР МАЪБУД ЖОЙЛАШГАН ФОР ТАСВИРИ ВА БАЪЗИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Улар кетма-кет боришарди. Олдинда учига чақир тош қадалган ёғоч найзалар боғламини кўтариб Их борар, ундан сўнг Вова, Вованинг кетидан эса найзасини қўлтиқлаб олганча Үау кетарди. Уларнинг орт-

ларидан эса, шундай найзалар ва сўйиллар билан қу-
ролланиб олишган ўн еттитача ёввойи эргашиб борар-
ди.

Вова йўлакка атайлаб ташлаб қўйилгандай ётган
кескир тошларга дам-бадам қоқилиб кетар ва бу
жойлардан гўё оёқлари тагига гилам тўшаб қўйилган-
дай эркин ва енгил юриб кетаётган неандерталлар-
нинг бир маромдаги ҳаракатларига қараб ажабла-
нарди. Аммо, улар секин юришарди, шунинг учун ҳам
Вова бир неча бор уларга урилиб кетаэзди.

«Хомкаллалар-ей,— ўйлади Вова,— тағин буйруқ
ҳам беришади».

Улкан қоялар оралаб кетган ёлғизоёқ йўл тез ора-
ла юқорига қараб ўрлади ва Вова энди юриш қийин-
лашаётганини сеза бошлиди. Аммо, уни ташвишга
солаётган нарса бу эмасди. Унинг бошидан ушбу саё-
ҳатидан кўзланган мақсад ҳақидаги хилма-хил фикр-
лари лип-лип этиб ўтиб турарди. Гоҳ унга, ёввойилар
уни худди жазолашга олиб кетишаётгандай бўлиб
туюларди,— ундей бўлса уни нега бунчалик узоққа
олиб кетишяпти, шуни ўйлаб унинг боши қотарди.
Гоҳ эса, уни қаёқдан келган бўлса ўша ёққа жўнатиб
юборишимоқчи бўлаётгандай бўлиб туюларди,— агар
шундай бўладиган бўлса, Галяни нега горда қолди-
ришгани яна унга жумбоқ бўларди, гоҳ эса уни бош-
қа қабила қўлига асир бўлиб тушиб қолган ўз одами-
га алмаштириб олиш учун олиб кетишаётгандек тую-
либ қўрқув босарди,— агар шундай хулоса қиласидиган
бўлса, неандерталлар онгли мушоҳадага эга экан-ку,
деган фикрга келишга тўғри келарди.

Шу сабабли, Вова ҳозирча ҳеч қандай хулосага
келолмай, бу ҳақда ўйламасликка қарор қиласди. Энди
нима бўлса бўлар деб тақдирга тан бериб қўйди.
Тўғрисини айтганда, унинг ҳозирги аҳволида бирон
нима қилиб бўлмас эди ҳам, чунки ўн бир яшар бола
ҳар қандай куч ишлатмасин бу сўлоқмондай-сўлоқ-
мондай ёввойиларнинг кучи олдида унинг кучи урвоқ
ҳам бўлмасди.

Шунинг учун у Иихнинг кетидан индамай эрга-
шиб кетаверди ва ҳатто неандерталларни ҳайрон қол-
дириб икки марта бир неча метргача бир оёқда ҳақ-
калас ҳам қўйди. Унинг кетидан бораётган ёввойи-
лардан бири ҳам шундай қилмоқчи бўлган эди, бир-
дан оёғи чалишиб йиқилиб кетди ва бу қилиғи учун
Уау томонидан шапалоқ еди.

— Ёлғизоёқ йўл тобора юқорига ўрлаб борар ва туртиб чиққан тик қоянинг атрофини ўраб ётган паст бўйли бутазорлар ичига кириб кўздан йўқоларди.

«Яна қанча юрар эканмиз-а?» — ўйлади Вова зерикаб ва шу онда Иххинг бир оз бўғиқ овози эшитилди.

— Каа муу! Джузу!

Ҳамма тўхтади. Уау қандайдир бир команда берган эди, бешта басавлат ёввойи бир бўлишиб, яшилҳаворанг тусли каттакон бир тошни Ихх томон итариб жойидан силжита бошлади. Бир неча дақиқада уни бир томонга силжитишиди. Ихх уларнинг бу ишини маъқуллагандай овоз чиқарди. Кейин чаққонлик билан ўша тошнинг устига сакраб чиқиб өлди. Энди Ихх нақ Тутаревнинг боши баравар баландликда турарди.

— Мии кии! — деди Ихх қўлини кўтариб. Вова Ихх ишора қилган томонга қараган эди йўлакдан уч метрлар чамаси баландликдаги қоядаги кичикроқ бир туйнукчага кўзи тушди. Болага бу тешик гўё қандайдир нур таратиб тургандай туюлди.

Ихх бир сакраб, найзалар боғламини туйнук ичига итқитиб юборди. Кейин у чаққонлик билан Вованинг кўзи олдида бир лип этди-ю, туйнук олдидаги чақир тошга тирмашиб өлди. Бир оздан кейин туйнукдан бошини чиқариб Уауга имо қилди. У ҳам бир сакрашдаёқ тош устига чиқиб найзаларини Иххга берди, ёзи эса қўлини Вовага узатди.

«Эҳ, нима бўлса, бўлар!» — ўйлади бола юраги шувиллаб ва иккала қўлини Уауга чўэди. Сал ўтмай ҳамма қоядаги туйнук орқали, пастаккина, ним қоронғи, зах фор ичига кириб олишди. Сўнг, Ихх Вованинг қўлидан ушлаб эгилишиб олганча (бундан унинг бадани жимирлашиб кетганди) бемалол кўриниб турган жонсизгина гулхан томонга юришди. Уларнинг кетидан бошқалари ҳам жимгина эргашишди.

Вованинг чўнтағида электр фонари борлиги эсига тушиб қолди ва у фонарини чиқарди-да, тугмачасини босиб бир неча бор ўчириб ёқди. Ушанда нима бўлди денг! Ихх унинг қўлини қўйиб юборди ва заифгина ингради-ю, ўзини, шағал устига ташлаб ётиб өлди. Қолганлар ҳам шундай қилишди. Вова ҳар бир ёввойига фонар ёругини тўғрилаб қараб чиқди. Неандерталлардан биронтасининг башарасига нур тушар-тушмас қалтирас ва қўрқувдан юзини буришириб тескари ўғирилар эди. Вова буни ҳузур қилиб кузатди.

У узоқ вақт бундай қилиб туришни ўзига эп билди-да, фонарини ўчирди. Ёввойилар шунда ҳам ерда миқ этмай ётаверишди, Тутарев «Туринглар!» дегандан кейингина гүё унинг сўзини тушунишгандай ҳамма ўрнидан дик этиб туриб ўтиришди.

Их яна қўлини қайтадан Вовага узатган эди, у ёввойининг жун босган бармоқлари бу сафар қалтираб кетаётганини пайқади.

Хуллас, улар муюлишдан нарига ўтганларидан сўнг Вова гулхан нури билан ёритилиб турилган катта бир гор олдидан чиқиб қолганини сезди.

Аста-секин гор ичиға киришди. Ёнаётган шоҳшаббалар уюми ёнида бир паканагина ёввойи турарди. У қабиладошларини кўриб ғалати қилиб ғудранди-да, гавдасини яна сал олдинга буқчайтириб олди. Вова бу гулхан қўриқчисининг букри эканлигини сезмаган эди, кейинроқ у ён томонига ўгирилгайдагина, буни билиб олди.

Буқри Иихнинг ишорасига кўра, гулханга ўтин ташлаб ўзи четга чиқди. Вова, шундагина горнинг тўридағи-шира бўлиб кўриниб турган ғалати бир қиёфага эътибор қилди. Япалоқ тош устида қандайдир бир ҳайвоннинг,— афтидан, лойдан ясалган бўлса кёрак,— гавдаси ётарди. Вова қўпол қилиб ясалган бу бесўнақай санъат асарига диққат билан узоқ тикилиб унинг нима эканлигини ажратади. Бола ўзича ҳайкалнинг ижодкорига бу иши учун икки баҳо қўйди-да, энди бу ёғи нима бўлар экан, деб кутиб турди. У сукут ичидаги ёввойилар ўртасида турган Иихга қараган эди, унинг қўлларида қиличисимон катта шоҳли эчки боши борлигини кўрди. Худди мана шунаقا шоҳли эчкини Вова қачонлардир ҳайвонот боғида кўрган эди.

У беихтиёр горнинг қоронғи томонига қараган эди, боланинг кўзи қандайдир ялтироқ нарсаларга тушди. Вова қоронғиликка диққат билан тикилди ва ўзлари йўқотган буюмларнинг уюлиб ётганини кўриб ҳайрон қолди. У ерда санчқилар, қошиқлар, иккита отвертка, болғача ва «Хлорадонт» тюбиги, тиш чўткаси, иккита совун қути, туз солинглан халтacha, икки кути гугурт ва яна алланималардир ётарди.

Вова, зиқналий қилдинг, дея Галянинг унга қандай дашном берганлигини эслаб, хижолат бўлди. Тўғрида, ҳозир унга қошиқларнинг нима кераги бор, бунинг устига неандерталларда шўрванинг ўзи бўлма-

гандан кейин? Мана, бу болғача билан отвертка эса ҳар ҳолда керак бўлиб қолиши мумкин. Масалан, отверткани ғор деворига илмоқ қилиб қоқиб, арқон билан Галяни чиқариб олса бўлади.

Аммо, бу асбобларни неандерталлардан қандай қилиб олади? Буни ўйлаб кўриш керак.

Бу орада Иих секингина лой ҳайкал ёнига келдида қўлидаги шохли эчки бошини оҳистагина кўтариб ҳайкалга ўрнатиб қўйди. Бу ҳол Вовани жуда қизиқтириб қўйди. У беихтиёр жилмайди. Аммо, Вова Иихнинг ҳаракатларини жимгина кузатиб турган бошқа неандерталларга ўзининг қилиқлари уларга унча ёқмаётганлигини сезгач, дарҳол яна жиддий тусга кириб олди. Шу топда у эчкининг боши ўз гавдасидан ҳеч қачон катта бўлмаслигини ёввойиларга бирам тушунтириб бергиси келиб кетдики, асти қўяверасиз, лекин, Вова шу заҳотиёқ бу фикридан ҳам воз кечди, чунки Иих лой ҳайкалчага эчки бошини ўрнатгандан сўнг чаққонлик билан найзалар уюми ичидан учига чақир тош қадалган найзани қўлига олаётган эди. Бир зумдаёқ бошқа неандерталлар ҳам ўшандай найзалар билан қуролланиб олишди. Уларнинг юзлари даҳшатли бир тусга кира бошлади. Ҳатто шу ғириширада ҳам уларнинг мушаклари ўйнаётганлиги шундоққина кўриниб турар эди.

Ҳамма ўзини четга олди. Ҳосил бўлган бу ярим давра ўртасида фақат Иихгина қолди. У қўлидаги найзасини силкитиб иргишлар ва аҳён-аҳёнда чўзиқ овоз ҳам чиқариб қўяр эди. Ёввойилар бу овозга жўр бўлишар, лекин жойларидан қимир этишмасдилар. Иих жанговор ҳолатга кириб найзасини ўқталиб, қандайдир бир сўзни бақириб айтар, бошини орқага ташлаб, турган жойида айланарди. Кейин у қабила дошларининг қий-чуви остида лой ҳайкал ёнига аста борди. Найзасини эчки шохига теккизгудай қилиб ўқталди-да, шу заҳоти бир неча қадам орқага сакраб, қаҳр-газаб билан қичқирди:

— Мии кии!

— Мии кии!— қайтаришди ёввойилар олдинмакетни жўр бўлишиб ва бир зумда ҳамма қўлидаги пайзаларини лой ҳайкалчага санчишиди.

Энди эса фақат Иихгина эмас, балки барча неандерталлар ва букри ёввойигача ғалати рақсга тушиб кетишиди.

Вова ўзи биладиган барча ижтимоий терминларни

ишлатиб, бу ғалати ўйиннинг ` қайси рақсга мансуб эканлигини аниқламоқчи бўлди-ю, аммо бунинг фойдаси бўлмади. У на вальсга, на мазуркага ёки на фокстротга ўхшарди. Твист ёки рок-инролл-ми-кин? Вова қўшниси Алланинг твистга қандай тушишини ўз кўзи билан кўрган эди. У рақсга тушаётган ёввойи-ларга узоқ тикилиб турди. Бу ғаройиб томоша тугагандан кейингина Вова ўзининг шохдор маъбуднинг ибодатхонасида бўлаётган овчиларнинг анъанавий рақсида қатнашаётганлигини тушуниб қолди.

Их чақир тош қадалган найзаси билан боланинг ёнига келди-ю унинг фикри бўлинди. У найзани Вова-га узатди-да, қўли билан унга эчки ҳайкалини кўрсашиб қандайдир тантанавор овозда:

— Офх! Мии кии!— деди.

«Буниси энди қандоқ бўлди,— ўйлади Вова.— Мен ҳеч қачон қўлимга найза ушламаган бўлсан, бу қурғур найзани энди қандай отар эканман? Теккизолмай қолишим ҳам мумкин-ку, ахир. Борди-ю, уларда нишонга теккизолмаганларни ўлдириш расм бўлса-чи? Эҳ! Мен тентакка неча мартараб жисмоний тарбия дарсида найза отишни ўргатишмоқчи бўлишган эди, ўшанда ўзимда хоҳиш бўлмаганди, дангасалик қилгандим. Эндиғи пушаймон, ўзингга душман!»

Вова ҳайкалга қараб, беихтиёр унга санчилиб турган найзаларни санай кетди: форда нечта ёввойи бўлса, санчилган найзалар шунча — йигирмата чиқди. Вова фикран ҳаёт билан видолашиб тушди, ҳатто Галияни кутаётган аянчли қисмати ҳам бир зум хаёлидан ўтди, лекин шу пайт бирдан миясида бир фикр йилт этиб кетди-ю, дарҳол кўзи очилди.

Бола ўзига узатилган найзани нарига суриб қўиди-да, Иххага огоҳ бўл, дегандай қўлини ҳавога кўтарди ва чўнтагидан рогаткасини чиқарди.

Ёввойилар жимгина уни кузатиб туришарди. Их бўлса Вова қайтариб берган найзани ушлаганча унинг қўлидаги аллақандай нарсани ҳайрон бўлиб кузатиб турарди. Вова рогаткага тош солиб, нишонга ола бошлади.

Неандерталлар ҳайратдан қичқириб юбордилар: рогаткадан отилган данакдек тошча эчки бошига қаттиқ урилди-да, унда кичкинагина тешикча ҳосил қилди. Қойил-е! Вова ўз муваффақиятидан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди. Аслида эчкининг бош суюги чириб қолган, унинг пешона қисми тўкилай деб турган

бўлиб, уни бемалол бармоқ билан тешиб юборса ҳам бўларди, лекин бундан у бехабар эди.

Нима бўлганида ҳам, рогаткадан отилган тош ёввойиларда кучли қизиқиши ўйғотди.

— Мии кии! — тантанавор қичқирди Их.— Мии кии, Офх!

— Мии кии, Офх! — такрорлади ёввойилар. Улар порлаб турган кўзларини рогаткадан узиша олмас эдилар. Вова энди ўзини гўё ўз яқинлари орасида тургандай ҳис қилаётган эди.

УН БЕШИНЧИ БОБ

ЁВВОЙИ ОДАМЛАРНИНГ ҲИЙЛАСИ ВА ЁВВОЙИ ЭЧКИЛАР ТЎҒРИСИДАГИ АИРИМ ТУШУНЧАЛАР ХУСУСИДА

Ёввойилар фордан икки километрларча нарига юриб боришган бўлса ҳам, ҳали ҳеч ким дам олиш ҳақида ўйламасди.

Вова ҳориган оёқларини зўрға судраб босар ва ўзича унинг имкониятларини ҳисобга олмаётган, аниқроғи, болани унтиб қўйган неандерталларни сўкиб борарди. Ҳатто Вова уларга эшиттириб сўкиб юборгиси келиб кетди — чунки бу ерда уни барибир ҳеч ким тушунмасди.

Боланинг диққатини шу пайт қандайдир маърашга ўхшаган бир овоз жалб қилди. Вова у ёқ, бу ёққа аланглаб, ҳозиргина босиб ўтган чангальзорга кўз юргутириб чиқди. У турган жойида чор атрофни қараб чиқди, ҳатто осмонга ҳам қаради, аммо, ҳеч қаерда тўртоёқлилардан биронтаси мавжудлигини билдирадиган белгини кўрмади.

«Бу қанақа найранг бўлди? — ўйлади у. — Бу қандайдир сирли нарсадан бўлак нарса эмас!»

Бир неча дақиқадан сўнг, қоялар ёриги оралигига тўп бўлиб ўсиб ётган қалин итбурун буталари орасидан кичик жуссали ориққина ёввойининг йўлакка сакраб тушганидан кейингина гап нимада эканлигига тушуниб қолди. Сакраб тушган ёввойи Ихнинг олдига келдида, қўли билан тик қоялардан бирини кўрсатиб:

— Мии кии! — деди.

Ихнинг кўзлари чақнаб кетди. У овчилар томон ўгирилиб, салоҳият билан бир оз сукут сақлади-да, бўғиқ овозда деди:

— Джжий!

Неандерталлар групласи дарҳол бўлинишди. Овчиларинг бир қисми тик тушиб кетган ёлғизоёқ йўлдан пастга, қолганлари эса юқорига ўрлаб кетишиди.

Яна ярим километрлар чамаси юрилгач, ёввойилар тўхташди. Бошлиқ уларга бир нималар деб тушунтира бошлади. Вова неандерталларнинг юзларида пайдо бўлган ҳаяжондан шуни билдики, тез орада ов бошланади. Бешта ёввойи олдинга қараб кетишиди. Улар бир минутча юриб боришгандан кейин гранит қоялар ортига ўтиб гойиб бўлишиди. Вова ҳалигина неандерталлар ортига ўтиб ғойиб бўлган ўша қоялар устида қайрилма қилич янглиғ улкан шохлари орқага кетган бир неча эчкилар пайдо бўлганини кўриб ҳайрон бўлди. Вова уларни кўриб ҳайратдан қичқириб юбораёэди-ю, аммо улар ҳақиқий эчкилар эмас, балки, илгари ов қилиб ушлаган эчкиларнинг шохларини ниқоб учун бошларига қўндириб олган бояги овчилар эканлигини билиб қолгач, қизиқиши сусайди. Қоядаги «эчкилар» жойларида бир неча минут депсиниб туришида, тезда кўздан фойиб бўлишиди.

Шундан сўнг Иих ва бу ерда қолган бошқа ёввойилар қўлларидаги найзаларини диққат билан кўздан ўтказа бошлашиди. Ёввойилардан бири найза учига қадаб қўйилган кескир тошнинг маҳкам бофланлигини синаб кўраётган эди, тош фавқулодда найза учидан сирфалиб чиқиб кетди ва иложсиз қолган ёввойи атрофига жовдираф қаради. Унинг бундай эҳтиётсизлигини кўриб норози бўлган Иих бир нималар деб ғудурлади-да, тескари ўтирилди. Кўзи Вованинг кўзига тушга, бир зум пешонасини тириштириди, унинг ёнига келиб қўлидаги рогаткани кўрсатиб:

— Ук! — деди.

Вова рогаткага тош солиб, ён-верига қаради-да, яқинроқдаги бир ясси тошни нишонга олди. Ёввойилар жим бўлиб қолишиди. Бола рогаткани роса чўзиб қўйиб юборди. Рогаткадаги тошчи ғувиллаганча бориб каттароқ бир тошга тегди. Бундан хурсанд бўлган Иих қониқиши билан лабини чапиллатди. У Вованинг қўлидан рогаткани олди-да, унга мос келмаган бир тошни солиб, бояги ясси тошни нишонга олди. Шу пайт кимнингдир бўриқ вой-войлаши эшитилди. Нишонга олинган тошнинг нариги ёғида турган Уау пешонасини ушлаганича йўлакка гурсиллаб йиқилиб тушганди.

«Қош қўяман деб, кўз чиқарган», деб шунақаңгиларга айтишган бўлсалар керак-да, дея ўйлади Вова. Қийин аҳволда қолган Их ҳайрат билан бир рогаткага, бир Вовага ўқрайиб қарапди. У қўрқинчли жағини очиб, болани Қаа муу тилидаги бор бўлган барча сўкишларга кўмид ташлади:

— Да! Боа! Ик! Лоа!

Вова, албатта ҳали маҳаллий диалектларни тўла ўрганиб ололмаганлиги сабабли неандерталларнинг бу қизгин нутқини рус тилига тўла илмий аниқлик билан таржима қилиб бера олмасди, аммо Ихнинг кўзларидағи ифодадан тахминан шундай маъно уқса бўларди: «Шумтака! Сенинг бу ярамас рогатканг билан фақат ер ковласа бўларкан, холос. Шу ҳам қурол бўлдими? Сени, ҳар ишга қодир сеҳргар, деб ўйлагандик, биз бечора мактаб кўрмаган неандерталларга ёрдам қўлларини чўзарсан, деб сенга суюнгандик. Сен эса, гарчи, бешинчи синфда ўқисанг ҳам, ўйинчоқларинг бошоғриқ нарсалар экан. Бир жинқарча нонпарель экансан-ку, яна бошқаларни масхара қилганинг ортиқча. Эҳ, сен! Ҳатто мендек бир ибтидоий одам ҳам, сен туфайли уятга қолиб ўтирибман. Қани, марш! Мен энди сен билан ўйнамайман».

Бошлиқ нафрат билан рогаткан жарга улоқтириб юборди.

Вова ҳақида энди нима ҳам дейиш мумкин? У бу воқеани асло тилга олгиси келмас, шу билан бирга рогатка билан ўйнашадиганларни ҳам энди жинидан баттар ёмон кўриб қолганди...

Уау бир амаллаб ўрнидан турди-да, пешонасидаги каттакон ғуррани силай-силай Их ёнига келди ва боши билан унга Вованни имлаб, бир нималар деди. Неандерталлар дам Вовага, дам рогатка бориб тушган жарлик томонга қарапшиб, бир нималар ҳақида кенгаша бошлашибди.

«Эҳ,— деди Вова ичидан эзилиб.— Демак, улар мени ҳам шу томонга улоқтиришмоқчи экан-да! Алвидо, ҳаёт! Бу кунингдан баттар бўл, Вова, овсар, неча марталаб бувим огоҳлантирган эди: «Бу рогатканг сени ҳеч ҳам яхшиликка олиб бормайди!»— деб. Мана, бувим охири ҳақ бўлиб чиқди...

Агар бу ерга ҳозир бояги йўлда учраган ўша озғин ёввойи чопиб, келиб қолмаганида, неандерталлар машъум кенгашда, ким билсии қандай хulosага келишган бўлишарди. Неандерталларнинг эсанкираб

қолганлиги юзларидан билиниб турарди. Чопиб келгандык ёввойи ниманидир зорланиб вайсар, қолган ёввойилар эса чугурлашарди. Маълум бўлдики, овчилар изига тушган ёввойи эчкилар подаси номаълум томонга ғойиб бўлишган.

Их ғойиб бўлган овни излаб топиш учун атрофига шундай олазарак бўлиб қарап эдик, зўриққанидан кўз соққалари шокосасидан чиққудай бўлиб кетаётганди.

Их қанча чиранмасин барибир унга ҳеч нарса кўринмади. Эчкилар подаси кўринмай кетганди. Вова шу маҳал анча тушиб қолган ўз обрўйини қайта тиклаб олиш пайти келиб қолганлигини ҳис қилди. Унинг эсига дурбини тушиб қолди. Бу ажойиб оптик асбоб Тутаревга ҳам, неандерталларга ҳам бирдай яхши хизмат кўрсатарди. Вова тоғларни дурбинда кузатар экан, беш минут ичидаги муюлишлардан бирида ўтлаб юрган эчкиларга кўзи тушди ва шу билан у ҳам Кая муу қабиласи орасида йўқолай деб қолган обрўсини яна қайта тиклаб олди.

— Аа! Мaa-бум! — хитоб қилди хурсанд бўлиб кетган Их. Буни, афтидан, шундай деб тушунса бўларди: — «Буни қара-я! Ҳар ҳолда сен жуда бало экансан-ку».

Овчилар узоқдаги ўша муюлиш томон жўнашди. Олдинда бошларига эчки шохларини қўндириб олишган бояги бешта овчи кетиб боришарди.

Улар найза отса ҳайвоnlарга етадиган ергача яшириниб боришли. Шамол эчки тўдалари юрган тарафдан эсар ва Вованинг димогига улардан тўкилиб қолган юнгларнинг аччик ҳидини олиб келиб уради. У неандерталлар билан нафасини ичига ютиб, улкан гранит тош ортидан бошини чиқариб қаради ва қандайдир бир лаҳза ичидаги эчки тўдасининг ҳаммасини кўриб олишга улгурди. Бу ерда гоят чиройли, қайрилма қиличсимон шохли ўн тўртта ажойиб тоғ эчкилари ўтлаб юради.

Бола ҳали бу беозор ҳайвоnlар қандай ов қилининин тасаввур қилишга ҳам улгурмай Иххининг кучли қўллари билан отилган найза унинг шундоққина боши устидан шувиллаб ўтиб кетди. Кейин кетма-кет яна уч неандертал найза отди. Вова бошқаларга нисбатан яқинроқ жойда ўтлаб юрган эчкилардан бирининг ён томонига қаттиқ сакраганини кўрди. Шундан сўнг аянчли бир маъраш эшитилди-ю, эчки ёни билан

ерга қулаб тушди. Афтидан, найза унинг нақ юрагига санчилган бўлса керак, у қулаб тушганда найза си-ниги чиқиб турган жойдан қон сирқираб оқа бошлади.

Эчкилар подаси ниҳоят пистирмадан отилиб чи-кишган одамларни кўришди. Шунда эчкиларнинг сер-каси огоҳлантирувчи овоз чиқарди-да, ўша жойдан саккиз метрлар чамаси наридаги қояга енгилгина сак-раб ўтиб, кўздан фойиб бўлди. Кўрқиб кетган эчкилар унинг орқасидан эргашишди. Бироқ эчкиларнинг ҳам-маси ҳам унга эргашиб қочишга қурби етмади: учта эчки сакраганда нариги қояга етиб боролмай жарга қулаб тушиб кетди. Бошқалари зўр-базўр сакраб ўтиб, кўздан фойиб бўлди.

Неандерталлар қичқиришганча жар бўйига чопиб бордилар. Их қилган овидан сармаст, Вовани ахтаради. Бола буни сезди шекилли итоаткорлик билан унинг ёнига чопиб борди ва қаршисидаги нақ ўтиз метрлар келадиган жарликни кўриб тўхтаб қолди. Их қўли билан жарликни кўрсатди. Вова астагина жар лабига яқинлашиб пастга қараган эди, у ерда, чақир тошли жар тубида жон талвасасида типиричи-лаётган учта эчкига кўзи тушди. Уларнинг ёнида эса, айланма ёнбағир йўл орқали аллақачон у ерга етиб боришган тўртта неандертал турарди.

Нима учун неандерталларнинг отряд-отрядга бў-линиб бундай эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилинганик-ларига бола энди тушунди: бу ёввойи овчиларнинг кўпроқ ўлжа олишига имкон берувчи одатдаги ажо-йиб ов ҳадисларидан бири эди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ҚИЛГАН ТОҒ ҚОПЛОНИ ВА БУНИНГ ОҚИБАТЛАРИГА ДИҚҚАТНИ ЖАЛБ ЭТИШ ХУСУСИДА

Их жар тубидаги учта катта эчкини нимталашга қийналастганлар ёнига қабиладошларидан яна тўрт кишини юборишига буйруқ берди.

Бу тўрт ёввойи номаълум сўқмоқлардан айланиб, етиб боргунларича улар ўтқир тошлар билан эчкиларни майдалаб бўлишган эди.

Уау ҳам Их яралаган эчкини эндигина нимта-

лашга тушган эди, ёнига келган ёш келгиндини күриб тұхтаб қолди. Бу ёш келгиди унга аллақандай ялтироқ бир нарсаны узатаётганиң күзи тушди. Гап шундаки, Вова Уаунинг қийналаётганиң күриб раҳми келганидан унга ёрдам беришга қарор қилиб чүнтагидаги қаламтарошини ёввойига узатаётганди. Бироқ Уау қаламтарошини нима қилишини билмай ҳайрон бўлганича болага қаради. Бу ёш сеҳргар фойдаланаётганди Уау очиқ-ойдин қўрқиб турарди. Бу бежиз эмасди. У пешонасидан шишиб чиққан гуррани ҳали эсидан чиқармаганди.

«Хатто пичоқ ишлатишни ҳам билмайди-я»,— ўйлади Вова. У оғир бир хўрсинди-да, қаламтарошини чиқ этиб ёпиб чүнтагига солиб қўйди. Аммо, буни Их сезиб қолди ва имлади:

— Ук!

Бола пичофини яна қайта чиқарди. Ярим минутдан сўнг бу пичоғи билан эчкининг битта қулоғини чаққонлик билан шартта кесиб олғанини ва қони оқиб турган қулоқ парчасини Ихга узатганини ёввойилар ҳайрат билан кузатиб туришди. У эса бола кесиб берган қулоқ парчасини баланд кўтариб, хитоб қилди:

— Зуу хриа!

Кейин Их кесилган қулоқ парчасини тантанали равишида Вовага узатди ва шу билан айни бир вақтда унга шундай бир ишора қилдики, унинг бу ишорасидан боланинг аъзойи бадани музлаб кетди: Их Тутаревга бу лаззатли гўшт парчасини шундоғича ейишини очиқ-ойдин таклиф қилаётганди.

Вова ҳаёлига темир пичноқнинг нималарга қодир эканлигини уларга бир кўрсатиб қўйиш ҳақидаги бу фикр келганиларига афсусланиб юз бериб турган ушбу аҳволдан қандай қутулиб чиқишининг чорасини ўйлай бошлади. Аслини олганда, Их ўzlари ов қилган ўлжадан биринчи бўлиб татиб кўриш ҳуқуқини Вовага бериш билан болага у жуда катта иззат-ҳурмат кўрсатаётганди. Агар Вова ҳали қони оқиб турган хом гўштни ейишдан бош тортгудек бўлса, неандерталлар унинг бу ишига қандай муносабатда бўлиши ҳали иномаълум эди. Бола кесилган қулоқ парчасини икки бармоғи орасида ўйнаб, нима қилишини билмас, дам унга жирканибина қараб қўяр, дам унинг қўлидаги нарсага боқиб оғзиларидан оқиб кетаётганди сўлакларини ютиниб жойларида қимир этмай турган неандерталларга қўрқув аралаш кўз ташлаб қўярди.

«Эх, нима бўлса бўлди!» дея хафа бўлиб ўйлади Вова ва қўзларини чирт юмиб эчки қулоғини оғзига шарт солиб юборди. Аммо, шу заҳотиёқ кўнгли айнаб кетди. Хом гўшти кафтига тупуриб иложсиз равишда Иихга қаради ва шу заҳоти Вованинг хаёлига, эчки қулоғини Уауга бериш керак, деган бир фикр келди.

Вова қилган илтифотдан Уау қўзларига ҳам ишонмай, унинг қўлидан эчки қулоғи парчасини олдида, гўё кальцекс таблеткасини ютаётгандай қилиб ҳашпаш дегунча ютиб юборди. «Зап, қутқазди-я!» қувонди Вова ва хурсанд бўлиб Иихга қаради. У foят мамнунлик билан бош қимирлатди. Афтидан, боланинг бу иши, яъни ўзидан каттага ҳурмат юзасидан қилган бу иши, Иихга анча ёқиб тушган эди.

Яrim соатлар ичида гўшти нимталаб бўлишди. Ичак-чавоқларни эса ҳали ҳам буғи чиқиб турган эчки терисига ўрашди. Кесиб олинган чиройли шоҳли эчки бошини эса Иихга беришди. У буни баланд кўтарди-да, йўлга отланишга ишора қилди. Иихнинг ўзи бу эчки бошини баланд кўтарганича йўлга тушди.

Неандерталлар яна қатор тизилишди. Энди улар найза, сўйилларига қўшиб ов ўлжаларини ҳам кўтаришиб олишганди. Чарчаганликлари шундоққина билиниб турган бўлса ҳам, барчасининг кайфияти чоф эди. Афтидан, алоҳида рафбатлантириш маъносида шекилли ўнтача найза боргламини Иих Вовага кўтариб юриш учун бериб қўйди ва бола уларни тиканли сўқмоқдан мағрур кўтариб борарди. Аҳён-аҳёнда ўзи ҳам неандерталларнинг бу қуролларига ажабланиб қараб-қараб қўяр эди.

Овчилар уч километрларча юриб боришганларидан сўнг, сўқмоқнинг муюлишларидан бирида учта тоғ эчкисининг гўштини кўтариб олишган қабиладошларига дуч келиб қолишиди. Иих қандайдир буйруқ берган эди, саккизта ёввойи чопиб бориб гўшт кўтариб бораётган неандерталларга ёрдамлашиб гўшларни ўзлари орқалаб олишиди.

Вова олдинлари ўз қабиладошларини жой-жойига қўйиб ишлатишда Иихнинг лаёқатига қойил қолган эди, аммо, кейинчалик ўйлаб кўрса бу оддийгина нарса экан, чунки неандерталлар, гарчи, ҳозирги замон бешинчи синф ўқувчиларидан савияси паст бўлса-да, ҳар ҳолда улар питекантроплардан анча устун туришарди.

Тутарев энди хаёлан питекантроплар, яъни одамсимон маймунларнинг зўр-базўр оёқقا туриб ўрмонда, дарё ёқаларида егулик нарсалар қидириб юрган даврини тасаввур қила бослади. Бир зумдан сўнг бола у даврдан-бу даврга ўтиб ўзининг ҳозирги яқин аждодларини кўз олдига келтирди. У дараҳтдан тушаман деб, йиртиб олган кўйлагини бувиси қандай қилиб ямаб берганлигини эслаб, хўрсиниб қўйди.

Ёввойилардан ҳеч қайсиниси ҳозир Вованинг қалбидан нималар кечаётганидан боҳабар эмасди. У Галия билан биргаликда ўз яқинларининг бошига қандай гам-кулфатлар келтиришганини ўйлаб сесканиб кетаётган бўлса ҳам, барибир аста-секин ўзига кела бошлади.

Вованинг ҳисобига кўра қўноққача икки километрлар чамаси масофа қолган эди. Шунда Иихнинг ишораси билан Уау қаттиқ қичқирди:

— Джжу! Пхаа!

Бу қисқа муддатли дам олиш учун тўхташга беришган белги эди. Кимдир Уау айтган сўзни қайтариб айтган эди, отряд тезда Иих томонга йиғилиб келди. Овчилар ўлжаларини тик тушган қоя олдидағи бир жойга келтириб қўйишди-да, ўзлари сўқмоқ бўйлаб қатор бўлиб тизилиши. Бундай қараганда неандерталларга ҳаммасидан ҳам чўнқайиб ўтириш ўнғайроқ экан. Ҳар ҳолда Вова Каа муу қабиласи одамлари орасида яшай бошлаган биринчи кунларидаёқ буни пайқаб олган эди.

Боланинг ўзи эса чалқанча ётиб дам олишни яхши кўрарди.

Вованинг эндигина уйқу элита бошлаган эди ҳамки, даҳшатли бир ўкиришдан уйғониб кетди.

Вова тура солиб қочмоқчи бўлган эди, кимнингдир сержун бақувват қўллари уни маҳкам ушлаб яна жойига қайтариб ўтқазиб қўйди. Шундагина бола бу ерда нима воқеа бўлиб ўтганини пайқади: у турган ердан бир неча қадамча нарида мушуксимонлар оиласидан бўлган катта бир ёввойи ҳайвон типирчилаб ётарди. Бу, афтидан, оч қолганидан бирон осонроқ ўлжа қидириб, баланд тоғлар тепасидан бу ерларга келиб қолган тог қоплони эди.

Янги сўйилған гўшт ҳиди димогига урилгандан сўнг бу йиртқич ёшига нисбатан кечириб бўлмайдиган бир эҳтиётсизлик қилиб неандерталларнинг қўлидаги ўлжага тепадан сакраган эди.

Вованинг кейинчалик билишича, қоплонни найза ушлаб турган неандерталлардан бири - Бжия қўриб қолган. Йиртқич ўлжага қараб сакраганда Бжия қўлидаги наизасини нақ ҳайвон тушадиган жойга тикка қилиб тутиб турган. Қоплон тўппа-тўғри келиб наизага санчилиб қолган, неандертал эса оғир ярадор бўлган. Унинг бахтига бир неча неандерталлар наиза ва сўйиллари ёрдамида бу кутилмаган меҳмонни дарров бир ёқлик қилишиб, яраланган қабиладошини уердан четга чиқариб олишган.

Яраланган неандертал анча вақтгача ўзига келолмади. Их унинг оғзига қандайдир сарғимтил қуюқ бир суюқликни томизиб турди. Бу сарғимтил суюқлик эндилика Урта Осиёда мумиё деб ном олган. Муаллиф бу сўзни мумиёга шунинг учун ҳам боғлаб айтиётганилигининг сабаби шуки, ўлган фиръавнларни балзамлашда бошқа дорилар қаторида айни шу асал ҳам ишлатилган. (Айтишларича, асалари бундан 53.872.964 йил олдин пайдо бўлган экан.)

Яраланган овчи кўзини очди. Их унинг ярасига дори суртиб қўйди-да, қолганини балиқнинг пуфагига ўхшаган халтачага солиб тугди. Сўнг шу заҳотиёқ йўлга тушишга буйруқ берди.

Яраланган овчини учта ёввойи кўтариб боришарди: биттаси иккита оёғидан, қолгани икки қўлтигидаи кўтариб олишганди. Йўлда неандерталлар «баа» деган сўзни тез-тез қайтаришиб туришди. Вова бу ўринда гап улардан бири боягина ўлдирган ўша ёвуз ҳайвон тўғрисида бораётганини тушуниб борарди.

Овчилар қўноққа етиб келганларида қуёш тиккага келиб қолган, офтоб нақ куйдиради.

Вова узоқдан гор олдига катта гулхан ёқиб қўйилганини кўрди. Афтидан, уйда қолган неандерталлар овчиниг ўнгидан келишини аввалдан билгандай, бундай ҳолларда қилинадиган одатий тантанага тайёр гарлик қўриб қўйишган эдилар.

Тутарев хотинлар ва болалар билан турган Галяя кўзи тушди-ю, қувонганидан нима қилишни билмай қўлидаги наизаларни ерга қўйди, қўлларини иштонинг артиб олгач, бармоқларини оғзига тиқиб қаттиқ ҳуштак чалиб юборди. Бундан чўчиб кетган бояги уч неандертал бечора ярадор овчини ерга ташлашди-ю, ура қочиб қолишиди. Ўларнинг кетидан нимта гўштларини, эчки шохларини, наизаларини ерга отиб, қолган неандерталлар ҳам қочишга тушишди. Фақат Их

гина титраб-қалтираганча Вованинг олдига келди-да, ёрга чалқанча ётиб олди.

Вова уни туришга ундаdi. У Иихга жилмайганча, у — яни Вова ўқиган мактабда ҳатто қизлар ҳам шундай қилиб ҳуштак чала олишини, бунишг учун ҳатто уларни ўқитувчилар хонасига ёки директор ҳузурига чақиришиб койишса ҳам барибир шундай қилаверишларини тушунтиришга уринарди. Аммо, Вованинг бундай тушунтиришларидан кейин Иих бирор нима англаб олди дейишимиz амримаҳол албатта. У фақат бир нарсани англаб турарди — унинг қабиладошларига ҳозир ҳеч ким хавф солмаётган эди.

— Джуу Каа муу! — бор кучи билан қичқириди Иих.

Унинг чақириғи ўз таъсирини кўрсатди. Бояги ботир овчилар яна қайтиб келишди. Яраланган овчи қайта кўтариб олинди. Улжалар ва найзалар яна қайта эгасини топди. Бир неча минутдан сўнг эса отряд Вованинг ҳуштагидан кўрқиб кетган неандерталлар билан ҳозиргина бўлиб ўтган ишларни кўриб жилмайиб турган Галянинг олдига етиб келди.

ЎН ЕТИНЧИ БОБ

ҚАҲРАМОНЛАРИМИЗНИНГ БЎЛИБ ўТГАН ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА ФИКР АЛМАШГАНЛИКЛАРИ ХУСУСИДА

Ов ўлжалари оёқлари остига олиб келиб ташланган аёллар кремнийдан ишланган пичоқлари билан эчки гўштларини майдалашар, Үау тоғ қоплонининг терисини шилар, Иих бўлса бошқа неандерталлар қатори яраланган овчи атрофида уймалашарди. Вовани бир четга олиб чиқсан Галя эса бугунги бўлиб ўтган воқеалар тафсилотини ундан суриштиради.

Қиз Вованинг учига ўткир тошча қадалган найзаларни кўтариб келганини кўрган ва буни ёввойилар томонидан унга кўрсатилган гоят катта ишонч деб билган эди. Шунинг учун ҳам аввало Вованинг бундай шарафга қандай қилиб мұяссар бўлғанлиги сабабини билишни истарди.

— Балки, зўрға олгандирсан-а, — жилмайди Сверчкова.

— Мени кўндиришлари учун қирқ минутларча вақтлари кетди.

— Кейин-чи?

— Кейин, меп рози бўлдим.

— Сен-а?

— Ҳа, бўлмаса ким экан? Мен сўраб олганим йўқ, ўзлари мени зўрга шунга кўндириши.

— Қанақасига кўндириши?

— Қанақасига бўларди, жуда оддийгина. Их олдимга келди-да, таъзим қилиб деди: «Хурматли Владимир Леонидович, ўз илтифотларини дариғ тутмай, бизнинг бир ҳожатимизни чиқарсалар, яъни мана шу қуролларини олиб юрсалар», — деди.

— Одамни лақиллатма!

— Ундан мен сўрадим: «Қанақасига? Шунчаки, жамоатчилик асосидами? Бўлмайди. Оилас бор, бунинг устига қарамоғимда яна Галия... Шунинг учун, мени кечириласизлар граждан неандерталлар...»

— Вой, Вова-ей!

— Вой-вуйламай тур! Яхшиси эшитгин-а, мен нимани билиб олдим.

Уларнинг йўқолган барча анжомлари шохдор маъбуд горида эканлигини эшитиб қиз ўйланиб қолди.

— Нима қилиш керак?

— Уларни у ердан олиб бирор жойга яшириб қўйиш керак.

— Демак, сен ўғрилик қилишни таклиф этяпсанми?

— Бироннинг буюмларини олсак, бу ўғрилик бўлади, биз эса ўзимизнинг буюмларимизни шунчаки ўзимизга қайтариб олган бўламиз. Мен бир амаллаб у срга кираману, кейин...

— Нега мен дейсан. Биз ғорға бирга кирамиз.

— Йиртқичлар ҳужум қилишидан қўрқмайсанми? Ростини айтсан қоплонни кўрганимда, ўзим ҳам қўрқиб кетдим. Тузукроқ қарасам, у ўлиб бўлган экан.

Бу саволга Галияning жавоб бергиси йўқ эди, шунинг учун ҳам гапни бошқа ёққа буришга ҳаракат-қилди. Сўнг шунчаки у, гап орасида, Их найза отишга уста эканми ёки йўқми, деб суриштириб қолди.

— Зўр экан, қанийди, худо ярлақаб, биз ҳам шунаقا ота олсак,— деб хитоб қилди бола.

— «Худо ярлақаб, худо ярлақаб», — аччиғи чиқди Сверчкованинг.— Гоша Чистюлькин бир вақтлар сенда қандайдир диндорлик аломатлари бор деб, тўғри айтган эканда-а.

— Сенинг ўша Чистюлькининг — галварс!



— Вова, түгрисин айт-чи, ҳозир ўша галварсии кўргинг келмаяптими?— деб сўради Сверчкова бир оз жим тургандан сўнг..

Галияниг саволи жавобсиз қолди: Тутарев унга киприк қоқмай тикилиб қолганди. Томоги эса чидаб бўлмас даражада қичишарди. У йиглаб юбормаслик учун, йўталган бўлди-да, янги сўйилган ов гўштидан кабоб тайёрланаётган гулхан атрофида хурсандлик билан уймалашаётган ёввойиларга қаради.

— Тушлик вақти ҳам бўлай деб қопти,— деди сўнг эринибгина.— Сен қовурилган ёввойи қўй гўштини еб кўрганмисан?

— Мен сендан Чистолькин тўгрисида сўрасам, сен менга қўй ҳақида гапирасан,— хўмрайди Галия.— Бунинг устига, бу қўй эмас, эчки, тоғ эчкиси. Йўқ, ҳар ҳолда менга шуни айт-чи, сен бугун Чистюлькини кўришини хоҳлармидинг?

— Бўлмасам-чи,— тан олди бола.— Мен барчани— онамни, дадамни, бувимни, Сурен Капаретовни ҳам кўришни жуда-жуда истардим...

— Эргаш Жамоловни ҳам,— давом эттирди Галия,— Владимир Исадоровични ҳам, Жора Ходулинни, Гена Морковченкони ва Людани ҳам ва...

— Ва Сурия Қурбоновнани ҳам,— давом эттирди Вова,— ва Содик Нўймоновични, Маргарита Петровнани, Женя Ковалъченкони ҳамда лагеримизнинг бошлиги...— Вова жим бўлиб қолди. У яна қанчадан-қанча ўзига яқин бўлиб қолган ўртоқлари ва катта мураббияларининг номларини санаб чиқмоқчи эди, аммо бунга кучи етмай қолди.

— ...Ва лагеримизнинг бошлиги Алексей Ипполитовични ҳам,— дея олди зўрга кўнгли бузилиб кетган қиз. Болалар бир-бирларига маъюс тикилишди, сўнгра Галия кутилмаганда бирдан қатъий қилиб:— Биз бу ердан қочишимиз керак!— деди.

— Бизни кузатиб юришипти-да.

— Уларни чалғитамиз, биз ахир маданийлашган, онгли одамлармиз-ку!

— Аммо, биз бошқа ёввойиларнинг қўлига тушиб қолишимиз ҳам мумкин, бордию улар одамхўр ёввойилар бўлиб чиқса-чи.

— Бўлмаса, уларни шундай қўрқитишимиз керакки, охири уларнинг ўзлари бизга йўлни кўрсатиб беришсин. Қандай бўлмасин атрофи тош билан ўралган бу ўрадан чиқиб олишимиз керак!

— Эҳ, Гала, улар йўлни билишармиди-я? Биз ахир уларнинг назарида гўё осмондан тушиб келгандекмиз! Созмаяпсанми, улар бизга гўё ажойиботга қарагандек қарашяпти!

— Менга қара, Вова, улар худога ишонишармикан?

— Сен неандерталларни шу даражада аҳмоқ деб ўйлайсанми? Ё уларнинг қабиласида биронта хочпоч борлигини кўрдингми?

— Вой, тентагей! Хоч бўлмаса худога ишонишмайди дейсанми? Сен уларнинг шохдор маъбуд ибодатхонасига боришигаиларини ўз кўзинг билан кўрдинг-ку.

— Топган гапингни қара-ю! У эчки, у эса худо. Ҳар ҳолда фарқи бордир.

— Фарқи бор?.. Нима сен, худо билан эчкининг фарқини билармидинг? Ҳеч қачон уларнишг ёйма-ён турганини кўрганмисан?

— Биласанми, Гала, ке, бўлди, бу бўлмағур гапларни қўйяйлик энди! Сен бугун радиони қўйдигми, йўқми?

— Радио эшитиш қаёқда дейсан, бунга вақт ҳам бўлгани йўқ!

— Нега? Нима иш қалиб ўтиридинг бу ерда?

— Сени овга олиб кетишигаиларидан кейин мени қандайдир бир ўсимликни йифишга олиб боришиди.

— Ўсимлик йифишга дейсанми? Гербарий учунми?

— Йўқ, Вова, овқат учун.

— Татиб кўрдингми?

— Ҳа, худди ўзимизнинг шовулга ўхшаган экан, фақат улар бир оз каттароқ ҳам мазалироқ. Беш-үн килограммча териб келдик.

— Эҳ, бирам овқат егим келяптики,— тупугини ютиди Вова.

Шу пайт гўё унинг бу сўзини эшитиб тургандай Қаа муу қабиласидаги хотинлардан бири болаларнинг олдига яқинлашди. Неандертал хотин жун босган бармоқларини Галянинг елкасига теккизиб, жилмаяётганга ўхшаган бир қилиқ қилди-да:

— Аа мии кии!— деди. Сўнг иккинчи қўлинни қовурилган гўшт ҳиди анқиётган гулхан тарафга чўзиб кўрсатди.

— Нега улар бунчалик сахий бўлиб кетишияпти?— ҳайрон бўлди Гала.— Олдинлари сарқитларини олди-

мизга гүё итга ташлагандек қилиб отиб ташлашарди, энди бўлса гулханга таклиф қилишяпти.

— Ҳамма гап дурбинда-да,— сирли қилиб жилмайди Вова.

Аслида Вова ов туфайли эътиборлари ошиб қолганлигини ҳали қизга айтиб ултурмаган эди. Нима кераги бор? Чинакам қаҳрамон камтар бўлади. «Майли, Галя Вовага ёввойиларнинг эътибори ошиб қолганлигини кўриб, дўстининг бирор жасорат кўрсатганини ўзи пайқаб олсин». Шунда яхши бўлади.

Чиндан ҳамма иш дурбинда эди. Гулхан атрофига неандерталлар чўнқайиб ўтириб олганди. Яраланган Бжий эса ерга тўшаб қўйилган тери устида ёнбошлаб ётти. Болалар гулхан ёнига келишганларида Иих Галяга оддийгина бир бўлак гўшт узатди, Вовага эса... О! Ҳаммадан кўра кўзи ўткир бўлган бу Вовага у, чўпга тизиб чала пиширилган эчки кўзларини узатди.

УН САККИЗИНЧИ БОБ

БАЛЕТМЕЙСТЕР ҲАМДА «ТЕЗ ЁРДАМ» МАШИНАСИ ЕТИШМАГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Ёввойиларнинг бу инъомлари уларнинг болаларга бўлган чексиз ҳурмату сийловлари эди. Лекин энг ёмони шу эдикки, Вова кўзни умуман таом сифатида—хомини ҳам, қовурилганини ҳам, қайнатиб пиширилганини ҳам жинидан баттар ёмон кўтар эди! Буни сезган Галянинг раҳми келиб ўзига берилган улушнинг ярмини унга берди.

Вова очкўзлик билан овқатга ташланди. Галянинг ўзи ҳам ундан қолишмаётган бўлса-да, Вовага очиқоидин ҳайрат ва эътироуз билан боқиб танбеҳ беришдан ўзини тия олмади:

— Ўзингни бир оз яхши тутсанг бўларди, жамоат орасидасан ахир!

— Ҳа, жамоат орасида,— ковшаниб туриб жавоб қайтарди Вова Иихга кўз қирини ташларкан.

Галя беихтиёр неандерталларга кўз югуртириб чиқди. Улар жон-жаҳдлари билан гўшт ейишга тушишганди: баъзилари ҳуштак чалгандай қилиб иликларни сўришар, бошқалари фижирлатиб суюк ғажир, яна биттаси эса дам-бадам буринии тортиб қўяр эди.

Ҳозир бу дунёда ҳеч бир нарса уларни бу машғулотдан чалғитишга қодир эмасдай туюларди. Ҳар ҳолда бошлиқ баъзан Вовага ўгирилиб қараб қўяр ва Уаунинг ҳасадини келтириб иззат-икром белгиси сифатида олдидаги суяқдан унга инъом этарди. Вованинг эса бу суякларни ейиш тугул кўришга ҳам тоқати йўқ эди.

— Ёввойиларнинг қандай овқат ейишларини кўриб олдингми энди? — деди жилмайиб Галя.

— Уларнинг ўзларини ҳам, овқат ейишларини ҳам ҳеч қачон кўрмасам яхши бўларди, — деди хўрсишиб Вова. — Галя, менинг лагерга қайтиб кетгим келяпти.

— Э-ҳа! — киноя билан хитоб қилди Галя. — Ахир, у ерда ҳаммаёқ интизом-ку!

— Интизомни яхши кўраман.

— У ерда яна виговорлар...

— Виговорларни ҳам яхши кўраман.

— Лагерда шефлар...

— Э... майли эди.

— Ке, қўй, бу гапларни! Қара, қандай яхши-а, Вова, мана биз ҳозир сен билан мана шу ёввойилар ҳузурида планларимиз ҳақида очиқчасига гаплашиб ўтирибмиз, булар эса, бизга қараб-қараб қўйишатипти-ю, аммо ҳеч нарсани тушунишмайди!

— О-ҳо! Улар-чи, улар ҳозир бизни бўлак-бўлак қилиб кесиб, қандай қовурсак экан, деб кенгашишиб туришган бўлсалару биз буни эшитиб тушунмасдан жилмайиб турган бўлсак-чи?

— Улар ахир, одамхўрлар эмас-ку!

— Мен мисол учун айтялман-да.

— Биласанми, биз зудлик билан уларнинг тилини ўрганиб олишга киришмоғимиз зарур!

— Мен унча-бунча нарсаларни ўрганиб олдим, — деди руҳи тушиб, қорни оч Вова. — Биласанми, масалан, «Сизга саломлар бўлсин», деган сўз неандертал-часига нима бўлади?

— Хўш, нима бўларкан?

— Зуу хриа!

Бу сўз Вованинг оғиздан чиқар-чиқмас Иихнинг қўлидан чала ғажилган суяқ тушиб кетди ва бир нима бўлгандай ўрнидан дик этиб турди-да, бошқа қабиладошларига ҳам шундай қилишга ишора қилди. Бутун қабила шу заҳотиёқ овқат ейишини тўхтатиб, бошлиқнинг буйруғига итоат билан ўрнидан туришди.

Бундан фақат ярадор овчигина истисно қолди, аммо у ҳам бу пайт овқат емай турарди.

— Зуу хриа!— қичқирди Их, ерда ўтирган Вова ва Галяга мурожаат қылганча. Болалар беихтиёр ўринларидан туриб, эсанкираганча дам неандерталларга, дам бир-бирига қараб қолишиди.

— Зуу хриа!— қичқирди ёвойилар, құлларини силкитишиб.

— Жуу хиа!— чийиллади ўша ерда юрган уч яшарча болакайлардан бири Галянинг олдига келиб енгидан торқыларкан. Лекин шу заҳотиёқ бола онасиинг кутылмаган муштидан ерга құлаб түшди ва бақириб йиғлаб юборди. Вова дархол болани ердан күтариб олди-да, енги билан унинг күз ёшларини артиб, ҳозиргина құли югуриклида бошқаларга намуна бұлған озғин ёвойи аёлга тутқазди. Ёвойиларнинг шу пайт нималар түғрисидадир гаплашиб кетишгани ва уларнинг Вовага бевосита хайрихохлик билан боқытшәтганига қараганда боланинг күрсатган бу олижаноблиги неандерталларга жуда маъқул тушган эди.

Их болалар томон икки қадам юрди-да, деди:

— Мии кии ай?

Вова нима деб жавоб қилишни билмай унга жим қараб турди.

— Хүш гапир, у нимадир деб сүраяпти,— деди Галя ўзини тия олмай.— Сен ахир унча-мунча сұзларни ўрганиб олгансан-ку.

— Сиз нима ҳақда сүраяпсиз?— мурожаат қилди Вова Ихга.

— Мии кии,— дея қайтарди Их ва ерда ётган әчки башларидан бирига яқин келиб унга құlinи теккизди.— Мии кии!

— Тушунаман,— деди Вова,— мии кии — бу тоғ әчкиси дегани, «Ай» дегани-чи?

— «Ай»,— қайтариб сүради Их ва шу заҳотиёқ мамнуният билан жун босган қорнини силаб қўйди.

— У биздан әчки гўшти ёқдими, қалай, мазалими ёки йўқми?— деб сүраяпти тахмин қилди Галя.

Вова истар-истамас жилмайиб қўйди, сўнг:

— Сенга, зиқна ёвойига, балки «ай»дир,— дея түнғиллади у хафа бўлиб,— менга эса «ай» эмас, балки «ай-ай-ай».

— Мии кии ай Офх, мии кии ай Аль!— қичқириб бидирлади хурсанд бўлиб Их.

У ўзини ерга ташлаб, чалқанчасига ётиб олди.

Яралапганидан бошқа барча өсвөйлар ҳам унга эргашыб шундай қишлиши. Бир неча дақиқа жимлик ҳукм сурди. Кейин Их ўрнидан турди-да, эчки бошиниң қайтарма шохидан ушлаб боши узра күттарди. Уау айни шу фурсатни кутиб ўтирган эди. Ү четда ётгас иккита шохни құлиға олиб аввал турган жойида, сүнгра эса ҳали ўчмай турған гулхан атрофида рақсга тушеб кетди.

Бир минутдан сүнг Каа мүү қабиласидаги деярли барча әрқаклар биқсиб ёнаётган гулхан атрофида рақс бошлаши. Хотинлар ва болалар яна чүнқайб ўтириб олишган ҳолда уларниң ҳаракатларига күз тикиб томоша қилиб ўтиришарди.

— Кел, биз ҳам рақс тушамиз! — кутилмагандың таклиф қилиб қолди Вова бўлаётган воқеаларга боядан бери жуда қизиқсиниб қараб ўтирган Галляга қараб.

— Майли,— дея ғуур билин жавоб қилди қиз.— Бизниң ўйинимиз ҳам неандерталларниң рақсидан ёмон чиқмаса керак. Уларда ҳеч қачон бадиий ҳаваскорлик концерти бўлган эмас, мен эса ўтган йили «Лявиониха» рақсини ижро этганим учун яхши мукофот олганман,— дея қиз чапак уриб, қўллари билан чиройли ҳаракатлар қилиб ўрнида айланниб қўйди. Вова бунга мафтун бўлиб қолгандай Галляга қаради. Сверчкова эса минут сайин очилиб ўзига-ўзи ичидаги чалиб «Лявиониха»га рақсга тушарди.

Неандерталлар рақсга тушишдан тўхташди. Улар жимгина ҳайрат ичидаги қизни кузатишарди.

Их эчки бошини энди пастга туширганча жағиши осилтириб, оғзини очиб турар, Галля қайси томонга ўтса, шу томонга қайрилиб қаради. Уау ҳам, Вова билан овга биргаликда бориб келган бошқа овчилик ҳам, ҳатто ўша ярим қоронги форда пайдо бўлган ва шу билан қаҳрамонларимизнинг биринчи марта Каа мүү қабиласи билан танишувига сабабчи бўлган ўша болакай ҳам шу алфозда туриб қолишган эди.

Бироқ қизнинг ҳолдан кетиб бораётганилиги энди сезила бошлаган эди.

— Энди мен! — қичқирди Вова ва ўзини ҳали ростлаб улгурмаган Галянинг ўрнига ўртага чиқдида, рақсга тушеб кетди.

Агар ҳозир Тутаревнинг ўйинини бирор балетмейстер кўрса, унинг қанақа ўйинга тушаётганилигини, эҳтимол аниқлаб бера олмасди. У матросча «Яблоч-

ка» рақсининг «тиззалаб» деган қисмии нимаси биландирғира-шира эслатадиган ҳаракатдан бошлаб, шу заҳоти «Полька»га ўхшаб кетадиган бир неча усуулар қилди, кейин «Чечетка»га ўхшатиб тұша бошлади, «Лезгинка»да ҳам ўзини бир күрсатмоқчи бўлиб вальсга тушди, украинча «Гопак»дан ҳам, қўйингки, билганидан чала-чулпа нарсаларни қайтарғап бўлди. Бунга ҳам қаноат қилмай санъатда «Баринъя» деган рақс-күй ҳам борлигини билишлигини кўрсатди, сўнг қизиб кетиб, қиличлар билан тушиладиган рақсни, яъни Адам Хачатуряннинг «Гаяне» балетини ҳам билишини намойиш қилди. Қиличлар ўрнида эса Вова даврада ўйинга тушиб бораётib ҳайратдан жойида қотиб қолган Уаунинг қўлидаги эчки шохларидан фойдаланди. Хуллас, ўзи билган нарсаларидан у-буни намойиш қилган бўлди.

Қиличлар Вовани ҳолдан тойдирди шекилли, кетма-кет бир неча бор жойида айланма ҳаракатлар қилгач, мадори кетиб сулайиб йиқилди.

ЎН ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

ИНСОННИЯТ ТАРИХИДА ЛАНКАНИНГ ТУТГАН РОЛИ ҲАҚИДАГИ МАСАЛАНИНГ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚЛIGИ XУСУСИДА

Ҳеч бўлмаганда фан кандидати бўлмай туриб, ҳалигача мутлақо ёритилмаган бир темага қўл уриш албатта қийин. Гарчи, шундай бўлса ҳам, ушбу қиссанинг муаллифи, ўзига нисбатан айрим олимларнинг ғазабини қўзғаса-да, ланка ҳақида бир неча оғиз сўз айтиб ўтишга азму қарор қилди.

Яна шуни ҳам ишонч билан айтиш керакки, бу ўйин ўзининг оммавийлиги жиҳатидан футболдан сўнг иккиничи ўринда туради.

Ланка ўйини ўзининг қандай хусусиятлари билан характерли?

Бу ўйиннинг бошқа кўпгина ўйинлардан фарқли ери шундаки, у энг аввало жуда оддий, ланкани эса ясад олиш ҳар бир одамнинг қўлидан келаверади, чунки у бор-йўғи бир-бири билан бирлаштирилган иккита қисмдан иборат. Яъни унинг асосий қисмини одатдаги мис танга ташкил қиласа, иккинчи қисмини юнги олинмаган қўйми ёки түя териси ташкил қиласди. Бу иккни қисм бирлаштирилгач, ланка тайёр бўла-

ди. Ўйнашдан олдин унинг юнглариши ҳар тарафга қўл билан тараб қўйилади. Ўйин шундай бошланади, яъни ўйинчи ланкани қўли билан ўзидаи бир неча сантиметр баландликка ирғитиб юборади-да, ўзига ўнгай оёғи билан уни ерга туширмай ҳавода тепа бошлайди ва неча марта тепаётганлигини овоз чиқариб санаб боради, то ланка ерга тушиб кетмагунча шу алфозда тепишда давом этаверади.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, ланкани футбол тўпини төғсандай оёқ учи билан эмас, балки товонининг ёнбош томони билан ҳавога тепади. Масалан, гавданинг тик турган ҳолатини ўзгартирасдан туриб, ўнг оёқни тиззадан ёнбошга букиб, товони билан чап томонда шундай ҳолатда тик турган кишининг ўиг биқинига бир неча бор теккизиб олинса, бу ҳолат ланка ўйнаётган киши оёғи ҳаракатларининг айнан ўзини кўрсатади.

Яна шуни фараз қилиш мумкинки, ланка тарихи анча узоқ даврларга бориб тақалади. Бироқ, ланканинг бизга маълум бўлган барча белгиларига қаранганди, у танга зарб этила бошлаган даврдан асло олдин пайдо бўлган эмас.

Ҳозирги кунда ланкага инсониятга анчагина зараар келтирувчи бир нарса деб қаралмоқда. Ҳисоблаб кўрилганда шундай фактлар маълум бўлди: кейинги олтмиш тўрт йил ичida ланка учун олти юзу саксон тўққиз миллион уч юзу ўн тўрт минг икки юз эллик еттита, ҳаммаси бўлиб, йигирма етти миллион беш юзу етмиш икки минг беш юз етмиш сўмлик мис ча-қа сарф бўлиб кетибди. Бунча маблағ билан эса уч юз минг ўғил ва қизларни ўқитса бўладиган икки юзу етмиш тўртта мактаб қурса бўлар экан. Қези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ланка учун сарф бўлган тери ва мўйналардан устки иссиқ кийим тикилганида, ўша ўқувчиларнинг ярмисини қўй терисидан тикилган пўстин билан кийинтиришнинг имкони бўлар экан.

Бунга қўшимча қилиб шуни қайд этиш лозимки, ланка ўйнашга муккасидан кетган кўпгина болаларни кейинчалик операция столига ётқизишга тўғри келган. Сабаби болалар орасида грижа каби касалликтининг тарқалишида ланканинг анча-мунча ҳиссаси бор экан.

Шундай бўлса ҳам, ҳалигача деярли барча мактабларда ўнг оёғи ланка тепиш билан банд бўлганли-

гидан чап оёғида ҳаккалаб турган баъзи болаларни утратиб қолиш мумкин экан.

Шу сабабли, ову рақсдан обдан ҳолдан тойиб, гүё ўлукдай ерда сулайиб ётиб олган Вова Тутаревининг тушига унинг ланка ўйнаётганлиги кирганлиги ажабланарли ҳол эмас, деб ўйлаймиз.

Неандерталлар Вова билан Галляни кўтариб келишиб ётқизиб қўйган форда эртасиға эрталаб уйғониб Вова мазза қилиб керишди. У боягина тушида кўрганларини эслаб хўрсинди, фордан чиқди ва беихтиёр чўнтакларини пайпастлаб кўриб, ердан ниманидир қидира бошлади.

У ердан қандайдир япалоқ тошча топиб олганда эса кўзлари қувончга тўлиб кетди. У қўли билан тошчани оёғига ташлади-да, ланка қилиб ўйнай бошлади: танга ва теридан ясалган ҳақиқий ланка унинг чўнтағида йўқ эди.

— Бир... икки... уч... тўрт... беш... — санарди Вова тош ланкани оёғида тепар экан жойидан қимирлаб кетмасликка ҳаракат қилиб.

Бир вақтлари синфдошлари ичida ланка тепиша энг яхши ўйинчи эди. У фахрли номни бировга олдириб қўйишдан кўрқиб, ҳатто дарслардан қочиб бўлса ҳам бу ўйин билан шуғулланиб юрди. Ўшандан буён анча танаффус бўлиб қолди. Энди эса бу ўйин унга жуда ёқиб тушаётган эди.

Вованинг қалби ором берувчи бир ҳорғин ҳиссиёт билан тўлди. У ҳозир аввалгидай фақат ўз синфидаги болалар билангина эмас, балки бутун мактабдаги барча ўткир ланкачилар билан ҳам бемалол мусобақалаша оладиган бир ҳолда эди.

— Олтмиш етти... олтмиш саккиз... олтмиш тўқиз... — санарди Вова тобора қизиқиб кетиб, юрагининг тез-тез ура бошлаганини ҳам деярли сезмай. — Тўқсон бир... тўқсон икки... тўқсон уч...

Вова ниҳоят шошиб кетиб баландроқقا тепиб юборган тошчанинг туфлисига эмас, балки ерга тушиб кетганидан жаҳли чиқиб тупуриб ҳам қўйди.

Ахир, юзта бўлишига атиги иккитагина етмай қолган эди-да!

Тутарев ердан тошчани олди-да, янги куч билан ўйинни қайтадан бошлаш учун бир оз нафасини ростламоқчи бўлди. Шу пайт у бехосдан бурилиб орқасига қараган эди, Каа муу қабиласидаги барча эркакларнинг фор олдидаги турганини ва унинг ҳаракатлари-

ни катта қизиқиши билан кузатаётганини күриб қолди. Гала ҳам ҳали уйқу босган күзлари билан Иихнинг орқасида унга қараб турган экан. Бжия, афтидан ҳали ҳам тери устида ётар ва у ҳеч нарсани кўрмас эди.

— Нега бунча тикилиб қолмасаларинг?— ғудурлади Вова. У бундай машғулот билан шугулланаётганилигини ёввойилар кўриб қолади деб кутмаган эди ва шунинг учун ҳам бундан бир оз уялгандай бўлди. Бёла шу пайт машғулотини умуман бас қилмоқчи бўлиб турган эди. Бироқ унинг иззат-нафси бунга йўл қўймади: у ўйинни давом эттиришга қарор қилди ва тошни яна қўлига олиб ланка қилиб тепа кетди.

Энди унинг бу ўйинини бутун бир қабила кузатиб турарди. Шунинг учун ҳам Вова ланканинг иложи борича ҳавода узоқроқ туришига астойдил ҳаракат қиласарди.

— Қирқ уч... қирқ тўрт... қирқ беш...— санарди у жўрттага овозини баланд чиқариб. Ичида ланкани қандай маҳорат билан ўйнаётганилиги Гала ҳам бир кўриб қўйишини хоҳларди.

Вова бир юзу йигирма тўрт деб санашга оғиз очганида осмон билан ер оралиғида сарсон бўлиб бориб келаверишдан зада бўлиб кетган тошча боланинг туфлиси устига тушиб сирғанади-да, ерда ётган ўзига ўхшаш бошқа тошчаларнинг ёнига бориб ялпайиб ётиб қолди.

— Неандерталлардан бир оз уялсанг бўларди,— деди Сверчкова гинахонлик билан.— Ахир улар маданийитимиз ҳақида нималар деб ўйлаши мумкин?

— Нега уяларканман? Улар ўзимизнинг одамлар бўлса!

Вова горга кириб тери устига ўзини ташламоқчи бўлиб турган эдиямки, елкасига Иих оғир қўлини қўйганини сезди. У:

— Офх, Иих ук!— деди-да, сўнг гўё ланкачига тақлид қилаётгандай, оёғи билан бесёнақай ҳаракатлар қилиб кўрсатди.

— Кўрсатайми?— деб ажабланди Тутарев.— Бу ерда кўрсатадиган ҳеч нарса йўқ, осон, икки карра икки тўрт дегандай гап. Мана, қаранг...

Вова шу сўзларни айтар экан, яна япалоқ бир тошчани оёғи билан бир неча бор ланка қилиб тепиб кўрсатди.

Иих Вованинг қўлидан ланкасини олиб, унга ҳай-

рат билан қараб чиқди ва бола күрсатган ҳаракатларни қайтаришга уриниб күрди. Лекин, бу қанчалик қизиқ бўлмасин у бир неча бор уринишлардан сўнг тошчани ўнг оёғи билан ерга туширмасдан уч мартагина ҳавога телиб ўйнашга муваффақ бўлди, холос. Тўғри, учинчисида Иих мувозанатини йўқотиб ерга йиқилиб ҳам тушди, аммо бу унинг қизиқишини янада орттириб юборди.

Иихга қараб турган бошқа неандерталлар ҳам ланка тепишини ўрганишга тушиб кетишиди. Афтидан, бу машгулот уларга анча ёқиб тушғанди, қоронги бўлиб қолганда ҳам ғор олдида бир оёғида ҳаккалаб ўйнаётган бир неча ёввойиларни кўриш мумкин эди. Уларнинг айримлари ўйиннинг қоидасини бузиб ланка учун мос бўлмаган оғирроқ тошни танлаб олишиб, то ёқлари қора қонга белангунча тепишганидан ҳатто юра олмайдиган бўлиб ҳам қолишган эдилар.

О, қани энди ҳозир ўзининг бутун умрини фақат Каа муу қабиласи ҳаётини тадқиқ этишга бағишлиган бирор фидойи тарихчи олим топилса! Унинг ўлмас монографиясининг бутун бир боби ёввойиларнинг ёппасига ланка билан шуғулланиши сабабли улар бoshiga тушган бу фалокат тасвирига бағишланишига шубҳа қилмаса ҳам бўлар эди.

Ҳа, худди шундай бўларди! Неандерталларнинг бутун эркаклари бир неча кун давомида узлуксиз ланка тепиши билан машгул бўлди. Дам у ерда, дам бу ерда бир оёғида сакраётган жунли одамларнинг қиёфалари кўзга ташланиб қоларди. Улар жунбишга тushiшиб япалоқ тошчаларга чанг солишар ва қонталаш бўлиб кетган оёқлари билан бу тошчаларни то ҳолдан тойиб йиқилиб тушгунча ланка қилиб тепавешшар эдилар. Эрталаб ўйин майдончасида ухлаб қолган неандерталларни кўплаб учратиш мумкин эди: уларни ўрга эмаклаб боришига ҳам мадорлари қолмаганилигидан шу ерга йиқилганча ухлаб қолишшар эдилар.

Айниқса, қабилада егулик тугаб, бошларига очлик аниқ ҳавф солиб тургани учун хотинларининг Иих ва Үаудан бу бўлмағур машғулотни бас қилиб, энди овга чиқишиларини сўраб қилган зорланишлари беҳуда кетаётган эди. Каа муу қабиласининг бошлиғи эса ҳатто ов ҳақидаги гапни эшитгиси ҳам келмас, унинг вужудини фақат ланка тепиши иштиёқи қамраб олган эди.

Агар бирор хотин унга яқин келиб ҳозир барчанинг оч қолаётганини ҳар хил имо-ишоралар билан унга тушунтироқчи бўлиб урингудек бўлса, Иих «янк, янк!»— деб ғулдиради. Иих Вовадан ўргангандан «ланка» сўзини ана шундай талаффуз этарди.

Агарда ўйин айни қизиб турган кунларнинг биринча ғор ичидан юракни эзиб юборувчи ғайритабиий бир нола эшитилиб қолмагандан, ким бўлсин, Каа муу қабиласи эркаклари орасида эпидемиядек тарқалган бу ланка ўйини билан машғул бўлиш яна қанча вақтгача давом этган бўларди.

Иих сакрашдан тўхтаб, ҳайрон бўлиб, бу ғалати овозга қулоқ тутди. Қолган барча ланка ҳаваскорлари ҳам шундай қилишди. Нола-фифон яна қайта эшитилди.

Иих ғорга кириб тери устида ётган, қабиладошлари томонидан аллақачон унутилиб, қаровсиз қолдирилган ярадорни кўриб овчининг ёнига яқинлашди, Иих ярадорнинг қўлини ушлаган ҳолда бошини унинг кўкрагига қўйиб кўриб, қабиладошларига ўгирилди.

— Каа муу! Бжия ии!— деди хирқироқ овоз билан.

Ярадорга яқинроқ жойда Галия билан бирга турган Вованинг юраги бесаранжом ура бошлади. У Галиянинг қўлидан ушлаб етаклади-да, Иихга яқинлашди ва ярадорга ташвишли назар ташлади. Овчи жон бериб бўлган эди.

— Мана сенинг бемаъни ланканг қандай оқибатларга олиб келди,— деди қиз секингина.

Вова дилсиёҳлик билан ерга қаради ва энтикиб хўрсинди. У Бжиянинг ўлимига ўзини гуноҳкор деб ҳис қиласи ва ўзини оқлаш учун ҳеч қандай асос топа олмас эди.

Бу неандерталларнинг ланка тепган энг охирги кунлари бўлди.

ИИГИРМАНЧИ БОБ

**ЎФИЛ БОЛАЛАРНИНГ КЎЗЛАРИДАН ЁШ ЧИҚИБ,
ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ ЭСА ҲҮНГРАБ ЮБОРИШИ
ХУСУСИДА**

Марҳумни қор қоплони териснiga ўрадилар. Терига яна унинг найзасини, сўйилини, иккита кремний пи-чоғини, бир бўлак пишган гўшт ва иккита эчки шохини ҳам бирга қўшиб ўрадилар.

— Нега уларни қўшиб ўрашяпти? — ҳайрон бўлди Вова.

— Улар нариги дунё борлигига ишонишар экан,— тушунтириди Галя.— Уларнинг фикрича, озиқ-овқат ва қурол-аслаҳалар нариги дунёда ҳам унга керак бўлиб қолиши мумкин экан.

— Бу қандай бемаънгарчилик,— елкасини қисди Тутарев.— Демак, бордию мен ўлсам, унда мени кўрпага ўраб, унга китобларимни, ҳуштагимни, рогаткамни, тиш чўткаю порошокларимни ҳам қўшиб ўрашар экан-да?

— Ҳа,— бошини иргади Галя.— Рогаткани ҳам, ланкани ҳам, бўш патронни ҳам ва ўтган йилдан бери чўнтағингда юравериб эзилиб кетган ўша трамвай аборнементини ҳам ўраб қўйишади. Тиш чўтканг билан порошогингни эса бирга ўрашмаса керак.

— Нима учун?

— Чунки сен тириклигингда тишингни тозаламайсану нариги дунёда умуман тозаламасанг ҳам керак.

— Сени қара-ю,— деди қовоғини солиб Вова.— Бу ерда мотам бўляпти-ю, сен бўлсанг нуқул оталиқ сиёсатингни ўтказасан.

Бу ореда Иих, Уау ва яна бошқа эркаклардан иккни киши тоғ қоплони терисига ўралган марҳум овчи мурдасини ердан кўтариб йўлга тушиши. Уларнинг кетидан бошқа неандерталлар ҳам аста-секин эргашниши. Вова билан Галя жимгина орқада боришарди. Буни сезиб қолган Иих йўлида тўхтади, мурдани ёввойилар билан бараварига оҳиста ерга қўйиб Галянинг олдига келди-да, қўли билан унга ҳозиргина хотинлар ва болалар кириб кетган форни кўрсатди.

— Кўряксанми, юбкада юрадиган шефларни бу ерда ҳам унчалик иззат қилишмайди,— деди заҳархандалик билан Вова.

Сверчкова алам билан лабини жийириб сескин орқасига қайтди. Бола эса унга иложинг қанча дегандай қўлларини ёзиб қўйди.

Мотам руҳи ҳамон ҳукмрон эди. Улар иккни километрларча юришгац, сўқмоқдан уч метрлар чамаси юқорироқдаги кўкиш-ҳаворанг каттакон тош билан оғзи бекитиб қўйилган форга Вованинг кўзи тушиб қолди.

Иих, Уау ва яна тўрттacha ёввойи бир бўлишиб тик қояларнинг билинар-билинмас чиқиб турган қирраларидан ушлашиб, форга кириладиган тешик олди-

дагы кичкинагина табиий супачага чиқиб олишили ва
гор оғзига қопқоқ қилиб қўйилган каттакон тошни
итаришиб, ичкарига суришди. Аввал ғорга сўйиллар-
ни, найза, иккита кремний пичноқ, бир бўлак пиши-
рилган гўшт ва эчки шоҳларини олиб киритиб қў-
йишди. Кейин жудаям эҳтиёткорлик ва матонат билан
марҳумнинг мурдасини тепага кўтариб олиб чиқиши.

Ёввойилар кремний пичноқлари билан гор ичида
чуқур қазий бошладилар. Улар бир соатлар чамаси
сукут сақлаган ҳолда буғиш билан машғул бўлишиши,
бу орада Вова ҳам қоронғиликка анчагина кўниги
қолди. Гор энига етти метр, узунасига эса йигирма
метрлар чамаси келарди.

Чуқур тайёр бўлди. Их марҳумнинг ўнг қўлини
тирсагидан букиб, кафтини ўнг қулоғини беркитади-
ган қилиб боши остига қўйди. Шундан сўнг унинг
тиззаларини ҳам букишида, оҳиста чуқурга қўйиши-
ди. Ташқаридан қараган одамга марҳум гўё қўлини
боши остига қўйиб, ўнг ёнбошида ухлаб ётгандай бў-
либ кўринар әди.

Их янга Вова боя гулхан олдида эшитган ўша
сўзларни қайтарди.

— Каа муу! Бжийя ии!

Неандерталлар дарҳол чалқанча тушишиб ётиб
олишиши. Вова ҳам улардай қилиб ерга ётиб олмоқчи
әди, бироқ кейин бу фикридан воз кечди. Ахир, у ҳар
ҳолда ибтидоий одам эмас, пионер-ку. Пионерга эса
черковга бориш ҳам, эчкига сажда қилиш ҳам, тошга
ибодат қилиш ҳам мутлақо ярашмайди.

Их бошқалар билан баб-баравар ўрнидан турди-
да, марҳумнинг боши томонига иккита кремний пичноқ
қўйди, қўллари ёнига — сўйил, сўйил билан қўли ора-
лиғига эса бир бўлак гўшт қўйиб қўйди. Унинг оёқ
томонига кийикнинг шоҳли бошини жойлаштириди.

Вова Их ва унинг қабиладошларининг қандай-
дир сусткашлиқ билан ҳаракат қилаётганликларини
сезиб турарди. Бир неча кун давом этган ланка ўйи-
ни ёввойиларнинг тинкасини қуритиб юборгани шун-
доқ кўриниб турарди. Улар гўё уйқу аралаш ишла-
шаётгандай эдилар.

Кейин неандерталлар қабрни тош девор билан
ўрашга киришдилар. Қабрнинг тепа қисми очиқ қол-
дирилган ва марҳумнинг жасади гўё тош тогора ичи-
да ётгандек бўлиб кўринарди.

— Джжий! — буйруқ қилди Их.

Ёввойилар бу ярим қоронғи ғордан аста-секин чиқа бошладилар.

Уларнинг энг охиргиси ғордан чиқиб эндигина сўқмоқ йўлга тушиб олган ҳам эдики, фор ичидан қандайдир ғалати ола-тасир овозлар эшитилиб қолди. Неандерталлар шу пайт қай ҳолатда турган бўлсалар, шундайлигича жой-жойида қотиб қолишиди. Улар гўё бир вақтнинг ўзида бараварига иситмаси кўтарилиб қолган одамлардек, қўрқувдан даф-даф титраб тишиларини такиллатишар эди.

Шу пайт қаердандир инқиллаган товуш эшитилди, сўнг тўкилиб тушаётган тошларнинг шақир-шуқур овози келди. Бундан ҳатто умр бўйи ҳар хил диний хурофотларга қарши қурашиб келган ўша Вова ҳам қўрқиб кетди. Унга гўё Бжия ётган гўридан тирилгану фор оғзига аста юриб келаётгандай туюлаётган эди. Шу пайт фор оғзида неандерталлардан бирининг уйқусираган юзи кўринди. У қўрқувдан қотиб қолган қабиладошларини кўриб, ҳеч нарсага тушунолмай кўзларини пирпиратди, сўнг фор оғзидан чиқиб, Бжиянинг исмини айтди-да, қўллари билан зим-зиё фор ичкарисини кўрсатганча нималардир дегандай бўлди. Кейин у зўр бериб юз-кўзлари ва уст-бошларга ўтириб қолган чангларини қоқа бошлади. Их Уауга еб қўйгудек бўлиб қаради ва бошқа ёввойиларга ҳам ғазабкор кўзларини югуртириб чиқди-да, форга қайтишларини буюрди. Вова бўлаётган бу ишларга ҳайрон бўлиб турарди. У яна қайтадан форга қайтиб киргандагина нималар бўлаётганлигига тушуниб етди: Их ва унинг қабиладошлари адашиб Бжиянинг ўрнига ҷарчаб шу ерда ухлаб қолган бошқа бир қабиладошларини кўмиб юборишган экан. Бжиянинг жасади эса ўша дастлаб қўйилган жойда ҳамманинг эсидан чиқиб қолаверибди. Бу воқеадан кейин яна ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келди. Жасадни қабрга қўйиш маросими охирида Их Бжиянинг сочидан ушлаб кўтариб афтига қаради ва айнан ўша эканлигига ишонч ҳосил қилгач, яна унинг бошини սҳиста жойига кўйди. Ёввойилар ҳамма ишни бажариб бўлишгач, форга бегоналар киролмайдиган қилишиб оғзини ҳаворанг ҳарсанг тош билан зич қилиб беркитишиди. Айтганча, бу ҳарсанг тошнинг бу ерда яна қандай роль ўйнаётганлиги кўпчиликка номаълум эди. Балки, аксинчадир, яъни бу тош ёввойиларнинг фикрича, марҳумларнинг яна тириклар ёнига қайтиб

боришига, уларнинг ишларига яна аралашишларига ва бу билан хотинлару болаларни қўрқитиб юришларига имкон бермайдиган бир тўсиқ бўлиб хизмат қиласа ҳам ажабмас.

Яна шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ер юзидаги бирорта олим ҳам неандерталларнинг нима мақсадда фор оғзини ҳозир биз тасвирлаб ўтганимиздек қилиб тош билан маҳкам беркитиб қўйишлари сири ни мен биламан деб журъат билан айтольмаса керак.

Бу муаммо ҳозир ҳам жуда кўп ақлли олимларнинг кўп замонлардан бери бошини қотириб келаётган ечими йўқ муаммолар қаторига киради. Масалан, абадий двигатель яратиш тўғрисидаги ғояни ҳам ана шундай муаммолар қаторига киритиш мумкин. Жаҳонда биринчи марта томоғига суяқ тиқилиб, бўғилиб қолган одамни нима деб атаганлари ҳақидаги масалани ҳам ана шундай муаммолар қаторига қўшса бўлади. Шунингдек, нима учун кўриш органини — кўз, ёки эшитиш органларини — қулоқ деб айтамиз, деган бош қотирма масалани ҳамда нима учун «Қуқу-қу-қувв!» деб товуқ эмас, фақат хўрозда қичқира олиши мумкин деган масалани ҳам ана шундай масалалардан деб ҳисоблаш керак бўлади.

ИИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

БАЪЗИ ОДАМЛАРНИНГ ТИРИКЧИЛИК ТАШВИШИГА ТУШИБ ИЛМИЙ ИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШГА ЖАЗМ ҚИЛГАНЛИГИНИ ИСБОТЛАШ ХУСУСИДА

Келаси куни эрталаб Вова уйқудан боши оғриб турди, у ниманидир билиб олмоқчи бўлганлигини, аммо бу нима эканлигини унугиб қўйганидан боши гаранг эди. У ўйлай-ўйлай охири ўзи нимани билиб олмоқчи эканлигини эслашга уриниб уйқусираган кўзларини аранг очди ва кечаги бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир хотирлай бошлади.

Шу пайт унга бирор бехосдан бир нималар деб шивирлагандек бўлди, сўнг қулоғи остида аллақандай овозлар жарапнглаб, миясини қиздириб, юрагини увиштира бошлади. Ниҳоят у нимани билиб олиши зарурлигини эслади шекилли, ўзига келиб жилмайиб жилмайиб қўйди.

Энди эслади: уйғонишидан олдин элас-элас қан-

дайдир бир чўзиқ овоз эшитилгандаи бўлганди. Қаердадир, узоқ-узоқларда кимдир аввал: «О-о-о!» дегандай, кейин эса, «У-у-у!» дегандай бўлганди.

Вова устидаги ёпишиб ётган терини қайтариб ташлаб ухлаб ётган Галияга қаради. Сўнг: «Иўғ-эй, балки, менга шундай туюлаётгандир, бўлмаса Галия ҳам уйгониб кетиб, нима гаплигини мэндан сўраган бўларди», дея ўйлади.

Сўнг боланинг хаёли бўлинниб бошқа ёққа кетди.

У ҳасрат билан қани энди буларнинг ҳаммаси уйда, бувисининг ҳузуррида юз берса, унда у албатта, севимли неварасини даволаш учун бирон бир чорасини топган бўларди, деб ўйларди. Чиндан ҳам, бундай пайтларда унинг бувижониси Мария Степановна албатта жажжигина ёғоч қутичасидан бирорта таблеткани оларди-да: «Мана буни тезда ютиб юбор-чи, дўмбогим, бу бош оғриғингни дарров қолдиради», деган бўларди.

Аммо бу ерда бувиси йўқ-да.

Тўғрироғи, бор эди. Бор эдию лекин ўзиники эмасди. Аксинга олгандай у ҳам қандайдир бир турқи соvuқ, кампирларга ҳечам ўҳшамайдиган, соchlари тўзган, аъзори баданини юнг қоплаган бир махлуқ эдики, пешонасидаги чақчайган кўзлари ҳар қандай кишини ютиб юбораман дерди. Вова Қаа муу қабиласидаги аёллар орасида келгиндиларга ўта нафрат билан тешиб юборгудек ўқрайиб боқувчи бир кампир борлиги ни аллақачонлардан бери сезиб юарди.

Вова чуқур хўрсипди-да, устига яна терини тортиб олди.

Сўнг бугун нима иш қилишини ўйлаб анчагача боши қотгач, хаёлига келиб қолган ғалати бир фикрга ўзи ҳам ажабланди. Унинг қалбида беихтиёр немис тили дарслигини мазза қилиб ўқиш истаги туғишиб қолганди. «Қандай яҳши бўларди!»— дея такрорлади ичида. Чиндан ҳам у, ҳеч қачон кўнгли тортиб бу дарсликни бирор марта қўлига олган эмасди. Энди эса, унинг кўнглида тўсатдан, таржима қилиш мушкул бўлган аллақандай бир текст парчасини дафтарига кўчириб олиш иштиёқи туғилди.

У текст қуйидаги сўзлар билан бошланарди: «Хойте ист дас вассер варм, хойте ист никт шаден» ёки шунга ўхшаган яна бошқа бирор мураккаброқ текст бўлса ҳам бўлаверарди. Ҳозир унинг наздидаги уички бир рағбат билан беихтиёр китобу дарсликлари

турадиган, чанг босиб ётган китоб жавонини қидира-
-ётгандай атрофига аланглади.

Шу пайт хаёлига Галлянинг юк халтасида гулчилик
ҳақида ёзилган рисола борлиги келиб қолди-да, ўша
китобчани олиб ўқимоқчи ҳам бўлди. Бироқ, у юк
халтани эндигина ечмоқчи бўлаётганида, қиз уйгониб
кетди ва ҳайрон бўлганча унга тикилиб қолди.

— Нимага тикиласан? — деб сўради шошиб қол-
ган Вова.

— Ўзинг-чи, ўзинг нимани ахтаряпсан?

— Анув, гуллар ҳақидаги китобчанг бор эди-ку,
ўшани олиб ўқимоқчийдим.

— Гуллар ҳақидагисиними? Сен-а?

— Ҳа, мен, нима бўпти?

— Гулларни жинингдан ҳам ёмон кўрардинг-ку,
ҳа, нима бўлди?

— Ҳеч нима. Авваллари ҳам оз-моз ёқтиардим...

— Энди-чи?

— Энди эса, уларни соғиниб қолдим.

— Гулларни-я!?

— Оббо! Улар ҳақидаги дарсликларни, китоблар-
ни айтиман!

— Мен ҳам. Аммо, уларни қаёқдан оласан.

Гала шу сўзларни айтиб, юк халтасидан неандер-
талларни росаям ҳайратга солган ўша юпқагина ки-
тобчани олди.

Гала китобчанинг дуч келган жойини очди-да, уни
Вовага узатди.

«Бегония,— мароқ билан ўқиди Вова.— Бегония-
нинг барглари жуда чиройли бўлади. Хонаки қилиб
ўстириладиган бегониялардан энг кўп тарқалгани —
рекс бегонияси ва Креднери бегонияси гибридлари-
дир. Яна юраксимон баргли бегония ва ҳамиша гул-
лаб турадиган бегония ҳам етиширилади. Бегония-
нинг бу турлари ёруғ ва иссиқ хоналарда яхши ўса-
ди...»

— Ёруғ ва иссиқ хоналарда,— такрорлади Вова.
Гала Вованинг кўзларида шундоққина филтиллаб
турган ёшни кўрди-ю, ўзининг ҳам кўнгли бузилиб
кетаётганини ҳис қилди.

Ҳозир бирор бирор ёмон гап айтиб хафа қилмаган
боланинг ёки бирорта безори соchlаридан тортқилаб
хафа қилмаган бу қизчанинг кўзларида ёш кўриш
жуда ҳам ғалати эди. Улар унсиз йиғламоқда эди-
лар...

Уларнинг хаёлида кўнгилларига жуда яқин ажо-
йиб бир манзара пайдо бўлаётганди: улар гўё ёруғ хо-
нада юришиб, сопол тувакларга ўтқазилган гулларга
сув қуайшар, ота-оналари эса уларнинг ёnlарида чой
ичишиб аста гаплашиб ўтиришард.

— Уйни соғиндим,— хўрсинди Галя.

— Нимасини айтасан! Негадир дарсликларимни
қайта кўргим келяпти. Мен ҳозир жон-жон деб, не-
мис тили билан шуғулланган бўлардим! Ишонасанми,
Галя?

— Албатта-да! Мен эса масалалар ечган бўлар-
дим...

— Биласанми?— деди Вова китобни ёпаркан. —
Мен бир нарсани ўйлаб қўйдим. Иккаламиз — Каа
муу тили лугатини тузиб чиқсан. Бир тасаввур қил-
гин-а! Бу айни илмий ишнинг ўзгинаси бўларди!

— Ол-а, илмий иш эмис-а,— ишонқирамай жил-
майди қиз.

— Ҳа, бу илмий иш. Ахир ҳали бу тилни тушуна-
диган дунёда биздан бошқа ҳеч ким, биласанми, ҳеч
ким йўқ! Биз эса сўзлашув лугатини, яъни Каа муу —
русча лугатини тузиб чиқамиз. Тасаввур қиляпсанми?
Бу... нимайди... ҳа, диссертациямиз бўлади!

— Диссертация?

— Нима бўпти? Бу, ахир, ҳали ҳеч кимга маълум
бўлмаган тил-ку! Биласанми, кейин ўша лугатимизни
Гоша Чистюлкинга совфа қиласан, у диссертация ёқ-
лайди-да, фан кандидати бўлиб олади.

— Нима билан ёзамиз? Нимага ёзамиз?

— Қалам билан. Мана шу китобчанинг ичига ёза-
верамиз! Менда қалам ҳам бор.

Вова астари ағдарилиб кетган чўнтакларидан учи
тажилган бир калта қаламни олди-да, рисоланинг
муқовасини очди ва ичига шошилганидан қўллари
қалтираб: «Каа муу — русча лугат» деб сарлавҳа
қўйди.

— Олдин «джжий» деган сўзни ёз,— таклиф қилди
Галя.— Биз бу ерда эшигтан биринчи сўз мана шу.

— «Джжий»— бу «чиқ» десани, эннидик киритди
Вова қаламни тупуғи билан намлар экан.— Шундай
деб ёзисб қўямиз... Фақат биринчи қаторга эмас, ал-
фавит бўйича пастроққа.

Болалар шу кўйи бир соатча ўзлари эшигтан сўз-
ларни эслаш ва уларнинг маъносини аниқлаш билан
овора бўлишди. Охири Вова бўлар энди деб рисолани

Галяга узатди. Уша куни эрталаб гулчилик түгриси-
даги рисоланинг вафақларига мана шундай сўзлар
битеилган эди.

КАА МУУ — РУСЧА ЛУҒАТ

Аа — емоқ (овқатланмоқ)

Аиф — ўгирил

Ай — мазали, ёқимли

Бжийя — исм (мањоси номаълум)

Джжий — чик (чиқинг)

(Джуу — тўхта, ўтирилганг).

Зуу хриа — ассалому алайкум (салом)

Ии — ўлмоқ, ўлим

Қаа мую — айиқлар қабиласи

Мии кии — эчкини ўлдирмоқ, эчки овламоқ, эчки

Пхаа — дам олмоқ, дам олишга қўнмоқ.

Үау — исм

Үк — тушунтирил (тушунтиринг)

Иих — исм

Яудж — юр бизникига

Галянинг чеҳрасида аллақандай масхараомуз жилмайиш пайдо бўлди. Буни кўриб Вованинг жон-
пони чиқиб кетди-ю, Галянинг башарасига шапалоқ
тортвoriшига бир баҳа қолди. Бироқ ўзини тутиб, ди-
ли ранжиганини яширолмай тўнғиллади:

— Ҳа, нега тиржаясан?

— Гапнинг пўскалласини айтайми?

— Ҳа.

— Бу илмий иш эмас, балки кулгили бир шарса.

— Нима учун?

— Нима, ўзинг кўрмаяпсанми буни?

— Кўрмаяпман.

— Бў ерда нечта сўз бор?

— Ўн иккита,— қизнинг қўлидан рисолани олиб
санаб чиқди Вова.

— Учта исмни ҳисобга олмаганда — ўн иккита.

— Ўн иккита,— такрорлади Галя.— Бу қанақаси-
га луғат бўлсин? Менинг уйимда кичкинагина немис-
ча-руслу луғатча бор, кичкинагина, биласанми, унда
нечта сўз бор? Ўн мингта!

— Ҳа, нима бўпти? Бизнинг уйимизда эса отам-
нинг русча изоҳли луғати бор, унда эллик икки минг
сўз бор.

— . . . кўрдингми, эллик икки минг! Бу ерда эса
бор-йғи, қандайдир ўн иккитагина сўз бор, холос.

— Э, сени қара-ю, рақамлар билан ҳисоблашади-
ғанлардан экансан-ку, а!

— Фан учун агар билсанг, ҳаммага маълум бўй-
ган юз минг сўздан кўра ҳеч кимга маълум бўйма-
ган мана бу ўн иккита сўз афзалроқ. Кейин эса шуни
ҳам тушуниш керакки, неандерталлар тили камба-
ғал тил, ахир булар ёввойилар-ку. Яна шунисигаям
шукурки, ҳозирча ўн иккита сўз тўплаб олдик. Ҳа,
кейин яна бунга аста-секин қўшиб бораверамиз...

— Э, ҳатто юзта сўз йифилганида ҳам шу илмий
иш бўлармиди?

— Нима-а?!— тутикашиб кетди Вова,— юзта сўзни
топиш илмий иш эмас дейсанми?! Агар билсанг, ме-
нинг отам бор-йўғи иккитагина сўзнинг шарҳи учун
бутун бир диссертацияни неча қайталаб ёзиб чиқсан!
Тушунасанми? Уч юз бет-а, ҳаммаси фақат «кхе-кхе»
ва «гм-гм» ҳақида!

— Унда бўлса, кечир мени,— деди Галия гуноҳ-
корона.— Унда Каа мууларнинг ўн иккита сўзи, ал-
батта «кхе-кхе»дан афзалроқ.

Вова қониқиши билан жилмайди ва Сверчковага
рисолани қайтариб берди.

ИИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

**НЕАНДЕРТАЛЛАРНИНГ УЗОҚ ВАҚТ СУКУТ
САҚЛАГАНИ, ВОВАНИНГ АЖАБЛАНГАНИ,
ГАЛЯНИНГ ЭСА ЗИР-ЗИР ТИТРАБ-ҚАҚШАГАНИ
ХУСУСИДА**

Жасур Бжия жасадини ғорга элтишиб сал бўйма-
са уни кўмишни унугашаётган ўша кундан бери мана
бир кеча-кундуз ўтаётиди ҳамки, Каа муу қабиласи-
дан ҳеч ким қўноқдан юз қадамча ҳам узоқлашгани
йўқ.

Вова Галия билан гаплашиб ўтириб, марҳумнинг
қавм-қариндошлари унга мотам тутишаётган бўлса
керак деган тахминни айтди. Лекин Галия бошқа
фикрда эди.

— Менимча,— деди қиз,— у қайтиб келиб қолма-
син деб қўрқишаётган бўлса керак.

— У қандай қилиб қайтиб келаркан? Бўлмағур
гап!

— Қайтиб келмаслигини биз-ку биламиз-а, улар
буни билишмайди-да.

— Ҳа-а,— деди чўзис Вова,— улар ҳали кўп нарсаларни билишмайди.

— Биз ҳам,— дея хўрсаниб қўйди қиз.

Вова нима дейишини билмай жим қолди. Бу гаплар фордан бир неча метр нарида бўлаётган эди. Бола Уаунинг офтобдан қовжираб кетган майса устига ўтириб олиб, диққат билан тошни бир-бирига уриб ўтирганини кўриб қолди. Уаунинг оёқлари остида эса қирралари қўёш нурларидан ярқираб кўринаётган бир неча тош бўлаклари ётарди.

— Уни қара,— деди Вова тирсаги билан Сверчковани тутириб,— манави олифта нима қилаётиди, биласанми?

— Тош ўйнайти шекилли,— деди Галя бепарвоник билан Уауга қараб.— Сенга қолса ҳаммаси ўйин,— норозилик билан афтини буришиди Вова,— балки у тош пичоқ ясаётгандир.

— Вой, ростданам шунақага ўхшайди!— хитоб қилди Сверчкова, Уауга диққат билан қараб тургач. Кейин қиз Вованинг кўзларига ғамгин боқиб:— Эссизгина, биз уларга ҳеч бўлмаса болта ҳам совға қилаолмаймиз,— деди.

— Фақат болтагина эмас,— деди Вова к’юнономуз,— ҳали ов милтиги, каравот, кўрпа-ёстиқ, термометр ва телевизор ҳам дерсан...

— Телевизорни нима қилади улар? Ахир, ҳеч нарсанни тушунишмайди-ку.

— Тушунтирамиз! Ҳаммасини тушунтирамиз!

— Қачон?

— Ўйга қайтиб борганимизда олимларга неандерталларнинг қаерда яшашини айтиб берамиз-да, бу ерга яна қайтиб келамиз, келишимизда термометр, ов милтиги ва бошқа ҳамма нарсаларни ҳам олиб келамиз.

— Вова, агар истасанг, менда бир фикр туғилди — уларга рус тилини ўргатмаймизми?!

— Нима учун?

— Мабодо, кейинчалик улар ўзимиз томонларга кўчиб бориб қолгудек бўлиб қолишса, ҳар ҳолда гаплашиш осон бўларди-да.

— Бу ҳақда ўйлаб кўришга ҳали вақт эрта. Бу ердан ўзимиз эсон-омон қайтиб олсак ҳам катта гап. Галя, сен нима дейсан, бизни яқин орада излаб топишга олармикин?

— Мен қаёқдан билай?

— Приёмникни қўйиб кўрайлик-чи, балки, бирон нарса эштиб қолармиз.

— Приёмник?— деда ўйланиб қолди Сверчкова ва унинг кўзлари негадир бирданига ўзгариб кетди.— Мен ҳали сенга айтмовмидим?

— Нимани?

— Ахир, у...

— Очиқроқ айтаверсанг-чи,— деб қичқирди Вова, бирор фалокатни олдиндан сезаётгандай.

— Бузилиб қолди,— хўрсинди қиз.— Биласанми, сен анату, кўмиш маросимида юрганингда, мен радиони эшитгим келди. Эндиғина бурай бошлаган эдим, ҳалиги, анатилари-чи...

— Бураб тамом қилган экансан-да уни!— деди Тутарев аламидан ўзини зўрға тийиб.— Ҳўш, энди нима қиласми?

— Нима қиласдик? Тузатамиз.

— Тузатамиз? Қаерда? Қандай қилиб?

— Қўлингдан келар.

— Меними?!— ажабланди Вова.

— Сени-да ахир, сен, приёмник тугул, ҳатто телевизорни ҳам тузата оласан-ку! Эркаксан-ку! Шундай деганинг эсингдан чиқдими?

— Ҳмм!— деди Вова.— Ахм! Ихм-хм!

Унинг юзлари алвондай қизарип кетди.

— Нима бўлди сенга?— қўрқиб кетган Галя сакраб турди-да, Вованинг елкасига бир мушт тушириди.

Хижолатпазликтан ўзини йўқотиб қўйган Тутарев енгил тортиб, хўрсиниб қўйди.

— Менда... керакли асбоблар йўқ-да,— ғўлдиради. Сўнг Галя унга раҳми келиб қаради-ю, индамади.

Ҳамма нарса тушунарли эди. Шу пайт:

— Их!— деб шивирлади Сверчкова.

Вованинг кўзи бесўнақай қўлларини силкитиб тўғри улар томон чопиб келаётган Иххга тушди. Унинг юзларидан фоят қўрқувга тушгани билиниб турарди.

Их Уаунинг орқа томонидан чопиб келди-да, қўлтиғидан кўтариб турғазди. У қўлидаги тошларни ташлаб юборди, кейин қўли билан қоя томонни кўрсатиб турган бошлиқдан бир нималарни сўрай бошлади. Шу заҳотиёқ уларни қаёқдандир пайдо бўлиб қолган қабиладошлари ўраб олишди.

Неандерталлар ҳадеб, бир сўзни бақириб-чақириб айтишиб, бир неча минут мажлис қилишди. Ниҳоят, Их қўлини силтади. Гала-ғовур тинди. Их Вованинг

олдига келди-да, Галяга ҳам эътибор бермай уни бир неча қадам нарига олиб борди:

— Офх,— ҳаяжонда деди у,— Қаа мую иу-муу!

— Тушунмайман,— қўулларини ёзди бола.— Иу мую нима дегани?— Иу мую! Иу мую!— Қайтарди Иих ва қўллари билан эндиғина қуёш чиқиб келаётган қоя томонни кўрсатди.

Иих Вованинг ҳеч нарса тушунмаганини сезди, қўлини ерга қўйиб тўрт оёқда туриб, қўрқинчли қилиб ириллади-да, яна тик турди.

— А-а,— англади Вова,— авави ёқда қандайдир ҳайвон борми? Муу? Айиқми? Муу?

— Иу мую!— тасдиқлади Иих ва яна тўрт дёқлаб туриб, ириллаб кўрсатди.

Вова ўзини баҳайбат гор айиги билан шундоққина юзма-юз келиб қолишини тасаввур қилиб юраги орқасига тортиб кетди. У довюрак бўлишига қарамасдан, ҳатто Москва ҳайвонот боғида ҳам учрамайдиган бу жонзот ҳақиқатан ҳам неандерталларга ҳужум қилиб қолгудек бўлса, унда ўзини қаерга қўйишини тасаввур ҳам қилолмасди.

— Галя,— деб қичқирди у,— назаримда, биз ҳозир овга отлансан керак, аммо нимани ов қилишимизни ҳам билмай турибман.

— Мен ҳам сизлар билан бирга бораман!— деди Сверчкова Вовани ёнига келиб қатъий Иихнинг кўзига дадил боқаркан.

— Аль?— деди Иих иккиланиб.

— Нима? Қўрқади деб ўйлайсизми? Яудж мую ии!

— Яудж мую ии?— гумонсираган овозда қайта сўради Иих.

— Ҳа!— деди Сверчкова қисқа қилиб, унинг Қаа мую қабиласи тилида бемалол гаплашаштаганини кўриб довдираб қолган Вовага маънодор қараб қўяркан.— Мен Вованинг ёлғиз ўзини юбора олмайман. Ахир, мен унинг кафилини олганиман!

— Жиннилик қиласкерма,— қўй силтади Вова.— Менинг кафилимни олиш сенга қаёқдан ҳам тега қолди экан.

Иих бир лаҳза болалардан нари кетди-да, қабила дошлари олдига бориб улар билан бу томонга қараб қўйиб бир нималар деб гаплашди, сўнг жим бўлишди. Үау бир неча қадам юриб келди, Галянинг енгидан ушлаганча ҳар бир бўғинларини ҳижжалаб, қаттиқ овозда деди:

— Аль Муу ии Яудж. Зуу хриа!

— Зуу хриа!— хитоб қилишиди Вова билан Галява бу қысқа иборалар уларнинг оғзида гүёки қасамдай янгради. Тайёргарчилик ишлари ўн беш минутларча давом этди. Их билан Уау устларига янги терилар ёпиниб ясанишган ва бу либосларига бир амаллаб ҳар хил консерва банкаларини осиб олишганди. Бу бўш консерва банкалари эса ўзларини муқаддас ов тумори сифатида эъзозлаётганларнинг устидан гүё қаҳқаҳа отиб кулаётгандай жаранг-журунг қилиб турарди. Овчилар бир зумда узун-узун пайзалару оғир сўйиллар билан қуролланиб олишди.

Қаламтарош — Вованинг овдаги бирдан-бир қуроли эди. Галя эса ингичка хипчин билан қаноатланиб қўя қолди.

Улар аввалдан Вовага таниш бўлган тоғ сўқмоғига уланиб кетадиган катта йўлдан тизилишиб жўнашди. Их йўлда овоз чиқармаслик ҳақида ишора қилгани учун Вова Галянинг шивирлаб берган саволларига ҳам жавоб бермас, Галянинг эса жаҳли чиқиб, унинг қулоқларидан тортқилар, шунда ҳам Вова чурқэтмасдан борарди. Неандерталлар тўхташди. Их бармоқлари билан Уауни ўзига имлади-да, бирдан ерга ўтириб олди. Уау ҳам шундай қилгач, у ерга қорни билан ётиб олиб, ниманидир диққат билан кувватга бошлади.

Овчилар чурқэтмас — ҳаяжонда эдилар. Уларнинг бу ҳолати Вовага ҳам ўтди, у оҳиста Их томон силжиди, ергача эгилиб, олдин ҳеч нарсани кўрмади. Аммо, бир неча секунд тикилиб тургач, унинг кўз ўнгига ҳақиқатан ҳам қандайдир ғалати излар намоён бўла бошлади.

Ерга чуқур ботган бу из ўткир тирноқли улкан бир ҳайвоннинг излари эди. Вова бу изда бир-биридан муайян бир узоқлик ва тартибда жойлашган ўнта чуқур тешикча борлигини сезди. Биринчи бешта тешикчани Вова хаёлан бир-бира билан тўғри чизиқлар орқали бирлаштириб кўрди.

Бундан ҳеч кутилмаган натижа келиб чиқди,— боланинг кўз ўнгига беш қиррали юлдузча намоён бўлди! У қолган бошқа бешта тешикчаларни ҳам ўша хаёлий чизиқлар билан ўзаро бирлаштириб кўрган эди яна ўшанақа, аммо ундан кичикроқ юлдузча ҳосил бўлди. Шундай қилиб, номаълум ҳайвоннинг ҳар босган иэи иккитадан юлдузча ҳосил қиларди, олдин-

дагилари эса бошқаларидан бир оз каттароқ — ўн бармоқли эди!

Вова эсанкираб атрофга аланглади. Шериклари бўлса диққат билан ерга тикилишиб Их нима дер экан деб, жим кутишарди, Галя бўлса бирор фалолат содир бўлишини сезиб тургандай дир-дир титради.

ИИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

**ФОР АЙIFI БИЛАН ҲАЗИЛЛАШИШНИНГ
ОҚИБАТИ ВОЙ БУЛИШИ, ШУБҲАЧИЛАРНИНГ
ЭСА ГАПИГА КИРМАСЛИК ЛОЗИМЛИГИ
ХУСУСИДА**

Их ўрнидан турди-да, овчиларни диққат билан кузатиб чиқди. Кейин Уау ҳам турди. Их қўли билан ёнбошидан сўқмоқ йўл ўтган гранит қоялар томонни кўрсатиб, номаълум ҳайвоннинг изларини босиб олмаслик учун эҳтиёткорлик билан олдинга бир-икки қадам ташлади.

Вова сўқмоқдаги изларни яна бирма-бир диққат билан қараб чиққач, унинг тўғри гранит қоялар томон йўналганлигини кўрди. Унда шундай таассурот тугилдики, сирли жонзот бу ерда ҳатто тўғри вертикал чизиқ бўйлаб ҳам бемалол эркин ҳаракат қилган. У ўткир тирноқлари билан қояга шундай тармашганки, унинг тирноқлари теккан гранит тош юзалари ҳам анча-мунча увоқланиб кетган. Шундан билса бўладики, бу ҳайвон фақат ғоят баҳайбатгина бўлиб қолмай балки ўта чаққонга ҳам ўхшайди. У билан юзма-юз дуч келишининг фойдаси йўқлиги шундоқ ҳам билиниб турибди.

Их бошини кўтарди ва Вова унинг тунд чехрасидаги қатъий бир ифодани кўрди. Бошлиқ Уауга бир нима деб, сержун қўли билан ишора қилди-да, сўқмоқ бўйлаб енгил юриб кетди. Ҳамма унга эргашди. Жимжитликни фақат консерва бапқаларининг жаранг-журунгигина бузиб борарди.

— Юр, айланиб ўтамиз,— шивирлади Вова Галияниг елкасига энгashiб,— йиরтқич нариги томонда бўлса керак...

Сверчкова бошини қимирлатиб маъқуллади. У ўткир тишли йўлбарс ва баҳайбат ҳайвонга ўхшаган

ўша махлукни энди хаёлан тасаввур қилган эди.
Унинг авзойи бузилди.

Бир ярим соатлар чамаси юришгандан сўнг улар
дам олишга ўтиришиди.

Уау бошини эгиб бошлиқнинг гапларига дикқат
 билан қулоқ соларди. Қолганлари эса у ер-бу ерда
 ўтиришарди.

Афтидан, Уау доно маслаҳатчи сифатида бошлиқ-
 нинг ишончига сазовор эди. Уларнинг Вова билан Га-
 лядек бир-бири билан доим бирга юриши ҳам бежиз
 эмасди.

Бироқ бу хилда қиёслаш Тутаревни бир оз ран-
 житди. Тўғри-да, бешинчи синф маълумотига эга бўл-
 ган бу ўқувчилар билан Каа муу қабиласининг алла-
 қандай калтафаҳм ёввойилари орасида қанақасига
 ўхшашлик бўлиши мумкин? Тутаревнинг хаёли бў-
 линди.

У ёввойи одамнинг ҳозирги даражага етишиши
 учун қапча машаққат чеккани, яна у Вовадек трол-
 лейбусда билетсиз «қуён» бўлиб юрадиган, трамвай
 пиллапоясида осилиб кетадиган бўлгунча, телевизор-
 да эса катталар учун берилаётган фильмни томоша
 қиласидиган ва бунинг учун танбеҳ эшитадиган бўлгун-
 ча унинг қанчадан-қанча авлодлари очикдан, совуқ-
 дан ва ёввойи ҳайвонлар панжасида қолиб ҳалок бў-
 лишини ўйлади.

«Қанийди,— ўйлади Вова,— ҳозир телевизоримиз
 олдида бўлиб қолганимда эди, майлийди қанча сава-
 лашсалар ҳам, жон деб рози бўлардим». Ширин хо-
 тиротлар оғушида қолган Вованинг хаёлида ер ости-
 дан лаҳим қазиб бориб ўз отаси уйида пайдо бўлиб
 қолиши саҳнаси жонлана бошлади: мана, бувиси Ма-
 рия Степановна қўлларини ёзди, отаси эса ўз кўзла-
 рига ишонмай кўзойнагини арта бошлади, онаси эса
 ҳадеб унсиз йиглар эди.

— Ойи!— дея шивирлади Вова шу зум ва бирдан
 кимнингдир даҳшатли овози бу сўзни қайтаргандай
 бўлди.

Тутарев кўзини очди...

— О-й-ии!— дея қичқирди яна Г. Сверчкова ва
 бор кучи билан Вованинг орқасида турган қандайдир
 бир махлукни қўлидаги ингичка хипчини билан сава-
 лай кетди. Бу билан у, В. Тутаревни нақ ҳалокатдан
 омон сақлаб қолди.

Вова ўрнидан иргиб туриб, орқасига қаради.

Унинг олдида баҳайбат тишлари бўртиб чиққан, бе-сўнақай жағлари орасидан эса олов пуркастгандай бир қўрқинчли махлуқ турарди! Жасур овчи бўшгина оҳ тортди-да, майса устига қулаб тушди.

Бу, шубҳасиз, гор айифи эди, у шунақангни баҳайбат эдикни, кўпни кўрган неандерталлар ҳам уни кўрган заҳоти даҳшатга тушиб, найзаларини ташлаб тумтарақай қочиб қолиши. Фақат бир ёш овчигина бу баҳайбат махлуққа яқин келишга ва кремний пичоғини махлуққа санчишга журъат қила олди. Баттар ғазабга тушган ҳайвон шарт бурилди-да, қувиб бориб, жун босган, зилдай оғир қўллари билан ёш овчининг бошидан чанглаб, ерга қулатди.

Гор айифи бесўнақай жағларини очганча яна орқа оёқларида туриб Вова томон кела бошлади.

Бола ўзинга келиб, аста у томон қайрилиб қараган эди ҳамки, бешинчи синф ўқувчиси, изтопар ботир нималарга қодир эканлигини бутун дунёга кўрсатиб қўядиган пайт етиб келганлигини пайқаб қолди. У бекорга қурбон бўлиб кетишни истамасди!

Бу даҳшатли олишувдан қўрқувга тушиб ҳамма Вовадан умидини узиб турган бир пайтда пионер В. Тутарев чаққонлик билан иргиб ўрнидан турди-да, дадиллик билан дуч келган бир тошни қўлига олди.

Қулочкашлаб... отди! Махлуқ эса...

Бор-йўғи оддийгина тош билан қуролланган ўн бир яшар боланинг ёввойи гор айини уриб ўлдириш қўлидан келиши мумкинлигига ҳали ҳам дунёда ишонмайдиганлар топилиб турishi аён, албатта. Аммо биз уларни бунга ишонтирамиз деб уриниб ҳам ўтирамиз. Бунинг фойдаси ҳам йўқ. Улар фақат «ҳамма нарсага шубҳа билан қараш керак», деган гапнинг тўғрилигига шубҳа қилмайдилар, холос. Майли, ҳозирча улар ўз шубҳалари билан ўралашиб юраверишсинлар. Биз эса, ҳеч кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу жасурликка қойил қолиб ўз қиссамизни давом эттириверамиз. Ваҳоланки, шубҳачилар ҳеч қачон географик кашфиёт очган эмаслар, дунёни бирор ихтиро билан шод этмаганлар, бирор ажойиб санъат асари ҳам кашф қилмаганлар. Кимdir жуда тўғри топиб айтганидек, шубҳачилар ҳатто инсониятнинг бахту саодати учун ҳам қўлига қалам олишдан қўрқадилар. Чунки улар ҳар сафар ёзув столига ўтиришдан олдин: «Бунинг бирон-бир ишқали чиқиб қолмасмики?»— деган шубҳага борадилар.

Аммо, шубҳачилар ҳам ўз йўлига, фактлар ҳам ўз йўлига экан. Шундай қилиб, Вова Тутарев тошини қулочкашлаб отгандан сўнг гангиб қолган. Фор айиғи бошини ғалати қилиб чайқаб, гандираклаб кетганини ва бўғиқ хириллоқ аралаш талваса билан майса устига оҳиста қулаб тушганини Каа муу овчиларининг бутун бир галаси ўз кўзлари билан кўриб туришиді

Адолат юзасидан Вовага қойил қолиб, шуни айтамизки, бу ҳолдан упинг ўзи ҳам ҳар қандай неандерталдаш кўра кўпроқ ҳайратга тушган эди. Аммо, Оғхдея ном олган бу ёш келгинди отган тошнинг маҳлуқ-қа қандай таъсир этганини кўриб донг қотиб қолган ёввойиларнинг аҳволини ҳам назардан қочирмаслик кесрак: яъни улар бу пайтда Иихнинг ишораси билан ерга ётиб олишди ва ҳолсизликдан гандираклаб қолгани Вова Иихнинг ёнига келиб то қўлинни унинг бошига қўймагунча улар бир неча минут ўша ҳолатда ётаверишди.

Вова отган тошнинг сири нимадайкин? Балки...

Гап шундаки, Вова отган тош тўғри бориб оғзини очиб турган айиқнинг томоғига тиқилиб қолибди ва нафас ололмай қолган айиқ ўша заҳотиёқ бу дунёдан кўз юмиб қўя қолибди. Яъни, оддий қилиб айтганда, нафаси тиқилиб ўлибди.

Айиқнинг терисини шилганларида, удумга кўра унинг бошини ва оёқларини кесиб олишди. Их эса ҳайвоннинг узун ва ўткир тирноқларини диққат билан кўзда кечириб чиқди, сўнг шу нарса аниқ бўлдикни, ўлдузча шаклидаги сирли из қолдирган маҳлуқ бу эмас, балки мутлақо бошқа ҳайвон экан. Бундан ташқари, яна шу нарса ҳам маълум бўлдики, бу маҳал Гая Сверчкова ҳам қаёққадир ғойиб бўлиб қолибди.

ИИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

ГАЛЯ СВЕРЧКОВАНИНГ АЖОЙИБ ҚИЗ ЭКАНЛИГИ МАЪЛУМ БУЛИШИ ХУСУСИДА

Вова ҳали ҳеч кимга, аниқроғи, ҳеч қайси қизга бунчалик қайғурмаган эди! Лекин мана, қайғуришга ҳам тўғри келди. Айниқса, у илгари, лагердалик пайтларида нафратини қўзғайдиган қизларга афтини буриштирмасдан қараёлмас эди, энди эса ўшалардан бирига қайғуриб, майса устига ўтириб олиб аччиқ-ач-

чиқ йиғлаяптиki, агар унинг кўзларидан оқаётган шу ёшларни лагердаги катта дош қозонга оқизишса борми, ундаги овқатга мутлақ туз солмаса ҳам бўлаверарди.

Тутарев ўзининг кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган машхур полвонлиги туфайли Иих билан обрўси тенглашиб қолган ўша ажойиб кундан бир сутка ўтди.

Бошқа пайтлар бўлганида борми, бола албатта ўша бўлиб ўтган воқеаларни ҳалиям хотирлаб ўтирган бўлар эди. У Иихнинг нақ Вованинг калласидек келадиган ҳайвон юрагини кесиб олиб, қони оқиб турган ҳолда унга тутаётганини унумасди. У айниқса Галянинг йўқолиб қолганлигига Иихнинг бефарқ қараганини ҳам кўпроқ эсларди.

Бошлиқнинг хатти-ҳаракатларию айрим сўзларига қараганда, бу воқеага ҳатто парво ҳам қилмаслик керак эди. Балки у бирон ерда ухлаётгандир (Иих кўзларини юмиб, ўзини ухлаётгандек қилиб кўрсатди), балки у бирон ерда ўтириб овқат еяётгандир (у чайнаб кўрсатди). Иих, қизча ҳатто маза ҳам қилаётгандир дея лабларини чўпиллатиб кўрсатса-да, аммо булар Вовани қониқтирамади. Тутарев Иихнинг очиқ норозилик билдираётганига ҳам қарамасдан Галяни овозининг борича чақириб дараҳтларнинг ораларидан изларди. Лекин барча уринишлари беҳуда кетди.

Галянинг фойиб бўлиб қолганлигидан гарангисб қолган В. Тутарев бошини қуий солиб, кўз ёшларини юта-юта неандерталлар билан бирга форга қайтиб келди. У йўл атрофидаги нарсаларга гўё тер босган кўзойнаги орқали қараётгандек бўлар, бўлиб ўтаётган воқеалар эса худди тушдагидек хилма-хил эди.

Шундай қилиб, у фор айифи боягина ҳалок этган овчининг мурдасини қўноққа олиб келишини ёввойилар хаёлига ҳам келтирмаётганини тушуниб қолганида ҳам ҳайратга тушмади. Марҳумга нисбатан нима учун бундай муносабат қилишаётганининг сабабини суриштирганида Иихнинг жаҳли чиқиб, афтини буриштирганича тескари бурилганида ҳам Тутарев ҳайрон бўлмади. Нега бундай қилишаркин? Агар марҳум қўрқоқлик қилганида бошқа гап эди. Ахир, уларнинг орасидан махлуққа қараб ташланган ягона овчи шу эди-ку. Ажаб!

Бу фикрлар унинг хаёлидан ярқ этиб ўтди. Вова яна Галя ҳақида ўйлай бошлади. Уни ҳалок бўлди деб ўйлар, лекин бунга ўзи ҳам ишонқирамай, нафа-

симни ел учирсинг-е, дегандек, атрофига тупуриб қўярди. Ўйга қайтадиган куннинг келишини умидсизлик билан кутар, неандерталлар орасида ёлғиз ўзи қолиб кетаётганидан афсусланарди.

Лекин уйга қайтиб боришинг қизиги ҳам қолмаганди.

Галянинг ота-онаси қизимиз қани, деб сўрашса, уларга нима деб жавоб беради? Лагерь бошлигининг саволларига-чи? Нега ҳам, эркаклар сирли из қолдирган ҳайвоннинг кетидан тушиб жўнашганида Вова, сен форда ўтириб тургин, деб қатъий буйруқ бермади экан? Номаълум махлуқни барибир топишолмади-ку. Фор айфининг бу ерда пайдо бўлиб қолиши эса, уларнинг бўшига яна шунча ғам-аламлар олиб келди — битта овчи ҳалок бўлди, Галя эса изсиз иўқолиб қолди.

...Вова фор эшиги ёнидаги майсазорда ўтириб алам билан йиғларди. У ҳозир Галядан бошқа ҳеч ким тўғрисида ўйлашни истамасди. Ҳозир ҳаттоқи Галя Сверчкова ер юзидаги у биладиган қизларнинг ичидаги энг ажойиби, энг зўри деб атайлаб унинг жигига текканларида ҳам барибир, эпди у буцдаи сира хафа бўлмас эди. Каерда қолиб кетди экан-а, Галя?

Тутарев ёш аралаш кўзлари билан атрофга маъносиз аланглади. Ундан сал нарида Их билан Уауерга тўшалган тери устида ўтиришаради. Ундан ўн қадамлар чамаси нарида бир қари хотин кечагина Қаа муу қабиласи эркакларининг бошига даҳшат солган фор айиги терисини тош пичоқ билан тозалаётти. Вованинг орқа томонида эса бир неча неандерталлар наизалар учун тош учлик ясашмоқда. Қурол ясалаётган тошнинг қасур-қусур синиши ва ғижирлаши эшитилиб туритти. Қўлига ўткир тош пичоқни гўё ғево ушлагандай ушлаб олган ёввойилардан бири, тинимсиз пишиллар, тиззалари орасига қисиб олган узун суккка,— айтидан, айиқ оёгининг суяги бўлса керак,— ишлов берарди.

Сөчилар атрофида Вова илгари ҳам кўрган ўшача ялангоч болалар ғимирлаб юришарди. Вақти-вақти билан неандерталлар бақириб ёки енгилгина турткилаб уларни нарироққа қувиб юборишар, аммо улар турткilarга парво қилмасдан яна овчиларга яқин келишар, уларнинг ёнида ётган тош бўлакларини териб олишиб, катталар қилаётган машғулотга тақлид қилишарди.



Вова Галя ҳақида ҳеч кимнинг иши бўлмай қолганилигини яна бир бор ҳис этиб, оғир хўрсйниб қўйди.

Шу пайт унинг шундоқцина оёғининг тагига бир тошча юмалаб келиб тушди, бола бунга ажабланди. У буни овчилар атрофида ўйнаб юрган болакайлардан бири отиб юборган бўлиши керак, деб ўйлаган эди ҳамки, яна битта тошча келиб тушди ва бу тош бошқа ердан юмалаб тушганини билди. Тутарев атрофга алашглади. Атрофида Их ҳамда Үау, қари хотин ва овчилардан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Вовани қаттиқ ҳаяжон босди. У, балки менга шундай туолгандир, деб ўйлаб турган эди оёғига енгил бир оғриқ сезди. У эгилиб оёғига қарайман деганди, чап товони олдида ётган бир кўкишроқ тошчага кўзи тушди. Вова буни кўриб суюниб кетди: бу чиройли қилиб латтага ўралган бир нарса эди. Тутарев тезда латтани очиб уни диққат билан кўздан кечира бошлади. Үнда қизил ранг билан ёзилган ҳарфлар кўриниб турарди. Роса урина-урина Вова зўр-базўр мана бу ёзувларни ўқий олди: ...чку... ке... ...са чан... яп... кат ило... ... анг... г... ел... Св... ва Г...

Тутарев бу ғалати мактубдан ҳеч нарса тушунмаётган бўлса-да, хатни аниқ Галя ёзганига шубҳа қилмаётган эди. Демак қиз тирик экан, балки соппасоғ ҳамдир! Энди хат текстини шифровка қилиб аниқлаш қолган эди. Аммо энди бу уччалик қийин эмасди.

ИИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

**ЮТИБ ЮБОРИЛГАН МАКТУБ ҲАМДА АНТИҚА
ЛОРД ГЛЕНАРВАН, ЛЕДИ ЭЛЕН, МАЙОР
МАКК-НАББС ВА ШКИПЕР ДЖОН
• МАНГЛСХЕРЛАР ХУСУСИДА**

Бола ўчиб кетган ҳарфларни ўзича тиклаб, маъносига қараб сўзлар тузиб, мактубнинг мазмунини аниқлай бошлади. «Чку» деб ёзилган ҳарфларнинг олдига «ке» орқасига «рун» ҳарфларини қўйса «кечқурун» сўзи ҳосил бўлишини у бирпастдаёқ билиб олди. «Св... ва Г» деб ёзилгани Сверчкова Галянинг имзоидан бўлак нарса эмаслигини топиш ҳам унга ҳеч гап эмас эди.

Фақат ҳозирча «қат» сўзининг маъноси номаълум эди. Бу ё «овқат» деган сўзга ишора эди, ёки «қат-

тиқ» деган сифатни англатарди, у ҳам бўлмаса бирор сўзнинг охирги бўғини эди. Аммо, масалан, «ке» ёки «са», «чап», «яп»лар нимани англатади? «шло», «анг», «ѓ», «ел»лар-чи, буларнинг маъносини ҳали тополмаётган эди.

Вова бир вақтлар капитан Грант мактубларининг мазмунини аниқлаб чиқиш устида бош қотиргани лорд Эдуард Гленарвандан кўра оғирроқ аҳволга тушиб қолди. Лорд Гленарванга ҳар ҳолда унинг қариндошлиари — хотини леди Элен, амакиси майор Макк-Наббс ва капитан Джон Манглсхерлар ёрдам беришган. Вова Тутаревга келсак, у бу ерда мутлақо ёлғиз ўзи эди. Шунинг учун ҳам у энди доно лорд Гленарванини, меҳрибон леди Эленни, ботир майор Макк-Наббсни ва Джон Манглсхерларнинг ақл-идроклари ни ёлғиз ўзида мужассамлаштиришига тўғри келиб қолган эди. Уларнинг орасидаги фарқ шу эдикни, капитан Грант кема ҳалокатига учраб, ёввойи Патагония қирғоқларига бориб қолган бўлса, Вова Тутарев қандайдир бир ўра-жарликка қулаб кетиб, неандерталлар орасига тушиб қолди. Бу албатта яхши эмасди.

Вова бу мураккаб масалани ечишга шундай киришиб кетдики, ҳатто, кўзлари ўз-ўзидан пирпирай бошлади. Ғалати-я! Шу пайт унинг ёнида яна кимдир, бошқа бирор ҳам пишиллаётгандай, пишиллаганда ҳам ундан қаттиқроқ қилиб пишиллаётгандай бўлиб туюлди. Афтидан, барча болалар ўзларининг ранги рўйи, келиб чиқиши, қизиқиш ва одатларидан қатъний назар битта умумий сифатга эгадирлар, яъни уларга қаер қизиқроқ бўлиб туюлса, шу заҳоти ўша ерда ҳозири нозир бўладилар, бунинг устига яна бўлаётган ишларда уларнинг иштирок этиши мутлақо зарур бўлмай тургац дақиқаларда етиб келадилар.

Вова майса устига ўтириб олиб, атрофида бўлаётгани воқеаларни ҳафсаласиз кузатар, ёш ёввойи болалар эса қурол ясашаётгандар атрофида уймалашиб уларга ҳалақит беришарди. Шу пайт Галиянинг тош мактубидан қувониб турган Тутарев унинг мазмунини аниқлаш учун болалардан сал нарига кетса бўларди.

Вова орқасига ўгирилган эди, елкаси оша жуда қизиқувчанлик билан тикилиб турган уч жуфт кўзни кўрди. Булар албатта, анавилар — ҳамма жойда ҳозири нозир, ҳамма ишга бурнини тиқиб юрадиган болакайлар эди. Бу болакайларнинг ҳеч нимага алоқа-

си бўлмаса-да, улар Тутаревни қизиқтириб қолди ва у Гаянинг мактуби текстини аниқлаб олишга айни мана шу ёш неандертал болалар ёрдам бериб қолишлиари мумкин деган фикрга келди.

Вова жилмайди, сўнг Сверчкова ёзиб юборган латтани болалардан бирига узатди. Бола латтани олиб, уни ҳидлади... ва оғзига олиб борганида Вованинг капалаги учди. Аммо, худди шу заҳоти бошқа бир бола кўзлари ялтираб, латтани унинг қўлидан юлиб олди-да, оғзига тиқиб юборди! Тутарев қичқиришга ҳам улгурмай қолди. Ёш неандертал Гаянинг мактубини ютиб юбориб, афтиши буришитирди.

Вова барибири Гаяя юборган мактуб текстини охиригача шифровка қилиб аниқлаш қийин эканлигини яна бир бор англагач, қолаверса, ҳозирги бемаъни воқеадан сўнг руҳи сўниб, мушкул аҳволда қолди. Китобхонларимиз қаҳрамонимизнинг ҳозир маълум бўладиган, аммо педагогикага мутлақо зид бўлган битта қилиғи учун уни кечирсалар керақ, деган умиддамиз. Вова мактубнинг абадий гойиб бўлганига кўзи етгач, ўша очопатни шунақаям тепиб юбордикни умбалоқ ошиб майсазорда фиддиракдай юмалаб кетди.

Буни кўриб қўрқиб кетган бошқа ёш неандерталлар ҳам Вовадан қўрқканларидан юмалаб кетган ўртоғи орқасидан қочиб қолишиди.

Вова ёлғиз қолгач, эс-хушини йигиб олиб чуқур ўйлади. Неандерталларнинг кўзига кўринмасликка жиддий асос топган Гаяя билан қаерда ва қандай учрашса бўларкин? Конспирация орқали гаплашсанчи? У бу йўл билан гаплашишини ҳийлагар жосуслар ҳақида ёзилган китоблар орқали билар эди. Тутарев анови ёввойи бола ютиб юборган мактубдаги «кечқурун» деган сўзни эслаб қолганди. Бу сўзнинг маъноси икки карра икки тўрт дегандай аниқ эди, демак, Гаяя фақат кечқурун учрашишини истаялти. Шунинг учун ҳам қош қорайиши билан яшириниб олиш учун қўёшнинг ботишини кутиб туришдан бошқа иложи қолмади. Шунда Вовани Гаянинг ўзи излаб топади.

Қуёш ўз ётоғига йўл олганда Каа муу қабиласининг одамлари ёғлари жизиллаб томиб турган айиқ гўшти осилган гулхан атрофига тўпландилар. Их Вовани имлаб чақирди-да, ўзи билан Уаунинг ўртасидан жой берди. У ғолибга ошкора хушомад қилаётган ёди. Уау Вовага кўзларини сузиб қарар ва бу билан у, меш сенга тамоман хайриҳоҳман, демоқчидай бўй

ларди. Тутаревга келсак, у бундай ихлос-эътиборларга деярли аҳамият қилмасди, чунки уни бу ерда бошқа бир томоша қизиқтираётган эди. Гулханга бояги зумрашалар қўрқа-писа келишди. Латта мактубни улардан қайси бири ютиб юборганини энди Вова билмади. Аммо уларнинг учаласи ҳам қўрқишаётган эди. Барibir нафси қўрқув ҳиссидан устун келди шекилли, ҳайиқмай қўноққа қайтишди.

Қоронги тушди. Неандерталлар мазали овқатдан сўнг ялашишиб, гор томон тизилишганча жўнадилар.

Узи номигагина овқат еб, қолганини Галяга атаб яширган Вова пиширилган гўшти олдиндан тайёрлаб қўйган қалин баргга ўради-да, чаққонлик билан чўнтағига тиқди. У ёқ-бу ёқда назар солгач, гўё форга жўнаётгандек бир оз юриб ён томонга ўқдай учиб ўтди-ю, қоронгиликка шўнғиб кетди.

Юраги қурғур шундай урадики, гўё у икки суткалик қон ҳайдаш нормасини бир дақиқада бажармоқчидай эди, аммо, Вова бунга эътибор қилмади. У иложи борича фордан нарироққа кетишга уриниб чопиб борар, ўнқир-чўнқирликларга эътибор бермасди...

* * *

У фордан анча узоқлашиб тўхтаб, нафасини ростлаб олди. Ҳавода сузиб юрган булуллар орасидан гоҳ кўриниб, гоҳ ғойиб бўлаеттган хира ой ёруғида атроғириша-шира кўзга ташланарди. У ер-бу ерда тўп-тўп бўлиб ўсиб ётган буталар кўзига ғалати кўриниб кетди. Вова қулоқ солди. Ҳеч қандай товуш йўқ! Гўёки табиат кундузги шов-шувлардан сўнг тин олмоқчи бўлиб, жим ўй сурاءтгандай сокин эди.

Вова бирдан чўчиб тушди: яқингинада қандайдир бир махлуқ ногоҳ пишқирди ва шу зум оёғига бир нима келиб урилди. Бола бу ғалати товушнинг қаердан чиққанини яхши аниқлаб олишга ҳам улгурмай оёғига келиб урилган бояги тошни қўлига олди-да, титроқ овоз билан:

— Ким бу?— деб шивирлади, жавоб бўлмагач,— Гала, сенмисан?— дея овозини чиқариб сўради. Қимдир секин орқадан юриб келиб боланинг елкасига қўлини қўйди. Бу Сверчкова эди!

— Қаерларда қолиб кетдинг?— хитоб қилди Тутарев. Гала унга парво қилмай ғалати бир қаради-да... ҳеч нарса демади.

— Нима, эшитмаяпсанми?

Сверчкова ҳамон жим турарди.

— Нима бўлди сенга ўзи?!— ҳайрон бўлди Вова.— Тушунтирангчи!

Ой ёргида Галянинг қўзларида ёш милтиллаб кетгандай бўлди.

У индамай Вованинг қўлидан ушлаб етаклаб кетди. Улар марҳум Бжия қароргоҳига элтадиган қоялар ёнидан ўтган ўша сўқмоқ бўйлаб, эллик қадамларча юриб боришиди.

Галя Вованинг сўроқ назари билан ҳадеб қарайверганини пайқаб, тўхтади, ерга чўнқайганича қўллари билан ерни пайпаслаб бир тошни олди-да, кичик саҳнни шагалдан тозалади. Сўнгра ҳалиги тош билан ерга чизиб ёза бошлади:

«Мен гапиролмайман!»,— дея ўқиди Тутарев ой нурида. Сўнг Вова Галядан тошчани олиб ёзди: «Нима бўлди?»

«Соқов бўлиб қолдим»,— деб ёзди Сверчкова Вованинг ёзганларини ўчириб.

«Ҳазиллашяпсанми?»

«Чин сўзим!»

Сўнгра саҳндаги ёзиб гаплашишлар шу тарзда давом этди:

«Нимага бунақа бўлиб қолди?»

«Мамонтдан қўрқиб кетдим!»

«Бу мамонт эмас».

«Қўйсангчи».

«Пионерлик сўзим».

«Бўлмаса нима у?»

«Айик».

«Қанақа айик?»

«Оддий ғор айифи».

«Ахир, у оддий айиқдан ўн мартача катта-ку!»

«Қўрқиб кетганингдан шундай бўлиб кўринган».

«Сен қўрқмадингми?»

«Мен уни ўлдирдим».

«Ҳа-ҳаҳ-ҳа! Хи-хи-хи!»

Уч минутлар чамаси улар суқут сақлао елка ўгириб ўтиришгандан сўнг, Галя яна тошни қўлига олди-да, суҳбатни давом эттирди.

«Овқат олиб келдингми?»

«Ҳа» деб ёзди Вова ва чўнтағидан икки бўлак айик гўштини унга чиқариб берди.

Сверчкова гўшт ўралган баргни очиб, бир бўллаги-

ни чайшаб ютди. Сўшг лабларини артиб, гўштнинг иккинчи бўллагини чиройли қилиб баргга яна ўради-да:

«Рахмат, мен яқиндагиша овтқатланган эдим», дея, Вовага узатди ва:

«Бу сен учун эмас», деб ёзди қиз.

«Оч қолган одам бирдан шунча овқат ейишдан қўрқаётган бўлса керак», деб ўйлади Вова унинг фикрини дарров тушуниб. «Кшуага ҳам бир оз қолдириш керак», ерга тирнаб ёзди Галя. Психиатр врач қўлидаги беморининг, Эйфель минорасидан ҳеч бўлмаса яrim килограммчасини еб кўришга рухсат беринг, деб илтимос қилганида унга қандай ажабланиб қараса, Вова ҳам Галяга ўшандай қараб турди. Вова қизни гангид қолган шекилли деб ўйлаб унга ич-ичидан ачинди, сўнг меҳрибонлик билан сўради:

«Бошинг оғрияптими?»

«Ўзингни бос».

«Кшуага ҳам қолдир», деганинг нимаси?»

«Хозир биласан! Юр кетимдан!»

«Йўқ, аввал айт-чи!»

«Улгурасан».

«Ёлғондан гапирмаётганга соляпсанми ўзингни?»

«Йўқ, чин пионер сўзим дедим-ку».

«Тилингни кўрсат-чи!»

Галя тилини чиқарди. Унинг тилига ҳеч нима бўлмаганди. Шундай бўлса ҳам Вовага у жуда ҳам кичкина бўлиб кўринди. Ҳатто Вова кир бармоқлари билан тилининг учидан ушлаб ўзига тортиб ҳам кўрди.

Шунда Вова умрида биринчи марта «Ундан битта ҳам сўзни суғуриб ололмайсан», деган иборанинг асл маъносига тушуниб етгандай бўлди.

Галя эса анчагача лабларини артиб, ерга тупуриб юрди.

ИИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

ҲАЛОК БЎЛГАН ОВЧИННИНГ ҚУЛАЙ ШАРОИТДА ҚАЙТА ТИРИЛИШИ МУМКИНЛИГИГА ИШОНТИРИШ ХУСУСИДА

«Мана энди,— ўйлади Вова,— у ҳақиқатдан ҳам рисоладагидек қиз бўлди,— гўё оғзига талқон солиб олгандек жим туради, ҳар хил саволлар беравериб жонимга тегмайди, энди унинг ҳузурида истаганингча bemalol сўзлайверасан, у эса бирор марта ҳам жавоб қилолмайди...»

Шу пайт Вованинг биқинига бирор туртгандай бўлди. Угирнилиб қараса, Гала унга тикилиб турар ва бармоги билан юқорини кўрсатарди.

У ойга қараган эди, биқинидан яна туртки еди. Ахир, Гала кўрсаткич бармоги билан кўрсатиб турган томон ой эмас, бошқа томон эди.

— Бу нима экан? — сўради у ҳаяжонланиб.

Кейин бу ҳов ўшанда қоплон ўлдирган овчи дағн әтилган жой эмасмикин деган гап хаёлига келди-да, эти сесканиб кетди. Бироқ ғорнинг оғзида тош бўл-ганлиги эсига тушиб ўзини босиб олди.

Гала сўқмоқдан бир парча жойни тозалаб, унга яна чақир тош билан тирнаб ёза бошлади:

«Қшуа, деб қичқиргин».

«Тушунмаяпман», қўлларини ёзди Вова.

«У ухлаётган бўлса керак» деб ёзди қиз аввалги ёзганларини ўчириб.

«Ким?» деб сўради Тутарев.

«Қшуа».

«У одамми ёки айиқми?» — қайта сўради Вова.

Сверчкова ҳайратдан:

— Овсармисан ўзинг! — деб юборганини билмай қолди.

Аммо, Вова ҳам бу ҳолдан Галяга қараганда қўпроқ ҳайратга тушиб қолганлиги учун унинг гапларига эътибор бермади.

Шу маҳал қоядаги тешикдан бир беўхшов махлуқ-нинг қораси кўринди. Вова гранит қояларнинг ўтқир қирраларидан ушлаб орқага тисланди. Бу — неандерталнинг калласига ўхашаш бир нарса бўлиб, фақат кўз ва бурун ўрнида ғалати жойлашган қандайдир қора доғлар кўринар, соч, қулоқ, пешона бўлиши лозим бўлган жойларда эса, қандайдир қалин баргларнинг парчалари осилиб турарди.

— Ўйгонибди, — енгил тортиб хўрсинди Гала. — Демак, у энди сал-пал ўзига келибди.

— К... к... ким б-б-у?.. — ғудранди Тутарев.

— Сенга айтувдим-ку! Қшуа деганим шу бўлади.

— Қанақа Қшуа?

— Ўша, айиқ ҳалок қилган. Фордаги айигинг. — Вова фор тешигидан бошини чиқариб турган бу ғалати махлуқка кўз ташлар экан қўрқиб кетди.

— Бу қанақаси бўлди? — деди шивирлаб бола. — Уни ўлдиришганди-ку, у тирикми? Тирилганмийкин ё

— Унга мен ёрдам қилдим,— деди Сверчкова бидирлаб.— Аммо, бунинг тарихи жуда узоқ. Аввал ўша томонга ўтиб олишга ёрдамлашвор. Унинг ярасини қайта боғлаб, овқатлантириш керак.

Вова энгашди. Қиз чаққонлик билан унинг белига оғини қўйди-да, елкасига чиқди. Кшуа жунли қўлини пастга узатди ва қиз фор оғзига енгилгина чиқиб олди.

Бир неча дақиқадан сўнг Вова ҳам форга чиқди. У ним қоронгиликка кўникиш учун дам у ёққа, дам бу ёққа қаарди. Галия гўшт ўралган тугунчани Тутаревдан олди-да, Кшуага узатди. У шу лаҳзадаёқлаҳм гўштни ўралган барглари билан бирга қўшиб чайнаб ютиб қўя қолди. Фақат ана шундан сўнггина, яъни Кшуанинг кўримсизгина башарасини безаб эмас, балки унга кўриш аъзоси бўлиб хизмат қилаётган иккита шаклсиз доф қизга тикилиб қараб турганида Галия ўз ҳикоясини бошлади.

— Б-биласанми,— бир оз дудукланиб гапира бошлади қиз,— сенга ҳақиқий ма-мамонт ҳужум қилгандай туюлибди менга! Мен унинг башарасига хипчин билан б-б-и-р у-урдим-да... чакалакзорга қочиб кетдим.

— Нималар деб валдираяпсан,— деди елкаларини қисиб Вова.— Бу тоғда қанақасига мамонт бўлсин? Яна ўзингнинг гапингни маъқулламоқчи бўляпсан.

— Нима, сенингча менга шунақа бўлиб туюлган эканми?

— Бўпти, майли. Қейин нима бўлди?

— Беш минутдан сўнг қайтиб келдим...

— Нима дединг?— лабини қийшайтириди Вова.— Сен беш минутдан сўнг қайтиб келдингми?

— Албатта-да. Ҳушимга келган заҳотим қайтиб келдим.

— Яхши,— қўлинин силтади бола,— сен эртасига беш минутдан кейин қайтиб келгансан. Қейин-чи?

— Нима, қочириқ қиляпсанми?— деди хафа бўлиб Галия.

— Вой-вуй, тезроқ гапира қолсанг-чи!— қичқирди Вова.

— Бўпти. Ҳуллас, шундай қарасам ҳеч ким йўқ, ер эса қоп-қора қон.

— Шошма,— сўзини бўлди Вова.— Ахир, мен сени роса чақирдим, қаерда эдинг ўшанда?

— Шундоққина ёнингда.

- Үнда нега жавоб бермадинг.
- Тилим калимага келмай қолувди.
- Овоз чиқсан тарафга қараб бориш керак эді.
- Құрқдим.
- Кимдан, менданми?
- Мамонтдан.

Вова энди бу ёғига чидаб туролмади ва пешонасига осилиб түшгән сочларини орқасига ташлаб, тупуриб юборди.

— Қани, хүш, давом эт-чи. Демак, ҳеч кимни күрмадингми?

— Ҳа, ҳеч кимни күрмадим.

— Укушуаниямми? Яъни, Кукушуани?— Вова неандерталга қараб имо қилди.

— Үкушуа эмас, Қшуа...

— Қшуа, Қшуа!— қувониб исмини қайтарди ёвойи.— Аль, Қшуа ай, Қшуа ни, Зуу хриа, Аль!

— Бирон нима тушундингми?

— Мени ўлимдан сақлаб қолган мана шу, деяпти.

— Ахир уни чиндан ҳам ўлдириб қўйган эди-да! Биласанми, уни анави ваҳшӣ панжаси билан шунақаям чанглаб олган эдики!

— Мен ҳам у ўлган бўлса керак деб ўйловдим. Кейин қарасам... жони бор, қимирлаяпти. Хуллас, унинг яраларини мана бу барглар билан зўр-базўр боғлаб қўйдим, кафтимда сув ташиб ичирдим (шу атрофда бир чашма бор эди) кейин кўзи уйқуга кетди. Уйғонгач, қўноқ жойимиизга кетамиз десам, у унамади.

— Нега?

— У буни менга жуда узоқ тушунтириди. Сўзларининг маъносини зўрга аиглаб етдим.

— Ҳўш, ҳўш!

— Биласанми, у ерга боргудек бўлса, ўлдириб қўйишиларидан қўрқяпти.

— Нима учун ўлдиришар экан. Ахир, уларнинг ичидаги жасури Қшуа экан-ку.

— Ҳамма гап шунда-да. Бари қочиб кетди. у бўлса ваҳшӣ ҳайвонга ҳамла қилди.

— Бунинг учун улар Қшуанинг оёғини ўпса ҳам арзийди.

— Йўқ, Қшуа бу ерда bemavrid ботирлик кўрсатди. Бошлиқ қўрқдими, бас, оддий ёввойиларнинг ҳаммаси ҳам қўрқиб туриши лозим. Бу ерда, гўё у бошлиқдан ҳам жасурроқ бўлиб қолди. Билдингми?

— Тушунмадим.

— Мактабда бошинг «уч»дан чиқмагани рост эканды-а. Шунча галираман ҳеч нарса миянгга кирмайди. Мана, эшил, Кшуа ўзининг ортиқча жасурлик кўрсатиши туфайли Иххнинг обрусига путур етказиб қўйди. Тушунарлими? Шунинг учун ҳам Ихх Кшуани энди кўролмайди, уни ўлдириш пайида бўлади. Эниди тушунгандирсан.

— Ахир бу бемаънилик-ку! — таажжубланди Вова.

— Албатта, bemаънилик-да. Лекин биз бунга йўл қўймаслигимиз керак! Ҳасаднинг уйи куйсин!

— Тўппа-тўғри.

— Шошма-шошма,— деди Сверчкова нимагадир қулоқ соларкан.

ИИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

ВАҚТНИНГ ҚАДРИ ҲАҚИДА БОШЛАНГАН ФИКРНИНГ ҒАЛВА БИЛАН ТУГАГАНИ ХУСУСИДА

Машҳур алломалардан бири «Вақт билинмай ўтиб кетади», деган экан.

Ҳақиқатдан ҳам шундай, кўп ҳолларда вақтнинг қандай ўтганини билмай қоласан киши. Баъзан ҳатто динга ишонмайдиган кишилар ҳам оппоқ соchlарини чанглаб шундай хитоб қилишади:

— Эй, фалак, ўнинчи синфни битирганим худди, кечагина эди. Шунга ҳам мана йигирма йил ўтибди. Бу йиллар ичida нималарга эришдим? Хўш, мана, ўн еттита ихтиро қилибман, хўш, ўн тўққизта рационализаторлик таклифини киритибман. Профессор унвонини олибман, фан доктори бўлибман, мен яратган дарслик саккизинчи марта нашр бўлди, спорт мастери деган унвоним ҳам бор. Бори шу. Вақт эса ўтиб кетялти... Аммо, баъзан вақт югуришдан тўхтаб, гўё бир жойда туриб қолгандек бўлади. Буни Плутония Черепашенко деган маникюрчининг бошидан ўтган бир воқеа исбот қилиши мумкин. У ҳатто еттинчи синфда ҳам гапдаги эга нима эканлигини билмас эди, ўттиз ёшида эса, кечаси мени қандайдир кесим чақиб олди деб, шикоят қилган экан.

Хуллас, Вованинг инсондаги ҳасад, ҳаққонийлик масалалари билан банд бўлган хаёли Сверчкованинг қандайдир шарпага дикқат билан қулоқ сола бошлагани туфайли бўлинниб қолганида тонг эндигина ёриша бошлаган эди.

— Нимага қулоқ соляпсан?— сўради Вова, қизнинг диққатини жалб қилган шарпадан кўра бошқа нарсадан безовта бўла бошлаган Қшуага эътибор қилиб.

— Улар бу ёққа келишяпти,— деди шивирлаб Галия.— Бу аниқ.

— Қим?

— Сен яхши кўрган Иих билан унинг шайкаси.

— Қанақасига шайка бўлсин улар? Нима, улар қароқчилар эканми?

— Қим бўлмаса? Айтяпсан-ку, улар Қшуани ўлдиришлари мумкин деб.

Вова Сверчкованинг гапига жавоб бериб улгурмасданоқ неандертал ҳозирги аҳволига мос келмайдиган бир чаққонлик билан йўлида турган болаларни итариб-суриб гор тешигидан ўзини ташқарига отди. У бир неча дақиқа йиртқич ҳайвон пойлаётган овчига ўхшаб қотиб турди. Кейин сўқмоқ бўйлаб оқсоқланиб, қўлларини ғалати лапанглатганча чопиб кетди. Агар борди-ю, у БГТО значогига норма топширишда шундай қилиб чопадиган бўлса, аниқки, албатта муваффақиятсизликка учраган бўларди.

Вова билан Галия ҳам фордан чиқиб чопиб кетишиди ва бирласда Қшуага етиб олишди. У яқиндагина кўп қон йўқотганлиги учун ҳам мадорсизланиб узоққа кетолмаган эди. Ваҳоланки, у соғ пайтларида юз метрлик масофани, чамаси қирқ, ё қирқ беш секундлар атрофида босиб ўтган бўлса керак.

— Тўхта!— қичқирид Вова неандерталнинг сержун қўлидан ушлаб.— Джузу!

Ёввой одам гўё ундан нима талаб қилаётганларини тушунгандай шартта тўхтади. У титраб-қақшаб қўли билан кун чиқаётган томонни кўрсатарди.

— Йо ии,— деди қўлларини тушириб.— Қшуа ии.

— Нима, нима?— сўради Вова, кейин қизга маънодор қараб қўйди.— «Йо ии» дегани нимаси?

— Йо ии,— такрорлади ёввойи одам.— Қшуа ии.— У шундай деб ўзини-ўзи бўғиб ўлдирмоқчи бўллаётгандай ҳаракатлар қила бошлади.

— Тушундингми?— деди Сверчкова.

— Тушунгандай бўлдим. Менимча ой ботгандан сўнг, бирорлар уни ўлдиришадигандай туюлиб, қўрқиб кетяпти.

— Ана, кўрдингми? Айтдим-ку сенга, улар шайка деб. Сен бўлсанг алланималарни...

— Шошма,— Вова унинг сўзини бўлди. Бу пайтда Кшуа неандерталларнинг баралла эшитилаётган шовқин-суронига қулоқ солиб турарди.

— Улар шу ёқقا чопиб келишяпти!— деди қиз юзини кунчиқиши томонга ўгириб.— Наҳотки Кшуа ҳалок бўлса?

— Шунинг ўзи билан тинчишса майлийди-я.

— Тинчишса?

— Ҳа-да. Унга қўшиб бизни ҳам гумдон қилишлари мумкин.

— Нима учун?

— Шунгаям ақлинг етмайди-я! Ахир, биз жиноятчани яширмоқчи бўляпмиз-ку.

Кшуа ўзига мутлақо таниш бўлмаган бунақа сўзларни эшитгаңдан сўнг нима учун қочиб қолганлиги хусусида улар билан роса баҳлашишди. Нима бўлганда ҳам ҳозир болаларнинг қўлидан ҳеч нима келмасди, шунинг учун ноилож Кшуанинг кетидан кетишиди. Болалар бирпაсада унга яна этиб олишди. Аммо, Вова қўлидан ушлаб олганига қарамай неандертал қути учиб, ҳадеб олдинга силтанарди. Улар Ихнинг қабиладошлари дафн этилган гор олдига келиб тўхташганини Вова дарров англаб ета олмади.

— Ахир бу ер қабристон-ку!— деди Тутарев кафтини пешонасига қўйиб юқорига қарапкан.

— Бжия ии, Гуа ии, Эу ии,— ҳарсиллаб ғудранди ёввойи одам. Болаларга Кшуанинг бу қандай жой экацилигини яхши билиши ва бу ерда кимлар дафн этилганлигини ҳам эслаб қолганлиги маълум бўлди.

Кшуа сўнгги кучини тўплаб итарган эди зил-зам бил тош аста сурилиб унга йўл бўшатди. Ҳали нафасини ҳам ростлаб олмаган Кшуа гордан гавдасини ярим чиқариб:

— Офх,— деди.— Яудж! Аль Яудж!— кейин қўли билан болаларни имлади.

— Мен чиқмайман,— деди қиз қатъий,— ўлиқдан қўрқаман.

Унинг кўзларида қўрқув акс этиб турарди.

— Ростданми?— заҳархандалик билан жилмайди Вова.— Агар борди-ю, ўн минутдан кейин ўзинг ҳам... у оғзидан чиқиб кетай деган совуқ сўзни айтгиси келмади, бунинг ўрнига бурнини жийирди-ю, тилини чиқариб кўрсатди.

— Нима ўн минутдан кейин?— деди ҳайрои бўлиб

Галия. У бунақа гапларга одобли қизларнинг хафа бўлиши лозимлигини ҳам ҳатто унтиб қўйди.

— Нега десанг, Қаа муу қабиласи беш-олти минут ичида бу ерга етиб келади, бизни бурдалаб ташлаш учун уларга тўрт-беш минут кифоя. Қшуани асрар қолганимиз учун бизни аяди, дейсанми?

— Мени кўтарвор, чиқиб олай,—деди қиз уялин-қираб. Болалар нимқоронги фор ичига кириб олишгандан кейингина ўзларини хавфдан холи ҳис қила бошлиши. Бу ер шунақаям қўланса ҳидга тўла эдик, бундан бўғилиб ўлиш ҳам мумкин эди. Вова фор тешигини ўша катта тош билан тўсиб қўйишда Қшуага ёрдамлашди. Тешикни зич ёпиш мумкин эди, лекин бола форга тоза ҳаво кириб турсин учун уни қиялатиб қўйди.

Улар учаласи ҳолдан тойиб энди ташвишдан тамоман қутулдик дея фор оғзидағи тошнинг олдига ўтиришганида, шундоққина тагларидағи сўқмоқда неандерталлар галасишинг бақириқлари эшитила бошлади.

Бахтга қарши, фор оғзига қўйилган тош ёнидаги қия ёриқдан Иих ва унинг қабиладошларини кўриб бўлмаса-да, болаларга бошлиқнинг овози эшитилар, унинг шу ердалигига шубҳа қилишмасди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳаммаёқ қий-чувга тўлиб кетган эди. Иих билан Уау тўдалари найзаларини маҳкам ушлаб олганча аввал фор ёнидан чопиб ўтиб кетдилар, аммо, бу атрофда бирор нарсанинг изини топишолмагач, дарров орқага қайтишиди ва ҳайрон бўлишиб тўхтаб қолишиди. Қабиладошлар бир-бирларига қарашар, кейин нима гаплигига тушунмай атрофга аланглашар ва қандайдир тушунарсиз сўзлар билан фўлдирашарди. Афтидан, улар излаб юрган одам, шундоққина ёнгиналарида, бир вақтлар қаҳрамонлик кўрсатишган, қўрқоқлик ҳам, сусткашлик ҳам, айёрлик ҳам қилишган соддадил қабиладошларининг жасадлари ётган мана шу горнинг ичида эканликлари уларнинг хаёлларига келмас эди.

ИИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

ЯБСБ ЖКФНИНГ НИМА ЭКАНЛИГИ, ВОВКА,
ГАЛКА ВА КШУАЛАРНИНГ ҚҮРҚУВДАН ТИТРАЙ
БОШЛАГАНИ, КЕЙИН ЭСА БУ ҲОДИСАДАН
БОШҚАЛАРНИНГ ҲАМ ШУНДАЙ ҲОЛГА
ТУШИШИ МУМКИНЛИГИ ХУСУСИДА

Аллақачон тонг отган бўлса ҳам, неандерталлар бирор қарорга келишолмай фор олдида ҳамон ўралашиб юришарди. Улар вақти-вақти билан тинчсизланашётгандай бўлишарди. Бундай дақиқаларда одамга Каамуу қабиласи қайтиб кетадигандек, ёки қабристоига бостириб кириб, қўрқувдан тахта бўлиб қолгани мана бу бечораларни топиб оладигандай бўлиб туюлиб кетарди. Гарчи Вова билан Галия неандерталлар назарида фавқулодда ажойиб маҳлуқлар бўлиб ҳисоблансалар ҳам, барибири ҳозир уларнинг ҳам жони омон қолиши амри маҳол эди. Кшуага келсақ, тишлари такиллаётганига қараганда, у ўз ўлимими бўйнига олиб қўйган эди. Шу топда гулханинг ўткир тиллари унинг бошига тусиши мумкин бўлган мусибат олдида урвоқ ҳам бўлмайдигандек эди.

Галия ой нури хира ёритиб турган ёввойи одамнинг юзига қараб, тўсатдан гўё безгак хуруж қилиб қолгандек қалтириб бошлиди. Бу ҳол ташқаридан қарангандага гўё горнинг ичига қандайдир кўзга кўринимас ашулачилар йиғилишиб олишгану, улар овозлари қалтираб ингичка овозда бир-бирига жўр бўлишганча қўшиқ айтишаётганга ўхшайди.

— Тишингни такиллатавермасанг-чи,— шивирлади Вова овозини баландлатаётган «қўшиқчи»га.— Неандерталлар эшитиб қолишинди-ку.

— Ҳ-ҳ-еч ҳам тўх-т-т-ат-ал-ма-ялман,— йиғламсираб пичирлади қиз.— Қўр-қ-қин-ч-ли.

— Қўрқоқ!— Заҳархандалик билан кулди бола: Аммо, шу он унинг ўзи ҳам ияклари ақл бовар қилмас даражада титрай бошлаганини ва тишлари тақиллаб ғалати овоз келаётганини пайқаб қолиб, уялиб кетди.

Энди ғорда жўр овозлар эшитила бошлиди. Улар ичиди айниқса биттасиники бошқаларникини босиб баралла янграрди.

Агар болалар шу пайт пастга қарай олишганларида эди, улар Иихнинг ўз қабиладошларига еб қўйгу-

дай қараб, жим бўлишга ундаётганини албатта кўришган бўлишарди. Бошлиқ фор тешигини бекитиб турган тошга тикилиб қолди. Иххинг қулоқлари гўё ингичка хипчин билан саваланаётгандек титрай бошлади. Уау ҳам қулоқ солди. Икковининг ҳам юзларидага акс этиб турган ҳайратомузлик тезда қўркув билан алмашинди.

Их аввал савол назари билан Уауга, кейин қабиладошларига қаради. Аммо уларнинг ҳам фор ичидан такиллаб келаётган овозга қўркув аралаш қулоқ солиб турганликларини кўриб, бошлиқ оҳангига учча ҳам жангарилик акс этмаган овоз чиқарди. Кейин у сўқмоқдан ўзининг ҳам, қабиладошларининг ҳам соясидан ўзиб кетгудай даражада тезлик билан қочишга тушди.

Вова Иххинг қичқириғидан икки-уч минут ўтгандан кейингина Кшуанинг тишлари такиллашдан тўхтаганини пайқади. Афтидан, ёввойи одам ички бир шуур билан энди хавф ўтиб кетганлигини сезган бўлса керак. Бу маҳалда Галияning ҳам тиши такиллашдан тўхтаган, Тутарев эса ўз жағлари аввалги ҳолатга келганини сезиб хотиржам бўлган эди.

— Вой-вуй, бу ернинг ҳавосини! — афтини буриштириди қиз. Бўғилиб ўлмаганимизга ҳайронман. Дера-за... Э-э-э, тошини бироз сурис қўйиш керак.

— Нега улар жуфтакин ростлашди? — ўйланиб турриб деди Вова. — Тушунмай қолдим.

— Нимасини тушунмайсан? Кетишди — тамом ва тўғри қилишди.

— Борди-ю, яна қайтиб келишса-чи?

— Фам ема, Кшуа нима қилаётганини ўзи яхши билади.

Вова ёввойи одамга қаради, у фор тешигини тўсиб қўйилган тош томон эмаклаб борди-да, ўрнидан турди ва елкаси билан пишиллаб тошини итара бошлади.

— Йо-йо-ай, — деди неандертал бир қўли билан тепа томонни кўрсатиб. — Йо пхаа. Джжий. Офх, Джжий, Аль!

— Джжий бўлса джжий-да, — дея Вова ҳам бутун кучини ишга солиб Кшуага ёрдамлаша бошлади.

Улар бирпастда тошини нарига сурис юборишиди ва фор ичига отилиб кирган эрталабки тоза ҳаводан сармасст бўлишиб, беихтиёр ўзларини орқага ташлашди. Галия ҳам кўп куттирмади, у ҳам қоя тошлардан эҳтиёткорлик билан тирмасиб, сўқмоққа тушди.

Кейин эса, ғор тешигини беркитадиган тошни хий-лагина күч сарф қилишиб аввалги жойига сурис қўйишиди. Орадан бироз ўтгач уччалови ҳам ғор тешигига кираверишдаги сўқмоқчада туришар ва ҳайрат билан пастга боқишарди. Уларнинг шундоққина оёқлари тагидаги майдончада найзалар, сўйиллар тартибсиз равишда сочилиб ётар эди.

Кшуа сўйиллардан бирини ердан олиб, уни қўрқув ва эҳтиром ила силаб-сийлаб деди:

— Фийи Иих.

— Вова! — хитоб қилди Сверчкова, калласига қандайдир бир фикр келгандай. — Биласанми, улар нима учун найза ва сўйилларини ташлаб қочиб кетишган?

— Сендан қўрқишишгандир, — деди Тутарев жиддий. — Улар бировни оталиққа олганлардан доим шунақа қўрқишиади.

— Бу ерда оталиқнинг нима дахли бор? Балки шу атрофда мамонт сангиб юргандир, биз бўлсан...

— Бу мамонт дегани қаёқдан ҳам миянгга ўрнашиб қола қолди! Айланасан-ўргиласан мамонт дейсан. Бунақа кичик сўқмоқчага ҳатто унинг хартуми тугул, битта тиши ҳам сигмайди-ку.

— Хоҳласа, сиғдирадиям-да.

Болалар гап талашиб туришганида, Кшуа ерда ётган найзалардан битта яхисини ўзига танлаб олиб, халоскорлари учун ҳам танлай бошлади. Бирпасдан сўнг эса Вова билан Сверчкова кимнинг найзаси узун деб, найзаларини ўлчашарди. Улар оғир деб сўйилларни олишмаганди.

— Ҳар ҳолда, қизиқ-а, — деди ўйлаб туриб боладам у сўйилни, дам бу найзани танлаб томоша қилаётган Кшуага қараб. — Ахир, улар бизнинг кетимиздан қувиб келишгандими? Келишганди. Мана бу ерда туриб олишиб, бизни ғор ичидаги қўланса ҳидга чидаёлмай, ташқарига чиқишимизни кутишгандими? Кутишганди. Бўлмаса нега яна қочиб кетишиди?

— Шуни айтяпман-да, — илиб кетди гапни Галя, — нима учун шундай қилишибди? Менимча, бу анови мамонт туфайли бўлса керак.

— Ўша мамонтингни қўйсанг-чи! — деди ранжиб Тутарев.

— Ҳўп, қўйдим дейлик, бу ёғи нима бўлади? — Қиз ҳам ранжиб деди.

— Бу ёғини ўйлаб кўриш керак. Қуролларини

ташлаб, ўзлари гойиб бўлишдими, бас, уларда бушига жиддий бир сабаб бўлса керак. Тўғрими, йўқми?

— Мен буни сенга аллақачон айтган эдим.

— Гапимни бўлмай тур. Кел, мантиқан ўйлаб кўрайлик. Улар қаёққа қочиб кетишлари мумкин? Албатта, қўноқ жойига-да. Ҳар ҳолда қавм-қариндошлари ўша ерда қолган-ку.

— Хўш, нима? Борди-ю, агар биронта ваҳший кудди ўша қўноқ жой тарафдан ҳужум қилиб қолса, нима, улар унинг устидан сакраб ўтиб, яна ўша томонга чолиб кетишаверар экан-да.

— Аммо, нима учун энди албатта ваҳший ҳайвон бостириб келиши керак экан?— афтини буриштириди Вова.

— Нима бўлмаса?

— Йўқ, бу ваҳший эмас. Улар қандай бўкирганини биз ҳам эшитгани бўлар эдик.

— Ҳа, тўғри,— истар-истамас рози бўлди қиз ва ўйланиб пешонасини тириштириди.

— Илон!— қичқириб юборди Вова қўлини силтаб.

Галия бирдан ранги оқариб кетди-ю, тисариламан деб, бир сўйилга қоқилиб йиқилиб тушай деди.

— Қани?

— Уларнинг олдидан каттакон бир илон чиқиб қолиб, қўрқитиб юборган ва ҳеч нарсани эшитмай қолган бўлишимиз ҳам мумкин деяпман. Ахир, илонлар бўкирмаиди-ку.— Галияning юзига қон югурди. У ҳаяжонини яширмай Вовага қараб қўйди.

— Бор-э, ўтакамни ёрворай дединг-ку. Мен ростдан ҳам илон чиқиб қолибдими дебман.

— Энди нима қиласиз?— деди ўйланиб Вова.

— Яудж!— бекорга бир хаёлга бормаганини билдиримоқчи бўлгандай деди овозини чиқариб Қшуа.

Болалар унга энди ростакамига ҳаяжонланиб қарашди. Ярадор неандерталнинг ҳозирги қиёфаси, гўё унга ҳеч қачон гор айинининг даҳшатли панжалари тегмаган, бундан атиги бир неча дақиқа муқаддам эса бошига тушган қўрқувдан қалтираб турмагандай важоҳатда эди.

— Уни қара, Вова, тетикланиб қолибди,— деди Галия ўзини тўхтата олмай.

— Тушуняпсанми, бу яқин орада энди уни бирор ўтда кўйдириб бўпти.

— Унга умуман ҳеч ким энди қўлини теккизолмайди!— қизинишиб кетди қиз.

- Балки, бунга сен йўл қўймассан?
- Ҳа, мен.
- Неандерталлар қочиб кетишганидан сўнг, жудаям ботир бўлиб, тилинг чиқиб қолди-ку, а?
- Улар бу ердалигида ўзинг ҳам ёнимда туриб роса қалтирагандинг чоги.
- Ҳўш, у нима демоқчи?— Бир оз жимликдан сўнг гапни бошқа тарафга бурди бола Қшуага боши билан имлаб.

Ёввойи унга эътибор бериб қарашаётганини бил дўстона бир хирқираб қўйди, кейин қўли билан Қаа мую қабиласи қўноқ жойи тарафни кўрсатди.

- Яудж,— деди яна у.
- У ёқда Иих бор-ку,— ҳайрон бўлиб ғулдиради бола.— Тушуняпсанми, Қшуа? И-их!— деди Вова ҳам бармоғини ўша тарафга чўзиб.

Қшуа бир қўлида сўйил, бир қўлида найзани баланд кўтариб, хурсандликдан кўзлари чақнаб деди:

- Қшуа ай, ай, Қшуа, ай!
- Қувоняпти!— жилмайди Вова елкаларини қисиб.— Нимасига суюнаётиби?
- Демак, у бир балони билади,— тахмин қилди Сверчкова.

Неандертал гўё унинг бу гапини тасдиқламоқчи бўлгандаи, ерга эгилди ва бармоғини сўқмоққа ниқтаб шодон бидирлаб кетди:

- Қшуа ай! Пфи Иих, пфи Үау... Пфи, пфи, пфи... Зуу хриа!

Вова Қшуанинг нима демоқчи бўлаётганини энди тушунди: сўқмоқда ҳалиги неандерталларнинг излари кўриниб турарди. Изларига қараганда, улар қўноқ жойда қарама-қарши тарафга қочиб кетишганди.

- Нега буни олдинроқ билолмаган эканман-а,— афтини буриштириди бола.

Уччалови вақтни қўлдан бермай Қаа мую қабиласининг хотинлари, бола-чақалари қолган ўша ғорга тўппа-тўғри олиб борадиган сўқмоқ билан жўнашди.

- Бугун бу амакижонимиз учун байрам бўлдида,— деди қиз Қшуага мулойимлик билан қараб.

— Бу санани ҳар йили нишонласак, деган таклиф бор,— деди Вова жиддий қилиб.— Қалендарда мана шу числони сариқ билан ёзиб тагига: «Қўрқоқларнинг байрами», деб қўйиш керак.

...Календарь варақлари орасидан ўша сариқ билан ёзилган числони излаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чун-

ки, қиссамиз қаҳрамонларидан ҳеч бири ҳозиргина тасвир қилинган ушбу воқеа ҳафтанинг қайси кунида бўлиб ўтаётганини билмас эдилар. Шунинг учун ҳам Вова Тутарев анча йиллардан кейин ЯБСБЖКФ (Янги Байрамлар ва саналарни белгилаш бўйича Жаҳон Календарь Федерацияси) вакилига ана шу воқеанинг қаҷон бўлганлигини айтиб бериши ҳақида савол берганида у жавоб қила олмаган эди.

ИИГИРМА ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ

БУКРИ НЕАНДЕРТАЛНИНГ ЯХШИЛИККА ЯХШИЛИК ҚИЛГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Уша шоҳдор маъбуд қўйилган форда Вованинг қадди-қомати ғалатироқ бир одамга кўзи тушганлигини балки китобхонлар эсласалар керак. Бу букри неандертал бўлиб, овда юролмайдиган бўлгани учун ҳам уни бу ерга «Гулхан қўриқловчиси» қилиб тайинлаб қўйишган эди.

Каа муу қабиласи эркаклари орасида бундай катта ишонч билдирилган одам ёлғиз унинг ўзи бўлганлиги учун ҳам у бу ердаги мавқеидан фахрланарди. У қабиладошлари учун олов ҳаёт билан тенг қимматга эга эканлигини яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам Аэ (букрини шундай деб аташарди) лойдан ясалган шоҳдор эчки ҳайкали қўйилган бу форда доим олов ёниб туриши учун жон-жаҳди билан курашарди.

Борди-ю, олов ўчиб қолгудек бўлса, Их уни шубҳасиз ўлдириши хаёлидан нари кетмасди.

Ҳа, бу жуда ҳам мастьулиятли иш эди. Форда Аэга сирли бўлиб кўринадиган бирор нарса пайдо бўлса унинг хавотирланиши яна ҳам ортиб кетарди.

Букри бу ерга шунақаям кўп ўтин ва тутантариқ тўплаб олган эдики, булар нақ бир ойгача ҳам оловни ўчирмасдан сақлашга бемалол етарди. Аэ хотиржам эди: ҳозирча унга Йилдан бирор марта бўлсин танбеҳ эшитишга асос йўқ эди, бу эса Аенинг етарли даражада озиқ-овқат ва ўтин билан таъмин этиб қўйилганлигини англатарди. Букри неандерталда бундан бўлак ниманинг ҳам ташвиши бўларди?

Аенинг бўш вақти истаганча эди, шунинг учун у вақтишинг кўп қисмини уйқу билан ўтказарди. Бироқ

у яқындан бери ўзига жуда ҳам қизиқ бир машғулот топиб олган эди. Гал шундаки, неандерталлардан бири унга қандай қилиб, «Яңк», яъни ланка ўйнашни күрсатиб қўйган эди. Аэ эса, унинг кўрсатган ҳаралатларини қайтариб кўриб, энди бўш вақтларини аввалгидан кўра қизиқарлироқ ўтказса бўлар экан, деган фикрга келиб қолган эди.

Ланка қилиб ўйнаса бўладиган тошлар горда истаганча топиларди. Аэ бўлса тош тепишдан бўшамай қолган эди. У бир сафар ўйинга шунақаям берилиб кетдики, ланка ўйнайверганидан гулханга ўтин ташлашни ҳам унугиб чарчаб ухлаб қолди.

Аэ бир маҳал уйғониб қараса, олов ўчиб қолибди. У қўрқанидан жон-пони чиқиб кетай деди.

Аэ оловни қайта ўт олдириш учун не кўйларга тушмади денг, барибир ёндиролмади. Ҳозир Иих келиб қолгудек бўлса, қисматининг нима кечиши хаёлига келди-ю, баттар даҳшатга тушиб кетди.

Аэ ҳансирай-ҳансирай иккита қуруқ ёғоч излаб топди. У ёғочдан бирини ерга қўйиб, қиррали тош билан унинг бир жойини ўя бошлади. Бир соатларча уннаб, озгина чуқурча пайдо қилди-ю, ўша жойга иккинчи ёғочни қўйди, кейин уни кафтлари орасига олиб айлантира бошлади.

Букри бу йўл билан олов чиқаришнинг иложи йўқлигига кўзи етгунча қора терга тушиб кетди. Бутун вужудини ғазаб чулғаб олди. Кейин алам билан ҳали илиққина турған кулга, оёқлари тагида қалашиб ётган таёқларга, ним қоронфиликда зўр-базўр кўриниб турган лой ҳайкалга ва айтишларича, илгарилари сирли келгиндиларга тегишли бўлган ва нималигини билиб бўлмайдиган қандайдир уюлиб ётган буюмларга најот истаб тикилди.

Эҳтимол, Аэ ўзи учун бундай мураккаб бўлган муаммоларни ҳал қилишининг осон йўллари борлигини билганида, балки у ўз-ўзини ўлдириш хаёлига бормаган бўлармиди? Аммо инсоният маданиятининг энг пастки поғонасида турган бу неандерталлар, олов чиқариб олишдек тараққиётнинг белгиси ҳақида ҳали тасаввурга ҳам эга эмасдилар. Шунинг учун ҳам энди Аэ жарга ташлаб кетилган, ва бирор меҳрибон қўл бошини силашдан маҳрум бўлган бир кучук боласидай ғингший бошлади.

Аэнинг шу аҳволда қанча ўтирганини айтиш қи-

йин. Бир маҳал қулогига қандайдир шубҳали товушлар кирди-ю, сергак тортди.

У дикқат билан қулоқ солди. Нариги томонда, ғорга кираверишда кимлардир гаплашаётган эди!

Букри қўрқувдан қалтираб кетди. У ғорга Их ёки Уау кириб келиб қолади деган хавотирда эди. Унда ҳаммаси тамом. Гулхан ўчиб қолганини кўришса бўлди, Аэга ҳеч ким шафқат қилмайди. Ахир, гап фақат олов ёндириб олишининг қийинлигига эмас-ку! Гап шундаки, Их энди Аэга ишониб бўлмас экан, деган фикрга келиб қолади. Бу эса энди букри ҳеч кимга керак эмас, уни қатл этмоқ зарур дегани бўлади.

Аэ ҳамма нарсани бўйнига олиб қўйди. Аммо у, одатда ҳозирги замон маданиятили кишилариdek ўзини ҳар ёққа уриб, йиғлаб-сиқтаб ўтирумади.

...Қшуа, Галя, Вовалар шохли маъбуд эйёратгоҳига кириб келишганда, у ерда ним қоронфилик эди. Неандертал аста-секин қоронфиликка кўзини ўргатиб олгач, энгашганча олдинга, то букри билан тўқнашиб қолгунча дадил юриб бораверди.

Аэ Қшуанинг ёлғиз эмаслигини кўриб, қўрқувдан титраганча Галя ва Вовага боқиб турди-да, кейин ўзини ерга отди.

Болалар унинг буқри гавдасини ва ғордан узоқ вақтдан бери ташқарига чиқмай яшаганлигидан сарғайиб кетган юзини томоша қилишди.

Қшуа гапирмагунча ҳамма жим ўтириди.

— Зуу хриа Аэ! — деди у. — Джуу!

Буқри бор гавдаси билан титрар, жавоб қилмай ерда ётарди.

Қшуа, сизлар ҳам гап қотинглар дегандек, Вова ва Галяга қаради.

Тутарев негадир чаккасини қашиди. Кейин майни овозда Қшуа айтган сўзларни қайтарди.

Буқри Қшуа, Вова ва Галяга ҳамон ишончсизлик билан қараб турар, гапирмас эди.

— Джуу, Аэ! — деди Галя ерда ётган Аэнинг елкасига қўлини текизиб.

Қизик, буқри шу заҳоти ўрнидан туриб ўтирили. Афтидан, ҳозирча унга ўлим хавф солиб турмаётганига ишонч ҳосил қилгандек эди.

— Фуа и! — ҳайратдан қотиб турган Аэнинг оғзидан чиққан биринчи сўз шу бўлди.

Қшуа, албатта, гулханнинг ўчиб қолганини аллақачон пайқаган, аммо бундан Аэнинг қанчалик аф-

суланаётгани, изтироб чекаётганини кўргандан кейин унинг бошига қандай қора күплар соя ташлаётгани ҳақида ўйланиб қолди. О, Их шафқатсиз! У бу ишни кечирмайди.

Ҳа, келгинидиларнинг қиладиган бошқа ишлари қолмаган эди. Уларнинг шохли маъбуд зиёратгоҳида яшириниб туриш ҳақидаги умидлари энди пучга чиққан, бу ер улар учун энг хавфли жой бўлиб қолган эди. Агар бу ерга Их бостириб келиб қолгудек бўлса борми, буларни кўриб ғазаби баттар қайнаб кетади ва тўртталовига ҳам шафқат қилиб ўтирамайди. Қанақасига шафқат қилсин, Каа муу қабиласига бунчалар азият келтирғанларнинг бир ерга йиғилишиб олишгани тасодиф бўлмайди-да. Бири оловни сақлай олмаган, бошқа бирори муу пайдо бўлганида ўринисиз ботирлик кўрсатиб қўйган, келгинидар бўлса буларнинг иккаласини ҳам ўз ҳимоясига олиб туришибди.

— Бу ер мунча қоронги экан? — ҳушига келди Вова.— Ҳа, илгари гулхан ёниб турарди-ку.

— Кўриб турибсан-ку гулхан ўчиб қолипти,— деди Сверчкова.— Ёнингда гугурт йўқмиди?

— Ёнимда-ку, йўғ-а, аммо анжомларимизнинг ичida бўлиши керак.

— Нам тортиб қолмадимикан?

— Бу ер қуруқ экан-ку — доим олов ёниб турган жой.— Вова шундай деб нари кетди.

Аэ бўлаётган воқеаларга беларво қараб турди. Лекин Вова қайтиб келиб ўчоқдаги қуруқ шохчаларга ўт қўйганида ҳайратдан қичқириб юбориб, ўзини ерга отди. Келгинди қандайдир сирли нарса билан олов пайдо қилди-ю Аэні ажал сиртмоғидан қутقا-риб қолди.

Бу ҳолдан Қшуа ҳам Аэдан баттар довдираб қолган эди. У қўрқув аралаш ҳайрат билан дам Вовага, дам қайтадан ловиллаб ёнаётган гулханга, дам Галияга қаради.

Аэ қувониб кетганидан анчагача ўзига келолмади ва ўрнидан тураётиб Вовага миннатдорчилик билан тикилди. Кейин у қандайдир овозлар чиқариб гулхан атрофида сакраб-сакраб айланга бошлади. Кейин чарчаб ерга ўтириб қолди. Аэ озгина ўтириб дам олгач, горнинг нариги бурчагига қараб кетди.

Бўкли қучоғида бир нималарни кўтариб келиб, уларнинг оёқлари остига ташлаганида Галия ҳам, Во-

ва ҳам бундан ҳайрон бўлиб қолдилар. Бу болалар-нинг анжомлари эди.

— Болғачамиз-ку! — хурсанд бўлиб деди Галя. — Отвертка ҳам, қошиқ ҳам, санчқи ҳам... Буларнинг энди бизга кераги йўқ!

— Нега энди? — деди ранжиб Вова. — Санчқи билан фақатгина овқат ейилади деб ўйлайсанми?

— Бошқа нима қилиш мумкин?

— Эҳ, каллаварам! Биз уни альпинистчасига ишлатамиз — тик қояларга осонгина чиқиш учун уларни қозиқ ўрнида қоқиб фойдаланамиз. Тушундингми? Кел, бу ердан тезроқ чиқиб кетайлик, биз олдинга қараб юришимиз керак. Бу ерга Иих келиб қолиши мумкин. Кетдик, Қшуа!

Вова кийиклар зиёратгоҳини тарк этишдан олдин Аэга гугуртдан қандай фойдаланишини ўргатди у гугурт донасини чақиб, қуруқ шохчалар тўдасига тегизди ва гулхан ёқди. Гугуртнинг бир қутисини Вова ўзи билан олиб кетди.

Қшуа, Вова, Галя букри билан хайрлашиб, бир вақтлар ёввойилар ўғирлаб олган анжомларини ҳам ўзлари билан бирга олишиб ғордан чиқдилар.

Неандертал ташқарига чиқиб, қайси йўлни танлассам экан, дегандай бирлас-ҳаракатсиз жим қотиб турди. Энди Қшуа ўз кучига ишонч ҳосил қилганини, ўзини ва ўзининг ҳимоячиларини омон сақлаш йўлида ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёр эканлигини юзларидан пайқаб олиш мумкин эди.

У қўлларини ишонч билан силтаб:

— Джжий! — деди.

УТТИЗИНЧИ БОБ

КЕЧКИ САЙҲОНЛИК ДАВРИ ВАКИЛИ ХУСУСИДА

Қшуа дақиқа сайин соғайиб борарди, болалар кўз ўнгидан бундан атиги бир-икки соатгина олдин қон йўқотишидан ҳолсизланиб қолган ўша неандертал ўрнида энди ҳар қандай ёвни мажақлаб ташлашга қодир ҳақиқий овчи турар эди.

У шунчаки соғайиб қолмасдан, ҳаракатчан ҳам бўлиб қолганди. Қшуа сўқмоқдан бораркан дам-бадам ҳар томонга қараб қўяр, қўли билан олисдаги буралиб-буралиб ётган сўқмоқларни, қалашиб ётган қояларни кўрсатар ва гўё Вова билан Галя тезроқ

ҳаракат қилишмаса, бу чиройли манзаралар бир лаҳ-
зада йўқолиб қолиши мумкинлигини болаларга ҳа-
деб тушунтиримоқчи бўларди.

— Бутунлай ўзгариб қолди! — жилмайди Галя
Кшуа томонга боши билан имлаб. — Гёё уни бошқа-
сига алмаштириб қўйишгандай. Чиндан ўзимикн?!

— Биз ёнида бўлсанк унчалик қўрқмайди, — деди
хотиржамлик билан Вова. — Агар анави, фор айири
билан яккама-якка дуч келиб қолса, унда бошқа...

— Ёки мамонт билан, — хўрсинди Сверчкова.

Вова унинг бу галига афтини бир буриштири-ю,
аммо ҳеч нарса демади. Сверчковага танбеҳ бераве-
риш роса жонига теккан эди, шунинг учун ҳам бу
сафар қўл силтаб қўя қолди.

Кшуа шошиларди. У Иххга рўпара келиб қолмас-
лик учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўрмоқчи
бўлаётгани аниқ эди. Бўлиб ўтган воқеалар туфайли
бошлиқ ва қабиладошларидан хавфсираётганига та-
ажжубланмаса ҳам бўларди.

Қаҳрамонларимиз юриб бораётган сўқмоқ бир
жойга етганида икки томонга ажralиб кетди.

Неандерталларнинг ҳали ўчмаган изларига қара-
гандা, улар тўғрига кетишганди. Шунинг учун ҳам
Кшуа бошқа сўқмоқдан юришга қарор қилди. Бу
сўқмоқ аста-секин кичикроқ бир воҳага бошлаб бора
бошлади.

Вова пастга қиялаб кетган бу йўлни илгари пай-
қамаганига ҳайрон бўлди.

Галя ҳам тўхтади-да, кафтини пешонасига соябон
қилиб узоқларни кузатди. У олдин воҳага разм солди
ва бир нарсадан ҳайрон бўлгандай Вовага қаради.

— Бу ерлар менимча ботқоқлик бўлса керак, —
деди қиз ўз сўзига ўзи ишонқирамай. — Кўряпсанми
ҳов анави жойни — қўнғир рангла ялтираб турибди?

— Мамонт кўринмаяптими ишқилиб? — деди Вова
ўзини билмаганга солиб.

— Мен жиддий айтиётибман, — хафа бўлди Сверч-
кова. — Ишонмасанг қараб кўр.

— Кшуа ай! — деди анчадан бери болаларни ку-
затиб турган учинчи ҳамроҳлари. — Кшуа ай, пхаа,
Яудж. Офх, Яудж, Аль!

— Кетдик, кетдик, — қўл силтади Вова Галяга бе-
писанд қараб қўйиб. — Ботқоқдан қўрқади-я тагин?

— Мен қўрқмайман!

Улар эҳтиёткорлик билан қум устидан оҳиста

юриб кетишиди. Каа муу қабиласининг гори йўловчи-ларнинг орқа томонида қолиб кетди.

Улар воҳага тушиб келгунларича қирқ минутлар чамаси вақт ўтди. Сайёхлар келган жойларида тўхташиб, босиб ўтган йўлларини гўё ўлчаб кўришмоқчи бўлишгандай беихтиёр орқага бурилиб қарашди.

Улар ҳозиргина юриб келган сўқмоқни илғаш осон эди, чунки бу йўлнинг ёввойи бута чангальзорла-ри орасидан бўртиб чиқиб турган қоялар шундоққи-на кўриниб турарди.

Вова оғир хўрсинди. Унинг бу хўрсиниши ҳозирги-на қийин нишабликдан эсон-омон тушиб олганидан енгил тортаётганиданми, ёки яқиндагина учаловига даҳшат солиб турган хавфнинг яна эсига тушиб кет-ганиданми, ёки бедарак кетган болагинасига аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкаётган ўша қадрдан уйидагилар эсига тушиб кетганиданми, буни билиб бўлмасди.

Гали ҳам хўрсишиб юборди ва блузкасининг енги билан пешонасадаги терни артиб қўйди. У диққат билан олдинга, қўнғир ранг ботқоқ бўлиб кўринган томонга кўз ташлади. Лекин бу ерда ҳеч қандай бот-қоқлик йўқ экан. Унинг кўзига чалинган нарса кат-тагина қўнғир ранг харсанг тош экан. Энди у яна ҳам қорароқ бўлиб кўринар, аниқроғи, қорамтири тус олиб бораётганди. Бу харсанг тош чириётган ўт-ўлан-лар орасида яқъол ажралиб турганидан мағуруланиб ётгандай туюларди.

— Мана энди,— деди Вова харсанг тошни айла-ниб қараб чиқаркан.— Сенга қозиқлар ёрдамида тик қоялардан қандай тирмасиб чиқиш машқини ўргатиб қўядиган бўлдим.

— Қани,— жилмайди Сверчкова,— кўрсат-чи!

Вова чўнтағидан отверткани чиқарди-да, ўнг қўли-га болғани олиб, отвертка учини тошга қўйди. Кейин у болға ушлаган қўлини баланд кўтариб, отвертка-нинг дастасига урди.

Кшуя Вованинг нима қилаётганига тушунмасдан ҳайрат билан қараб турарди.

Ў, бу келгиндига бемаҳалда нима учун ҳам тош майдалаш зарур бўлиб қолганига ҳеч ҳам тушунол-май турган эди. Наҳотки у найза учига қадайдиган учқир тош ясамоқчи бўлаётган бўлса? Нима қилар-кан уни? Хавф солиши мумкин бўлган на бирор ҳай-вон ва на бирор одам уларга кўрингани йўқ эди-ку, дея ўйлади Кшуя.

Вова бир болға уриб күриши билан бу тош үнч-
мунчага бүй берадиганга ўхшамаслигини билди.

Бу ҳолни күриб Сверчкова ўзини йўқотиб қўйди.

— Сенга нима бўлди?— қичқирди Вова қуёш нур-
ларидан кўзлари қамашиб.

Қўрқувдан юйқилиб кетаётган қиз Вованинг қўли-
дан ушлаб қолди ва секин шивирлади:

— Е-е-ер, қимирлаяпти.

Вова гўё ёнида бир асбоб бору Галянинг тўгри
ёки нотўғри гапираётганини шу асбобга қараб бил-
моқчи бўлгандай ёнига ўгирилди. Сўнг:

— Бунча анқаймасанг?— деди у Қшуанинг ҳеч
нима бўлмагандай хотиржам турганини кўриб.

— Тош титраётиби,— яна қаттиқроқ қичқирди
Сверчкова.

— Э, қўрққанингдан шундай туюлаётгандир,— дея
елкасини қисди бола.— Эй, Қшуа, Яудж!

Қшуа шу заҳотиёқ унинг ёнида пайдо бўлди. Во-
ва ундан ниманидир сўрашга оғиз жуфтлаган эдii,
гандираклай бошлади, қўлидаги болға билан отверт-
кани янада маҳкамроқ қисиб жойидан жилмоқчи
бўлди-ю, қизнинг оёғини босиб олиб, орқага тисарил-
ди. Гала ҳам бу оғриқни сезмай, ранги оқариб ўрни-
дан турди ва беихтиёр сўйил ушлаб турган неандер-
талнинг қўлига ёпишди. Қшуа гаройиб харсангга диқ-
қат билан қараб чиқди-да, оҳ тортиб бир неча қадам
орқага тисарилиб кетди.

— Аиф! Яудж!— деди у ҳирқираб ва болаларни
эргаштириб бу ғалати харсанг тошдан нарига қоча
бошлади.

Улар бир неча ўн метр нарига қочиб боришгач,
таниш сўқмоқдан юқорига юриб чиқишаётганида гўё
ер остидан келаётгандек бир сирли овоз уларнинг
эътиборини ўзига тортди. Бу овоз ухлаб ётган одам-
нинг қаттиқ хуррагига ўхшаб кетарди.

Учалови ҳам беихтиёр тўхташиб, харсангга тики-
лишиб қолишли.

Харсанг ўз-ўзидан катталаша бошлади!

Бу ғалати воқеадан таъсиранган болалар сеҳр-
ланиб қолишгандек ундан кўзини узолмасдилар. Бу
орада харсанг худди уч қаватли уйдек бўлиб катта-
лашди-да, жойидан қўзғала бошлади.

Вова билан Гала альпинистасига «харсанг қоя»га
қанақа қилиб тирмашиб чиқмоқчи бўлишганларни

ва бу махлуқ олдида туриш хавфлилигини энди түшүниши.

Ха, агар палеонтологларнинг бу хилдаги махлуқтар бундан юз эллик миллион йил олдинги давларда яшаган деган маълумотларига ишонадиган бўлсак, ҳозир уларнинг олдида қандайдир мўъжиза туфайли бизнинг давримизгача сақланиб қолган улкан калтакесак турганлигига ҳеч ким шубҳа қилмас эди. Аммо, ҳозир қаҳрамонларимизга илмий мулоҳазалар юритиб ўтиришнинг ўрни эмасди.

Бирон-бир табиатшунос бундай ноёб қонхўр махлуқقا дуч келиб қолганида ўз жонини ўйлашни бир ёққа йиғиштириб қўйиб, бу ғаройиб ҳайвонни ҳар томонлама ўрганиб чиқишига ва ҳатто унинг ўткир тишларини, жағларининг очилиш кенгликларини ўлчаб, аниқлашга киришиб кетганини ҳали одамзот эшитмаган бўлса керак. Агар, дунёга донғи кетган олимларнинг ҳам бундай шароитга тушиб қолишганида жуфтакни ростлаб, орқасига қарамай қочиб қолишларини ҳисобга оладиган бўлсак, беш синф маълумотига эга бўлган бу икки ўқувчи ва шахсий варақасида билим олганлиги ҳақида бирор маълумот кўрсатилмаган ушбу неандерталдан нимани ҳам кутиш мумкин. Бироқ, айни пайтда китобхонларга ҳам, китоб муаллифига ҳам ҳеч нарса хавф-хатар солиб турмаганлигини ўйлаб, қаҳрамонларимизнинг нақ ўтакасини ёргудек қўрқитиб юборган бу улкан махлуқнинг қандай пайдо бўлиб қолганлигига биз анча вазмин муносабатда бўлишимиз табиий. Ваҳимага тушишнинг нима ҳожати бор? Бу маст уйқуда ётган бир махлуқ бўлса!

Шундай экан, улар бекорга қочиб қолишди!

Ҳатто чивиндан ҳам беозор кўринган, одамга ҳатто ичбуруқ микробини ҳам юқтиrolмайдиган бундай юввош ҳайвондан қўрқиб қочиб кетиши аслйда одобга ҳам тўғри келмайди. Унинг ваҳимали ташки кўринишига келсак, баҳайбат нарсалардан одатдаги қўрқишишимиз, холос. Айтайлик, йигирма тонналик бронто-заврни бор-йўғи икки юз грамм келадиган кўзойнакли илон билан ёки бор-йўғи йигирма грамм келадиган чаён билан солишириб бўлармиди, ахир?

Бу даҳшатли махлуқ бронтозавр эди. У узунлиги тўрт метрча келадиган бўйинининг учига қўндириб қўйилгандек етмиш сантиметрча келадиган бошчаси-

иши ликиллатиб етти метрлар атрофидаги улкан думини ўёқ буёққа судради-да, митти мавжудотлар қочиб кетаётган томонга ҳайрон бўлиб қараб қўйди.

УТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

УТДА ПИШИРИЛГАН БРОНТОЗАВРНИ АГАР БИР
ОЧ ОДАМ ЕИИШГА ТУШСА, ИККИ ЮЗ
ЭЛЛИК ЙИЛДА ЕБ БИТИРИШИ МУМКИНЛИГИ
ХУСУСИДА

Учаловларидан қайси биро энг олдин тўхтаганини айтиш қийин. Аммо, ҳаммадан олдин Сверчкованинг галиргани аниқ, чунки Вова унинг берган саволларига аниқ ва қатъий қилиб жавоб қилди:

- Билмайман!
- Ҳар ҳолда уни нима деб ўйлайсан?
- Эҳтимол, птеродак ёки птеродок...
- Птеродактиль! Қушга ўҳшаганроқ бир нарса бўлса керак.
- Э, буларнинг ҳаммаси ўша «ўҳшаганроқ»лардан биридир. Буни билиб бўлармиди. Қшуадан сўрачи, у шу ерлик-ку, ахир.

Неандертал ўз исмини эшитиб, Вовага маъносиз тикилди, наиза ва сўйилини ёрга қўйиб атрофга ола-зарак алаңглади. У болага яна бир қараб олди-да, сўқмоқдан бир неча қадам наридаги сарғайиб ётган бутазорга чопиб кетди. Қшуа жон ҳолатда буталар тагидаги аллақандай ўтларни юлиб йиға бошлади.

— Нима, у жинни бўлиб қолдими? — деди Вова Қшуани хавотир билан кузатиб.

— Йўқ, у очиққан бўлса керак, — дея тушунтириди Сверчкова.

— Менинг ҳам қорним очди, — хўрсинди Вова.

Сўнг бутунлайича музлатилган махлуқни катта-кон музхонадан олиб чиқишаётганини ва уни улкан сихга суқиб баҳайбат гулханда айлантириб кабоб қи-лишаётганини ўзича тасаввур қилиб кўрди. Вова ҳай-воннинг нақадар улқанлигини чамалаб кўриб ҳайратдан воҳ-воҳлаб юборди. Оддий хом чўт қилиб кўрилганида ҳам, бунча гўшт бир одам учун ҳар куни иккι юз граммдан берилганида иккι юз эллик йилга етар экан. Бу ўгу дегани эканки, бронтозавр гўштининг охириги — энг мазали бўлагини Вова эмас, балки унинг келажак авлодлари (агар бу гўшт ўша замон-

ларгача овқатга ярайдиган даражада сақланиб турса) еган бўларкан.

Кшуа бутазордан қучоғида бронтозавр тишининг ковагига ҳам юқ бўлмайдиган миқдордаги озгина ўт билан чиқиб келди. Бирпасдан сўнг бу ўтга учалови ҳам тўйиб олишди, ҳатто Галия хушхўр таом егандай тамшаниб ҳам кўйди.

Овқатланиб бўлишгач, Кшуа зарурият бўлса яна олиб келишим мумкин дегандек, қўли билан эринибгина ишора қилиб қўйди. Аммо шерикларининг тўйишиганини кўргач, қўлини найза ва сўйил томон чўзгап эди ҳамки, шу заҳоти қаердандир ғалати товуш эшитила бошлади. Унинг қулоғи гўё шамолда титратётган барг янглиғ яна қалтирашга тушди.

Болалар ҳам зўр бериб қулоқ солишли, аммо бирорта хатарли овозни сезишмади. Кшуа анча зийрак экан. Афтидан, унинг қулоғига чалинган овозлар учалик хуш ёқмади шекилли, ҳаяжон билан:

— Яудж!— деди.

Вова неандерталга диққат билан тикиларкан, юзидаги ташвишни сезди. Галия ҳаяжонлана бошлади.

— Эҳтимол, у бирон нарсани сезаётгандир,— деди қиз секингина.

Чўнқайиб ўтирган Кшуа ўрнидан турди, чуқур нафас олди, кўзлари ёниб атрофга аланглай бошлади. Агар мабодо шу тобда унинг олдида уч ойлик чўчқа боласи лайдо бўлиб қолганида борми, уни бир лаҳзада кунпаякун қилиб юборгудек важоҳатда эди.

— Яудж, Яудж,— такрорлади Кшуа ва олдинга интилди.

Болалар чарчашган, овқатдан кейин бир вақтлар пионер лагерида бўладигандек майса устида чўзилгиси келиб туришган бўлса ҳам, унинг кетидан эргашишиди. Энди улар илгаригидан кўра илдамроқ юришарди. Улар нега бу қадар тез ҳаракат қилишा�ётганини: овқат шунчалик куч баҳш этдими ёки бошқа нарсами билиш қийин эди. Йўқ, муаллиф ўз виждоности гумонлар билан кўмиб юборишни истамайди, гўё бўй срда ҳаракатлантирувчи асосий куч бўлиб хизмат қилаётган нарса — оддийгина қўрқув эди, яъни уларнинг тасаввурicha орқаларидан изма-из қувиб келаётган ўша маҳлуқ ошқозонининг тўридан жой олиб қолиш хавфидан тугилётган қўрқув, гулхан чўғида жимгина кавоб бўлиши ва бутун бир Каа муу қабиласига шоду хуррамлик баҳш этиш мумкинлиги хусу-

сидаги ваҳима эди. Хуллас, қаҳрамонларимизниң қадамлари тобора тезлашиб борди ва улар бора-бора орқасига қарамай қочишаётганларини ўзлари ҳам пайқаб қолиши.

Баъзан бошқалар олдида ўз ўғлиниң ҳеч қачон қолоқлар сафида бўлмаганинги эслатиб ўтишни яхши кўрадиган Тутаревнинг ота-оналарини осонгина тушунса бўлади, албатта, чунки Тутаревни бир кўрган одам ҳақиқатан ҳам бу бола илгорлар сафида бўлишини яхши кўрса керак деган фикр туғилади.

Баъзилар эсанкираб қолиш — муваффақиятлар самарасидир дейишади. Фақат бундай фикр ҳамма вақт ҳам ҳақиқатга тўғри келавермас экан шекилли. Ҳар ҳолда, Галя, Вова ва Кшуа бронтозавр турган жойдан икки ёки икки ярим километр нарига қочиб бориши. Галя кўнғир ботқоқликдек бўлиб кўринган ўша водийга олиб борадиган сўқмоқдан кетишаётганини англагач, кўнгли таскин топди. Демак, айrim ҳолларда эсанкираб қолиш ваҳиманинг натижаси, ваҳима эса ҳеч қачон муваффақият билан бирдай нарса сифатида қаралган эмас, деган гап балки тўғри.

— Бу қанақаси бўлди,— деди Вова нафаси тиқилиб, қочаверишиб бир оз дам олиш учун тўхташгандан сўнг.— Биз ҳозиргина шу ердан ўтган эдик-ку!

— Эсингни ебсан,— деди Галя қўлинин силтаб.

— Ҳозир бунинг вақти эмас,— афтини буриштири бола.— Каркидонимизни кўрдингми?

— Қанақа каркидон?— тушунмади қиз ва қўёш нуридан ярқираётган узоқ-узоқларга тикилиб турган Кшуага қаради.— Сен уни масхара қилишга ўтма,— деди сўнг қиз хафа бўлиб.

— Умуман, паспортида нима деб ёзилганини билмайману, лекин унинг нималигини кўриб турибман.

— Нимани гапиряпсан, қани у?— деди қиз шивирлаб.

— Ҳув анави, ерда!— деди Вова қўлинин олдинга чўзди. Фақат шундагина Сверчкова бояги махлуқнинг аввалгидай ўша водийда ётганини кўрди.

Қиз бу фалати томошадан кўзини узолмай қолди. Аммо қалбини бир нарса кемираади.

Ахир, улар бу даҳшатли махлуқдан қўрқиб қочиб келишаётган эди, у бўлса, ҳатто жойидан ҳам қимирламаяпти.

Еу улкан махлуқ ундан қочишаётган маіда жон-

зотчаларга эътибор беришни ўзига эп кўрмәётгандай эди. Фақат бу жонзотчалар унинг офтоб тифида мазза қилиб ётиб, бундан бир юз йигирма йил олдин, яъни ўтган замонда улкан кўл бўлиб, ҳозир кичкина гина кўлмакка айланиб қолган таниш кўлда эндигина қирқ ёшга кирган, ҳали эмизикли укачаси билан ўйнаш қандай мароқли эканлигини эслаб ётишига халақит беришадиган эдилар. Бечора укасини эса, тиронозаврлар еб қўйишганди. Энди ҳеч кими қолмаган махлуқ қорнини бир амаллаб тўйдириш умидида ўтлоқ қидириш билан ўзини овутиб юрар эди.

Бронтозаврни яна ҳали анча кузатиш мумкин эди. Аммо, бундай пайтларда бирор чора кўришга ўрганиб қолган Кшуа махлуқ гапимни эшитиш ўёқда турсин, кўнглимдагини ҳам сёзисб қолади деган хаёлда аста шивирлади:

— Аиф!

Болалар унинг ишорасига амал қилиб, қўли билан кўрсатаётган томонга бурилишди. Неандертал маршрутни ўзгартириб, юриб келган йўлнинг қарши томонига қараб кетишни таклиф қилаётган эди.

Улар икки километрдан сал ортиқроқ масофани бир соатча вақт ичida аранг босиб ўтдилар. Секин юраётганликларининг сабаби чарчашганликларидан ёки водийда ўтлаб юрган махлуқнинг уларга безарар эканлигини билгандаридан кейин хавотир олмай қўйгандаридан бўлса керак. Аммо булар ҳаммаси ҳали қаҳрамонларимиз хавф-хатардан батамом қутулди деган гап эмасди. Улар Каа муу қабиласининг овчилари қаердадир шу яқин атрофда дайдиб юришганини ва улар у ёввойилар билан дуч келиб қоладиган бўлса оқибати нима билан тугаши мумкинлигини жуда яхши билишарди.

— Неандерталларнинг нега қочиб кетишганини тушундигми? — сўради Вова дам олиш учун тўхтаб майса устига ўтиришганларида.

— Энди тушундим, — жавоб қилди қиз. — Улар кўрқиб қочишганга ўхшайди...

— Ҳа, қуролларини ташлаб қочишганларига қараганда роса ўтакалари ёрилиб кетган бўлса керак.

— Албатта-да. Бунақа сўйилу найзалар билан бирон нима қилиб бўлармидӣ анавини... — Галя махлуқни нима деб аташни билмай чайналди.

— Биласанми, — жилмайди Вова, — кел, уни Маша деб атаймиз!

- Борди-ю, у Маша әмас, Миша бўлса-чи?
— Нима бўпти. Бари бир хафа бўлмайди.
— Маша бўлса, Маша-да,— елкасини қисди Сверчкова.— Менга барибир.

УТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

АХЛОҚ-ОДОБ ХУСУСИДА

Ҳар томонга аланг-жаланг бўлиб безовталанаётган Қшуа, бир оз енгил тортгандек уҳ деб қўйди. У қизнинг елкасига енгилгина туртиб, ўтирган жойларидан бир неча метр нарида кўринар-кўринмас учи чиқиб турган қояни қўли билан кўрсатди. Галя чурқ этмасдан сўқмоқчадан ўша томонга чопиб кетди. Қшуа кўрсатган жойга бориб, бир нимани диққат билан кузата бошлади, кейин чапак чалиб юборди-ю, яна орқасига қайтди.

— Вова-а-а!— хурсанд бўлиб чақирди Галя чопиб келаётсиб,— тунашга ажойиб жой топилди! Фоят ажойиб шинамгина гор, фақат мебеллари йўқ, холос.

Ҳақиқатан ҳам бу кичик гор очиқ ҳаводаги ҳар қандай жойдан минг карра афзал эди. Унинг кенглиги тўрт, узунлиги — икки метрча, баландлиги эса деярли бир ярим метр чамасида эди. Унда бемалол ўтиrsa бўлар, юрганда эса фақат бир оз эгилишга тўғри келарди.

Галя дарров қизғиш-кўкимтири мох қопланган ерга ётиб олди. У қўлларини боши остига ёстиқ қилиб қўйиб, ўйланқираб ётди-да жилмайди:

— Бирам юмшоқки!..

— Ёстиқ қўйиб берайми?— ғамхўрлик билан Сверчкованинг устига энганиб сўради Тутарев.— Балки, бир пиёлагина қаҳва ичарсиз? Балки телевизор томоша қиларсиз?

— Эҳ, Вова, мен ҳозир жон-жон деб...— қиз оҳ тортиб юборди.— Биласанми, қани энди бўм-бўш бир хона бўлса...

— Хона бўлса? Мен эса, омборхона бўлса ҳам рози бўлардим. Агар томи илма-тешик бўлсаям, ҳатто шаррос ёмғир уриб турсаям майли эди...

Вова ястаниб ётган қиз ёнига ўтириди-да, Қшуага боқди. У бамайлихотир горнинг тўрида найзасини ёнига қўйиб, мох босган бир юмалоқ тошга ёнбошлиганча ётарди. Сўйил оёқлари тагида эди.

— Мановинга шу ер ҳам жуда маңқул,— боши билан Кшуани имлаб күрсатди Әверчкова.

— Нимаям дердик: неандертал-ку! Маданият деган нарсанинг күчасидан ҳам ўтмаган.

— Бундай ўйлаб қарасанг кайфинг учади, Вова. Ёши ёшимииздан икки ҳисса катта-ю, ўқиш у ёқда турсин, ҳатто бирорта ҳарфни ҳам билмайди-я.

— Қўпайтириш жадвали ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

— Кшуа, икки карра икки неччи бўлади?— сўради Галия қатъий.— Шошилма, шошилма, ўйлаброқ айт.

— Кшуа ай,— бошини иргади неандертал.— Оғҳай, Аль ай!

— Уят-э, уят,— таъна билан бош чайқади Вова.— Шундай кап-катта амакп-ю, бошида алиф ҳам йўқ.

— У биз томонда бўлганида, катталар мактабига қатнаган бўларди,— жилмайди Галия.

— Эҳ-ҳе! У мактабга борадиган бўлгунча, қанча ўқиши керак. Ундан кейин, менимча, ҳозир кечки мактабларда биринчи синф бўлмаса керак.

— У олдин тайёрлов синфиға қатнаган бўларди.

— Тайёрлов синфиға,— қайтарди Тутарев ва жонланди.— Эсингдами Галия, сен бир вақтлар неандерталларга рус тилини ўргатишни таклиф қилган эдинг.

— Шундай эди шекилли.

— Хўп, шундай бўлса, менда бир таклиф бор: кел, бу ишни Кшуадан бошлаймиз! Албатта, ҳозир ҳеч нарсани билмайди, аммо у билан жиддий шуғуланилса...

— Кшуа пхаа,— деди неандертал ўзининг исмини эшишиб.

— Пхаа, пхаа,— жиддий тақрорлади Тутарев.— Дам олиб ётишни бас қил. Ишлаймиз энди! Яудж!

Кшуа сўзсиз бунга бўйсунди ва Вованинг ёнига қўйл чўёса етадиган масофагача яқин келиб ўтириди.

— Шошма, Тутарев,— деди қиз,— нима, энди ўқитувчилик қилмоқчимисан?

— Нима бўпти?

— Кулгили-да бу.

— Кулгили жойи йўқ бунинг.

— Албатта кулгили-да, тўртинчи синф ўқувчиси бўлсанг...

— Бешинчи!

— Майли, бешинчи бўлсин. Бешинчи синф ўқувчиси — ўқитувчи эмиш.

— Ҳа, мен сенинг учун бешинчи сипиф ўқувчисиман, унинг учун ҳақиқий академикмап, билдингми?

— Билдим,— деди Сверчкова ва ўзини тутолмай пиқиллаб кулиб юборди.— Академик Тутарев ўзининг биринчи лекциясии бошлайди. Қани, қани, кўрайликчи, нима қилас экансан!

Галия ётган жойидан туриб, диққат билан эшитишга ҳозирланди... ҳатто бу ҳолдан уялиб кетган Вований йўтал тутиб қолди.

— Хўп, бўпти,— қошларини қатъий чимириб деди Вова.— Қшуа, қани бошладик, сен ҳам такрорла: онам уйда.

Қшуа Вованинг кўзларига ихлос билан жимгинатикилиб қолди:

— Қшуа!— овозини бир оз кўтарди бола.— Айт: онам уйда. Қани, ҳа?

— Ҳа!— деда қайтарди Қшуа ва иложсиз қолгандай Галияга бурилиб қаради.

— Академик Тутарев,— деди Сверчкова,— мувоффақиятларингиз ёмои эмас — ўқувчингиз ҳозироқ «Ҳа-ҳа»лашни ўрганиб олди!

— Сверчкова, ҳалақит берма! Умуман, қирқ ми-путча жим ўтиргин.

— Ўзинг дарсда жим ўтирганмисан?

— Ҳалақит берма. Қшуа, сўзимни қайтариб айтчи: онам уйда, қани, ҳа?

Қшуа яна қизга қараб олди-да, ғамгин:

— Ҳа-а...— деди.

— Шуям ўқитувчи бўлди-ю,— хўрсинди Сверчкова,— сен ундан электрофикация деган сўэни айтишини сўраб кўрмадинг-да! Ўргатишни энг оддий сўздан бошлиш керак. Қшуа,— деди қиз ёввойи одамга бурилиб...—«ку-ку», дегин-чи,— деди.

— Уку!— қайтарди исандертал ва шу заҳоти юзида ташвиш аломати пайдо бўлди, сўнгра у муруват қилаётгандек қизнинг елкасига қўлини қўйиб: «Ук!»— деди.

Болалар сўёзсиз бир-бирига қараб олишди. Вованинг кўзларидан унинг бу ишдан ҳафсаласи пир бўлгани, гўё энди у педагоглик фаолиятидан юз ўгириб, Қшуанинг билимини ошириш ташвишларини Сверчкованинг зиммасига юклашга тайёр турганлиги кўриниб турарди. Аммо қизнинг ҳолати ҳам бундан қолишимасди.

Болалар нима қилишларини билишмасдан гаранг-сиб туришганида, Қшуа горнинг чеккасига әмаклаб борди-да; бошини ташқарига чиқарди. У олдин бир томонга, сўнгра бошқа томонга диққат билан қараб чиқди, кейин орқага қайтиб келиб, Вова билан Галянинг олдига чўнқайди.

— Давом эттирамиз,— деди Вова қовофини солиб.— Қшуа, қайтаргин-чи: онам уйда.

— Эҳ, Вова,— хўрсинди Сверчкова,— бўғинлаб айтсанг-чи, айтиш осонроқ бўлади. Мана, қара! Қшуа: о—на, о—на дегин-чи.— У немис тили ўқитувчиси дарс тушунтираётганда қилганидек, ўнг қўлининг кўрсаткич бармофини ҳавога кўтарди.

— О-ин-а!— деди баланд овоз билан неандертал қизнинг кўзига ихлос билан боқиб.— О-ин-а!

— Қўрдингми?— деди Вова Сверчковага бурилиб.— Унинг ҳозирданоқ унча-мунча нарсага ақли етиб бораётиди! Қшуа, о-на, дегин-чи.

— О-ин-а!— деди Қшуа яна-да баландроқ овозда ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан чап қўлининг кўрсаткич бармофини чертиб.

— Ҳа-я,— у анча-мунча нарсага тушуниб қолипти. Энди у «О-ин-а» деган сўз бармоқни англатар экан, деб ўйлаяпти. Агар иш шундай давом этадиган бўлса, Қшуа алфавитни ўрганишни эллик йиллардан сўнг бошлар экан ва яна уидан йигирма беш йилдан кеин бўғинлаб ўқийдиган бўларкан.

— У мутлақо айбдор эмас,— деди Сверчкова.— Бизнинг ўзимиз уқувсиз ўқитувчилармиз. Балки, ҳақиқий ўқитувчи бўлганидами, ҳар ҳолда унга ақалли бирор нарсани уқтира олар эди.

— Қани, яна бир марта уриниб кўрайлик-чи,— деди Вова қошлирини чимириб.— Менга қара, Қшуа, санаашни ўрган! Бу жуда осон: бир, икки, уч... Қшуа, бир дегин-чи?

— Ир-р,— қайтарди ёввойи одам боладан кўзини узмай.

— Яшавор-э, Қшуа!— суюниб кетди Вова ва хурсанд бўлганидан неандерталнинг елкасига қоқиб:— Яша,— деб ҳам қўйди.

— Шаа!— дея жилмайди неандертал ва ўқитувчининг ҳозиргина қилган қилифини қайтарди. Шогирдининг бундай ҳатти-ҳаракатидан Вова бир зумда

форнинг тўридаги бурчакка бориб тушди ва бошининг лат еган жойини силай-силай ўрнидан турди.

— Натижа ёмон эмас! — Сверчкова шундай деди-ю, беихтиёр неандерталдан нари тисланди.

— Бунақа муваффақияти учун унга иккиям қўймас эдим.

Галя Қшуанинг бундай қобилияти ҳақида Тутарев айтган баҳони эшитгач, ёввойи одамнинг юзида қўрқув аломати акс этганини пайқаб қолди:

— Икки баҳо қўйиб уни қўрқитиб юбординг-ку, — жилмайди қиз.

Бу орада Қшуа, нимагадир диққат билан қулоқ солиб, фор четига эмаклаб борди ва чаққонлик билан сўқмоққа сакраб тушиб паст овозда чақирди:

— Офх, джий! Аль, джий!

Болалар фордан чиққанларида уларнинг олдида даҳшатли бир манзара намоён бўлди: сўйилини кўтарганча Уау ва унинг кетидан Каа муу қабиласининг овчилари чопиб келишмоқда эдилар.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

ҚШУАНИНГ ОСОНЛИКЧА ЖОН БЕРМАСЛИККА ҲАРАКАТ ҚИЛГАНИ ҲАМДА ВОВАНИНГ ГАЛЯГА ҲАВАСИ КЕЛГАНИ ХУСУСИДА

Энди бу аҳволдан қутулиб чиқишнинг сира иложи йўқлиги шундоққина кўриниб турар ва вазиятни ҷамалаб кўриш учун болаларда бир зум ҳам вақт йўқ эди. Вова, Галя ва Қшуа қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб курашганларида ҳам йигирмата сўйил билан қуролланган неандерталлар тўдаси ила бўладиган тўқнашув яхшиликка олиб бормасди. Ақалли дуранг натижага ҳам умид йўқ эди. Каа муу қабиласининг овчилари болаларни Қшуани ўлимдан асраб қолганлари учунгина ҳам омон қўйишмасди.

Вова Қшуага тикилди ва юраги дукиллаб уриб кетаётганига қарамасдан, вужудига аллақандай куч киргандай бўлди. Қшуа ҳам бир зумда ўзини ўнглаб олди. Афтидан, у энди нима бўлса бўлар, бир бошга бир ўлим деяётгандек, жанговар қиёғага кирди. Ундаги бу ўзгаришни Галя ҳам пайқади.

— Орқароқда тур,— деди Вова қызга. Мен уларни чалғитишга уриниб кўрай-чи.

Сверчкова Вованинг ўз қўли остидаги одам эканлигини унутди-ю, итоат қилиб орқага тисланди.

Вова бир қадам олдинга чиқди ва бутун иродасини ишга солиб жилмайди.

— Қаа муу!— деди хитоб қилди у, баланд овоз билан.— Зуу хриа!

Унинг бу гапига ҳаммаёқ сув сепгандек жим бўлди қолди.

Бола яқинроқда турган Уау ва Ихга диққат билан тикилди. Улар қўлларида сўйиллари билан Вовага тик қараша олмас юзларида жанговорликдан кўра кўпроқ саросималик акс этиб турарди.

«Нима боло,— ичиди ажабланди бола.— Гўё оғзи-ларига талқон солиб олишгандай жим туришибди-я. Аммо, мен ҳозир гапиришим керак. Ақалли, сўлоқ-мондай кал-катта одамларнинг ожизгина бир қизни ўлдиришлари уят бўлишлигини уларга тушунтиришм керак».

Вова энди ўзини ўйламай қўйган эди.

— Қаа муу!— қайтадан гап бошлиди бола.— у Галия томонга қўлини узатиб кўрсатди.— Аль... Қшуа... э-э-Аль,— Аль Қшуа, ҳалиги, ай!— у ўз фикрини ҳар ҳолда бир амаллаб ифодалаганига қувониб баланд овозда қайтарди:— Аль Қшуа ай! Қшуани омон сақлаб қолган мана шу-да, ахир. Сизлар билан ҳам э-э... мии кии. Бизларни ўлдирманглар!

Кутилмаганда Уау олдинга чиқди. У бўшашиб Вовага яқин келди ва бола унинг ҳолатидан неандерталнинг куч ишлатмоқчи эмаслигини, бунинг устига унинг сўйил ушлаган қўллари ҳам шалвираб турганини пайқади.

Қшуа ҳам бу қабиладошининг дўстона кайфиятга кирганлигини кўриб, таёғини пастга туширди-да, Уаунинг кетидан юрди.

Бу орада Уау таёғини ерга ташлаб, қандайdir сўзларни ғулдирай-ғулдирай Галияниг олдига келди. Ўнга шубҳали қараб, Қшуанинг қўлини олмоқчи бўлган эди, у қабиладошини бор кучи билан итариб юборди. Уау ерга ағдарилиб тушди.

«Тамом бўлдик!— деб ўйлади Вова юраги эзи-либ.— Энди улар биз билан ади-бади айтишиб ўтиришмайди!»

Аммо, шу пайтда ақл бовар қилмайдиган бир ҳол

юз берди. Уау ўрнидан туриб, донг қотиб қолган неандерталларга фақат иккитагина сўз айтди:

— Кшуа хи!

Шу иккитагина сўз ёввойи одамларнинг бир зумда қуролларини ташлаб, ерга чалқанчасига ётиб олишлари учун кифоя қилди. Ҳатто Қаа муу қабила-сининг аъзолари тобе бўлган ва қабила ифтихори ҳисобланган мағрур Иих ҳам ўзини тошли сўқмоққа ташлади.

Болалар бу жангари ёввойиларнинг бирдан бундай, қулларча ерга қапишиб қолганлигининг сабабини тушунолмасдан жим туришарди. Афтидан, бу ҳолга ҳаммадан кўпроқ Кшуа ажабланаётган эди, чунки у қабиладошларининг ниятларини тушуниб етган эди.

— Темирни иссиғидә бос, деганлар,— деди секингина қиз тақдирнинг бундай ғалати, қалтис ўйини туфайли бехосдан юввош бўлиб қолган неандерталлар энди зиён-заҳмат етказмаслигига ақли етиб.

Галя ерда ётган Иихнинг ёнига келиб ўнг қўлини унинг бошига қўйди. Бошлиқ сесканиб тушди-ю, аммо қимир этмади. Қиз шу ҳаракатини яна бир қайтарганидагина Иих бошини кўтариб, ёнида ҳали ҳеч ким билмайдиган ўша ажойиб қиз турганига ишонч ҳосил қилди.

Иих истамайгина ўрнидан турди. Кшуага салгиша кўз қирини ташлаб орқага бир қадам тисланди. Сверчковага ҳам шубҳали қараш қилди-да қўрқаписа ўша сўзни қайтарди:

— Кшуа хи?

— Кшуа хи!— қайтарди Кшуа. У ўзини хаёлан ўлдим, деб ҳисоблаб ўша кундан бери бошлиқ билан гаплашмай юрган эди. У энди тап тортмасдан бошлиққа яқинлашди ва:— Кшуа хи Аль!— деди Иихнинг кўзига маънодор тикиларкан, Сверчкова томонга боши билан имлаб.

— Қаа муу!— қичқирди Иих.— Аиф!

Неандерталлар Иихнинг оғзидан охирги сўз чиқиши билан дик этиб ўрниларидан туриб ўтиришди.

Энди йигирма нафар овчилар тоғ сўқмоғида саф тортиб турар, уруш қуроллари ҳисобланмиш таёқлари ва найзалари оёқлари остида қалашиб ётарди.

— Кшуа хи!— деб қичқирди Уау, панжаларини ёзиб боши узра кўтараркан.

— Кшуа хи!— қайтаришди ёввойи одамлар.— Хи! Хи! Хи!

— «Хи-хи»лайдиган вақтини топганини қара буларни,—деди Вова ўзича елкаларини учирив. У Галининг ёнига келиб, жилмайди:— Мана күрятсанми, энди улар биэдан күркмай қўйишиди!

Сверчкова одамгарчилик юзасидан болага бошдан оёқ разм солиб чиқди, аммо бу вақт бошлиқ унинг эътиборини чалғитиб қолгани учун унга жавоб қилмади.

Их қўлини қизнинг елкасига қўйиб, қабиладошлари томон бурилиб қичқирди:

— Аль хи Кшуа!

— Аль хи!— қайтариши неандерталлар.

— Қичқиришининг нима ҳожати бор экан?— афтини буриштириди Вова.

— Ҳаммаси шундоқкина ёнида туришибди-ку.

Шу тобда Тутаревнинг қалбини ўлимдан омон қолганлиги учун қувониш ўрнига қандайдир норозилик ҳисси чулғаб олди, ҳа, буни, яъни ҳозир Қаа муу қабиласи овчиларининг оғзидан исми тушмай қолган бу қизга нисбатан Вованинг ички бир ҳасад билан қараётганини ўта сезгир психологияни пайқай олиши мумкин эди. Бола албатта Сверчковага нисбатан пайдо бўлган бундай эҳтиромнинг негизини яхши тушунарди. Ёввойи одамларнинг Галяга ўликларни ҳам тирилтириб юборишига қодир бўлган ғайри табиий бир жонзот сифатида қараётгандарини ҳатто чақалоқ ҳам билар эди! Ахир ўлим оғзидан қайтган Кшуанинг қандай тирилганлигини Тутарев жуда яхши биларди.

Не илож, шундай тоифа одамлар борки, улар бошлиаридан ажойиб кунларни кечириб турган бўлсалар ҳам, бундан кўнгиллари тўлмай, ўз тақдиридан шикоят қилиш ва зорланишга баҳона излайдилар. Яна бошқа хил одамлар борки, улар ҳаётлари кўнгилдагидек ўтмаётган бўлса ҳам, ўзларини доим бардам тутишга, оғир қисматнинг юзига табассум билан боқиши учун ўзларида куч топа оладилар.

Ҳасадчи одамлар ҳақида гап юритсак, кўпинча шундай ҳол бўлиб туради: ҳасадгўйлар кимга қанчалик ҳасад қиласа ўша одамнинг обрўйи шунча ошиб, иши юришиб кетаверади, ҳасадчилар эса ҳасад ўтида шунчалик қоврилиб обрўси пасайиб бораверади.

Муаллиф қувонч билан шуни билдирадики, ҳасадгўйлик ҳақида ҳозир сизларга айтиб берган нарсаларнинг барчаси бизнинг қаҳрамонларимиэга мутлақо алоқадор эмас, чунки кейинги бўлиб ўтган воқеалар

шуни кўрсатдики, Вовадаги бояги туйғу унинг кўнглидан бир лаҳзагиňа ярқ этиб ўтган эди, холос. Бундай ҳолат кимнинг бошидан ўтмайди дейсиз?

Уау кутилмаганда Галянинг ёнига келди ва у ҳам жундор қўлини унинг елкасига қўйди. Сўнг у Ихнинг кўзига шундай маънодор қилиб тикилдики, Их секингина қўлларини қизнинг елкасидан тортиб олди-да, бир неча қадам нарига бориб турди.

Кизиқ, ўз ўлжаларини тилка-пора қилиш учун келишган ёввойи одамлар бирданига ўзларини уларнинг оёқлари остига ташлаб, шағал сўқмоққа ётиб олишса-я! Аммо, кейингиси бундан ҳам галатироқ эди: бўшлиқ Уауга тобе бўлди!

УТТИЗ ТҮРТИНЧИ БОБ

КШУАНИНГ ИИХ, УАУ, ГУА, ИУ ВА ЭУЛАР ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРИ ҲАМДА ҚАТЛ ЭТИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ХУСУСИДА

Неандерталларнинг бирдан нимагадир шошиб қолишганининг ва гўё осмонда бир нарса пайдо бўлиб қоладигандек ҳадеб ҳавога қарайверишларининг маъносига мутлақо тушуниб бўлмас эди. Аммо, Вова билан Галянинг ёввойи одамларнинг бу ҳаракатларини жимгина кузатиб туришидан бошқа чоралари қолмаган эди. Чунки юз бериб турган ҳақиқий ҳол олдиндан қилинган тахминларни пучга чиқариб турган эди.

Пионерлар фақат биргина нарсани — яъни ҳозир ҳамма орқага, яъни қўноққа, хотин-халаж, бола-чақа ва қари-қартанглар қолган ўша қароргоҳ томон жўнашини англардилар, холос. Нимага? Бу саволга аниқ жавоб топишнинг иложи йўқ эди.

Вова Ихга диққат билан қараб чиқди-да, орада ўтган қандайдир ўн минутлар вақт ичидан унинг қиёфасида юз берган ўзгаришларни кўриб ҳайрон қолди. Их синиқ бир кайфиятга тушиб қолган ва ҳатто унинг бўйи ҳам бир оз пасайгандек эди. Яқиндагина ирова ва шижоат ёғилиб турадиган чөхрасида энди чуқур ажинлар кўпайиб, кўриниши аянчли бир ҳолга тушиб қолган эди.

Орга қайтишда нимагадир ҳамма гўё марҳумни олиб кетишаётгандек чуқур сукутда боришли. Вова билан Гала бир неча бор бир-бирига маъноли қараб

олишиди. Бундан уларнинг ушбу воқеалардан ҳеч нарсани тушунолмаётганликларини билиш мумкин эди.

Ҳәтто, Қшуа ҳам энди бу ёғи нима бўлишини билмасди. Аввалига гўё ҳаммаси равшандай эди: Қшуани ўш келгинди томонидан уриб ўлдирилган ўша баҳайбат муу можароси туфайли қатл этмоқчи эдилар. Кейин маълум бўлиб қолдик, Қшуадан Иих ва Уау каби кучли кишилар ҳам ҳайқадиган бўлиб қолишибди. Иих Қшуадан қўрқди! Буларнинг ҳаммасини ўйлаб тагига етиб бўлармиди? Каа муу қабиласи овчиларининг катта-ю кичигини ҳамиша қўрқувда тутадиган бўйсунишдан бош тортса ҳар қандай қабила дошини биргина қўл ишораси билан ўлимга маҳкум эта оладиган ўша Иих энди Қшуадан қўрқиб турса!

Уау-чи? Ахир биринчи бор Қшуанинг найзасини қўлидан олиб ҳатто қон таъми ҳам келмаётган тош учлигини Иихга кўрсатиб, унинг устидан кулган ҳам ўша Уау эди-да. Ҳамма, ҳаммаси сирли, тушуниб бўлмайдиган нарсалар эди. Қшуани ўлимдан қутқазиб қолган ва бу билан Каа муу қабиласи қонунларига хиёнат қилган ўша Ални нима учун ҳам ҳозир ўлдиришмаётганига тушуниш қийин эди.

Қшуанинг бошига оғриқ турдай. У энди ҳеч нарсани ўйламасликка ва воқеаларни жимгина кузатиб бораверишга қарор қилди. У ўз қабиладошлари ва ёш келгинидилар билан бирга жим борар, яна Иих ва Уау ҳақида хаёл сурарди. Ҳар ҳолда бу Иих дегани жуда кучли одам эди. Агар зарурат тақозо этиб қолса бошқаларни айтмай қўя қолайлигу, ҳатто иניסини ҳам ўлдириб юборишдан қайтмайдиган баттол эди. У гап қайтарадиган ҳар қандай одамга шафқат қилмасди.

Қшуа бир сафар мии кии овига чиққанларини эслади. Ўшанда Қшуанинг укаси Гуа рухсатсиз кийик серкасига қараб найза отганди. Иихнинг ўзи бу йирик мии кинни ураолмаслиги аниқ эди, чунки у кийик турган жойдан анча нарида эди. Гуа эса, серкага жуда яқин келиб қолган ва албатта отган найзаси аниқ мўлжалга теккан эди. Аммо ўшанда Иихнинг ғазабланганини бир кўрсанг! У овни тўхтатишни буюрди, Гуанинг отган ўлжасини ўз қўли билан кўтариб обориб тубсиз жарга улоқтириб ташлашга мажбур қилди. Шундан сўнг доим ўзи олиб юрадиган ва қабилада энг салмоқли деб ҳисобланган сўйилни Уауга бериб, унга Гуанинг калласини уриб мажақлашни буюрди.

Уша воқеадан кейин Каа мүү қабиласи кечалари осмонда нур сочиб турган бир парча ёруғ ойнинг то кийик шохига ўхшаш шаклга келмагунича оч-наҳор юришган эди. Ахир, ўлдирилган кийик серкаси Кшуанинг умрбод эсида қолган ўша ов кунидаги биринчи ўлжа эди, уни жарликка олиб бориб ташлаб юборишганида, кийиклар подаси шунақаям тезлик билан тумтарақай қочишиди, уларнинг кетидан қувиб етишини хаёлига ҳам келтириб бўлмасди. Кейин эса ёғингарчилик кунлари бошланиб кетди ва шу туфайли өв ҳам узоқ вақтларгача тўхтаб қолди.

Кшуа ўз укасини эслаганда қалби пора бўлар ва Иихга ғараз билан боқарди. Аммо унинг онаси — белига бир вақтлар ўзи ўлдириган муу тишини тешиб осиб олиб юрадиган, чехрасидан доим заҳар томиб турадиган Иу кампир ўғли Кшуага, Иих тартибни бузган овчини йўқ қилишга буйруқ бериб, жуда тўғри иш қилди, деб уқтиарди. Шунинг учун ҳам уни бошлиқ қилиб қўйишган, унинг сўзи эса ҳамма учун қонун бўлиши керак, дерди.

Аммо, Кшуа инисининг Иих томонидан ўлдирилганлигига ҳечам чидолмади. Аввал Гуанинг жасадини ҳам мии кии серкаси ташлаб юборилган жарга улоқтириб ташламоқчи бўлишди, аммо бунга Уау қаршилик кўрсатди. У қабиладошларига Гуа қўрқоқлик кўрсатгани йўқ, шунинг учун ҳам унинг жасади мүу панжаси ёки баа чангалида ҳалок бўлган қабиладош овчиларининг жасадлари қўйилган жойга қўйилиши лозим деб тушунтириди. Ушанда Иих Уаунинг бу далилига истар-истамас кўнгандай бўлди ва хўмрайганча қўл силтаб, Гуанинг жасадини ҳам форга кўмишга рухсат берди. Кшуа Гуани кўмиш пайтида қабиладошларидан кимдир бирорвонинг норози оҳангда бир нималар деб фўлдираганини ва у Иихнинг исмини ҳам тилга олганини эслади. Аммо ўшанда фор ичи жуда қоронғи бўлгани учун ўз ҳиссиётини бунчалик яшира олмаган овчининг ким эканлигини билолмай қолган эди.

Уаунинг бу қилиғи Кшуани бир оз ажаблантирганди: ахир, Гуанинг бошини уриб мажақлаган ҳам Уау эди, энди бўлса яна унинг ўзи Гуанинг жасадини Каа мүү қабиласи ҳурмат билан хотирга оладиган жасур овчилар жасади қўйилган жойга қўйишши талаб қилаётиди.

Иу кампир ўғли Кшуага: Уау тўғри иш тутяпти,

ҳақиқатан ҳам унинг ўғли Гуа жасур овчи эди, шунинг учун ҳам у ўлимидан кейин ўзи тенги бошқа қабиладошларига кўрсатилган ҳурматларга сазовор деб тушунтириди. Барибир, Гуанинг ўлими ҳақидаги хотиралар ҳозир ҳам унинг қалбини аёвсиз тирнарди.

Хуллас Кшуа Гуанинг ўлимига анча кўнишиб қолгандан кейин яна бир воқеа юз берди-ю, уни, фақат унигина эмас, балки бошқаларни ҳам янгидан ҳаяжонга солди: мии кий ови яхши ўтганлиги шарафига уюштирилган зиёфат вақтида, Иххнинг укаси Эу, эҳтиётсизлик қилиб акасининг олдидаги каллаға қўл чўзади, гўштнинг энг мазали жойларини ейишга ҳуқуқдор бўлган Их буни сезиб қолади. У индамай ўрнидан туради ва қўрқиб кетган укасининг соchlаридан ушлаб оёғига турғазади. Сўнг у атрофга аланглаб сўйилини топади-да, чаққонлик билан унинг бошига туширади. Бахти қаро Эу қонга беланиб, ерга ағдарилиб тушади. Их бўлса яна жойига ялпайиб ўтириб олади-да, боя укаси ўйламасдан қўлини чўзиб қолган кийик калласини хотиржам тушира бошлайди. Овчилардан бири Эунинг ҳали қимирлаб турганини кўриб, унга ёрдам бермоқчи бўлганда, Их унга шундай дағдаға қиласиди, у бечора жойида қотиб қолади.

Эунинг жасадини ҳам Гуанинг ёнига қўйишиди. Бу маросимда қатнашаётган Иххнинг оғзидан бир неча сўз чиққандай бўлди. Бундан, бошқаларга тегишли бўлган гўштдан еб кўришга интилган бўлса ҳам жасур овчи сифатида танилган укасининг ўлимидан қайфураётганини англаш мумкин эди.

Аммо нима боисдан ҳозир Их бунчалик ўзгариб қолди? Бундай қисқа вақт ичиди Каа муу қабиласининг ѝқоми эндиликда қадди-қомати дол ожиз овчига айланиб қолишига нима сабаб бўлди экан?

Кшуа, ҳамма энди катта форга қайтиб борганидан сўнг барча нарса аён бўлса керак деб ўйлади.

Вова билан Галя ҳам шундай фикрда эди.

Кшуа Каа муу қабиласи одамлари ёқаётган гулханинг тутунини ҳаммадан олдин биринчи бўлиб кўрди ва у Вованинг биқинига аста туртиб қуиди. Бола ёввойи одам тикилиб турган тарафга қаради. Улар қиялаб тушиб бораётган кенг дара устидан ним зангори тутун кўтарилаётган эди. Буни кўрган бола ҳам Галянинг тирсагига секин туртиб қўйди.

— Ҳеч нарсани тушуняпсанми? — секин сўради бола.

— Бўлмасам-чи. Улар ҳозир бизнинг олдимиизга ғор айифи ёки бир жуфт кийик гўштини олиб келиб ташлашади деб ўйлашяпти.

— Бу қатл қилишга тайёргарлик бўлиб чиқса-чи?

— Кимни?— сесканиб кетди Сверчкова.

— Мен қаёқдан билай!

Болалар анча жойгача жим боришиди, улар чалишиб ёки тоўғаниб кетиб, тубсиз жарликка қулаб тушиб кетмаслик учун ғоят эҳтиёткорлик билан қадам босаётган эдилар. Йўлнинг унча нишаб бўлмаган кенгроқ жойига етишганларида қиз Қшуага қаради ва қароргоҳга етиб боришганларидан сўнг қанақа манзаранинг гувоҳи бўлишлари мумкинлигини ўйлаб, эти жунжикиб кетди:

— Наҳотки биронтасини...— унга ҳатто бу сўзни айтиш ҳам даҳшатли туюлиб кетди ва жим қолди.

— Ҳа, шундай,— бошини силкиди бола.— Кўриб турибсан-ку, ҳаммасининг қовоғи солиқ. Демак, бирор гап ўтган.

Қизнинг томогига бир нима тиқилиб келди, у энди йиғлаб юборай деб турган эди, панжаларини ёзиб узоқдаги бир ғорни кўрсатиб турган Уаунинг овози унинг эътиборини ўзига жалб қилди.

— Каа муу!— қичқирди у ва Иихга қаради.

УТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

ПРОТОКОЛСИЗ СУД МАНЗАРАСИ ХУСУСИДА

Неандерталларнинг ўз қароргоҳига қайтиб келгланларидан сўнг бўлиб ўтган воқеалар Вовани ва айниқса Галляни шунақаям ҳаяжонга солдики, улар анча вақтгача бу воқеалар ҳақиқатан ҳам шундай бўлганими ёки бизларга шундай туюлдими деган саволга аниқ жавоб тополмай юрдилар.

Бир томондан, болалар Уаунинг хотин-халаж, бола-бақра ва қариялар олдида бошлиқнинг жинояткорона кирдикорларини фош этувчи нутқ сўзлаганини ўз қулоқлари билан эшигтанларига ҳали-ҳали ишонгилари келмасди. Ахир шу маҳалгача бирортаси Иихнинг камчиликлари ҳақида чурқ этолмас эди-ку.

Бошқа томондан эса, Уаунинг ўша жўшқин, узуқ-ютуқ нутқидан сўнг воқеалар шундай тус олиб кет-

дики, кейинроқ болаларнинг ўзлари ҳам бу ўнгиммитушимми деб ўйлаб қолишиди.

Уау овчиларнинг кўзи олдидаги баҳайбат муу панжалари остида ҳалок бўлган Қшуанинг тирилиб келганини баланд овозда эълон қилди. Хотинлар ва қариялар ўз кўзларига ҳам ишонмай, Қшуага яқин келиб, уни ушлаб, пайпаслаб кўришар эдилар.

Қшуа бунга кўнишиб олгандан сўнг бошқаларга ҳам ушлаб кўришга розилик берди. Фақат бир сафар, ўша сизга таниш бўлган учта болакайдан биттаси Қшуанинг ёнига чопиб келиб, унинг тиззасини ушлаб кўрмоқчи бўлганда у шунақаям телиб юбордик, болакай пастга қараб ўмбалоқ ошиб думалаб кетди. Агар ёвойи одамлардан бири чаққонлик қилиб уни оёғи билан тўхтатиб қолмаганида, бола яна анча жойгача юмалаб кетган бўларди.

Бу манзарани кузатиб турган Вова дарҳол ҳалиги болани таниб қолди. Бу, Вованинг ўйлланмаси билан тоғ ёнбағридан пастга қараб юмалаган ўша болакай эди. Маълум бўлдики, болакайнинг бундай синчковлиги нақ экватор узунлигига тенг келадиган масофагача ҳам ўмбалоқ ошиб юмалашига бемалол етиб ортадиган даражада экан.

Қшуани томоша қилиш маросими охирига етгач, Уау шу ерда турган жулдур кийимли кичкинагина кампирни олдига чақирди. Бу Вованинг неандерталлар орасида яшай бошлиган биринчи кунларидаёқ эътиборини тортган ўша кампир эди. Дарҳол унинг кўзи қари, ёвойи кампир белбоғига осиб қўйган катта қозиқ тишга ўхшаб кетадиган суюкка тушди. Кампир аста юриб Уаунинг ёнига келди ва хира тортган, бепарво кўзлари билан унга қараб турди. Аммо, Уау Сверчкова томон боши билан имлаб, кампирга бир нималар деб тушунтирган эди, унинг қарашлари бир оз жонланиб кетгандай бўлди.

Вованинг назарида, кампир қизга совуқ бир қараш қилди-да, бир ниманинг баҳридан ўтаётгандай қўлини силтади. Кейин неандертал кампир Сверчкованинг ёнига келиб кафтига бир нарсани қуқанча унга узатди. Болалар кампирнинг кафтида ёшлигида ўзи ўлдирған фор айинининг вақт ўтиши билан сарғайиб кетган тиши турганини кўришди.

Қшуа ҳам бундай ажойиб маросимга завқ билан қараб турарди. Шу маҳалгача ҳеч ким ўлжасини бирорвга тақдим қилиган эмасди. Аммо ҳозир бўлаётган

бу маросим бошқача эди: Қшуанинг онаси энг қимматли нарсасини ўз ўғлининг мўъжизавий халоскорига мукофот тарзида тақдим қилаётган эди.

Ҳа, бу ўша шафқатсиз Иу кампир эди. Ҳамма ўлди деб ҳисоблаган ўғли Қшуани ҳаётга қайтарган бу қизнинг хизматини муносиб тақдирлашга ярайдиган бошқа нарсаси йўқ эди унинг. Шу орада бошини қуий эгиб ўтирган Иих муу тишининг Иу кампир белбоғидан Алнинг қўлига ўтаётганини кўриб кўзлари совуқ йилтираб кетди.

Иунинг қилаётган бу иши кўнглига маъқул тушган Ўау панжаларини ёзиб ҳавога кўтарди-да, қабиладошларига мурожаат қилиб қичқирди:

— Кaa мuu!

Ҳамма, гулхан олдида уймалашиб юрганлар ҳам, бошқалар ҳам жим бўлиб қолишиди. Фақаг Иихгина ҳозир юз бериши мумкин бўлган даҳшатли бир ишни олдиндан сезаётгандек Ўаунинг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб, ўзича ғулдиради.

— Кaa мuu!— қайтарди Ўау.— Қшуа хи!

— Қшуа хи!— баравар жавоб қилишиди неандерталлар.

— Аль хи Қшуа!— яна қичқирди Ўау.

Унинг бу сўзлари ёввойи одамлар томонидан акс садо бўлиб қайта янгради. Вова кўзлари катта-катта очилиб турган неандерталларга боқиб, Ўаунинг сўзлари Қaa мuu қабиласи одамларини қандай қилиб жунбишга солаётганини бутун вужуди билан ҳис қилиб турди. Бола билан ёнма-ён турганларнинг юзлари ҳаяжон ичida қизариб, кўзлари чақнаб туради. Агар Ўау ҳозир қабиладошларидан бирини ўлдириш учун бирор имо қилса борми, бу иш бир лаҳзада бажо келтирилар ва бир дақиқа ўтар-ўтмай, марҳумнинг жасадини ҳам топиб бўлмас эди. Вова энди Ўаунинг ўта асабийлашиб турганини ва неандерталларнинг юзлари ҳам жиддий бир тусга кирганини кўриб, ҳозир бир қонли воқеанинг содир бўлиши муқаррарлигига ишониб турган бўлса ҳам, назарida Ўау негадир имиллар эди.

— Аль хи Қшуа!— қичқирди Ўау қўли билан Галини кўрсатиб.

— Зуу хриа Аль!— янгради қандайдир бир хотин кишининг овози.

— Зуу хриа Аль!— қайтарди уни хотинлар ва эркаклар баравар.

Афтидан, Үау фақат шуни кутиб турғандек әди. Үқабиладошларининг Галя шарафига айтаётган табрик сўзларини яна бир неча бор қайтариб қичқиришларига имкон бериб турди-да, кейин панжаларини ёзиб иккала қўлини осмонга кўтарди ва энди ваҳимали, шу билан бирга қандайдир қувончли оҳангда:

— Иу, Яудж!— деб қичқирди.

Қшуанинг онаси Үаунинг буйруғига бўйсуниб, аста унинг ёнига келди.

— Зуу хриа Аль!— деди баланд ва аниқ овозда дам Үауга, дам Сверчковага, дам Вовага қараб:

— Қшуа, Яудж!— буйруқ қилди Үау.

— Зуу хриа, Аль!— хитоб қилди Қшуа онасиининг ёнига келиб Иххга еб қўйгудей бўлиб тикилар экан.

— Қшуа!— мурожаат қилди Үау мўъжизавор тирилиб келган овчига қараб.— Гуа ии?

— Гуа ии,— маъюс тасдиқлади Қшуа.

— Гуа ии,— истеҳзоли илжайди Үау Иххга ғазаб билан қараб қўйиб.— Гуа мии!

— Гуа мии!— тасдиқлади Қшуа ва яна ҳам ғамгинлик билан жим турган Иххга қаради.

— Гуа мии Ихх!— деди секингнина Иу.

— Гуа мии Ихх!— бақирди Үау бор овози билан. У ёввойиларининг тинчланишини кутиб турди-да, сўради:— Эу мии?

— Эу мии!— қичқириши неандерталлар.— Эу мии Ихх!

— Эу мии Ихх, Гуа мии Ихх,— хулоса қилди Үау Қаа муу қабиласи кишиларининг кўп вақтлардан бери юракларида тўпланиб юрган қаҳр-ғазабларини зўр-базўр тийиб, ҳаяжонга тушаётганини мамнуният билан кузатиб турар экан.

— Фиу мии Ихх!— қичқирди Үау ва охирги сўзни ёшитган неандерталлар оломони гувиллашиб жунбишга келишиди. Ёввойилар бир лаҳзада Вова ва Галяни бир четда қолдириб, тор доира бўлиб Иххни ўраб олишиди, у эса тўрга тушиб қолган йиртқичдек тишлирини фижирлатарди.

Қшуа қабиладошларининг қалби қандай даҳшатли қасос ҳиссиёти билан қайнаб кетаётганлигини ҳис қилди. Бу ерда Үаунинг кичкинагина қизи Фиунинг Ихх томонидан ўлимга ҳукм этилганлигини эсларди. Фиу тош отиб ўйнаётганда тош тасодифан бошлиқнинг оғзига тегиб, унинг битта тишини синдиргани учун Ихх уни ўлимга маҳкум этган әди. Бу воқеа-

нинг эсланиши неандерталларнинг сабр косасини тошириб юборганди.

— Ии Иих!— қичқирди Қшуа, икки қўллаб сўйилни ҳавога кўтариб.

— Ии Иих!— дея қайтаришди овчилар ва уларнинг бошлари узра найзалар, сўйиллар кўтарилиди.

Уау қабиладошларининг гўё хукмидай янграётган бу икки сўзни яна бир неча бор қайтаришларини кутиб турди. Чунки баён қилаётганимиз бу саҳна табиий равишда, ўз-ўзидан бошланган суд, яъни протоколсиз ва бошқа турли ортиқча расмий қоғозларсиз бошланган суднинг ўзгинаси эди.

Кейин Уау панжаларини ёзиб тепага кўтариб, бир сўз билан одамларни тинчлантириди:

— Жуу!

Неандерталлар Уаунинг буйругини кутиб жим қолишиди. У бўлса эркаклар, хотин-халажлар ва болаларга бирма-бир кўз ташлаб чиқиб шундай ирилладики, бундан унинг ҳаракатларини кузатиб турган Вованинг ҳам ҳатто ранги оқариб кетди. Кейин Уау қўли билан ловиллаб турган гулханни кўрсатди ва анча паст овозда, аммо аниқ қилиб деди:

— Кaa мuu! Иих ай, Иих мии ай, Иих фуа!!!

— Иих фуа!— қичқиришди ёввойи одамлар ва улар гўё буйруқ берилгандек найза ва сўйилларини ерга ташлаб юборишиди.

— Нималар бўлаётганини тушуняпсанми?— шивирлади Вова.

— Улар Иихни ўлдиришдан айнашди,— хурсандлик билан жилмайди қиз, неандерталларнинг қуролларини ташлаб юборишганини кўргач.

— Ха,— деди Вова.— уни ўлдиришмайди. Шундайича тириклайин ўтда куйдиришади.— Шундай деб, боланинг ўзи ҳам беихтиёр сесканиб кетди.

Сверчкова қиҷириганча ҳушидан кетиб, ерга қулади.

УТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

**БИР ОЛИМОНА СУҲБАТНИ ЭСГА
ТУШИРАДИГАН ВА ИИХНИНГ ДИЛИНИ СИЁҲ
ҚИЛИБ АМАЛГА ОШИРИЛГАН УАУНИНГ
МАККОРОНА РЕЖАСИНИ ФОШ ҚИЛУВЧИ
ВОҶЕА ХУСУСИДА**

Олдинига неандерталлар ҳеч нима тушунишмади. Улар фақат Галя томонга ўгирилишиб, унинг қичқи-

ригини қандайдир буйруқ деб ўйлашди, лекин шунда ҳам барибир ҳеч нима тушунишмади. Улар бу ажойиб қизнинг на фақат Их ва Үаунинг устидан, балки ҳатто Офх исмли манови сирли келгиндининг устидан ҳам катталик қилишига ишонишарди. Буларнинг ҳаммаси, ўлдирилган Қшуанинг мутлақо сирли равиша тирилиб, қайтана кучли овчига айланиб қолганлиги воқеасининг олдида ҳеч гап эмасди. Аммо Аль ҳудидан кетиб, кўзларини юмганча қўлларини беҳол икки томонга ёзиб юборганида улар шошиб қолишли. Баъзи бирорлар, ҳатто қизнинг бундай бехосдан ўлиб қолишига илон қақишидан бошқа нарса сабаб бўла олмайди деган ўйда найзаси билан ўша атрофдаги ўтланлар орасини титкилай кетдилар.

Каа муу қабиласининг ёнини олиб шуни айтиш мумкинки, улар ҳушдан кетиш нима эканлигини билишмасди ва бирор воқеани ўз кўзи билан қандай кўришса, шундайича қабул қилишаверарди. Ҳар ҳолда, ибтидоий давр одамларининг ҳушдан кетиб қолиш каби одатлари бўлганми, йўқми, бу ҳақда ҳозирги замон фани ҳалигача бирор далилларга эга эмас.

Аммо биз масаланинг назарий томонларига қизиқиб кетиб, қиссамизнинг бош қаҳрамонларини сал бўймаса унутиб қўйяй дебмиз.

Шу орада Вова ўзига келиб, Сверчкованинг ёнига чўнқайди ва аллақаёқдан топиб олган дастрўмолча билан унинг юзини елпий бошлади.

Астойдил ҳаракатга тушиб кетган Вова бир оздан сўнг, Сверчкованинг кипприклари пирпираётганини пайқади. Қиз кўзларини очди ва мажолсиз шивирлади:

— У тирикми?

— Ҳа, тирик, тирик,— деди Вова, кейин аниқлаб олиш учун:— Кимни сўрайapsan?— деди.

— Ихни.

Вова кўзлари билан Каа муу қабиласининг собиқ бошлиғини қидириб, атрофга аланглади.

Их ғойиб бўлибди!

— Қаёқда!— деб юборди бола беихтиёр ва Алнинг қўйқисдан ўлиб қолиб, тезда яна тирилиб кетганидан ҳайратда тушиб бутун дунёни унутиб юборган Үауга ажабланиб қаради.

Их бундай қулай вақтни қўлдан бермасдан қабиладошларининг саросимага тушиб қолганларидан фойдаланиб, ҳеч кимга сездирмай жуфтакни ростлаб

қолган эди. Уау буни англаб етгунча, Вова саволини яна такрорлади.

— Кaa мuu! — қичқирди Уау.— Жжий! Аиф! Яуж! Мии Иих!

Галя ҳали нималар бўлаётганини тўла англаб етмасданоқ, неандерталлар сўйиллари ва найзаларини қўлларига олишиб, барча ҳурмат қиласидаги собиқ бошлиқнинг орқасидан қувиб кетишиди.

— Наҳотки уни тутиб олишса? — ғамгин оҳангда сўради қиз, ҳушига келиб, соchlарини тузатар экан.

Ҳозирчá Вова унинг саволига нима деб жавоб қилишни ўйлаб турар экан, биз Сверчкованинг соч прিচёскаси — турмаги ҳақида бир гап айтиб олмоқчимиз: унинг бу прিচёскаси бизнинг тушунчамиздаги прিচёска эмас, балки тартибсиз равишда икки елкасидан орқасига осилиб тушиб, патак бўлиб кетган оч сарғиши соч ўримларидан иборат бир нарса эди. Вовага келсад, унинг сочи ҳам Галляникидан фарқ қилмасди.

— Уни энди ҳечам тутишолмайди, — деди бола.

— Қандай бераҳмсан-а! — бошини чайқади қиз.— Сенга қолса Иихни тутиб ўлдиришса, шундайми?

— Аммо у ҳам роса ўлдирган-ку. Биттани эмас, жуда кўпларни.

— Мен кўрган эмасман!

— Кўрган эмасман дейсанми? — ўзини йўқотиб қайта сўради Вова.— Унда... унда... — У нима дейишни билмай жим бўлиб қолди.— Ундей бўлса тескари ўгирилиб тур, ўшанда уни гулханда қандай куйдираётганинни ҳам кўрмайсан. Тентак экансан!

— ўзинг тентак!

Болалар ўзаро баҳслашар эканлар, уларнинг атрофини бирпастда яна ёввойи одамлар ўраб олишибди. Фақат бу сафар тўпланганлар орасида битта ҳам эркак киши йўқ эди. Хотинлар, болалар, чоллар фақат Галляга тикилишар, ҳозиргина уларнинг кўзи ўнгига қизни «тирилтирган» одам Вова бўлса ҳам, унга деярли эътибор қилишмас эди. Нафси ламбирини айтганда, бу ерда ҳам ҳамма нарса маълум бир мантиқ-қа бўйсунарди, чунки бизнинг тушунчамида ҳам ҳамма вақт биринчи бўлиб қаҳрамонлик кўрсатган киши, ундан кейин шу ишни такрорлагандан кўра кўпроқ ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлади.

Вова Галля билан ўзаро шундай тортишиб олишгандан сўнг пайдо бўлган ўнғайсиз жимликни йўқотиш мақсадида қизнинг гор айифи тишини кафтида

қисиб олган муштига иложи борича бефарқроқ қарашга ҳаракат қилиб йўталиб қўйди-да, сўради:

— Уни нима қилмоқчисан энди?

— Ҳозир одамни тириклиайн оловда куйдиришмоқчи бўлишяпти-ю, сен бўлсанг қаёқдаги нарсаларни сўрайсан-а!— деди ранжиб Галя. Қейин мұқаддас хочга топингандай ёнига келиб ўзига тикилиб ўтирган неандертал қиз томонга ўгирилди. Афтидан, у билан шахсан Алнинг ўзи сўзлашганидан боши осмонга етиб хурсанд бўлган ёввойи қиз унинг бу илтифоти учун қандай миннатдорчилик изҳор қилишини билмасди. Одоб-ахлоқ масалаларидан анча бехабар бўлгани учун ҳам аллақанақа оҳангда гулдираб қўяқолди.

— Сени яхши тушунишяпти,— хўрсинди Вова ёввойи қизнинг қилаётган муомаласини кўриб.

— Аль,— деб гапириб юборди бирдан ҳалиги қиз ғўлдирашдан тўхтаб.— Иих Қаа муу мии Аль, мии Офх.

— У нималар деяпти?— Вовадан сўради Галя. Боланинг ранги оқариб кетаётганини пайқаб қолган Галя, энди бир оз мулойимроқ қилиб сўради:— Сенга нима бўлди?

— Унинг нима деганини билсанг эди,— деди Вова.

— Нима?— ҳушёр тортди Галя, юрагига ғулгула тушиб.

— Ални, яъни сени, Офхи, яъни мени ўлдириб юоришга Қаа муу қабиласини ундаган ҳам мана шу Иихнинг ўзи деяпти!

Галя ишоқинқирамагандай Вовага, кейин неандертал қизга боқди ва қўлини силтади:

— Қўявер, бу аёллар фийбати!— деди.

— Сени қара-ю!— деди Вова ва Галядан юзини ўгириб олди. Шу заҳоти унинг қулоғига қайдандир бир ғалати шовқин эшитилди. Бу шовқин-сурон тобора яқинлашиб, яна кучайди. Бундан бола неандерталлар оломонининг қўноққа томон яқинлашиб қолганини пайқади.

— Иих фуа! деди Галядининг ижирғаниб берган танбеҳига ҳам парво қилмай, ҳамон уларнинг олдида турган ёш неандертал.

Бир неча минутдан кейин Иихни ловуллаб ёниб турган гулхан олдига судраб олиб келишди.

Уау қабиладошларининг ғовур-ғувуруни босди. Иихнинг тақдирни масаласи ҳал бўлиб қолганлиги

учун ҳам барча энди собиқ бошлиққа ғазабсиз боқиб туришади. Галяга келсак, у Ихни қатл этилиши-нинг даҳшатли манзарасини кутиб, шу топда унга бирор ёрдам кўрсатишдан ожиз титраб ўтирас эди.

Очигини айтганда, Вова ҳам ўзини ғалати сезди, аммо у ҳар ҳолда ўғил бола бўлгани учун туйғулари-ни бошқалар олдида сездириб қўйишдан ўзини зўрга тийиб турарди.

— Кaa мүу!— қичқирди Уау.— Их фуа!

— Их фуа!— жўр бўлди неандерталлар оломони.

— Кaa мүу!— деди бир оз овозини пастлатиб Уау.— Зуу хриа Аль!

— Зуу хриа Аль!— қайтарди оломон.

— Урнингдан турсанг-чи, сени табриклишаётчи, ахир,— деди Вова, ёнбошлаб ётган қизни туриб.

Галя ўрнидан турди ва артистларни қарсак қала-вериб яна қайта саҳнага таклиф қилишгандаги-ларга қараб, қандай эгилса у ҳам ёввойиларга қараб шундай эгилди. Аммо унинг кўзларида ёш филтиллаб кетди, бу унинг қайғу ёшлари эди. У Ихни гулханда куйдиришларига энди шубҳа қilmай қўйган эди.

— Зуу хриа Аль Их!— хитоб қилди Уау.

Бу хитобни оломон ҳам қайта тақрорлади ва бу ҳол фақат Вованигина эмас, балки ўз исми Ихнинг номи билан қўшиб айтилаётганини ва бу қандай маъ-нони англатишини тушунолмай турган Галяни ҳам гаранситиб қўйди. Сўнгра ҳамма неандерталлар ўз-ларини таппа-таппа ерга ташлаши.

О, бу Уаунинг ўлгудай маккорона режаси эди. Унинг бу режаси шундан иборат эдики, Их ўз ўли-ми олдидан бошлиқликдан ажраб қолганига бир азоб чекса, ўрнига зигирча бир қизалоқ бошлиқ бўлиб қо-лаётганини кўриб минг азобланса, демоқчи эди. Ахир Их бу қизчани яқиндагина ўша келгинди Офхга қў-шиб ўлдириб юбормоқчи бўлган эди-да.

Их ердан бир оз кўтарилиб ўтириди ва Галя Сверчковага шундай нафрат билан боқдики, бунга қиз дош бера олмай юзини тескари бурди.

— Бу нима қилгани унинг?— сўради у Вовадан.

— Сени... ҳалиги... сайдашди,— Вова керакли сўзни тополмай ўйланиб қолди.— Сени Қaa мүу қабила-сининг қироличаси қилиб сайдашди!— деди у ҳафса-ласизлик билан.— Табриклиман.

Янгидан тайин этилган неандерталларнинг ёшгина қироличаси ёшдан жиққа ҳўйлаб бўлиб кетган кўзлари

Билан Вовага қаради, тобелик ифодаси билан бошини эгип турган Уауга назар ташлади, кейин ўзига тикилиб турган ёввойи одамларнинг нигоҳларига кўзи тушди ва...

Қироличанинг ўпкаси тўлиб ҳёнграб йиғлаб юборди. Ҳатто йифи аралаш ҳам унинг эўриқиб айтадиган сўзларини англаб олиш мумкин эди;

— Нимага бундай қилишади?!— Галия Сверчкова ўзига ҳурмат кўрсатилаётидими ёки уни хўрлашяптими, тушунолмай хуноб эди.

УТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

ПИОНЕРНИНГ ҚИРОЛИЧА, ҚИРОЛИЧАНИНГ ЭСА ПИОНЕРГА АЙЛАНИШИ МУМКИНМИ, ЙЎҚМИ ЭКАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ ХУСУСИДА

Кейинги бўлиб ўтган воқеалар (тан олмоқ керакки, улар албатта тасвирлаб беришга арзийдиган воқеалар бўлган эди) ҳақида баён қилиб беришдан олдин, яъни Галия Сверчкованинг Каа муу қабиласининг қироличаси қилиб сайланганлиги унинг таржимаи ҳоли учун қандай аҳамиятга эга эканлигини китобхонлар билан биргаликда фикрлашиб кўриш учун муаллиф зарурат юзасидан танаффус эълон қилишга мажбурдир.

Албатта-да, агар бу масалага расмиятчилик нуқтai назаридан қараладиган бўлса, кап-катта неандерталларнинг ҳе йўқ, бе йўқ ўз бошлиқларини тахтдан ағдарганлари, бақувват ва жасур овчи бўлиб ҳисобланган Иихнинг ўрнига ўзларига йўлбошли қилиб бу ожизгина қизни танлаб ўтирганлари жуда ғалати ва ҳатто чинакам ёввойилик бўлиб туюлар экан. Агар масалага юзаки қараладиган бўлса, бу ғалатироқ бўлиб туюлади, агар соғлом фикр юритадиган бўлсак, бу ерда бошқачароқ манзара намоён бўлганини кўрамиз.

Ҳақиқатан ҳам, Галия Сверчковага агар неандерталлар кўзи билан қарайдиган бўлсак, бу қизнинг Иихдан анчагина фарқ қилишили маълум бўлади. Иих ҳар қандай ёвуз йиртқичга қарши кураша оладиган, наизасини кўзлаган жойига санча оладиган, сўйилини аниқ мияга мўлжаллаб ура оладиган зўр овчи ва қабила бошлиғи эди. Бироқ унинг қабила-

дошлары орасида бундай қобилиятта эга бўлганлари ҳам оз эмасди.

Аммо бирор маҳал Их — ҳалок бўлган овчилардан биронтасини тирилтирганими? Йўқ! Их фақат ўлдиришга қодир ва бунинг устига аёвсиз, бемақсад ўлдиришга уста бир овчи — бошлиқ эди. Бу нозиккина Ал-чи? Муу панжалари орасида ҳалок бўлган ёш, соғлом овчи Кшуани қабиласига қайта тирилтириб берган шу қиз-ку, ахир! Кшуанинг ўз жасурлиги учун ҳаётдан кўз юмиб кетганлигини Каа муу қабиласининг барча эркаклари ўз кўзлари билан кўриб турган эдилар. Хўш, кейин нима бўлди денг? Бу ажойиб сеҳргар қиз — Аль мурдан қайтадан тирилтиригина эмас, балки уни яна жасур овчига ҳам айлантириди. Их бўлса, бунақа ишларни қилишга қодир эдими? Албатта, йўқ. Шунинг учун ҳам Их доим Каа муу қабиласини, бу келгиндиларни ўлдириб юборишга ундан келарди: чунки у ҳеч қачон овчиларни қайта тирилтириш ўзининг қўлидан келмаслигини биларди-да! Ихнинг аёвсизлиги-чи? Унинг салмоқли сўйили неча бор қабиланинг энг яхши овчиларининг ёстигини қуритди. Ҳамма бу ишга жимгина қараб тураверарди, чунки ҳеч ким ҳаётини хавф остида қолдиришни истамасди. Ёлғиз Их деган сўзнинг ўзигина неандерталлар кўнглида қанчалик ҳурмат ва яширин алам ҳисларини пайдо қилар ва улар шу туфайли ҳам бошлиқнинг барча қилган ва қилаётган ёвузликларидан кўз юмиб қўя қолардилар.

Ихнинг кимлигини ҳаммадан кўра яхши билган Уау бўлса, ҳар бир ҳаракати билан унга содиқ эканлигини таъкидлаб кўрсатишга уринарди. Аммо у кичкинагина гўдак жон бераётганида қандай қичқириб юборганини ҳам ҳеч унута олмас эди. Кўпинча унда, ҳозир Ихнинг бошига мана шу сўйил билан бир тушириб қолсамми, деган зўр истак пайдо бўларди-ю, аммо Каа муу қабиласининг овчилари Уау бу ишни ҳокимиятни ўз қўлига олиш учун қилди деб ўйлашлари мумкин, деган ўй билан шаштидан қайтарди.

Уау қачон ва нима учун Их қабилага бошлиқ қилиб олинганини эслай бошлади. Буни хотирада тиқлаш жуда ҳам қийин эди: Ихнинг муу билан яккама-якка олишганлари, кейин аввалги қариб қолган бошлиқнинг (Их унга қанчалик яхши кўринишига ҳаракат қилса ҳам у барибир уни унча ёқтирмас эди) жон бераётган пайтдаги ҳолатлари унинг кўзи олди-

дан лип-лип ўта бошлади. Ўша пайтда Ихни бошлиқ қилиб тайинлашга унча шошилмаслик керак деб айтган жасур аммо қизиққон Шчуну бутун қабила уриб бошини мажақлагани эсга тушди.

Ха, мана шу нозиккина Аль эндилликда Қаа муу қабиласи учун бошлиқ бўлишга жуда маъқул эди ва бешафқат Ихни у билан мутлақо қиёслаб бўлмас эди.

Ҳамон йиғлаётган Галя, неандерталларнинг ҳалигача ҳурмат билан сукут сақлаб ерда ётишганини кўриб ҳайрон бўлди. Фақат Их катта бир тошга тирсангини тираганча ёнбошлаб ётарди. Унинг ҳамма қатори ётмаганини кўрган Уау, дадил ўрнидан турди-да, найзаси билан собиқ бошлигини турткилаб, ерга, қовжираб кетган майса устига қапишиб ётишга ва бу билан Алнинг ҳокимиятини тан олишга мажбур этди.

— Хўш,— жилмайди Вова,— энди нима қилмоқчисан? Ахир шу лаҳзадан бошлаб сен энди қироличасан, ҳатто энди мен ҳам сенга бўйсунишга мажбурман. Эҳ, Галя, вақти келиб дружина советида сени, пионер бўлатуриб тахтни рад ётмаганинг учун роса бир савалашади-да!

— Нима қилиш керак бўлмас!— саросимага тушиб сўради қиз.— Рад этайми? Пионерларга қиролича лавозимида бўлиш мумкин эмас, дейинми?

— Ҳа-да! Кейин эса уларга чин пионер сўзим, деган гални ҳам тушунтириб кўргин-чи.

Галя ўйланиб қолди. У ҳақиқатан ҳам қийин ахволда, икки ўт орасида қолган эди. У пионер сифатида бутун халқ ёки қабила устидан биттагина одамнинг ҳукм юритишига бор вужуди билан қарши эди, подшолар, қироллар ва императорларни кўргани кўзи йўқ эди. Галя, ҳатто ҳаммаёқни ҳувиллатиб, вайроналик келтирган Доро урушлари, Чингизхон юришлари ҳақидаги китобларни ўқиганда ҳам бу қонхўр ҳукмдорларга нисбатан нафрат ўти билан ёнган ва гўё ўзини уларни ўлимга маҳкум қилаётган судьядек ҳис қилган эди. Бу ерда эса, ўзи қиролича бўлиб ўтирибди ва энди унинг ўзи ҳам Қаа муу қабиласининг ҳукмдори сифатида қандайдир ишларга қўул уриши ва нимадир қилишга мажбур. Бечора қиз нима қилсин? Қиролича бўлатуриб пионерлик қадри қимматини ерга урмаслик, пионер бўлатуриб эса, қиролича номига доғ туширмаслик учун нима қилса бўлар экан-а энди?

Шуни онт ичиб айтиш мумкинки, қиссани ўқиётган

китобхонларнинг биронтаси ҳам Галя Сверчкованинг аҳволига тушмаган ва шунинг учун ҳам бу қизнинг кайфияти, кечинмалари ва фикрларини тушуниб олиш унга унчалик осон эмас.

Галя негадир шу топда келгусида ўзининг комсомолга ўтиш маросими қандай бўлиши мумкинлигини тасаввур қилди. Ўшанда, уялиб, қизариб, тили ғўлдираб бўлса ҳам дружина Совети раиси ўринbosари қилиб сайлангандан кейин бир қанча вақт Каа муу қабиласининг қироличаси бўлиб турганлигига иқор бўлади.

Албатта Гоша Чистюлькин, «Дунёда ҳали биронта ҳам қиролича бундай безбет бўлиб, мени комсомолга қабул қилинглар, деб ариза бермаган ва биронта ҳам пионер ўзини шунчалик пастга уриб, қиролича бўлишга розилик ҳам бермаган, деб айтишдан ўзини тия олмаса керак. Модомики, шундай экан, Галя Сверчкова ҳақидаги масала ўз-ўзидан тамом бўлди деб ҳисоблаймиз ва марҳамат қилиб аризасини қайтариб олсин», деб айтади.

Балки комсомоллардан бири унга «Хўп, яхши, Сверчкова, сен ҳақиқатан ҳам қандайдир маълум бир муддатгача қироличалик лавозимида тургансан, дейлик. Сен бу қабила одамларига қандай ёрдам кўрсатдинг, бу кичик халқ учун қандай яхшиликлар қила олдинг! Хўш, жавоб бер-чи! Фақат ростини гапир!»— деб қолиши ҳам мумкин.

Мана шуларни ўйлаганда Галянинг пешонасидан тер чиқиб кетди. Қиз, нима ҳақида ўйлаётганимни билиб қолмадимикан деб, Вовага шубҳа билақ қарди. Шу топда унинг хаёлига ягона ва узил-кесил бир фикр келди.

— Мен қиролича бўлиб қоламан,— деди у.— Аммо, чин пионерлик сўзим шуки, қўлимдаги бор ҳокимиятни фақат яхшилик йўлида ишлатаман!

— Ундей бўлса, амр этгин, аввало бизни тўйғизишин,— ютиниб таклиф қилди Тутарев.

— Улгурамиз бунга,— қўлинни силтади Галя.— Ҳозирча эса, мен, шу лаҳзадан бошлаб қабилада одам ўлдириш тақиқланади, деб эълон қиласман.

— Ихдан бошқасини албатта,— савол назари билан қаради унга Вова.

— Йўқ, ҳеч қандай мустасносиз!— деди чўрт кебиб Сверчкова ва ўрнидан баралла туриб:— Каа

муу! — дея гап бошлади. Аммо у, ўринларингдан туринглар деб айтиш учун қанақа сүэлар кераклигини била олмай ялт этиб Вовага қаради.

Вова дарсда доскага чиқсан ўртоқларига партадан туриб айтиб юборгандагидек қилиб қўлларини оғзига олиб борди-да, шивирлади:

— Кaa мuu, аиF! Зуу хриа!

— Кaa мuu! — қайтарди Галя.— АиF! Зуу хриа!

Фақат шундан кейингина неандерталлар ётган жойларидан туришиб тавозе билан чўнқайиб ўтириб олишди-ю, ўзларининг янги бошлиғи, янги қироличасининг амрига қулоқ тутиб туришди.

— Мен бундан кейин одам ўлдирилишини қатъий тақиқлаганимни қандай қилиб тушунтиrsa бўлади? — мурожаат қилди қиз Вовага.

— Буни ўйлаб кўриш керак,— деди секингина бола ва пешонасини тиришириб ўйлаб кетди.

— Ҳали кўп ўйлаб ўтирасанми? — ғижиниб сўради Галя.

— Ҳозир, ҳозир,— деди шивирлаб бола, пешонасини тириштирганча хаёлида мос сўзларни танлар экан, сўнг Галяга у айтган сўзларни такрорлашни буюрди. «Кaa мuu! Ҳи ой! (Бу: «Ҳаёт гўзал ва ёқимли» дегани). Кaa мuu! Ии—йўқ! Мини—йўқ!

— Бу ахир, ўзимизнинг тилимизда-ку, улар «йўқ» деган сўзни қаёқдан билади.

— Жиннивой, бошингни бундоқ қилиб чайқасанг, тушунади-қўяди,— кўрсатди бола.

— Кaa мuu! — мурожаат қилди қиз неандерталларга.— Ии — йўқ!

У инкор маъносида бошини чайқади.— Мини — йўқ!

Ўау Галянинг гапларини ҳаммадан кўра кўпроқ ёътибор бериб тинглаб ўтирган эди. Шунинг учун ҳам қизнинг нима демоқчи бўлаётганини биринчи бўлиб англади. Қабиланинг янги бошлиғи энг биринчи ишини собиқ бошлиқни қатл этишдан бошлайди деб ишонч билан ўтирган ўау қизнинг «ии» ва «мини» сўзларини айтиб, орқасидан дарҳол бошини чайқаб инкор маъносини бераётганини кўриб жуда ажабланди.

— Иих фуа! — қичқирди ўау ва бошқа неандерталлар ҳам бу сўзни қичқириқ билан қайтаришди.

— Йўқ, йўқ! — қаршилик кўрсатди Сверчкова.— Иих фуа эмас! — у ўзидан бир лаҳзага бўлса ҳам кўзини узмай тикилиб турган собиқ бошлиққа мурожаат қилиб қўшиб қўйди:— Иих! Яуж! Жжий!

Их истар-истамас ўрнидан турди-да, секин Галя-
нинг олдига келди.

— Фуа эмас! — деди Сверчкова гулхан томонга
ўгирилиб. Кейин у Ихнинг қўлини олди-да, баланд-
га кўтарди.— Их хи!

Хуллас, неандерталлар Алнинг амрини тушуни-
шиб, ҳайратдан донг қотиб қолиши. Улар гулханда
куйдиришмоқчи бўлиб туришган, энди эса қудратли
Аль буйруғи билан тирик қолган собиқ бошлигига
бир қарашганидаёқ уларнинг кўзлари қонга тўлди.

Уау янги ҳукмронга ер остидан хўмрайиб қараб
туарди. У бу қизнинг нима учун боягина ўзини ўл-
дирмоқчи бўлган Ихни тирик қолдиришга жазм
қилганига сира ҳам тушунмасди. О, бу ғалати қуд-
ратли келгинидар! Уларнинг ичидагини тушуниш
осонмас.

Вова Ихни қандайдир, жирканч назар билан куз-
тарди. У бўлса, тирик қолишини англагач, дарҳол те-
тикланди ва ҳатто афтидан яна аввалгидай амрини
бажо келтиришга тайёрдек турган қабиладошларидан
айримларига мардонавор қараш ҳам қилиб қўйди.

Их бир неча ёввойиларнинг ўзига ғазаб билан
тиклиб турганини пайқаб қолиб, дарров қўлини Га-
лянинг нозик қўлидан тортиб олди. Кейин қонга бе-
ланган панжаларини ёзиб олдинга узатди ва бўғиқ
аммо баланд овозда деди:

— Каа муу! Уау! Аль чии!

Шу тоңда Вова айрим неандерталларнинг энди
Их эмас, балки Галяга қаҳр билан тикилаётганилар-
ини пайқаб қолди.

— Кўряпсанмий,— деди қиз овозини пастлатиб,—
ўлимдан олиб қолганимиз учун у бизга миннатдорчи-
лик билдириялти.

— Ҳозирча маълум эмас,— жавоб берди Вова қо-
вогини солиб, нима бўлаётганини яна ҳам диққат
билан кузатар экан.

Их бехосдан Галяга ўгирилди-да, уни бир бор
похолдай боши узра кўтарди.

Ҳозир у шундай аҳволга тушган эдик, ёввойилар
ўз қироличасининг қадрига етиб бошларига кўтариб
юришибди, деб фақат ёмон одамларгина ҳазил қили-
ши мумкин эди.

— Аль фуа! — қичқирди Их даҳшатли овозда ва
унинг бу ўкириши қўрқувдан эсини йўқотиб қўйган
қизнинг фарёди билан қўшилишиб кетди.

Их гулхан томон бир-икки қадам босди ва Галяни унга отиб юбормоқчи бўлди. Аммо шу лаҳзада Вова бир сакрашда Ихнинг олдида пайдо бўлди-ю, унинг пахмоқ соchlарига ёпишиб олди.

— Уау,— қичқирди бола.— Яудж!

Бу манзарадан гангид қолган Уау қимир этмади ва қизни қўлларидан туширмасдан бошини у ён-буёнга силтаётган Ихга унсиз бақрайиб қараб тураверди. Уау ҳар ишга қодир бу Алнинг ўзи қачон Ихни гумдон қилар экан, деб кутиб турарди, аммо ҳар эҳтимолга қарши сўйилини қўлида маҳкам ушлаб турди. Шу пайт кучли бир товуш атрофни титратиб юборди-ю, неандерталларнинг ҳаммаси бошларини кўтариб осмонга қарашди. Галя ерга йиқилиб тушди. Вова эса Ихнинг танасига қандай қалтироқ кирганини пайқаб қолди. Их майса устига ўзини отиб юборган эди, ҳали ҳам унинг соchlарини маҳкам ушлаб турган Вова у билан бирга йиқилди. Кейин неандерталнинг бошидан юлиб олган бир сиқим сочини қўлида чангallаганча ўрнидан турди. Вова эсанкираб қолган Галяга ўрнидан туриб олишда ёрдамлашди ва шундан кейингина осмонга қаради, кейин эса панжаларидаги патак бўлиб кетган сочини отиб юборди.

Баланд осмонда самолёт қизиқчи сингари умбалоқ ошарди. Унинг штурвалида албатта энг тажрибали учувчи ўтирибди деб бемалол айтиш мумкин эди, чунки бундай ғалати шакллар ясад учини фақатгина зўр маҳоратли учувчидаргина амалга ошира олиши мумкин эди.

Самолёт гўё пружинаси бураб қўйилган ўйинчоқдай ҳавода у ёқдан-бу ёққа сузарди. Унинг орқасидан эса ботиб бораётган қуёшининг оч гунафша нурларига беланиб, қизғиш рангдаги тутун йўли из қолдирар эди.

Галя билан Вова халоскори келгандай самолёт орқасидан бор вужудлари билан тикилишиб туришарди. Аслида ҳам шундай эди. Реактив бургут кўздан гойиб бўлганида болалар ҳавода самолёт тутунда ҳафсалла билан ёзиб қолдирилган битта сўзни ўқидилар:

— «Кутинглар»,— Вова сўз охирида ундос белгиси йўқлигига ҳам эътибор бермай, овоз чиқариб ўқиди ва бирдан турган жойида сакраганча:

— Урр-а-а-а! — дея қичқираверди.

Галлянинг ҳам «ура» деб қичқиргиси келди, аммо ўта ҳаяжонланиб кетганидац ўпкаси тўлиб, Вованинг елкасига бошини қўйганча ҳўнграб йиғлаб юборди.

Бу пайт неандерталлар қабиласининг бари худди яшин ургандай ерда ялпайиб ётишарди.

ЎТТИЗ САҚКИЗИНЧИ БОБ

**ОСМОНДА ТУТУНСИМОН ЙЎЛАКЧА ПАЙДО
БҮЛГАНДАН СҮНГ БҮЛИБ УТГАН ВОҚЕАЛАР ВА
ИИХ ҚУНАЛҒАНИ ҚАНДАЙ ТАШЛАБ КЕТГАНИ
ХУСУСИДА**

— Бизни қутқаришяпти! Тушуняпсанми, бизни қутқаришяпти!

Вова ҳам йиғлаворай-йиғлаворай деб, Галяни қулоқлади ва унинг кўз ёшидан ҳўл ва шўр бўлиб кетган юзидан ўпиб олди.

— Лаганбардор! — деди ҳамон йиғлаётган Сверчкова секингина.— Бориб турган лаганбардор экансан! Қиролича бўлганимда дарров ўпадиган бўлиб қолдингми?

— Айтгандай,— қовоғини уйди бола.— Анови маҳлуқни нима қилмоқчисан энди?

— Нимани? Э-э, Ихними...— Сверчкова ҳамма неандерталлар қатори, чўзилиб ётган собиқ бошлиққа қаради. У эса Алнинг илк чақириғиданоқ осмонда пайдо бўлган баҳайбат қушнинг ним пушти булутсимон изига қараб ётарди. Сверчкованинг собиқ бошлиққа раҳми келди:— Менимча, Вова, уни боғлаб қўйиш керак.

— Боғ-лаб?— қулоқларига ишонмай қайта сўради бола.— Балки сен уни тушовлаб, арқон билан чирмаб қўйиш керак демоқчи бўлаётгандирсан.

— Йўқ, боғлаб. Ахир у ярадор ва яна...

— Ва яна у тузалсину, кейин кекирдагингдан бўғизласин-а? Ёки тавба, наҳотки ҳамма қироличалар шунаقا бефаросат бўлишса? Ахир, ҳозиргина у сени тириклайн гулханга ташлаб ёндиromoқчи бўлган эди-ку! У қотил эди, қотиллигича қолади!

— Мен уни кечираман.

— Сен тахтга ўтирганинг муносабати билан бу

ерда авфи умумий эълон қилмоқчимисан? Ёки у бизни ўлдираётганида самолёт халақит бериб қолгани учунми?

— Балки шунинг учундир! — ер телинди Сверчкова.— Пионерлар қасд олмаслиги керак. Шундай деб ўзинг айтгансан.

— Галия,— ширин табассум қилди Вова,— ке, уни ҳам ўзимиз билан олиб кета қолайлик. Уни ҳам оталифингга оласан.

— Нима бўлти? Олиб кетсак олиб кетаверамиш ҳам!

— Уни Ялтага юборишларини илтимос қиласмиш, якшигини тузалсин, дам олсин, куч тўпласин...

— Кесатаверма. Бундай экспонат учун олимлар жон-жон дейишади, билдингми?

Ажабланарлиси шуки, Галияning охирги гапи болани гангитиб қўйди ва шундан сўнг у лом-мим дёёлмай қолди. Вова ерда ётган неандергалларга қарап экан, кўзига бундан бир неча дақиқа олдин гулхан атрофида бўлиб ўтган можаролар кўриниб кетгандай бўлди. Сўнг Сверчковага ачиниб қаради: наҳотки ҳаммасини унтиб юборган бўлса!

— Улар шундай ётишаверадими энди! — мурожаат қилди у соchlарини тузатаётган Галия.

— Улардан биронтаси сенга керакмиди? Қўявер, титраб-қақшаб ётишаверсин.

— Наҳотки сен Иихни мутлақо жазосиз қолдирмоқчи бўлсанг?

— Тўрт томони қибла, кетаверсин.

— Бўрини қўйлар ичига қўйиб юборгандек-а?

— Йўқ, сенга шунаقا бўлиб туюлаётгандир. Ка биладан айрилиб, қаёққаям борарди?

— Сизга бир илтимосим бор, ўртоқ қиролича! — деди Вова муғамбирлик билан кафтларини бир-бирига ишқаб.

— Қанақа илтимос экан?

— Иихни ўн минутга менинг ихтиёримга берсангиз.

— Уни нима қилмоқчисан?

— Хавотир олма, унга ҳеч нарса бўлмайди. Ҳа-ҳа!

Мана кўрасан!

— Нима-а?

— Ҳаводаги ёзув ўчай деб қолди.

— Бунинг нимаси ажабланарли? Ҳавода бирор нарса доимий қолармиди?

— Ажабланадиган ери йўқ. Фақат, бу қабилани оёққа турғизиш пайти келди демоқчиман. Хоҳласанг, таржимонинг бўлай. Текинга.

— Шундай ҳам доим таржимонлик қилиб турибсан-ку. Ҳа, уларга айт, ўринларидан туришсин.

— Иххни менга берасанми?

— Эй-й, олсанг, олавермайсанми.

— Кaa муу?— қичқирди Вова.— Аиф!— Неандерталлар қимир этишмасди.— Аиф!— қайтарди бола ва бундан ҳайрон бўлиб Галяга қаради.

Сверчкова мағрур жилмайди. У қиролича эди ва унинг қўёл остидагилар фақат унинггина амрига қулоқ солишиларини яхши тушунарди.

— Кaa муул!— мулойимлик билан деди Галя:— Марҳамат қилинглар энди, аиф!

Бутун қабила худди бир зумда шовқин-сурон билан оёққа туриб ўтириди. Уау билан Кшуа сўйиллари ни қўлига олишиб Иххга яқинлашишди ва унга шафқатсизлик зуҳур этиб турган нигоҳ билан тикилдилар.

Ҳа, агар Галя бўлмаганида, ҳозир собиқ бошлиқ нариги дунёга сафар қилган бўларди.

— Кшуа, Уау!— деди Сверчкова.— Яудж!

Иккала ёввойи ҳам унинг амрига сўзсиз бўйсуннишиб, қимир этмай ўтирган Иххга қаҳр билан қарaganча Галянинг олдига келишди. Улар қўрқув билан осмонга бир қараб олишди-да, яна қайтадан Иххга қарашибди.

— Их хи!— деди қиролича, қўллари билан тоғ томонга улуғвор ишора қилиб.

Их бурилди-да, бошини эгиб, қароргоҳдан нарига жўнаб кетди.

Хуллас, Их уч юз метрларча юриб боргач, қўлидаги найзасини ҳавода силкитиб, ёввойиҷасига қичқириб юборди. Қуёшнинг заррин нурлари остида аниқ кўриниб турган унинг даҳшатли қиёфаси энди ҳеч кимда қўрқув уйғотмаётган эди.

ҮТТИЗ ТҮКҚИЗИНЧИ БОБ

ҲАВОДА ВЕРТОЛЕТ ПАЙДО БҮЛИБ ҚОЛГАНИ,
ВОВА БИЛАН ГАЛЯНИНГ УНГА ОСИЛИБ
ЧИҚИШГАНИ ВА БИР ҚАСОСКОР
НЕАНДЕРТАЛНИНГ УЛАРГА ҚАРАБ НАЙЗА
ОТГАНИ ХУСУСИДА

Иу кампир бундай катта эчки гүштини қандай қилиб топиб келганини ҳеч ким билмас ва бу ҳалигача барчага сир бўлиб қолаётган эди. Чунки Каа муу қабиласи на бир музхонага ва на бир музхона ўрнини боса оладиган ертўлага эга эди, савдо-сотиқ ҳақидаку улар умуман ҳеч нарса эшишишмаган, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши эса ўз-ўзига хизмат кўрсатиш асосида ташкил топган эди.

Бўлар иш бўлиб у бўлди-ю, бу бўлди, Их қувилгандан сўнг бир неча минут ўтгач бу ажойиб мазали эчки гүшти гулханда кабоб қилина бошлади.

Уау пиширилган эчки гүштининг энг мазали жоини узид олиб Сверчковага тортиқ қилиб берганини эслатиб ўтирасак ҳам бўлар. Галя қироличалик ҳаётининг бундай лаззатли лаҳзаларини кўз-кўз қилиб қўйиш мақсадида Вовага тантанавор бир қараб қўйди, бизга эса ушбу ҳолни изоҳлаб ўтиш вазифасигина қолди, холос. Тўғриси, Вова эчки гүштининг энг мазали жоини гўё ўзи егандек бўлди. Нега десангиз, бу пайтда у роса очиқиб қолган ва шу туфайли ҳозир могорлаб кетган нон бўлакларини ҳам гўё янгигина пиширилган торт деб еб юборадиган даражага бориб қолган эди.

Вова ва Галя учун нонушта ва тушлик ўрнини ҳам боса оладиган қилиб уюштирилган кечки овқатдан сўнг Каа муу қабиласининг қироличаси ўз таржимони орқали бу ерда иккита навбатчи — соқчи қолдиришни амр қилди. Уларнинг вазифасини самолётнинг иккичи бор келиб қолиши эҳтимоли учун гулханни ўчирмай ёқиб туришдан иборат деб тайинлади. Вова албатта, Алнинг буйругини уларга таржима қилиб бе-рар экан, авиация тўғрисида уларга бирор тушунча бериб ўтирмади, аммо шундай бўлса ҳам улар гулханнинг узлуксиз ёниб туриши лозимлигини англаб олдилар. Каа муу қабиласида оловни сўндирилмасдан сақлаб келиш одати энг қадимги замонлардан бери сақланиб келса-да, ёввойилар Алнинг бу фармонини

дополикнинг аломати деб қабул этдилар. Бунинг учун уларни койиб ўтириш арзимайди, чунки улар Галяга мўъжизалар яратишга қодир бўлган қандайдир гайритабиий бир маҳлуқ деб қаравашар ва унинг ҳар бир қилган қадамидан қандайдир ғалати, ақл бовар қилмайдиган ҳодисалар юз беришини кутишарди.

Кун бўйи ҳолдан тойиб қолган Галя билан Вова босиб келаётган мудроқдан кўзларини очиша олмай ўтирган жойларига ағанаб тушишди. Уау билан Қшуа олдин Галяни, кейин эса Вовани кўтаришиб ғорга олиб киришди.

Ҳали ложувард осмонда ой совуқ нур сочиб турган, эрта тонгда уйғонган қўёш ҳали заррин нурларини тоғ чўққиларига қадаб улгурмаган бир пайтда ғор тепасидан гўё трактор тариллаётгандек бир овоз келиб қолди. Тошдек қотиб ухлаб ётган Вова билан Галяга ҳар ҳолда шундай бўлиб туюлди, аммо улар тариллаган овозни эшитар-эшитмас, ётган ўринларидан сапчиб туриб кетишди. Болалар бир зумда ғордан ташқарига отилиб чиқишли ва ҳайратдан жойларида қотиб қолишли. Ғорга кираверишдаги майдончада Ихдан бошқа барча неандерталлар — барча қабила аъзолари ерга чалқанчасига тушишиб, ча-пакдай бўлиб ётиб олишган, уларнинг нақ тепасида эса, ердан әллик метрлар чамаси юқорида, турган жойида деярли қимир ҳам этмасдан яшил вертолет ҳавода муаллақ турар эди. Ундан кўнгилга васваса соладиган узун арқон нарвонча осилиб турарди.

Қувончдан донг қотган болалар вертолетга қарангча қимир этмай қолишли.

Шу топда уларнинг қулоқларига тариллаган мотор овози орасидан жудаям таниш, аммо микрофонда сал ўзгариб келаётган бир овоз эштилди:

— Сверчкова ва Тутарев, тезроқ самолётга чиқинглар! Ўзларинг билан ҳеч нарса олманглар. Уларни кейинроқ келиб олиб кетамиз. Тез, тез! Ота-оналарингиз ва дўстларингиз кутиб туришибдй! Диққат, пастлаётимиз!

Вертолет тариллаб яна пастлаша бошлади, энди унинг нарвончаси ердан бир ярим метрлар чамаси баландликда у ёқдан-бу ёққа саланглаб турар унга осилиб чиқиб олиш ҳеч гап бўлмай қолган эди.

Вова ва Галя ўринларидан дик этиб туришди-ю, вертолет томон чопиб кетишли. Албатта вертолет Кaa муу қабиласи неандерталларининг баъзи бирор-

ларида даҳшатли қўрқув ва бошқа бирорларида эса қувонч ва ҳайрат пайдо қилган эди. Аслида бизнинг болаларга ҳам шу топда вертолет мўъжизадай бўлиб кўринаётгандир.

Агар неандерталларнинг орасида салгина саводли-роғи бўлганида борми, кейинроқ Аль ва Офх исмли иккита ғалати махлуқнинг осмонга парвоз қилиб, меъ-рожга кўтарилганлиги тарихини мана шу қояларга ўйиб ёзиб қўйган бўлур эди.

Мабодо бу неандерталлар орасида ақалли битта ҳаваскор рассом бўлганида ҳам, у ана шу тошга ўйиб ёзилган ёзувлар ёнига қаҳрамонларимизнинг тасвири-ни албатта чизиб қўйган бўлур эди. Шунда келажак авлод тарихчилари инсоният тараққиётининг энг паст-ки босқичида бўлган бу неандерталларнинг қаёқдан ва қандай қилиб христиан динига эътиқод қилганла-рини ва улар қандай қилиб қояларга одамларнинг бо-ши атрофида доира ёғду тасвири, оёқлари тагида хоч расми туширилган тасвиirlарни ўйланликларини били-ша олмай узоқ бош қотириб юришган бўлишарди. Қояларда тасвири туширилган ҳоч расми — бу бор-йўги гулхан белгисини билдирувчи бир-бирига мин-гаштириб қўйилган иккита ўтин эканлиги, одамлар-нинг боши атрофига чизилган доира ёғду тасвири эса, Галия Сверчкова ва Вова Тутаревнинг боши тепасида айланиб турган вертолет паррагининг ялтираб кўри-ниши эканлигини тарихчилар дарров билиб олган бўлур эдилар.

Вова нарвонча ёнига биринчи бўлиб чопиб келди ва Каа муу қабиласи қироличасига бўлган ҳурмат юзасиданми, ёки шунчаки одоб сақлабми, «Галиянинг етиб келишини кутиб турди ва нарвонча «зинапояла-ри»дан юқорига кўтарилишда ёрдамлашиб юборди.

Қиз ўта ҳаяжонланәётганидан нарвончага чиқа-стив икки марта ерга йиқилиб тушай деди, ҳайрият, Вова уни ўз вақтида ушлаб қолиб бирон жойи лат емади. Хуллас, Галия нарвончанинг энг юқори қисми-га етганида кимнингдир кучли бир қўли унинг елка-сидан, бошқа бир қўл эса бўйнидан қучоқлаб олди. Бир неча дақиқадан кейин эса Сверчкова ўзини вер-толет кабинасида кўрди. У Владимир Исидорович Карцевнинг ҳаяжонли чеҳрасига кўзи тушди-ю, ҳуш-дан кетиб, ўзини ўриндиқقا ташлади.

Владимир Исидорович уни ўзига келтириш учун уннаётган эди, аммо пастдан даҳшатли бир қичқириқ

эшитилиб қолди ва альпинист у ёқда нималар бўла-
стганини билиш учун ўзини люк томонга урди.

Пастда гор томондан ҳамма ёғини юнг босгап да-
вандир бир ёввойи одам бу томонга қараб чопиб ке-
лаётган эди. Унинг қўлида узун найза ялтираб кўри-
шарди. Ёввойи чопиб келиб тўхтади ва у бир лаҳзага
найза отишга шайланди. Буни кўрган ҳар қандай
одам нарвонга чиқаётган Вова энди тамом бўлди,
улиши тайин деб ўйлаши аниқ эди.

Вова ҳам бу қичқириқни эшитиб беихтиёр орқаси-
га қайрилиб қараган эди, ўзига найза ўқталиб тур-
ган неандерталга кўзи тушди.

Бу Их эди.

— Жжуу, Их!— қичқирди бола ва кескин бир
силкиниб ўзини четга олиб қолди. Шу он ёнгинасидан
найза фувиллаб ўтиб кетди.

Вова сўнгги дақиқада баданини аллақандай бир
даҳшатли нарса куйдириб ўтгандай ҳис қилди. Кейин
боланинг мадори кетиб, нарвонни ушлаб турган қўл-
лари аста бўшаша бошлади.

Аммо, шу пайт, альпинист сифатида спорт масте-
ри бўлиб қолмай, акробатика бўйича ҳам биринчи
разрядли нишондор бўлган Карцев, чаққонлик билан
вертолет люқидан ташқарига чиқди, оёқларини нар-
вонча ипларига чалмаштириб, пастга эгилди-ю, ерга
қулаб кетай деб турган Вованинг қўлтиғидан ушлаб
қолди ва бор кучи билан уни юқорига торта бошлади.
Қони юзига уриб қизариб кетган Карцев чап қўлини
боланинг белидан ўтказиб ушлаб мувозанатни сақлаб
турди. Кейин ўнг қўли билан арқонни маҳкам ушла-
ганча, арқон ўралган обенини пастга сирғалтириб
нарвонча пояларига қўйиб олди. Энди у юқорига кў-
тарилиши, икки-уч минут ичидан Вовани кабина ичи-
га узатиши, ўзи ҳам ҳавога кўтарила бошлаган вер-
толет кабинасига чиқиб олиши мумкин бўлиб қолган
эди.

Владимир Исидорович бир оз ҳаяжонини босиб
олгач, беихтиёр пастга қаради. Кўраётган нарсалари-
дан ҳайратланиб ҳуштак чалиб юборди, кейин секин-
тина оҳ тортиб қўйди, «мабодо ҳар хил нарсалар кў-
зимга кўринмаётганимикан», деган ўйда чаккаларини
ушлаб кўрди ва кўзларига дурбинни олиб келиб яна
пастга қаради.

ҚИРҚИНЧИ БОБ

ОҚСУВ ВОДИЙСИДАГИ МИСЛИ ҚҰРИЛМАГАН ҲАЛОКАТ ВА БИР ЖУРНАЛИСТНИНГ КАЗ ҚУРИБ ҚҰЛОҚ ЭШИТМАГАН ДАРАЖАДА МАРТАБАСИ ОШГАҢЛИГИ ХУСУСИДА

Иих бир лаҳза жойида қотиб турди-ю, ўлжасининг ерга қулаг тушмағлигига кўзи етгандан кейин аламидан бўкириб юборди. Худди шу заҳоти унинг атрофид, гўё эртаклардагидек, қабиладошлари пайдо бўлиб уни ўраб олиши. Оломон сўйилларини ҳавода ўйнатиб, наизаларини силкитиб, унга томон бостириб кела бошлади. Иих ҳам тириклайн қўлга тушмасдик учун ҳамлага тайёрланди.

Улар орасидаги масофа шунчалик қисқариб қолди, энди олишув бошланниб кетса ҳам бўлаверарди. Агар шу топда яқин атрофдаги тартибсиз турган қояларнинг ўртасида ҳамма ёқни ларзага солиб юборган даҳшатни бир овоз гумбурлаб қолмаганида, бу олишув албатта бўларди.

Владимир Йисидоровичнинг кўзи олдида кунчиқар томондаги гранит тоғлар катта-катта бўлакларга бўлинниб гўё энди ҳеч кимга керак бўлмай қолгандек, аллақандай бир сирли куч измида пастга думалаб туша бошлади. Айни вақтда даҳшатдан жойида қимир этмай қолган ёввойи одамларнинг оёқлари остидаги ясси тоғ ҳам бирдан қимирлаб қоя бўлаклари ва бутазорлар билан бирга пастга қулай бошлади. Нендерталлар ёнида аллақаёқдан пайдо бўлиб қолган бир сиртлон иккита йирик тоғ эчкисининг шохларига панжалари билан ёпишиб олганча пастга қараб сийжий бошлади.

Вертолет учувчиси билан Владимир Йисидорович осмонга бурқираб отилиб чиққан қуюқ тўзон туфайли пастда бўлаётган мислсиз воқеанинг давомини кўролмай қолдилар. Улар инсоният тарихидаги бундай катта ҳалокатнинг яккаю ягона гувоҳлари бўлиб турганликларини ҳам билолмасдилар.

Энди вертолетдагиларнинг ҳам ҳаёти хавф остида эди, чунки осмонга кўтарилиган қуюқ тўзон ичидан кўриш қийинлашётгани туфайли мўлжални йўқотиб қўйиш ва бирор қояга бориб урилиб чил-парчин бўлиб кетиш мумкин эди.

Воқеа юз берганига уч кун бўлди дегандагица

барча совет ва чет эл газеталарининг саҳифалари тоғда содир бўлган ана шу ҳалокат тўғрисидаги материаллар билан тўлиб-тошиб чиқа бошлади.

Радио орқали ҳар соатда бу улкан табиий оғатнинг оқибатлари ва қўшни уч миллий давлат ҳукуматлари томонидан ҳалокат юз берган райондаги зиён-заҳматларни бартараф этиш учун кўрилаётган шошилинч чоралар тўғрисида узлуксиз ахборот бер-риб борилди.

Янги газеталарни қўлига олган одамнинг кўзи «Мисли кўрилмаган тоғ кўчкиси», «Альберт Арзанов чўққиси этакларидаги ҳалокат», «Тоғ-тошлар билан олишув», «Кеча ғоят улкан кўчки юз берган жойларда», «Инсон табиий оғатга қарши курашда», «Дарё янги ўзанга қараб оқади», «Одамлар, қоялар, дарёлар», «Бир кечада пайдо бўлиб қолган кўл», «Мисли кўрилмаган хавф-хатар», «Ташвишли репортаж» каби ва шунга ўхшаш сарлавҳаларга тушар ва бутун дунёни ҳаяжонга солаётган бу воқеанинг тафсилоти ҳақида билиб олишга ошиқарди.

Аммо ҳамма нарсанни эринмай-ўқиб чиқишга одатланиб қолган синчков ва эпчил газетхонларгина «Ёшлилар ахбороти» газетаси тўрттинчи бетининг чапдан энг қуий томонида жойлаштирилган кичкинагина бир ахборотни пайқаб қолиши мумкин эди. Ахборот нонпарель билан терилган бўлиб, «Ҳаводаги мардлик» деган янги сарлавҳа остида берилган эди.

«Мұхбиrimiz,— деб хабар қылғанди газета,— яқинда ўз вертолетида ҳалокат юз берган райондан қайтиб келган, фалокатдан бир кун олдин машҳур альпинист В. И. Карцев билан биргаликда ботаника экспурсияси вақтида тоғда адашиб қолиб кетган иккита пионерни қидириб ўша томонларга бориб қолган Граждан ҳаво флотининг учувчиси У. Р. Раҳматов билан сұхбатда бўлди. Вертолетдагилар адашиб қолган Витя Гусаров ва Алла Сверчкінани излаб топиб олишди ва улар арқон нарвон орқали вертолет кабинасига чиқарип олинди. Бу операция вақтида қандайdir ёвуз ниятли номаълум шахс томонидан Владик чап елкасидан яраланди, бундан ўта ҳаяжонга тушган Аня эса ерга йиқилиб тушиб кетай деганида, бевосита вертолетнинг нарвончасида туриб чаққонлик билан қизга зарур ёрдам берган ўртоқ Карцевнинг кўрсатган мардлиги туфайли у эсон-омон сақлаб қолинди. Жабрланган болаларнинг ота-онала-

ри альпинистнинг мардлиги ва жонкуярлиги учун чин дилларидан миннатдорчилик изҳор қилдилар».

Синчков газетхонлар қаторига, қўшиб бўлмайди-ган газетхонларга келсак, улар ҳам газета саҳифала-рида авж олаётган ҳалокат тафсилотлари ва табиий оғат билан олишувлар ҳақидаги ахборотларнинг ҳам-масини сабрсизлик билан ўқиб борардилар.

«Бешкент, кейин эса Қайрағоч кўпригидаги гидро-метрик постларнинг қайд этиб қўрсатишича,— деб ёзилган эди газеталардан бирида,— тоғ дарёси Оқ-сувнинг оқими қўчкининг қуий қисмида бутунлай тўх-таб қолаётган. Ўрикли тўғон ва Оқсувнинг жанубро-ғидаги кескин бурилиш ясаб оқадиган районларда дарё сувининг юзаси ниҳоятда пасайиб кетганлиги кузатилган. Қўчки силжиб тушган жой яқинида эса кўл пайдо бўла бошлади. Агар бу тўғонни тўсатдан сув ювиб кетгудек бўлса борми (афсуски, шундай эҳтимол хавфи ҳам йўқ эмас) 600 миллион кубометр сувнинг ҳаммаси шу водийда жойлашган жуда кўп қишлоқларни ва учта катта шаҳарни ювиб кетади.

Барча маҳаллий аҳоли бу ҳақда огоҳлантирилиб қўйилган. Инсон иродаси билан бу табиий оғатнинг бартараф этилишига қаттиқ ишонаётган ерли аҳоли тўла хотиржамлик сақлаб турибди».

«Табиий тўғон,— деб хабар беради бошқа бир газета,— яъни қўчки бир йўла 150 миллион кубометрга яқин гранит тош, шағал ва тупроқдан суриб келиб босган. Мамлакатимиздаги энг кекса сейсмологлардан бири Вениамин Витальевич Красноватополовскийнинг айтишича: «Оқсув кўчкиси табиатнинг энг ажойиб ва камдан-кам учрайдиган ҳодисаларидан бири бўлиб ҳисобланса ҳам, аммо уни табиатнинг қандайдир фавқулодда ҳодисаси деб айтиб бўлмайди. Бундай тоғ кўчилари ва силжишлар Тожикистон территориясида ва мамлакатимизнинг бошқа районларида ҳам юз берганлиги фанга маълумдир.

Қўчки натижасида Оқсув водийси узра тушиб турган хавф масаласига келсак, В. В. Красноватополовскийнинг таъкидлашича, бундан ярим аср олдин Мурғобда юз берган Сарез кўчкиси ўн миллиард кубометрдан кўпроқ сифимга эга бўлган кўл ҳосил қилган эди. Табиий тўғон ўпирилиб Мурғоб водийсини сув босиб кетади деган хавотирлар асоссиз бўлиб чиқкан эди. Бу холоса кўп текширишлар натижасида ва фалокат юз бергандан кейин ўтган вақтнинг ўзи билан

ҳам исбот қилинди. Оқсув дарёси воҳасидаги бу төр қўчкиси ўз кўлами жиҳатидан тарихда мисли қўрилмаган миқёсга эга, бироқ водийни сув босиб кетиш хавфи айтарли даражада хавфли эмас ва бундан қўрқмаса ҳам бўлаверади».

Бир ой давомида газеталар узлуксиз равишида Оқсув водийси аҳолисининг табиий оғатга қарши қаҳрамонона кураши ва натижада дарё сувининг янги ўзандан оқа бошлагани ҳамда шу билан бирга водийни сув босиши хавфи бартараф этилгани ҳақида қизиқарли ахборотлар бериб боришиди.

Аммо, мисли қўрилмаган бундай катта ҳалокатга дучор бўлиб қолган Каа муу қабиласи неандерталларининг кейинги тақдирни ҳақида на биронта газетада ва на бирор радио эшлитиришида бир оғиз ҳам сўз айтилмади. Бунинг устига, ана шу пайтларда «неандертал» сўзининг ўзи ҳам матбуот саҳифаларида қаламга олинмади ёки эфирда янгравади.

Махсус илмий журналларнинг бирида, пионерлар Галия Сверчкова ва Владимир Тутаревлар билан ўтказилган суҳбат чоғида «Агар астойдил қидирув ишлари олиб борилгудек бўлса, бизнинг замондошларимиз бўлиб яшаётган неандерталларнинг изларини! Ҳозир ҳам топиб олиш имкони йўқ эмас», деган тахмин баён этилди. Бу ҳақда қисқагина ахборот эълон қилинганида, у турли мутахассис олимлар орасида, шунингдек, ўзларининг энг қадимги аждодларини бироз бўлса ҳам қадрлай оладиган ҳалқларнинг барча табақалари орасида ҳам чинакам шов-шувга сабаб бўлиб кетди.

Айтгандай, қиссамиз ўқувчиларини ҳозир ҳамма нарсадан кўра шу масала, яъни: «Ёшлар ахбороти»да ёрқин ва аниқ тавсифлаб берилган ўша машҳур вертолет эпопеясидан кейин қаҳрамонларимизнинг ҳоли нималар кечди экан?»— деган савол кўпроқ қизиктирса керак.

ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ

АЖОЙИБ НАЗАРИЯЛАР КЛУБИДА БҮЛИБ ЎТГАН
ФАРОЙИБ МУНОЗАРАЛАР, МАШХУР
АЛЬПИНИСТНИНГ СОҒФАСИ ВА ЧАРЛЬЗ
УИЛЬЯМ ШИФФОРДНИНГ СИРИ ХУСУСИДА

АНҚининг нималигини ҳозир ҳатто мактабда ўқи-
маган бўлса ҳам ўн ёшга кирган ҳар бир бола яхши
билади.

«Ёшлар ахбороти» газетасининг барча ўқувчилари
ва унинг муҳлислари эндиликда машҳур бўлиб кет-
ган бу газета саҳифаларидан кўз узолмай қолиши. Ундағи баҳсларда вертолётга қараб отилган ўша най-
зани айрим мутаассиб шубҳачилар нафрат билан «неандертал найзаси» деб, айрим романтик кайфият-
ли кишилар эса «Иххининг найзаси» деб аташ лозим-
лиги хусусида ҳарийб ярим йилдан бери фикр юри-
тиларди (ким билсин уларнинг ҳаяжони ҳали ҳам
босилмагандир).

Ҳақиқатан ҳам газетхонларнинг энг севимли газе-
таси бўлган «Ёшлар ахбороти» саҳифаларида «Ажо-
йиб назариялар» клуби ташаббуси билан ўтказилган
баҳслашувларда озмунча найзалар синдиими, дейсиз.

Баҳсчилар асосан иккита қарама-қарши гуруҳга
бўлиндилар.—«АИБ» (Албатта, Ихх Бўлган) томон-
дагилар гуруҳи» ва ИИБ (Иўқ, Ихх Бўлмаган)
дегувчилар.

Табиийки, «АИБ» тарафдорлари Каа муу қабила-
сининг мавжудлигига ишонишар ва бунинг исботи
учун Галя Сверчкова, Вова Тутарев, Владимир Иси-
дорович Карцев ва вертолётчи Үмар Раҳматовнинг
гувоҳликларини рўкач қилиб кўрсатишарди.

«Бунинг ҳаммаси сафсат!— норозилик билдири-
шарди бунга шубҳа қилувчилар.— Бу ҳақда ҳар қан-
ча гапиравериш мумкин, аммо фан фактларга таяниб
иш кўради. Бизга, ўша тирик Иххни кўрсатинглар-чи,
кейин назариянгизга ишонайлик. Бизга ҳеч бўлмаса
чалажон бўлса ҳам Кшуани кўрсатинг-чи, биз сўнг
ўзимизнинг узоқни кўра олмаслигимизга иқрор бўлай-
лик. Қолаверса, яна Ихх найзасини кўрсатинг, Каа
муу қабиласи музейини ташкил этинг ва биз ўшанда
ўзимизнинг мағлуб бўлганимизни тан олайлик».

«Аҳа, ҳали шунақами!— деда қизишиб кетишди
«АИБ» гуруҳи тарафдорлари.— Сизларга ашъёвий

далиллар күрсатиш зарур бўлиб қолдими? Ахир бу, қўрқоқликларингизнинг белгиси-ку! Бундай далиллар ҳозир агар сизнинг «гумонлар столи»нгиз устида ётган тақдирда оғайниларингиздан қайси бири ҳам Каа муву қабиласи ҳеч қачон бўлган эмас, деб тахмин қилишга журъат қила оларди. Унда бу ҳақда баҳсласиб ўтиришга ҳам ҳожат қолмасди. Энди бўлса, сизларга: «Ҳеч қанақа Каа муву бўлмаган! Ҳеч қанақа Иих ҳам бўлмаган!» дея қайсарлик қилиб жар солиш осон бўлиб турибди. Сизлар бу билимларингиз билан ҳеч қачон узоққа бора олмайсизлар.

Агар ҳамма олимлар ҳам худди сизлардай фикр юритишганида борми, бу олам қанча-қанча нарсаларни қўлдан бой бериб қўйган бўларди бу вақтгача! Биргина мисол: Гомерни бир эслаб кўринг-а!

Ахир, унинг машҳур «Илиада»сига бутун бир иккни аср мобайнида оддийгина эртак деб қаралиб келинди. Тўғри, у гениал асар эди, аммо барибир эртак эди! Хўш? Бу эртакни ўқиб, унга ишонгандар ҳам бўлдими? Ҳа, фақат у ишонди. Бунга етти ёшлигидәёқ ишонганди! Ва ўшандаёқ катта бўлганимда албатта, афсонавий Трояни ва Приам шоҳ ҳазинасини топаман деб онт ичди. Хўш? У улғайди ва ҳақиқатан ҳам у Приам шоҳ ҳазинасини излаб топди!

Балки, сиз Генрих Шлиман ҳақида бирон нима эшиитгандирсиз? Бўлмаса эшиитинг:

Бу одам ҳатто хаёлӣ образларда ҳам қандайдир ҳақиқат уруғи мавжудлигини, ҳатто афсоналарга ҳам баъзан ишониш кераклигини бутун дунёга исбот қилди.

Еврипид ҳақида-чи? Агар билсангиз, у олим ҳам, археолог ҳам эмас. У қадимги грек драматурги, аниқроқ қилиб айтганда, классиги. Аммо унинг «Ифигения Тавридда» деган трагедиясини ўқиган одам унга ишонмаган. Яъни шоҳ Агаменон Ифигениянинг қизи бўлмиш бош коҳина Артемиданинг ҳақиқатан ҳам бўлгани ва ҳақиқатан ҳам унинг худо йўлига қурбон қилинганига ҳеч ким ишонмаган. Брауронда улуг Еврипид эслатиб ўтган Артемида ибодатхонаси мавжуд бўлганлигига ҳам ҳеч ким ишонмаган. Бу ибодатхона яқинида булоқ бўлганига ва аёллар Артемидага атаган ҳадяларини ана шу булоққа ташлағанларига ҳам ҳеч ким ишонмаган. Буларнинг ҳаммасини Еврипид ўйлаб чиқарган уйдирма, яъни юксак фантазиясининг маҳсули деб қаралган.

Хўш, кейин нима бўлди? Еврилидга ишонадиган одамлар ҳам топилиб қолди. Улар Браурондаги Артемида ибодатхонасини машҳур Парфенон ибодатхонасидан ҳам мукаммалроқ экан, деб топишиди. Унда Артемида шарафига ўтказиладиган наврўз байрами муносабати билан тасвиirlанган «брауроний» барельефи» борлигини ҳам аниқлашди. Улар тубида ҳар хил безаклар ҳамда Артемида ва Зевс қиёфаси тасвиirlанган кичик митти ҳайкалчалар уоми қолдиқларини ҳам топишиди. Ҳатто улар Артемидага эрамиздан олдинги 480 йилда инъом этилган бир бронза кўзгунинг Гипилла деган аёлга тегишли эканлигини ҳам аниқлашди. Қолаверса, олимлар Брауронда Ифигениянинг қабрини топишиди дейишга ҳам асос бор! Мана, сизга Еврилид эртаклари. Мана·сизга, афсоналарга ишонмаслик. Уялинглар·э шубҳачилар!»

«Яхши,— деб жилмайиши «ИИБ» вакиллари,— гўёки биз бир неча дақиқа бўлса ҳам сиз келтирган мисолларга ишондик ҳам дейлик. Аммо бронтозавр билан бўлган ўша кулгили воқеа тарихи ҳақида нима дейсиз? Сиз Вова Тутарев ва Галия Сверчкова-нинг тирик бронтозаврни кўрганига ҳақиқатан ҳам ишонасизми? Яъни: кичкинагина пионерларнинг эрамиздан олдинги даврга оид бўлган ўша ҳайвон билан тушган расми бордир балки сизда? Бундан чиқдики, бронтозавр атайлаб Вова ва Галия билан учрашиш мақсадида юз эллик йилдан бери бу водийда думини судраб юрган экан-да, а? Шундайми?»

«Бу гапларингизга жавоб қайтармаса ҳам бўлади, аммо сизларга йилда атиги бир марта бўлса ҳам газета ўқиб туришга маслаҳат берамиз,— дейишди киноя билан шавкатли «АИБ» тарафдорлари.— «Комсомольская правда» газетасини олинг-да, ундан 1963 йил 26 октябрь сонини топиб ўқинг, ўшанда «Мэн штати маҳлүки» деган сарлавҳа остида берилган ажойиб мақолага кўзингиз тушади. Сиз, ундан 1963 йилнинг 3 августида Канада ва АҚШ чегаралари ўртасида жойлашган Ютопия кўли соҳиллари яқинидаги Мэн штатига қарашли Испорт шаҳри районидан узоқ вақтлардан бери миш-миш бўлиб юрган·аллақандай бир маҳлук топилганлигини билиб оласиз. Нима қилипти дейсизми? Маҳлукни отиб олишипти ва ҳатто унинг ўлигини Испортда, Портлондаги ярмаркада ва АҚШнинг бошқа шаҳарларида ҳам намойиш қилиб кўрсатишипти!

Махлукнинг узунлиги тўққиз метр, вазни эса ўн бир тоннага яқин бўлиб, унинг барча белгиларига қараганда, у бундан миллион йил олдин қирилиб кетган геозаврнинг худди ўзгинаси экан!

Лохнесс деган махлук-чи? У ҳақда икки юз йилдан бери гўё бир афсонадай гапириб юришади, у эса ҳозир ҳам бор экан, аҳён-аҳёnda одамларга кўриниш берар ва сувга чўкиб ўлганларни еб тирикчилик қилиаркан! Бу қанақа махлук дейсизми? Плезиозавр, тирик тош! Айтмоқчи: плезиозаврни суратга ҳам олишибди! Ҳатто нозиккина қилиб, унга Несси дея ном ҳам қўйишибди. Яна қандай саволларингиз бор?»

Ноумид мутахассисларда яна янги-янги «саволлар» пайдо бўлди, улар неандерталлар ва бронтозаврлар ҳақида тортишишди.

Бу ҳолни кўриб Гали Сверчкова билан Вова Тутаев фақат жилмайнишиб қўя қолишарди. Гарчи бир пайтлар «ИИБ»чилардан кимдир бирор, Каа муу қабиласи билан боғлиқ бўлган ҳикоялар бошидан охиригача болалар томонидан ўйлаб чиқарилган бир уйдирмадан бошқа нарса эмас, деган фикрни билдирган бўлса ҳам, бу ерда ким ҳақу ким ноҳақ эканлиги бошқалардан кўра кўпроқ болаларга маълум эди.

Яқинда Вова уйига терисига сиғмай кириб келди. У қўлида газетанинг янги сонини ушлаб олган эди. Бола отасига ҳали босмахона бўёғи анқиб турган газетани узатди-да, чуқур нафас олиб, деди:

— Дадажон, мана буни бир ўқиб кўринг-а!

Леонид Васильевич газетани қўлига олиб, қизил қалам билан белги уриб қўйилган мақолани овозини чиқариб ўқий бошлади:

«Номаълум денгиз ҳайвони. Сантьяго, ўн саккизинчи июнь, ТАСС. Магальянес (Чили) вилоятида Тинч океани тўлқинлари қирғоққа чиқариб ташлаган номаълум денгиз ҳайвонининг ўлиги топиб олинди. «Гольпе» газетасининг хабар беришича, унинг вазни тахминан икки тонна, узунлиги олти метр, эни эса икки метр келади. Ҳайвоннинг бош қисмida иккита сузгич қаноти, бешта панжаси ва тирноқлари бўлиб, у одам қўлига жуда ўҳшаб кетади, қўйруқ қисмидаги қолган иккита сузгичи эса ундан панжаларга эга эмас. Ҳайвоннинг бош тузилиши чўзинчоқ шаклда, жағларида учта катта-катта қозиқ тишлиари бор.

Бу ғалати топилдиқ Чили олимлари томонидан батафсил ўрганилмоқда».

- Зўр-а, тўгрими?!— деди Вова кўзлари ёниб.
- Нимаси зўр?— елкасини қисди отаси.
- Нега ундаи дейсиз? Биз, Галия билан буни кўриб ибтидоий одамларнинг энг қадимий аждодларидан бўлса керак деб ўйлагандик.
- Тирноқлари маникюр қилинмаганмикин ишқилиб, буни кўришмадимикин улар? Нега энди сен буни одамнинг энг қадимги аждоди шу деб ўйлаяпсанга? Унда бизнинг севимли одамсимон маймунларимизнинг ҳоли нима кечади?
- Илгарилари шундай деб ҳисоблашарди, ҳозир...
- Ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблашади.
- Бунинг ҳаммаси вақтинча. Бу ҳайвонни роса ўрганиб чиққанларидан сўнг шу нарса маълум бўлиб қоладики, маймуналар ҳам асли ана шу ҳайвондан келиб чиққан ва... бора-бора...
- Вова, менга қара,— деди Леонид Васильевич упинг кўзларига тикилганча,— сизлар Галия билан ўша сирли ўн панжалӣ оёқ изларини кўриб қолиб, уни қидираётгандарнингда, балки биз аждодларимиз изига тушиб қолмадиқмикан деган фикр туғилмадими сенларда? Ахир, аждодларимиз ҳам шуларга яқин бўлиши мумкин эди-ку, тўгрими? Нега жим бўлиб қолдинг? Қани гапирсанг-чи?

Вова жим эди. У ҳеч нарса демай, деворга осиғлиқ гилам устида илиниб турган бир жуфт каттакон ботинкага кўз тикди. Врачлар энди ҳамма хавф орқада қолди, деб Вовага уйга рухсат берган куни бу ботинкани Владимир Исидоровичнинг ўзи унга олиб келган эди. Карцев худди ўша куни уларнинг уйларига келиб ҳаммани-ҳайратда қолдириб, боланинг оёқларига мутлақо тўғри келмайдиган мана шу ботинкани унга тантанавор равишда топшириб кетган эди. Вова олдинига ҳеч нарсага тушуна олмай, бу машҳур альпинистга фақат бақрайиб қараб тураверди. Аммо сўнгроқ бунинг ҳаммаси равшан бўлди. Карцев ботинкани айрим одамларнинг шубҳаларини тарқатиб юбориши учун атайлаб совға қилаётганилигини кейин тортина-тортина айтib берди. Гап шундаки, деб тушунтирган эди у, яъни ўша йўқолиб қолган пионерларни қидиришга тоқقا боргандарида машақватли йўлларни айни мана шу ботинка билан босиб ўтишга тўғри келган. Ўша пайтда Карцев Вова билан Галия ухлаб ётган горнинг шундоққина ёнгинасида турганлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди, Аммо Вова

унга ўша ўн оёқли сирли махлук излари тарихи түгрисида гапириб бераётганида, Карцевга ҳаммаси аён бўлган эди: неандерталлар шубҳасиз унинг ботинкаси қолдирган изларни кўриб ҳайратдан қотиб қолишган, бунинг исботи учун ботинка таглилига ўрнатилган тишчаларнинг жойлашув тартибини қараб чиқиласа бунга бемалол иқрор бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам, ўша ерда топилган излар билан боғлиқ саргузаштлар тўғрисида бир эсдалик сифатида у, мана шу ботинкасини Вовага совға қилиб олиб келган экан. Вова Карцевнинг ҳикоясидан кейин чеккан азиятларини уялиб ўйлар экан, ҳамон гилам устида осиғлиқ турган ботинкаларга қараб турар ва сукут сақлар эди. Бола буларнинг ҳаммаси ҳақида кейин Галяга гапириб берганида, у аввал ишонмади, сўнг мени калака қилаётган бўлсанг керак, ростини айт, деб ёлворди. Бироқ у бўлган гапни рўйи-рост айтиётгани ҳақида қасам ичди. Хўш, кейин нима бўлди денг? Қиз йиғлаб юборди!

— Ахир, бу ҳақда газеталарда ҳам ёзишди-ку,— деди бола охири жиммикни бузиб.— Мана, қара: «Сантьяго, ТАСС, ўн саккизинчи июнь...»

— Э-э... бу оддий газетадаги «миш-миш»лар!

— «Миш-миш» бўлса ҳам, чакана «миш-миш» эмас, вазни икки тонна, узунлиги олти метр келадиган бир нарса ҳақида гап кетяпти бу ерда!

— Бу шунчаки «шов-шув»ни яхши кўрадиган Чили журналистларининг уйдирмасидан бошқа нарса эмас деяпман сенга!

— Сен энди «шов-шув»ларни унча хуш кўрмай қолдинг-да, шундайми?

— Ҳмм... Агар ҳаммасини ўз кўзинг билан кўрсанг унда бошқа гап...

— Оббо сен-эй,— хўрсинди Вова.

— Нега энди фақат мен эканман?— дея елкасини қисди Леонид Васильевич.— Бу масалада олимларнинг фикрига ҳам қулоқ солинса ёмон бўлмас?

У ёзув столининг тортмасидан титкилай-титкилай, эскирган бир газетани чиқарди. Вованинг кўзи ундағи лотинча ҳарфлар ва қандайдир соқолли кишиларнинг рангли суратига тушди.

— Нима бу?— сўради Вова.

— «Дейли телеграф»нинг охирги сонларидан бири. Бу суратдагиларни кўряпсанми?

— Соқоллиларими?

— Ҳа соқоллиларни, уларнинг орасида бир аёл ҳам бор. Яхшилаб разм солгин-а, бу одамлар сенинг Иихингга бевосита алоқадор одамлар.

— Нима?! Иихга дедингизми?— ажабланди Вова.— Уларга Иихнинг нима алоқаси бор?

— Эшит. Сенга тушунарли бўлсин учун атайлаб секин ўқийман.

Отасининг бу ҳийласининг маъноси шундан иборат эдикни, отаси ҳали инглизчани яхши билмайдиган, ўғлининг ҳижолат тортишини истамасди. Аммо Вова отасининг бу ҳийласига эътибор ҳам қилмади. У мақоланинг мазмунини англаб олишга бутунлай берилиб кетган эди. Мақола: «Магистр Чарльз Уильям Шиффорд сирларининг қалити» деб аталарди.

Мана унинг сўзма-сўз, биринчи ҳарфида то охирги нуқтасигача бўлган мазмуни:

«Мухбиримиз Гарри Мак-Доуэллс Москвадан, яъни у ерда яқиндагина ўз ишини тамомлаган антрополог ва палеонтологларнинг халқаро (Ўрта Осиёда неандерталларнинг бутун бир қабиласи топилганлиги билан боғлиқ бўлган шов-шувга бағишлиланган) симпозиумидан қайтгач, у машҳур антрополог олим мистер Эндръ Грегори Каллифакс томонидан қабул қилинди ва у билан узоқ муддат суҳбат олиб борди.

Суҳбат давомида Гарри Мак-Доуэллс мистер Эндръ Грегори Каллифаксга неандерталлар билан боғлиқ бўлган шов-шувга доир бир неча саволлар берди. Бу йирик олимнинг берган жавоблари, бизнинг фикримизча, «Дейли телеграф»нинг ҳурматли ўқувчилари орасида жуда катта қизиқишга эга бўлгани учун ҳам, редакция Эндръ Г. Каллифакснинг баъжонидил розилиги билан ушбу суҳбатнинг қисқартирилган стенографик вариантини босиб чиқарди. Қўйида мухбиримизнинг саволлари ва Эндръ Г. Каллифакснинг жавоблари текстини берамиз.

Савол: Москва симпозиуми ҳақидаги фикрларини гиз?

Жавоб: Одам ва ҳайвонот дунёсининг келиб чиқиши тўғрисидаги ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан олиб қараганда симпозиум шубҳасиз катта аҳамиятга эгадир, чунки кейинги ўн йил ичida бу соҳада турли хил қарашларга эга бўлган олимлар бу ерда биринчи марта учрашдилар ва бундай фикр алмашувлар албатта ўз ижобий натижаларини беради деб ўйлайман. Олий даражада ўтган бу учрашув ташки-

лотчилари томонидан менга юборилган таклифномани қабул этишимга фақат бетоблигим халақит бериб қолди. Аммо неандерталларнинг топилишига доир менинг фикрларим, сипозиумда ҳамкасларим томонидан билдирилган фикрларнинг ҳаммасидан ҳам жиддий фарқ қиласи.

Савол: Сиз инсониятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида ўтмиш аждодларимизнинг бирорта вакилини учратиб қолиш мумкинлигига қандай қарайсиз.

Жавоб: Шундай бўлиши мумкин деб ҳисоблайман. Аммо, мен бир вақтлар мамлакатимизни оёққа турғизган бир воқеага эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Савол: Сиз президентнинг ўлдирилишини кўзда тува...

Жавоб: Йўқ, мен медицина магистри Чарльз Уильям Шиффорднинг экспедициясини кўзда туваётубман.

Савол: Кечирасиз, бу ерда бир оз тушунтириш бериб ўтсангиз, чунки мен, масалан, ҳар куни бир неча тилларда чиқариладиган ўнларча газеталарни ўқиб чиқаману, аммо Чарльз Уильям Шиффорд ҳақида бирон нарса учратмаганман. Гап қайси экспедиция устидаги кетаётити?

Жавоб: Бир минг етти юз тўқсон иккинчи йилнинг ўн тўққизинчи апрелида бошланган экспедиция тўғрисида.

Савол: Кечиринг, сиз ҳали унчалик тузалиб кетмаганга ўхшайсиз? Яхшиси, рухсатингиз билан газетхонлар номидан...

Жавоб: Шошманг, Гарри, сиз билан шунчалик гаплашиб ўтирганимга шукур қилинг. Биласизки, сизда қаларни жиним кўп ёқтирамайди, аммо бу ерда неандерталлар билан боғлиқ бўлган гаплар чалкаш бўлиб кетганлиги туфайли афсуски, мен сиз каби бир «ёввойи» билан бу тўғрида бир-икки оғиз гаплашиб олишни маъқул топиб турибман. Наҳотки, сиз магистр Чарльз Уильям Шиффорд ҳақида ҳеч нарса эшитмаган бўлсангиз?

Савол: Саволни мен эмас, сиз беряпсиз шекилли?

Жавоб: Ҳар қалай сезир экансиз. Майли, бошланғич маълумот тариқасида баъзи гапларни сизга айтиб берай. Магистр Чарльз Уильям Шиффорд олтига ҳамроҳи билан боя айтиб ўтганимдай бир минг етти юз тўқсон иккинчи йилнинг апрелида фармокологияда фойдаланиладиган фавқулодда катта қўй-

матга эга бўлган икки-уч хил гиёҳ топиб келиш учун Помир ва Тибет тоғларига экспедицияга жўнаб кетади. Бу экспедициянинг тақдирни ҳакидаги охирги маълумот эса бир минг етти юз тўқсон учинчи йилнинг август ойида олинади ва ўша вақтдаги газеталарда мана шу фотосурат пайдо бўлган эди. (Редакциядан: гап газетамизнинг шу бугунги сонида бериладиган фотосурат ҳақида бораётитпи.)

Савол: Мен мана бу сурат билан, яъни тахмин қилишимча қадимги гравюрадан кўчириб олинган сурат билан, сұхбатимиз орасидаги ўзаро боғланиш борлигини кўрмаяпман.

Жавоб: Агар газета ходимларининг ўзи ҳам бу масалада бирор нарсага тушунолганида ғоят ажабланарли ҳол бўлган бўлур эди. Ушбу расм тагида берилган (1793 йилда газеталарда фотосурат босилганига сизнинг ҳам ишонишингиз етмай турувди энди) мақолачада йўл бошловчилар томонидан олинган акборотларга қараганда Чарльз Уильям Шиффорд экспедициясининг барча аъзолари катта қор кўчкиси вақтида тубсиз жарга қулаб ҳалок бўлган дейилади. Тушунгандирсиз?

Савол: Яна саволни сиз беряпсиз. Аммо, мен сўрамоқчийдимки: яъни ҳмм.. магистр Шиффорд воқеасининг неандерталлар воқеаси билан қандай алоқаси бор?

Жавоб: Бир пиёлагина кофе ичсангиз қалай бўларкин?

Савол: Бажону дил, агар бу мени қизиқтириётган ва ишончим комилки «Дейли телеграф» газетаси ўқувчиларини ҳам қизиқтирадиган ушбу масалага бирор равшанлик киритишга ёрдами тегса. Хўш, кейинчи?

Жавоб: Шунга имоним комилки, Шиффорд экспедицияси аъзоларининг барчаси ҳалок бўлиб кетган эмас! Қамида улардан иккитаси тирик қолган ва улардан бирй аёл бўлган.

Савол: Шундай дейлик ҳам, лекин бунинг нима алоқа...

Жавоб: Икки киши тирик қолган, аммо улар биз томонларга қайтиб келиша олмай, ўша фалокат рўй берган водийда яшай бошлишган. Вақт ўтиши билан улар ёввойилашган. Кейин улар ўзидан кўпайиб табиат қўйнида ўз-ўзича тарбияланаверишган. Кейин эса, уларнинг ҳам болалари дунёга келган ва ҳоказо.

ва ҳоказо, Үмуман, менинг ҳисобимча ҳозир у ерда Шиффордларниң олтиңчи авлоди яшаётган бўлиши керак. Тушунарлимиз?

Савол: Фикрингизга аниқлик киритсангиз?!

Жавоб: Хўл, тайёрман: Қаа муу қабиласи ва унинг бошлиғи — буларнинг ҳаммаси магистр Чарльз Уильям Шиффорднинг авлодларири! Мана бу олим билан ўша Их исмли қабила бошлигини бир-бирига солиштириб, уларнинг ўхшашлигига бир эътибор бериб кўринг-а. Шунда ҳаммаси сизга равshan бўлади-қўяди.

Савол: Умид қиласанки, Сиз гравюрадан кўчирилган ушбу фотосуратни газетамиизда босиб чиқаришга рухсат этасиз ва бу билан «Дейли телеграф» ўқувчиларининг бу ўхшашликни ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил қилишларига имконият яратиб берасиз.

Жавоб: Билганингизни қилинг! Фақат Чарльз Уильям Шиффорднинг осилган жағларига ва юз әллик йил мобайнида ташқи дунёдан батамом ажralиб қолган ҳар қандай одамнинг ҳам ёввойилашиб кетиши ҳеч гап эмаслигига алоҳида эътибор беришсин!.

Вова отаси ўқиб берадётган бу ахборотнинг ҳар бир сўзини гоятда ҳушёрлиқ билан, жимгина тинглаб турди.

— Хўш, энди болажоним, бор кўчага чиқиб бир ўйнаб кел. Мен эса, газетанинг бугунги сонига летит билан нақ бир юз йигирма қатор келадиган лавҳа ёзиб беришим керак.— Отаси ўғлиниң тўзиб кетган соchlарини тўғриларкан, яна қўшиб қўйди:— Менинг тинмагур нонпарелгинам... Үмуман, энди сени ҳатто летит деб атаса ҳам бўлар дейман... Ёки, йўқ — корпус деб аташ керак. Оч корпус!

На узбекском языке

Для среднего школьного возраста

ЛЕВ БЕЛОВ

ЫХ ПОКИДАЕТ ПЕЩЕРУ

Повесть

Перевод с издания издательства «Ёш гвардия», 1965 г.

Редактор И. Мирзамаҳмудов

Рассом Э. Кигай

Расмлар редактори М. Нарпузас

Техн. редактор Э. Сайдов

Корректор С. Тоҳирова

ИБ № 2474.

Босмахонага берилди 11.03.84. Босишга рухсат этилди 16.07.84.
Формати 84×108¹/32. Босмахонага юғози № 3. Мактаб гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 10.08. Шартли кр.-оттиск 10.5. Нашр л. 11.16. Тиражи 60000. Заказ № 3321. Баҳоси 35 т.

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129.
Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Узбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил
Байроқ орденли босмахонаси. ГСП, Тошкент, «Правда Востока», 26,